

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

С.Р.РЎЗИМБОВ, Н.Э.САБИРОВА



ХОРАЗМ БАХШИЧИЛИГИ АНЪНАЛАРИ

Услубий қўлланма.

“XORAZM YOSHLARI”

нашриёт-матбаа уйи.

Урганч – 2021

Р Рўзимбоев, С. Хоразм бахшичилиги анъаналари [Матн] /
С.Рўзимбоев, Н.Сабинова. - Урганч : Xorazm yoshlari, 2020. - 230 б

Ушбу услубий қўлланма-хрестоматияда Хоразм бахшичилиги санъатининг тарихий илдизлари ёритилади, Хоразмда яшаб фаолият кўрсатган машҳур бахшилар ҳақида биографик маълумотлар берилади ҳамда уларнинг ижоди ва репертуаридаги достонлардан парчалар келтирилади.

Услубий қўлланма-хрестоматия филология факультети талабаларига, магистрантларига ва халқ оғзаки ижодиётига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Тузувчилар:

С.Р.Рўзимбоев – профессор, Н.Э.Сабинова (PhD)

Масъул муҳаррир:

Ш.Ғ.Турдимов, филология фанлари доктори.

Тақризчилар:

С.М.Сариев, филология фанлари номзоди,

Д.Ғайинов, филология фанлари номзоди, доцент,

И.Ҳажиева, филология фанлари номзоди, доцент.

Урганч Давлат университети Ўқув-услубий Кенгашининг 2020 йил 28 октябрдаги 1-сонли йиғилиши Баённомасига асосан нашрга тавсия қилинган.

Расмном: Зулфия КАРИМОВА.

ISBN: 978-9943-6635-3-4.

© С.Рўзимбоев, Н.Сабинова “Хоразм бахшичилиги анъаналари”.

© “Xorazm yoshlari” нашриёт-матбаа уйи. 2020 йил.

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ ИЖРОЧИЛАРИ

Достонлар ўзининг ижрочилари билан тириқдир. Шу сабабли мазкур жанрни уларнинг ижрочилари - бахшиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хоразм достон ижрочилари ҳақида айрим маълумотлар турли манбаларда берилган бўлса-да,¹ Хоразм бахшилари ва халфалари шажараси ҳақида ҳозиргача яхлит бир тадқиқот яратилмади. Чунки, Хоразм достон ижрочилари ҳақида энг дастлабки ёзма манбалар XIX асрнинг биринчи чорагидан бошланади. Бу манбалар ҳам асосан чет элдан Хоразмга ташриф буюрган айрим саёҳатчилар фаолияти билан боғлиқдир. Шулардан бири 1819 йилда Хивага келган рус зобити Н.Муравьевга тегишли хотиралардир. У Хивада бўлганида бахшилар шахси ҳақида конкрет маълумот бермаса-да, уларнинг ижроси ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни билдирган. Жумладан, у бахшилар ҳақида шундай ёзади: «Куйловчилар овозлари, тана ҳаракатлари билан ўзларидан олдин ўтган авлодларнинг эпчилликларини, кўркмасликларини, ғайрат ҳамда жасоратларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар... уларнинг кўшиқлари айрим ҳолларда тун бўйи давом этади. Улар баланд ва хириллаган овоз билан куйлашади.²

Хоразм бахшилари ҳақида айрим қайдлар Ҳ.Вамбери асарларида ҳам кўзга ташланади. Бироқ, шарқшунос олим бирорта конкрет бахши ҳақида маълумот бермасдан, улар ҳақида юзаки тарзда сўз юритади. Масалан, у шундай ёзади: «... мазкур хрестоматияда асосан бахшилар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган, ёки таржима қилган шимолӣ турк халқларининг барчасига таниш, улар севган, уларнинг тили, фикри ва ўйларини акс эттирувчи материаллар бор... Улар ўзбек халқи ва уларнинг ҳоликлари билан кўшни яшовчи қирғизлар орасида кенг тарқалган ва ҳамма жойда дутор ёки қўбиз жўрлигида бир хил куйланади.³

Ҳ.Вамберининг хрестоматия китобига ёзган ушбу сўзбошисидagi фикрлар илмий жамоатчилик учун ниҳоятда қимматли бўлиши билан бирга олимнинг айрим фикрларини тузатиб ўтишга тўғри келади. Чунончи, ушбу сўзбошда олим бахшилар ҳақида сўз юритиб, «бахшилар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган ёки таржима қилган... материаллар» деган иборани ишлатдики, бу фикр

¹ Каранг: Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонтода. Хоразм мусикий тарихчаси, Т., 1998; Рузмибоса С. Хоразм достонлари, Т., 1985; Матёкубов Б. Хоразм достон ижрочиларининг шарҳал салқифалари, Урганч, 1999 ва бошқалар.

² Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820, М. 1822, 122-бет.

³ Чингатай тили дарслиги. Лейпциг, 1867, 43-бет.

унинг ўзбек бахшилари ҳақида тўла тасаввурга бориб етмаганини кўрсатади. Негаки, энг аввало, бахшилар халқ ижодиётига мансуб бўлган терма ва достонларни ижро қилишади. Уларнинг репертуаридаги асарлар асосан устоздан шогирдга ўтади. Улар достонни қардош халқлар бахшилари репертуаридан олганда ҳам Ҳ.Вамбери айтгандай «таржима қилиб» эмас, балки ижодий қайта ишлаш орқали ўзлаштирадilar.

Шунингдек, унинг ўзбеклар орасида тарқалган достонлар кўшини қирғиз ва бошқа халқлар орасида бир хил куйланади деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки, дутор жўрлигида достон куйлаш билан кўбиз жўрлигидаги ижро бир-биридан кескин фаркланади. Демак, Ҳ.Вамбери

Хоразм достон ижрочилари ҳақида сўз юритса-да, мазкур анъана ҳақида тўла илмий маълумот бера олмайди. Хоразм воҳасида тарқалган «Гўрўгли» достонлари ва уларнинг ижрочилари ҳақида энг муҳим маълумотлар 1908 йилда воҳага келган рус шарқшуноси А.Н. Самойлович асарларида учрайди. У Хоразмда бўлган пайтда достончиликнинг энг фаол маркази бўлган Пўрсига боради. (Туркменистоннинг ҳозирги Бўлдимсоз тумани маркази) «Мен Пўрсида бутун хонликда энг машҳур бўлган 58 яшар човдур (уруғ номи) Суяв бахшининг айтганларини тингладим»,⁴ деб ёзади у.

А.Н.Самойлович Хивада бўлганида бахшилар ижросини бевосита тинлагани ҳақида қуйидагича маълумот беради «Хивалик бахшининг ўзи дутор чалиб, китобий достонни ижро этаётганида икки созанда буламон чалишиб, унга жўр бўлиб туришади»⁵. Демак, А.Н. Самойлович бу масалага Ҳ.Вамберига ўхшаб юзаки муносабатда бўлмаган. Шарқшунос олимнинг пўрсиллик Суяв бахшидан олган маълумотларига қараганда Пўрси достончилик мактабига ўша пайтда Суяв бахши бошчилик қилиб, атрофига кўплаб ўзбек, туркман ва қорақалпоқ бахшларини жамлаган ва туркман ўзбек ҳамда қорақалпоқ тилларида достон куйлаган. Суяв бахши ўз устози ўзбек бахшиси Ғарибниёз ва ундан олдин ўтган ўзбек бахшилари Эшвой, Оташ, Нуржон, Ниёзмат бахшилар ҳақида маълумот беради. Суявнинг ўзи 1850 йилда Пўрсининг Сеитназар гўмачи овулида туғилган. Юқорида номи келтирилган бахшилар XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилишган.

⁴ Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханство в 1908 году.

//Известие русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, лингвистическом и этнографическом отношении. СПб., 1909, №9. 21-22-бетлар

⁵ Ўша манба, 25-27-бетлар

XIX асрнинг иккинчи ярмида Абдурахим, Мусо, Отаниёз, Отажон, Ризо бахшилар Суяв билан бир даврда фаолият кўрсатишган. Таниқли фольклоршунос Қалли Айимбетовнинг ёзишича Қўнғирот, Пўрси, Хўжайли атрофларида бу бахшилардан кейин Одилбой, Ўринбой, Оллаёр, Қутим бахшиларнинг дoston куйлаганликлари ҳақида маълумотлар бор.

Асримизнинг бошларида Хўжез (қипчок), Аҳмад, Қўчқор (Манғит), Хўжез гармончи (Шаббоз), Қўшакўр (Тўртқўл), Эшнӣёз (Қўнғирот), Жуманазар (Янгиариқ), Хўжик бахшилар машҳур бўлганлар. Афсуски, ушбу бахшиларнинг ҳаётига оид батафсил маълумотлар сақланиб қолмаган.

Айрим бахшилар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар эса уларнинг замондошлари эсдаликлари орқали етиб келган. Масалан, Мадрахим Ёқубов Шерозий XIX аср охири XX аср бошларида яшаган куйидаги бахшиларнинг аянчили тақдири тўғрисида хотиралар қолдирган:

Эрниёз бахши. Қўшқўпирнинг Ўзбекёп қишлоғида яшаган. Хоннинг қариндоши Саидабдулланинг тўйига бормагани учун буридан ип ўтказилиб қўшиқ айттирилган.

Жумёз бахши. Ҳазораспда яшаган. Знефатга кечикиб келгани учун Саидмурод божимоннинг ўтли ҳовузга итариб юборган. Ўпкаси шамоллаб ўлган.

ОШИҚ ОЙДИН ПИР

Шарқ халқларида қадимданоқ ҳар бир касб-ҳунарнинг устози-пири сифатида борор шахснинг улуғланиши анъанаси мавжуд.

Хоразмда кўл ва дарёларда қайиқ ва кема ҳайдовчилар ўзларининг пири сифатида Нуҳ пайғамбарни тан оладилар. Темирчилар иш бошлаганда Довуд пайғамбарни ёдга солишади.

Хоразм бахшилари эса ўзларининг маънавий устози сифатида Ошиқ Ойдинни эъзозлашади. Бу табаррук шахс туркман бахшиларининг ҳам пири ҳисобланади¹.

Тўра Мирзаевнинг ёзишича, Самарқанд дostonчилиги доирасида бахшилар пири сифатида мулла Ғойиб тан олинади. Ушбу шахс ҳақида шу номдаги дoston ҳам бор². Шунинг таъкидлаш керакки, бир пайтлари “Ошиқ Ойдин” номли дoston ҳам бўлган³.

¹ Карриев Б.А. Эпические сказания о Кереглы у тюркоязычных народов. -М.: Восточная литература, 1968. -С.134.

² Мирзаев Т. Эпос и сказитель. -Т.: Фан, 2008.-С. 66.

³ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -М.: ГИХЛ, 1947. -С.294.

Қорақалпоқ ва қозоқларда Сўтпасли Сипира Жиров, Озарбайжонларда Кўрқут ота каби шахслар ҳам бахши, жировлар пири сифатида улуғланадилар.

Ошиқ Ойдин пирининг номи “Хирмондали”, “Ошиқ Нажаб”, “Ошиқ Албанд” каби Хоразм достонларида кўплаб учрайди. Айниқса “Ошиқ Нажаб” достонида унинг фаолият доирасига катта эътибор қаратилган. Нажаб Ошиқ Ойдин пирга хизмат қилиб, унинг дугорини совға сифатида олишга муваффақ бўлади. “Хирмондали” достонида саз ва сўз борасида ҳеч бир қимса енга олмаган Хирмондалини Ошиқ Ойдин айтишувда енгиб чиқади.

“Ошиқ Албанд” достонида Ошиқ Ойдин пир эпик қаҳрамон тақдирининг энг қалтис дамлирида Албандга дуч келиб, унга йўл-йўриқ кўрсатади, далда бағишлайди:

Танисангиз нафас этган пирингман,

Ошиқларнинг мақсадини билурман.

Санго дуо этган Ойдин пирингман,

Кўп йиғлама, севар ёрни кўрарсан⁴,

деб кўздан ғойиб бўлади.

Достонларда ошиқ-бахшилар пири бўлган ушбу шахс ҳақида кўплаб ривоятлар тўқилган. Айтишларича унинг қабрида тунаган бахшиларга пир шароб тутар экан, агарда уни шогирд ичса, улуғ созанда, ошиқ-бахши бўлиб етишар экан. “Ошиқ Маҳмуд” достонининг ЎзР ФА ТАИ фольклор бўлимининг қўлёзмалар фондида 1431-раҳамли инвентарда сақланаётган қўлёзмасида Маҳмуджон ва Нигорхонлар сувга чўкиб, ҳаётдан кўз юмганларида Ошиқ Ойдин пир уларни “Жон, тана гир” куйини чалиб тириштиради.

Ушбу ишда Хоразм бахши, созандаларининг тилидан тушмайдиган бу шахснинг ўзи қим, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Айрим манбаларда Ошиқ Ойдин пирининг Кўҳна Урганчининг жануби-ғарбида жойлашган Вос қалъасининг Диёрбакр деган жойида ва Бағдод шахридаги зиёратгоҳлардан бирида қабрлари борлиги қайд қилинади.

Туркман ёзувчиси Нури Олтиевнинг маълумот беришича, ўтган асрнинг 90-йилларида Ошиқ Ойдин пир зиёратгоҳининг шайхи бўлмиш Хўжа отада “Авариф Шариф ас-Салом Ҳад” номли китоб бўлиб, унда улуғ пирининг ҳаётига онда қимматли маълумотлар сақланган.

⁴ Ошиқнома. II китоб. Урганч, «Хоразм», 2006. 187-бет.

Ошиқ Ойдин пир дастлабки халифа Абу Бакр Сиддиқ (632-634) билан алоқадор силсилага бориб боғланади. Бу силсила ўзига хос ғоявий оқим бўлиб, сўфийлик силсиласи деб юритилган. Бу оқимга Абу Али Ибн Сино, Абул Ҳасан Ҳарақоний, Абу Сайид Махнаий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Мансур Халлож, Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадонийлар ҳам кирганлар. Ошиқ Ойдин пир мақбарасининг шайхиди сақланадиган “Тазкират ул Ҳусайн” номли китобда бу ҳақда аниқ маълумотлар битилган. Унда таъкидланишича, “Ҳазрати шайх Абду Қодир Ғилонийнинг (1077-1166) суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, машҳур бўлганларнинг охири шайх Шаҳобиддин турур. Шайх Чингизхон фитнасининг кейин Абдул Қодир Касирийга мурид бўлдилар. Ошугиддин ҳар киши машғули мушкул бўлса, бируборга арз қилиб рахс ишғол қилур эрди. Шайхнинг вафоти ҳижрий йилнинг 632-сида воқе бўлди. Мудқат муборақлари шаҳри Бўстоннинг Диёрбакр ҳаддида ҳамда Бағдодда икки жойда ҳам зиёратгоҳлари бор турур”

Е. Э. Бертельснинг “Сўфизм ва сўфийлик адабиёти” китобида ушбу давр билан алоқадор муҳим маълумотлар учрайди. Жумладан, ўша китобда ас-Сухравардий деган муаллифнинг “Аворифул-маориф” деган ишн ҳақида сўз юритиб, унинг адабиёт ва санъат ривожига қўшган катта улуши хусусида айтиб ўтади. Унинг Ғилонийнинг шоғирди эканини таъкидлаб, 1255 (мелодий) йилда вафот этганини қайд қилади⁵.

Ушбу шахснинг Ошиқ Ойдин пир эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки биз юқорида таъкидлаб ўтган “Тазкират ул Ҳусайн” асарида Ошугиддиннинг ватани шарифлари Сухравардий дейилган. Яна ўша китобда айтилишича шайх ҳазратларининг “Авориф шариф ас Салоҳий Ҳад” деган асари ҳам бўлиб, у Маккада чоп этилган.

“Ошиқ Нажаб” достонида Ошиқ Ойдиннинг шаҳри Бўстонда яшаганлиги, 360 сўфиси борлиги, 115 ёшда эканлиги айтиб ўтилган. “Хирмондали”да ҳам шунга яқин маълумотлар берилган. Унинг Чингизхон босқинидан кейин 16 йил яшаганлиги ҳақида маълумот берувчи манбалар ҳам мавжуд.

Сўнгги маълумотларга қараганда ҳақиқатан ҳам Ошиқ Ойдин пирнинг шажараси Эроннинг Сухравард шаҳри билан узвий боғланади. Улар уч қариндош Нажиб Сухравардий (1097-1168), Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Яҳё Сухравардий (1115-1191) Шайх

⁵ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965, - с. 485.

Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий, (1144-1234) бўлиб, Нажиб Сухравардий уларга устозлик қилган⁶.

Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий биз сўз юритаётган Ошиқ Ойдин пирнинг худди ўзидир. Унинг диний арбоблигига ишора сифатида Ошугиддин лақаби юзага келган ва халқ тилида Ошиқ Ойдин шаклига кирган. У Сухравардийлик тариқатига асос солган. Умар Сухравардий 35 ёшида Бағдодда “шайхлар шайхи” даражасига кўтарилган. У Ироқ мамлакатининг элчиси сифатида Ироқ, Хоразм, Эрон, Салжукия орасидаги урушларни тўхтатган. Ўз навбатида Ироқнинг Хоразмидаги элчиси бўлган. Унинг Хоразмга элчи бўлиб келили воқеалари Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти» китобида ҳам ҳикоя қилинади. Ан-Насавийнинг ёзишча, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг обрў-этибори юксалиб, улутвор ишларга қўл уриб бошлайди ва Бағдодга юриш мақсадини амалга ошириши маълум бўлиб қолади. Унинг бу мақсадидан қайтариш учун энг обрўли, шайхлар шайхи номини олган Шихобиддин ас-Сухравардий Хоразмга элчи қилиб юборилади. Бироқ Хоразмшоҳ шайхни менсимай кутиб олади. Ҳатто анча навбат кутиб ҳузурига кирганда унга ўтиришга рухсат бермайди. Ниҳоят шайх унга пайғамбар ҳадисларидан сўзламоқчи эканини айтади. Хоразмшоҳ бунга рози бўлиб, пастга тушиб тиз чўкиб ўтириб, шайхни тинглайди. Шайх ҳадис орқали уни уруш қилиш мақсадидан қайтишга ундайди. Бироқ бу ҳаракатлар бекор кетади. Ниҳоят у Бағдодга юриш қилади. Аммо қўшини табиат инжиқликлари туфайли парокандаликка учрайди. Бундан таъсирланган Хоразмшоҳ ас- Сухравардийнинг сўзига амал қилмаганидан пушаймон этиб, шайхни қайтадан Хоразмга элчи сифатида келишга таклиф этади⁷.

Сал ўтмай Чингиз босқини юз беради. Шайх Шихобиддин Сухравардийнинг Хоразмшоҳ томонидан яхши кутиб олинмаганиги, Шайхнинг башорати тўғри чиқиб, Хоразмшоҳнинг хор-зорликда ҳалок бўлиши Ошиқ Ойдиннинг халқ орасидаги обрўси ошиб пир даражасига кўтарилишига сабаб бўлганиги эҳтимолга жуда яқин. Умар Сухравардийнинг ўғли Шайх Зайниддин (Зайниддин бобо) ҳам диний ва жамоат арбоби бўлган. Ўша соҳа бўйича у Тошкентга ҳам келган. Умар Сухравардий асос солган суҳравардийлик тасаввуф

⁶ Ўзбек миллий энциклопедияси, 8-том. -Т.: “Ўзбек миллий энциклопедияси”, 2004, 184-185-бетлар.

⁷ Ан-Насавий Шихобиддин Муҳаммад, Султон Жалолиддин Мангуберди тафсилоти. -Т.: “Ўзбекистон”, 2006, 30-40-бетлар.

тариқати деб аталувчи бу оқим икки дарё оралиғида зоҳидлик мактаби неғизида таркиб топган бўлиб, унинг аъзолари ҳунармандлар ва ўқимишли зиёлилар ҳисобиغا кенгайиб борган. Сухравардийлар суннийлик ақоидчилари бўлиб мўътадил сўфийлик қарашларини тарғиб қилганлар. Улар дунёвий илм билан илоҳий илмнинг узвий боғланишини тан олишган. Умар Сухравардий ўзининг 63 бобдан иборат “Авориғ ул маориф” асарида “дунёвий илм-ғўёки сут, илоҳий илм эса-унинг қаймоғидир” деб ёзади. Унинг асарлари араб, форс, немис ва инглиз тилларида нашр этилган. Алишер Навоий ўз асарларида шайхни эъзозлаб тилга олади. Шайх Саъдий Умар Сухравардийни ўзининг устози деб билган. Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол ҳам Сухравардийлик тариқатига мансуб бўлган.

Ошиқ Ойдин пир туғилиб ўсган жой дostonларда шахри Бўстон, шахри Бастом тарзида учраса-да, халқ орасида у Вос номи билан машхур. Бир вақтлари унинг ёнидан Амударёнинг Тунидарё деган irmoғи оқиб ўтган. Унинг ҳудудида Диёрбакр, Шоҳсанам, Ақча келин, Ширвон, Шемох каби кўплаб қалъаларнинг харобалари жойлашган. Ушбу топонимик номларнинг барчаси “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, Гўрўғли” дostonларида тез-тез кўзга ташланади. Албатта дostonлардаги бу маълумотлар Умар Сухравардийнинг Ошиқ Ойдин номи билан машхур бўлганидан кейинги тафсилотлардир

Ошиқ Ойдин пирнинг мусикага оид рисоалари ҳам бўлган. Бироқ улар ҳозиргача топилмаган. Унинг тарихий шахс бўлганлиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ўз навбатида шуни айтиш лозимки, улуг пир ҳақида тўқилган айрим ривоятлар унинг қиёфасини афсонавий шахс сифатида намоён қилади. Бундай ҳолатлар Қўрқут ота, Сипира жиров каби шахслар ҳаёти ҳақидаги маълумотларда ҳам учраб қолади. Масалан, қорақалпоқ “Едиге”сида Сипира жировнинг кароматли шахс эканлигига асосий ургу берилиб, 360 ёшга кирганлиги баён этилади.

Қўрқут отанинг ўлмаслиги ҳақидаги ривоятлар ҳам шу тизимга киради. Ошиқ Ойдин пирнинг 115-120 ёшга кирганлиги ҳақидаги ривоятларда келтирилган маълумотлар эса унчалик ишонч туғдирмайди. Чунки у ҳақиқатан ҳам 90 ёш умр кўрган.

Хоразмда соз илми ҳақида сўз кетганда Қамбар бобо тилга олинади. “Қамбарнинг дутори” “Али Қамбар” каби иборалар тез-тез кулоққа чалиниб туради. Бу киши ҳам машхур мусика устаси бўлиб, тарихий шахс сифатида фаолият кўрсатган бўлиши эҳтимолдан ҳоли

эмас. Мабода эътибор берилса, Ошиқ Ойдин пир бахшиларнинг, Қамбар бобо эса созандаларнинг пири сифатида машҳурлик касб этади. Ўтган асрнинг 90-йилларида Ошиқ Ойдин пир қабри жойлашган Вос қалъасида Ошиқ-бахшилар мусобақасини ўтказиш анъанага айланган эди. 1991 йилда бу ерда бахшиларнинг халқаро беллашув кўриги бўлиб ўтган. Бу анжуманда Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон республикаларидан келган кўплаб бахшилар улут пир қабрини зиёрат қилдилар. Айниқса Хоразм, Тошхонув ва Қорақалпоқ бахшилари бу тадбирда фаол иштирок этишди⁸.

Мазкур анжуманда Бола бахши Қурбонназар Абдуллаев охириги марта ўз фарзандлари Норбек, Матёкуб ва Етмишбойлар билан қатнашиб, “Хирмондали” достонини куйлаб беради. Ўша йили бахши 92 ёшда эди.

Восда ўтказиладиган ушбу анъана 1995 йилгача давом этиб келди. Хулоса қилиб айтганда Ошиқ Ойдин пир тарихий шахс бўлиб, тасаввуф тариқатининг асосчиларидан бири сифатида танилган. Шу билан бирга буюк жамоат арбоби бўлган, ўз навбатида санъаткорлик илмини ўзлаштирган соз ва сўз соҳиб даражасига кўтарилган. Унинг юксак халқларварлиги, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлидаги сазъ-ҳаракатлари, қиргинбарот урушларни тўхтатиш йўлидаги мардона курашлари халқ онгида муҳрланиб қолган. Натijaда асрлар ўтиши билан унинг шахси ҳақида турли ривоятлар ва дoston тўқилган. Шу тариқа туркий халқлар орасида Сипира жиров, Қўрқут ота, мулла Ғойиб, Олланазар Олтинбек каби Ошиқ Ойдин пирга монанд бахши, жировлар ҳам дoston ижрочиларининг пири, ҳомийси сифатида улуғланиб келинган.

Ушбу шахсларнинг кароматлилиги, буюклиги ҳомийлиги ҳақидаги ривоятларнинг тўқилишида шомонлик анъаналарининг роли ҳам каттадир.

ЭШВОЙ БАХШИ

XIX асрнинг истеъдодли дostonчиси Эшвой бахши 1839 йили Хоразм вилояти Шовот туманидаги Доричи қишлоғида тутилган. 15-16 ёшларида дoston йўллари бўйича куйларни ўрганиб, қўшиқ айта бошлаган. Илгари яшаб ўтган бахшиларнинг айтишича у шонир, бастакор, хонанда бўлган.

⁸ Ошиқ Ойдин-94. Дашхонув, 1994, 3-бет.

Эшвой бахши машхур созанда бўлганки, халқ унинг фаолияти ҳақида кўплаб кўшиқлар тўқиган:

Эшвой бахши овозали,
Қибла ёнда дарбозали,
Паловлари кўп мазали,
Куйла, Эшвой, тилларингдан.

Қарияларнинг эслашига қараганда, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) Эшвой бахшини тўйга таклиф қилган. Бахши отланиб, қўлда дутори билан йўлда бораётганида, Қўшқўпирнинг Тақир қишлоғига етганида, бир камбағалнинг тўйи устидан чиқиб, ўша ерда тутулиб қолади. Натижада Эшвой бахши хон газабига учрайди. Газабланган хон бахшини Калта минорадан ташлаб ўлдиришга ҳукм қилади. Бунни эшитган Хива халқи бахшининг ҳаётини сақлаб қолиш учун минора тагига тўшак, сомон, голи-палосларни тўшайдилар.

У голи-палос устига йиқилиб, омон қолади. Бу воқеани эшитган хон Эшвой бахшини хузурига чақиртириб, «Менинг ўзим ҳам сенинг ўлимингни истамаган эдим», - деб уни қўйиб юборади. Бу ҳақда бизга етиб келган тўртликлардан бири:

Эшвой деган Доричиннинг боласи,
Бахшидан айлансин Хива қалъаси,
Тагига тўшалди голи-палоси,
Тингла, Эшвой, жонларинга бандиман.

Бахшининг қабри Кўҳна Урганчда жойлашган. Унинг ўғли Ўринбой бахши сифатида танилиб, кўпгина дostonларни куйлаб келган.

Маълумки, Хоразм dostonларининг мусиқа қисми алоҳида-алоҳида мустақил куйлардан иборат. Бола бахшининг маълумот беришича улар 72 куйни ташкил этган. Шулардан бир қисmini Эшвой бахши яратган: Эшвой 1, Эшвой 2, Туркман Эшвойи, Урганжий, Курд Эшвойи, Фарғона Эшвойи ва бошқалар.

Эшвой бахшининг «Гўрўтли» туркумидаги 16 dostonни ёддан билганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек у «Ошиқ» туркуми dostonларидан ҳам кўпчилигини билган. Эшвой бахши ижоди ва ҳаётини ўрганиш, уни халқимизга етказиш фольклоршунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

ҒАРИБИЁЗ

Тарих саҳифаларига назар ташласак, Хоразм воҳасида яшаб келган турли миллатлар дўстлигига оид кўпгина фактларга дуч

келиш мумкин. Бу нарса халқ эпик ижодиётининг вакиллари бўлган бахшиларнинг устозлик - шогирдлик анъаналарида, айниқса, яққол кўзга ташланади. XVIII-XIX асрлар туркий халқлар достончилигининг энг гуллаган даври бўлиб, ўша даврларда Хоразм воҳасида жуда кўп талантли бахшилар яшаб ижод қилган. Улардан қирқдан кўпроғининг номи маълум бўлса-да, фаолияти ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. XIX аср ўрталарида яшаган шоир-бахши Ғарибниёз ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шоир тақдири ҳақида сўзлашдан олдин унинг шогирди-туркман бахшиси Суяв (суянч, таянч, елкадош) ҳақида оз бўлса-да, тўхталишга тўғри келади. Академик А.Н.Самойлович ўз асарларида Пўрсиди Тошқовуз вилоятининг ҳозирги Бўлдимсоз туманида яшаган Суяв бахши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унинг туркман, ўзбек, қорақалпоқ тилларида достон қўйлаганини таъкидлаб, бахшининг 58 ёшида эканлигини айтиб ўтади. Олимнинг Хоразм воҳасига 1908 йилда келганлигини ҳисобга олсак, бахшининг таваллуди 1850 йил бўлиб чиқади. Суяв бахшининг репертуаридаги кўплаб достон ва термалар туркман, ўзбек, қорақалпоқ бахшилари ижодида ҳозиргача яшаб келмоқда. 1985 йилда вафот этган гурланлик Сакрак бахши (Жумабой Худойбергенов), манғитлик Турсун бахши Пўрси достончилик мактабининг сўнгги вакиллари бўлишган. Суяв бахши репертуарида «Эшвой» қўшиғи алоҳида ўрин тутган. Мазкур қўшиқ XVIII асрда Пўрси атрофларида яшаган ўзбек бахшиси Эшвойга бағишланган бўлиб, унда бахшининг олиёбқаноб хислатлари таъриф этилади.

Эшвой бормай ҳеч ким тўйин кўрмади,
Юзин кўрмай қизлар вакил бермади.
Фиску фужур, ҳаром ишга юрмади,
Шу қилигин эллар суйди Эшвойнинг.

Шу пайтгача бу қўшиқ Суяв бахши ижодига нисбатан берилар эди. Бироқ халқ орасида юрган бу қўшиқнинг турли вариантларини қиёсласак, масаланинг бошқа бир муҳим томони ҳам ойдинлашгандек бўлади:

Эшвой Оташ, Нуржон билан соз этди,
Беш кунлик умрини сарафроз этди.
Ўлгандан сўнг васфин Ғарибниёз айтди,
Соз-сўз билан умри ўтди Эшвойнинг.

Шеърнинг мазкур банди унинг Ғарибниёзга тегишли эканлигини тўла тасдиқлайди. Демак, «Эшвой» қўшиғини ижод қилган ва унга қуй басталаган киши Суявнинг устози Ғарибниёз бўлиб чиқади.

Қорақалпоқ фольклоршуноси профессор Қ.Айимбетов 1968 йилда Нукусда босилган «Халқ донолиги» китобида Суяв бахшидан бурун ва у билан бир даврда Эшвой, Оташ, Ғарибниёз каби таниқли бахшилар яшаб, ижод қилганликларини кўрсатиб ўтади. XVIII асрда яшаган Эшвой бахши ва унинг шогирди Ғарибниёз тўғрисида кўпгина маълумотлар мавжуд. Шоирнинг «Эшвой», «Кўзларим» деган қўшиқлари 1963 йилда Ашқободда нашр этилган «Маржон доналар», 1965 йилда Нукусда босилган «Қорақалпоқ халқ қўшиқлари» китобларига киритилган.

Кузатишларга қараганда истеъдодли бахши Ғарибниёз ўз устозига бағишлаб «Эшвой» шеърини яратган ва унга махсус қуй басталаган. Бу қуй баъзан дoston қўшиқлари билан айтилиб ҳозиргача яшаб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назира Юсупова репертуаридаги «Эшвой» қўшиғи бунинг ёрқин мисolidир. Ўз навбатида бу қуй туркман ва қорақалпоқ бахшилари ҳамда хонандалари репертуарида ҳам мавжуд. Суяв бахши бу қўшиқни устозининг мероси сифатида маҳорат билан қуйлаб, бизгача яшаб келишида кўприк бўлиб хизмат этган. «Кўзларим» шеъри мазмунига қараганда шоир умрининг охирида кўр бўлиб қолган. Буни ўз шеърида изтироб билан баён қилади:

Икки кам элликка борганда азиз ёшим менинг,
Бунча дардга дуч келибдур бу ғариб бошим менинг.
Сармалаб-излаб топиб, оғу бўлар ошим менинг,
Етти жаҳонни кўргали йўқ эрур йўлдошим менинг,
Қайғу ғам-ғусса билан йўйган наҳорим кўзларим.

Кўзи ожизлиги сабабли шоир халқ орасида баъзан Матниёз Қори номи билан ҳам тилга олинади.

Манғитлик Хударган бахши, тўртқўллик Абдулла бахшилар билан бўлган суҳбатда Ғарибниёзнинг «Ўтгандир» номи шеъри борлиги ҳам маълум бўлди. Бу шеър хивалик Шукур Қори репертуарида айрим ўзгаришлар билан сақланиб қолган. Шоирнинг юкорида тилга олинган «Эшвой», «Кўзларим» каби шеърларининг ўзбекча вариантлари туркман ва қорақалпоқча матнлардан ҳажман кўпчилиги, айниқса, «Кўзларим» шеъри арузга кўпроқ мос келиши ва бошқа айрим хусусиятлари билан ажралиб туради. Албатта халқ орасида унинг бошқа шеърлари ҳам сақланиб қолган бўлиши мумкин. Буни келажакдаги изланишлар тасдиқласа ажаб эмас. Бирок ҳозирча қўлимизда бўлган икки-уч шеър ҳам Ғарибниёзнинг истеъдодли шоир, бахши бўлганлигидан дарак беради.

Шоирнинг қайси миллатга мансуб эканлигини аниқлаш учун уриниб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Негаки, у ўзбек бахшисига шогирд, туркман бахшисига устоз бўлган. Воҳадаги барча халқларга уч тилда дoston қуйлаб, баб-баравар хизмат қилган. Бу эса қадимий дўстлигимизнинг яна бир қудратли тимсолидир. Шоирнинг ўзбек тилидаги адабий меросини излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш фойдадан холи эмас.

РИЗО БАХШИ

Муҳаммад Раҳимхон-Феруз саройида бахши ва жиrow бўлиб хизмат қилган Ризо бахшининг ҳаёти ҳақида тўла маълумот сақланиб қолмаган. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Девонзодаларнинг «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобида ушбу шахс ҳақида қуйидагича маълумот берилган.

“Бу одам Гурлан қалъасини Хитой мавзъсидандур. Ўзи ҳам бахши ҳам жирчи эди. Ризого «Бежилов» деб лақаб берилур эди. Ризо бахши Муҳаммад Раҳимонхон сонийнинг яқин бахшиси ва жирчиси бўлиб, кечалари хоннинг ётожоқ замони ёнига кириб бир эртақ бошлар, эртаги битгани бирла сўнг мазмунига уйғун ғазалларни қўвуза қўшиб ўқуб, хон уўқуга кетгандан сўнг ўз жойина қайтар эди. Ризо бахшининг ҳар кундаги вазифаси шундан иборат эрди. Ризо бахши мазкур хон замонида вафот қилгандур. Ризо бахшининг хоннинг ёнида қўвиза қўшиб ўқийдургон ғазалларидан бир порасини аҳамиятина гўра ёзиб ўтмакни ўхшорли топдик:

Чархини товлаб соз этган,
Йиғит кўриб ноз этган,
Мангитлининг қизлари.

Паранжаси сочоқли,
Узун бўйли, гени кучоқли,
Хивалининг қизлари.

Алинда бор билазик,
Наввало беллари нозик,
Урганчлининг қизлари.

Боқча кўрса бойим дер,
Қамишлик кўрса жойим дер
Қозоқларнинг қизлари”.

(Матни ўзгартирмасдан ўз ҳолича бердик.)

СУЯВ БАХШИ

Туркман фольклоршунослигида эпос ва унинг ижрочилари бўлган бахшилар ҳаёти, ижодий репертуари ҳақида кўпгина тадқиқотлар яратилган. Б.Гарриев, С.Гарриев, Б.Мамедязов, П.Кичигулов, А.Бекмирадов каби кўплаб фольклоршуносларнинг асарлари фикримизга далил бўла олади. Ушбу тадқиқотларда туркман дostonчилигининг қирралари илмий таҳлил этилади ва, ўз навбатида, миллий бахшичилик анъаналари ҳамда бахшилар репертуари ҳақида маълумот берилади.

Бироқ, туркманларнинг Хоразм билан узвий боғланган Тошовуз вилояти дostonчилиги ва бу ердаги бахшилар ҳақида айрим тадқиқотлар бўлса-да, кўпгина бахшилар ҳаёти ва ижодий репертуари ҳақида илмий изланишлар деярли йўқ даражада. Айниқса, машҳур Суяв бахши ҳаёти ва ижодий репертуари ҳақида туркман фольклоршунослигида умуман тадқиқот олиб бoрилмаган.

Суяв бахши ҳақида дастлабки маълумотлар шарқшунос А.Самойлович асарларида учрайди. У Суяв бахши ҳақида шундай ёзади: «Мен Пўрсида (ҳозирги Тошовуз вилоятининг Бўлдимсоз тумани) бутун хонлиқда (Хива хонлиги назарда тутилмоқда) машҳур бахши бўлган Суяв бахшининг қўшиқларини тингладим». Ҳақиқатан ҳам А.Н. Самойлович 1908 йида Хива хонлигига қилган сафари давомида Суяв бахши билан учрашиб, ундан «Гўрўғли» эпоси бўйича бир қанча маълумотлар тўплайди. Ўша даврнинг машҳур дostonчилари бўлган Оташ бахши, Нуржон бахши, Эшвой бахшилар ҳақида материаллар йиғади.

Суяв бахши ҳақида кенгроқ маълумот берадиган яна бир манба Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Мухаммад Девонзодаларнинг «Хоразм мусикий тарихчаси» китобидир.

Ушбу китобда ёзилишича, Суяв бахши туркманнинг Човдир уруғидан бўлиб, бўлдимсозлидур... Суяв бахши ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқлари орасида шу даражада машҳур бир бахши бўлган, ҳар ким тарафидан тан олинган, севимли бир кишидур. Хоразмда Суяв бахшнини билмаган киши йўқдир десак муболага қилган бўлмаймиз».

Суяв бахши ҳақида маълумот берувчи учинчи манба таниқли қорақалпоқ олими Қалли Айимбетовнинг тадқиқотларидир. Унинг ёзишича, Суяв бахши «Гўрўғли» эпосининг бир қанча шoхoбчаларини ёд билган ва куйлаб юрган. Айтишларига қараганда Суяв бахшнини Хиванинг хони чақириб, «Гўрўғли» дostonини

айттирган ва дostonнинг кўлэмасига қараб ўтирган. Бахши ҳатто бир сўзда ҳам янглишмаган.

Суяв бахши қорақалпоқ дostonчиси Мусо бахши билан ҳам айтишиб юрган. Туркменистонда Суяв бахшининг Жумамурод бахши, Болта бахши каби шогирдлари, уларнинг эса Болта Гурд бахши, Тожибой Ўра, Ақчагул, Хадича каби шогирдлари бўлган.

Юқоридаги манбаларга ва машҳур ўзбек дostonчиси Бола бахши Абдуллаев берган маълумотларга қараганда, Суяв бахши туркманларнинг човдур уруғининг бўзачи тийрасига мансуб бўлиб, 1850 йилда Сейитназар гўмачи обасида тутилган. Ўша даврларда Пўрси дostonчилик мактаби Хоразм воҳасидаги деярлик барча бахшиларни ўз атрофига жамлаб олган эди. Эшвой бахши, Оташ бахши, Нуржон бахши, Ниёзмат бахши, Ғарибниёз – Матниёз бахши, Мусо бахши каби кўплаб ўзбек, туркман, қорақалпоқ бахшилари шу пайтларда халқ орасида жуда машҳур бўлишган.

Пўрси дostonчилик мактаби вакиллари та хос асосий хусусиятлардан бири – уларнинг ўзбек, туркман, қорақалпоқ тилларида дoston куйлашларидир. Бу анъанани хивалик Бола бахши яқин ўтмишгача давом эттириб келган.

Бахшиларнинг ва айрим ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Суяв бахши ўзбек бахчиси Эшвойнинг шогирди бўлган. У шундай машҳур бахши бўлганки, у ҳақда кўплаб қўшиқлар ҳам тўқилган «Эшвойнинг» номли қўшиқ Суяв бахшидан ёзиб олинган. Қўшиқ матни ўзбек, қорақалпоқ тилларида босилиб чиққан. Шунингдек, бу қўшиқни туркман тилида ҳам «Маржон доналар» китобида Ғарибниёзнинг асари сифатида босилган.

Суяв бахши, ўз навбатида, талантли бастакор ҳам бўлган. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодалар «Хоразм мусикий тарихчиси» китобида шундай ёздилар: «Суяв бахшининг ўз тарафидан чиқарган 7-8 турли нағмаси бор бўлиб, ҳар бири халқ тарафидан ғоят мақбул ва севимли нағмалардур. Суяв бахшининг йўлини аксари кишилар черта билмайдур. Ўзининг чиқорган нағмаларини гўзал бир суръатда черта билгани янглиғ, айтмоққа муҳим уста эди».

Пўрси дostonчилик мактабининг йирик вакили Эшвой бахши ўз репертуарида 32 куйдан фойдаланган. Шу мактабнинг сўнгги вакилларида бўлган Турсун бахши берган маълумотга қараганда Суяв бахшининг шогирди мангитлик Аҳмад бахши ҳам 32 куйни тўла билган. Шу куйларнинг еттитаси Суяв бахши ижодига тегишли эканини ҳисобга олсак, унинг нақадар ноёб истеъдод эгаси эканлиги

маълум бўлади. Таниқли ўзбек дostonчиси Бола бахши Абдуллаевнинг (1899-1994) Суяв бахши ҳақида берган яна бир маълумоти айниқса қимматлидир. Суяв бахши тўйга келганда минглаб кишилар давра олиб ўтиришган. Ўртага катта устун қоқиб, унга араванинг катта ғилдирағи маҳкамланган. Унинг устига ғилам тўшаб, Суяв бахши чиқарилган. У дoston куйлашни бошлаганда махсус хизматчилар ғилдиракни аста – секин айлантириб туришган. Ғилдирак ўзига хос бир сахна бўлиб, даврадагиларнинг барчаси бахшининг куйлашидан баб – барабар баҳраманд бўлишган.

Хуллас, Суяв бахши XIX аср ўртаси ва XX аср бошларда Хоразм воҳасида доврўғли бахши сифатида танилган. У туркман, ўзбек ва қорақалпоқ дostonчилиқ анъаналарининг таракқиётига катта ҳисса қўшган.

Суяв бахши воҳадаги талантили ёшлар орасидан Жумамурод бахши, Болта бахши каби туркман, Аҳмад бахши, Отажон бахши каби ўзбек, Жалақ бахши каби қорақалпоқ бахшиларини тарбиялаб етиштирган, уларга қадимги дostonчилиқ анъаналарини ўргатган. Бола бахши Абдуллаев ҳам уни устоз сифатида тан олар эди.

МУСО БАХШИ ТУРУМОВ

XIX аср Хоразм дostonчилиқ санъатининг талантили бахшиларида бири Мусо бахши 1854 йилда Шўроҳон атрофларида таваллуд топган. Бу давр Пўрсидostonчилиқ мактабининг гуллаган пайти бўлиб, машҳур Суяв бахши, Феруз саройидаги Ризо бахши, Отажон бахшиларнинг доврўғи элга таралган вақтлар эди.

Мусо бахши ўзбек, туркман, қорақалпоқ тилиларида бемалол дoston куйлаган. Унинг репертуарида «Вўрўғли» ва «Ошиқ» силсиласидаги ҳамда «Юсуф-Аҳмад», «Қурбонбею», «Тулумбий» каби эллиқдан ошиқ дoston бўлган. Бахши шундай бир ноёб овозга эга эканки, у куйлаган дostonни қўшни кишиюқда бемалол тушуниб эшитиш мумкин бўлган. Мусо бахши кўплаб дoston куйлари ҳам яратган. Унинг «Мусо сен ёри» куйи ҳалигача бахшилар репертуаридан тушмасдан келмоқда. Бахши 1907 йилда вафот этган. Халқ орасида бахши ҳақида шундай ривоят юради: Мусо бахши куйлаганда энг асов туялар ҳам ийиб кетиб, қовошиб қолар, ҳар кунгидан кўпроқ сут берар экан.

Унинг неvara-чеваралари ҳозир Беруний ва Тўртқўл шаҳарларида масъул лавозимларда ишламоқдалар.

ЖУМАНАЗАР БАХШИ

Бола бахши - Қубонназар Абдуллаевнинг устози Жуманазар бахши Янгиариқ туманининг Қормиш қишлоғида тутилган бўлиб, унинг авлоди қормишлик туркман уруғларига бориб тақалади. Бахши 1929 йилда вафот этган. Ўша пайтда тахминан у 70 ёшларида бўлган. Унинг репертуарида «Гўрўглининг дўрайиши», «Араб Райҳон», «Қирқ минг», «Кампир», «Авазхон», «Ошиқ Ғариб», «Ошиқ Махмуд», «Ошиқ Албанд» каби ўттизга яқин дoston бўлган. Бахши туркман ва ўзбек тилларида дoston ижро этган.

ҚУРБОНБОЙ БАХШИ

Қурбонбой жиров Тожибоев 1876 йилда Тўрткўл туманининг Шўрохон қишлоғида тутилган. Ёшлигида чўпонлик қилган, халқ кўшиқларини, дostonлардан парчаларни куйлаб юрган. Кейин эса тўрткўллик Жиянмурод жиров, бухоролик Холмурод жиров, кўнғиротлик Нурабдулла жировларга шогирд тушади. У ўзбек ва қорақалпоқ тилларида дoston куйлаган.

Репертуарида «Алпомиш», «Кўблон», «Шаҳриёр», «Қирқ қиз», «Қурбонбек», «Жаҳоншоҳ», «Менглихол», «Жонодил», «Болтакай ботир», «Ширин-Шакар» каби кўплаб дostonлар бўлиб, улар, рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр этилган. 1956 йилда унга «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ дostonчиси» унвони берилган. Жиров 1958 йилда вафот этган. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида марказий матбуот саҳифаларида айрим материаллар босилган. Қорақалпоғистонлик профессор Қ.Мақсетовнинг бахши ҳақида махсус тадқиқотлари мавжуд.

АҲМАД БАХШИ МАТНАЗАРОВ

Шимолий Хоразм дostonчилигининг йирик вакилларидан бири бўлган Аҳмад бахши 1894 йилда Манғитнинг Осовбий маҳалласида ипакчи оиласида таваллуд топган. Унинг оиласи ҳунармандчилик билан шуғулланса-да, унинг аксарият аъзолари адабиётни, санъатни кадрловчи кишилар бўлган. Жумладан, бахшининг онаси Ҳабиба кампир гапга чечан, бадихағўй аёл бўлган. Оиланинг тўнғич фарзанди Розия зеҳнли, саводхон, хушовоз халфа бўлган. Хоразмда кўплаб тарқалган китобий дostonларни тўй-маъракаларда маҳорат билан ижро этган. Ана шундай муҳитда ўсган Аҳмад бахши ёшлигидан дoston



тинглашга ва уни куйлашга иштиёқманд бўлиб ўсди. Аҳмад бахши репертуарида «Юсуф-Аҳмад», «Ғариб ошик», «Хурлико-Ҳамро», «Саёдхон-Ҳамро», шунингдек, Гўрўгли туркумининг қиркдан ошик дostonлари бўлган.

Унинг гижжакчиси туркман миллатига мансуб Оллош Муродовнинг айтишига қараганда, Аҳмад бахши дoston куйлаган пайтда бутун борлиги билан воқеалар ичига шўнғиб кетар, танаффус нималигини билмас, ҳатто дотор чалавериб қўллари қонталаш бўлиб кетар экан.

Машҳур фольклоршунос Ҳоди Зариф ўзининг 1947 йилда рус тилида Москвада чоп этилган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобида Аҳмад бахши фаолияти билан боғлиқ қизиқ бир лавҳани келтиради. 30 - йилларда Ҳоди Зариф бахшидан «Қирқ минглар» дostonини катта халқ йиғини иштирокида ёзиб олади. Бахши жанг эпизодларини тасвирлаётиб, Гўрўглининг шиддат билан душманга отилганини айта ётиб, воқеаларга берилиб, ўзи ҳам ўрнидан туриб кетади, шу пайтда бахши билан бирга бутун халойиқ ҳам ўрнидан туриб кетади. Қарангки, бутун халойиқ ҳам бахши билан тенгма тенг ҳиссиёт огушига гарқ бўлишган экан.

Аҳмад бахши нафақат бахши, балки иқтидорли шоир ҳам бўлган Унинг невараси Музаффар Аҳмаднинг ёзишича, бахшининг кўплаб шеърлари 20-30-йилларда вақтли матбуотда чоп этилган. Талантли бахши 1936 йилнинг ноябрь ойида диний асарларни тарғиб қилишда айбланиб, қамокқа олинади ва 1938 йилнинг август-сентябрь ойларида қамокда вафот этади. Бахши вафотидан кейин 1960 йилда окланади. Унинг қамокқа олинishi ҳақида бахшининг шогирди Оллош ога Муродов шундай ҳикоя қилади: “1936 йил сентябрь ойларининг охирилари эди, Гурланга яқин Сартовул деган жойда катта тўй бўлиши ҳақида хабар келди. Аҳмад бахши, Юсуф масҳарабоз, Хударган буломончи, ака-ука масҳарабоз шорламалар ва мен тўйга отландик. Кеч пешингга яқин қишлоққа кириб, тўй уйида меҳмонхонага жойлашдик. Овқат еб, чой ичиб ўтирган эдик, бир пайт эшик очилди, башараси совуқ бир одам пайдо бўлди. Аҳмад бахши уни таниса керак, бир қалқиб тушди, негадир ранги оқарди. Келган киши татар миллатига мансуб бўлиб, милиция бошлиғи эди. Унинг бир оёғи бўсагадан нариёқда, бир оёғи ичкарида бўлиб, эшик кесаҳисига суяниб турди. Келинг-келинг, деган таҳиифга қулоқ ҳам солмади. Шундай бўлса-да, Аҳмад бахши бир пиёла чой қўйиб, тухумдек қанд бўлагини унга солиб, ўрнидан туриб у кишига узатди. Совуқ башара чойни олди, бир-икки хўплади ва пиёлани иргитиб,

Аҳмад бахшига қараб, кўрсаткич бармоғи билан бу ёққа чик, дея имо қилди. Аҳмад бахши ўридан туриб ташқари чиқди. Ташқарида машина бор эди. Бахшини шунга юклаб, ҳайдаб кетишди. Ўша вақтда энди қоронғу туша бошлаган, ташқарида катта оломон даврани тўлдириб, бизни кутаётган эди. Шунда Юсуф масхарабоз бизга далда бериб: -Зарари йўқ, уни эртагача юборишди, у бечорада гуноҳ бўлмаса, нима ҳам қилишарди. Мана ўзим ҳалойиққа 2-3 соат томоша кўрсатаман, тўйини тарқатиб юбориш инсофдан эмас, -деди. Шу тариқа асбобларни олиб энди чиқаётган эдик, бояги машина яна келди. Ҳалиги совуқ башара яна кўринди. Бу сафар у Юсуф масхарабозни имлаб чақирди. Уни ҳам машинага юклаб кетишди. Ҳалойиқ орасида ғала-товур, саросима бошланди. Бир зумда даврада бир одам ҳам қолмади. Бир вақт ёнбошимга қарасам, шерикларимдан бирортаси ҳам қолмабди. Ташқарига чиқиб уларни яшириниб ётган жойларидан зўрга топиб, пана жойлардан юриб, Мангитга қараб кетдик”.

Шу тариқа, инқилоб учун жонини жабборга бериб курашган, аксинқилобий ҳаракат деб аталган гуруҳларга қарши қўлида қурол билан жанг қилган, шўро тузумининг масъул идораларида фаол ишлаган кишилар қаторида қўнгли пок, беозор, кишилар дилига фақат шодлик бахш этишга бел боғлаган дилкаш инсонларни ҳам аянчли тақдир ўз домига тортди.

Кейинчалик ҳар иккала санъаткорнинг тақдирини маълум йўналишда топталди. Тергов... Бўйнига қўйиш. Ҳақорат...Калтак... Охирида узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилиб, уларни Самарқанд томонларга номаълум ишларга олиб кетишди. Бу хўрликларга чидолмаган бахши ҳам, масхарабоз ҳам ўша томонларда руҳлари чирқираб, бандаликни бажо келтиришди. Бахшининг онаси Ҳабиба кампирнинг фарзанд доғида ёниб –қуйиб тўқиган қуйидаги марсияси ҳар қандай кишининг қалбини ларзага солади:

Эккан жийдаларим ири бўлмасма?
Ноҳақ кетган болам тири бўлмасма?
Ўзин оқлаб, соқолларин ўстириб
Келотурғонлардинг бири бўлмасма?

Соғасиз сувларни юзиб ўтайин,
Болам банди бўлди, энди нетайин?!

Боламни қаматган энагорларди
Қўлларима тушса ҳайрон этайин.

Шойи рўмолимди шамол олибди,
Менинг болам Зарафшонда қолибди,
Худойнинг олдинда жавобин берсин –
Бошима ким бу савдони солибди!

Ғовоча поядан поя бўларма?
Бошингга талпагинг соя бўларма?
Булбулди йилотқон Амаджон болам,
Душман тувматиннан зоя бўларма?

Сочим узун бўлса-иккилаб ўрсам,
Лопо улли бўлса-ичина кирсам,
Пўйизларга минсам, машинга минсам,
Боламнинг ўлисин-тирисин кўрсам.

Уйимнинг алдинда боғдинг тараги,
Чикмади-ғў Амаджоннинг дараги,
Боламнинг бўйини кўрсам узоқдан,
Қўлим бўлар ойрополон парраги...
Дарёда кўринса катирдинг боши,
Дарё бўлиб оқар кўзимнинг ёши.
Оқ бошима қоро кунди солғоннинг
Чаён бўлсин гўр ичинда йўлдоши...

Чарх ийирсам кўзим тушар ийикка,
Югураман “Амаджон!” деб бийикка.
Ёмон экан боло дарди, ёронлар,
Ичим тўлди тутун билан куюкка.

Ўтиривидим ўроқ ушлаб сояда,
Бир шапкални келаверди пиёда.
Шапкалининг алдин кесиб чиқсамми?
Товиб бер деб ўроғимди тиксамми?

Сори матиримни солдим бозора,
Не тувматлар қўйди мени озора.
Манглайимди қайси гўрга босойин,
Менинг улим тушмади бир мозора...

Ийнимда қўйлагим гуллари пўтти,

Ёмон бўлар экан ойролик ўти.
Боламни қомотгон хунасалардинг
Халойиқ олдинда қон бўлсин кети.

Соллоно-соллоно солдирдим ойвон,
Қунда супураман келмийди миймон.
Миймоннинг йўқлиги кўнглимда армон,
Боламнинг йўқлиги ёмондан ёмон...

Аҳмад бахши ҳақида кейинги йилларда унинг невараси Музаффар Аҳмад қатор илмий-оммабоп мақолалар эълон қилиб, бобоси руҳини шод этди. Айниқса, унинг «Шарқ юлдузи» журнаlining 1992 йил февраль сониди берилган «Қирқ минг бахшидир, қўлингизда сози» мақоласи ҳамда ўша сонда босилган «Қирқ минглар» достони бугунги ўқувчи учун ноёб маънавий тухфа бўлди. Аҳмад Матназаровнинг кўпгина шеърлари қўлимизда мавжуд бўлиб, асосан услуб жиҳатдан халқ кўшиқларига жуда ҳамоҳанг келади.

ХУДОЙБЕРГАН БАХШИ ЎТАГАНОВ

Худойберган Ўтаганов 1901 йилда Манғит туманидаги Мусофир қишлоғида туғилади. Мусиқага чуқур ихлос қўйган Худойберган ўз ҳаётини санъатга бағишлади. У узоқ йиллар машҳур Аҳмад бахшининг ёнида буламончилик қилади. Унинг репертуаридаги кўпгина дostonларни ўрганиб олади. Устози вафот этганидан кейин эса ўзи мустақил дoston айтишга ўтади. Унинг репертуарида «Саёт ва Ҳамро», «Ҳурилиқ ва Ҳамро», «Бозирғон», «Хирмондали», «Аваз олиб қочган», «Аваз уйланган» каби дostonлар бор эди. Унинг репертуаридаги «Саёд ва Ҳамро» дostonи Ф. Султонова томонидан, айрим дostonлари эса қорақалпоқ фольклоршунослари томонидан ёзиб олинган.

Худойберган бахши Ўтагановдан 1960 йилда Аҳмад бахшининг ўғли Усмон Аҳмедов “Саёд ва Ҳамро” дostonини қайтадан ёзиб олган бўлиб, кўлёзма 61 саҳифани ташкил этади. Дostonнинг мазкур варианты Хўжамурод бахшидан 1931 йилда Буюк Каримий томонидан ёзиб олинган вариантдан ҳажман икки баравар каттадир. Бироқ дostonни ёзиб олувчи киши фольклоршунос бўлмаганлиги сабабли кўпгина хатоларга йўл қўйган. Масалан, “Жайрон” сўзи “жаранг”, “Таракамон” сўзи “Талакамон”, “ҳодим” сўзи-“қодим”, “шакардан ширин” бирикмаси “шириндан шакар” тарзида нотўғри ёзиб олинган.

Шундай бўлишига қарамай мазкур вариант Хўжамурод бахши вариантыга қараганда батафсиллиги, шеърий мисраларнинг кўплиги, бўёқдор ибораларга бойлиги билан мукамаллиқ касб этади.

Худойберган бахши дostonларни дугор жўрлигида куйлаган. У 1983 йилда вафот этган.



Аҳмад бахшининг шогирдлари: чапдан ўнгга: гижжакчи Оллош Муродов, бахши Худойберган Ўтаганов, бахши Йўлдош Дўсимбетов, буламончи Жумамурод Ёқубовлар, 1960 йил, Манғит шаҳри.

ЙЎЛДОШ БАХШИ ДЎСИМБЕТОВ

Шимолӣ Хоразм дostonчилиги анъаналарини ҳозиргача давом қилдириб келган Йўлдош бахши 1919 йилда Манғитнинг Қалъали Ушоқ деган жойида туғилган. Еттинчи синфни битказиб, оддий колхозчи, ҳисобчи, қишлоқ кенгаши котиби бўлиб ишлаган. Йўлдош бахши Манғит атрофида яшаб ижод қилган Аҳмад бахши, Тангриберган бахши, Кўчқор бахши, Бекжон бола каби дostonчиларнинг анъаналарини давом эттириб келаётган Хударган бахшига шогирд тушган. Ундан «Қирқ минглар», «Аваз уйланган», «Араб танган», «Бозиргон», Хирмондали», «Ошиқ Ғариб» «Саъдхон ва Ҳамро», «Юсуф-Аҳмад» каби дostonларни ўрганган. Унинг бахшичилик фаолияти 50-йилларда бошланади. Бахши мусиқани яхши тушунади. Дoston воқеаларини бошқаларга қараганда изчил, атрофлича тасвирлашга ҳаракат қилади. Ундан биз 1987 йилда «Аваз уйланган», 1992 йилда «Араб танган» дostonларини ёзиб олдик.

«Араб танган» достони бахши ижросида Хоразм ойнаи жаҳони орқали намоиш этилди. Мухлислар уни жуда самимий қаршиладилар. Бахши 1996 йилда вафот этган.

АБДУЛЛА БАХШИ БОБОЖОНОВ



Абдулла бахши Бобоҷонов 1898 йилда Тўрткўл туманининг Қирққиз қишлоғида туғилади. Болалик йилларида санъатга қизиқса ҳам оилага ёрдам бериш учун деҳқончилик қилишга мажбур бўлади. Фақат 50 ёшларидагина севган соҳаси бўлган санъатга юз бурди. Бироқ, у профессионал бахши сифатида фаолият кўрсатмаган. Умр бўйи деҳқончилик қилиб, айрим давраларда дoston айтиб, дўстлар дилини хушнуд қилиб юрган. Абдулла бахшидан 1963 йилда «Хирмондали» дostonи ёзиб олинган. Дostonни ўша вақтда у дutor жўрлигида ижро қилган. Унинг репертуарида «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Ошиқ Маҳмуд», «Ошиқ Албанд» каби дostonлар ҳам бўлган. Афсуски, бу асарлар ёзиб олинмаган. Бахши 1974 йилда вафот этган.

БОЛА БАХШИ

Хоразмда ўзига хос бахшчилик мактаби яратган талантли бахши Қурбонназар Абдуллаев 1899 йилда Хива туманининг Гурланбоғ қишлоғида деҳқон oilасида таваллуд топди. Унинг катта бобоси Усмон ота машҳур бахши бўлган. Отаси Абдулла Авазниеў ўғли эса оддий деҳқон бўлса-да, мусиқа ва кўшиққа жуда ихлосманд киши эди. У чаласавод бўлиб, Навоий, Махтумқули асарларини ҳам озми – кўпми мутолаа қилар, баъзи ғазалларни ёдлаб кўшиқ қилиб куйлаб юрар эди. Бир кунни ҳатто ўз дўсти Мадраҳим ака деган киши билан тут ёғочини ўйиб дutor ҳам тузатиб олади.

Отасининг ана шу ҳаракатларига разм солиб юрган ёш Қурбонназарнинг қалбида ҳам санъатга, дostonчиликка бўлган ҳавас ва иштиёқ ўша даврлардаёқ уйғониб бошлади. Отаси уни 5 ёшида эски мактабга берса-да, Қурбонназар мактабни тамомламади.

Ундаги мусиқага бўлган ҳавасни пайқаган отаси устага дutor тузаттириб Қурбонназарга беради. Ёш Қурбонназар уни чалиб юради.

Унинг отасидан биринчи ўрганган кўшиғи Махтумқулининг «Ёт бўлур» деб номланувчи шеъри эди. У тўққиз ёшларида халқ орасида танила бошлади. Жуда ёш бўлганлигидан уни «Бола бахши» деб атар

эдилар. Ўша атама унинг номига умрининг охиригача қўшиб айтилиб келинди. Бола бахшининг машхур дostonчи бўлиб етишишида унга устозлик қилган кишилардан бири Жуманазар бахшининг шогирди Ёдгор буламончи эди.

Ёдгор буламончи ёш бахшига дoston куйларини ўргатади, дutorга ўз буламони билан жўр бўлади. Унга дostonларни ўргатган иккинчи устози шу кишпoқлик Раҳима халфа эди. Ёш Қурбонназар ўрганган дostonларини халқ орасида куйлаб юрди. Кейинчалик отаси уни Жуманазар бахшига шогирд қилиб беради. Бу тахминан 1914-15 йиллар эди. Шундан бошлаб то 1929 йилгача Бола бахши устози билан биргаликда дoston куйлади. Шу йили устози вафот қилгач, ўзи мустақил дoston куйлашга ўтади. Шундай кейин анча йиллар Хива театрида ишлади. Иккинчи жаҳон урушида қатнашди. Урушдан кейинги йилларда ҳам халқ театрида, маданият уйида ишлаб келди. Унинг репертуарида «Гўрўгли» ва «Ошиқ» туркумларига оид йигирмага яқин дoston бўлиб, уларнинг анчаси ёзиб олинган. Ундан, «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», ва «Гўрўгли» туркумидаги қатор дostonларни ёзиб олди. Қурбонназар Абдуллаевнинг дoston куйлаш маҳорати ниҳоятда юксак. Унинг диққиси жарангдор ва бурро, Хоразм куйларини жуда яхши билади. Дostonни ҳикоя қилган вақтда эшитувчиларни ўзига дарҳол жалб эта билди ва уларни чуқур ҳаяжон гирдобига ташлаш қобилиятига эга. Бола бахшининг гап тузиш, ҳикоя қилишда ўзига хос такрорланмас услуби бор. Бахши дostonларда насрий қoфияларни, муболағаларни, ўхшатишларни, фразеологик ибораларни, мақолларни ўз ўрнида усталик билан қўлайди. Масалан, «Бозиргон» дostonида Бозиргоннинг ўлимидан олдинги аҳволини баён этар экан, бахши уни шундай ифода этади: Бозиргон туясини устинда бораётир эди, ғойибдан бир совуқ шамол эсди. Юраги бир нарсани сизди, оёғининг учидан бир жумбирди, кириб, яғирини уч айланиб, миясидан дуд бериб чиқиб кетди. «Хирмондали» дostonида эса куррадўз кампирни шундай тасвирлайди: «Тўпси тўзган, кўҳна касали кўзган, гапда ҳаммадан ўзган бир шум кампир».

Қурбонназар Абдуллаев дoston мусикаларини номлари билан бирга билувчи ягона бахши эди. Унинг маълумот беришича, илгари 72 дан ошиқ куй бўлган. Бахши ота шуларни ўттиз тўрттасини тўла равишда билар эди. Маълумки, Хоразм дostonлари «Мухаммаси ифтор» куйи билан бошланиб, «Оромижон» ёки «Бартавулнинг уфориси» билан тугатган. Энг охирида эса «Саргардон» куйи ижро этилиб ниҳояланган.

Унинг репертуаридаги ушбу мусиқа асарларининг ўзи алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Бола бахши нафақат ўзбеклар орасида балки туркманлар истиқомат қиладиган масканларда ҳам машҳурдир. У ҳар икки тилда дoston куйлаш қобилиятига эга эди. Бахши “Гўрўгли” эпосининг Полвон бахши репертуарига алоқадор бўлган йўмит версиясини (човдир версияси ҳам бор) гўла равишда ўзлаштирган эди.

Курбонназар Абдуллаевга 1938 йилда «Ўзбекистон халқ дostonчиси» унвони берилган. Бахшнинг ўғиллари Норбек, Матқуб ва Етмишбойлар ҳам ота изидан бориб, Хоразм дostonчилиги анъаналарини муносиб равишда давом эттираётирлар. Буларнинг орасида мусиқа илмига чуқур тушуниши, шеърят сирларини мукамал англаши ва бадий ижодга қобилиятлилиги билан Норбек алоҳида ажралиб туради.

Бахши 1994 йилда вафот этди.

МАТНАЗАР ЖАББОР ЎҒЛИ

Матназар бахши 1906 йилда Ҳазорасп районининг Бешта кишлоғида туғилган. Бошланғич маълумотга эга. Колхозчи бўлиб ишлаган. Бахшичилик санъатига қизиккан ва Тўтқўллик Курбонбой жировга шогирд тушган. «Алпомиш», «Элимхон», «Қорақўзойим», «Авазнинг Чамбилга келтирилиши» каби қатор дostonларни билган ва бу дostonларнинг барчаси ёзиб олинган. Шулардан кейинги иккитаси Ҳ. С.Сулаймонова номидаги қўлёзмалар институти фольклор архивида (инв. № 3352, № 3354) сақланади. «Қорақўзойим» дostonи эса 1967 йилда нашр этилган. Бахши ўзбек ва қорақалпоқ тилларида дoston куйлай олган. У 1977 йилда вафот этган.

ҲАЙИТВОЙ БАХШИ

Шоббозлик Ҳайитбой бахши 1908 йилда Бийбозорда туғилган. Асли туркманларнинг арбачи уруғидан. Ўн беш ёшларида Жуман бахши ва Сўпоқ бахшиларга (Пўрси) шогирд бўлади. Репертуарида «Бозиргою», «Хирмондали», «Кампир», «Араб танган», «Аваз уйлантирган», «Саёд ва Ҳамро», «Ошиқ Ғариб» каби дostonлар мавжуд. Ўзбек тилида, эроний усулида дотор жўрлигида дoston куйлайди. 1990 йил октябр ойида ундан «Хирмон дали» дostonи ёзиб олинган. У 1992 йилда вафот этган.

ЖУМАБОЙ ХУДОЙБЕРГАНОВ – САКРАК БАХШИ



Жумабой Худайберганов – Сакрак бахши 1909 йилда Гурлан туманининг Вазир қишлоғида туғилган. Отаси кураш тушувчи полвонлардан бўлиб, ўглини ўзи билан тўй-сайилларга бирга олиб борган. Бу тўйлардаги бахшиларнинг чиқишлари Жумабойда ёшлигиданоқ дostonчиликка ҳавас уйғотади.

У Мангитлик машхур дostonчи Аҳмад бахшига, кейинчалик Хўжез бахшига шогирд тушади. Жумабой бахши «Гўрўгли» туркуми дostonларидан йигирмага яқинини тўла билган. Бундан ташқари, «Юсуф ва Аҳмад», «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Юсуф ва

Зулайхо» каби дostonларни ҳам маҳорат билан куйлаган. У дoston куйлаганда воқеалар оқимига шундай киришиб кетганки, баъзан ўрнидан туриб, баъзан дуторни такка ерга кўйиб, кўлини пахса қилиб, асар қаҳрамонлари фаолиятини ҳаракат билан кўшиб ҳикоя қилган. Мусиқа ритмида ҳамоҳанг равишда тебраниб дуторни усталик билан чалган. Ана шу ҳаракатларига кўра уни «сакрак» бахши деб юритишган. У дилкаш, шўх, юморга мойил киши бўлган. Жумабой бахши Хоразм бахши-шоирларининг 1983 йилги вилоят танловида биринчи ўринни олган. 1985 йилда бўлиб ўтган Республикамиз бахши-шоирларининг VI кўрик танловида эса III даражали диплом билан тақдирланган.

«Гўрўгли» туркумининг жуда кўп шохобчалари унинг ижросида ёзиб олинган. Жумладан, «Гўрўглининг қайтиш бўлиши» дostonи фақат Сакрак бахши репертуаридагина сақланиб қолган. Ушбу дostonни бошқа бахшилар ўрганмаганлар. Бунинг асосий сабаби мазкур дoston тўйларда ижро этилмаган. Сакрак бахши ҳам бу дostonни фақат кичик давралардагина ижро қилиб келган. Биз ушбу дostonни ёзиб олганда жуда кўп муаммоларга дуч келдик. (Р.С.) Бахши аввало бу дostonни ижро қилишни истамади. Қолаверса, дostonни ижро этиш учун, албатта, буламон ва гижжак чаладиган махсус кишилар бўлиши лозимлигини, бу мусиқа асбобларини бошқа кишилар мазкур дoston билан боғлиқ куйларга мослаб чала билмасликларини айтди. Биз ўша кишиларни топиб келгандан кейингина бахши «Гўрўглининг қайтиш бўлиши» дostonини ижро қилди ва уни ёзиб олдик. Дарҳақиқат дostonлардаги кўпгина шеърый парчалар асосан марсия бўлиб, бу парчалардаги мазмунни буламон

ва ғижжакларнинг ўзига хос нолаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, ушбу дostonни қахрамоннинг фoжеали ўлимига бағишланган марсия деб атаса тўғри бўлади. Ундаги ҳар бир мисра бир куй халқнинг ўз баҳодирига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини изҳор этади.

Жумабой бахши ижодига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири дostonлар таркибида кўплаб мақолларга ва учирик сўзларга мурожаат қилишидир. Бахши «Гўрўғли» туркумига кирувчи «Тухмат ташлаган» дostonини куйлаганда дostonдаги Оға Юнус парининг аразлаб кетиши эпизодини тасвирлар экан, «Учақда созанда, ошоқда созанда, ҳеч нарса йўқ қозонда» иборасини келтиради. Оға Юнус пари кетгандан кейин Гўрўғли хонадонининг хувуллаб қолганигини образли ифодалашда бу ибора узукка қош қўйгандай ярашади. «Ҳеч нарса йўқ қозонда» ибораси масала моҳиятини ифодалаш учун шундай мос танланганки, тингловчи ҳамма нарса бор, аммо асосий нарса йўқ эканини аңглатадиган бу иборани эшитиши билан эътиборни дарҳол Юнус парига қаратади. «Гўрўғлининг Дарбандга кетиши» дostonида Сафар кўса билан Вали дўникнинг фитна тайёрлашга бош қўшишлари ҳақида гап кетар экан, «Пес песни қоронғуда топади» мақоли келтирилиб, ҳар иккала персонажнинг характер хусусиятларини шу бир мақол замирида яққол кўрсатиб беради.

Жумабой бахшининг нутқига хос асосий хусусият шу нарсаларда кўринадики, у ҳикоя қилиш жараёнида «ана» сўзини кўп келтиради. Бу сўз «ана энди Гўрўғлидан эшитайлик», «ана Ғирот бургутдай учиб Чамлибел томонга йўл олди», «ана энди сўзни Сафар кўсадан эшитинг» каби инициал формулалар тарзида намоён бўлади. Бахши тингловчи эътиборини ўзида тутиб туриши учун воқеалар давомида «қани кўрик, не деган экан», «қани эшитайлик, не деб турган экан» каби медиал формулаларни ҳам кўплаб ишлатади. Бу воситаларнинг барчаси бахшининг дoston куйлашдаги юксак маҳоратидан дарак беради.

Жумабой бахши Шимолий Хоразм дostonчилигининг Аҳмад бахшидан кейинги энг талантли ижрочиларидан бири эди.

Бахши 1985 йил октябр ойида вафот этган.

ҚОДИР СОЗЧИ КАРИМОВ



Гармон чалиб, дoston куйлагани сабабли «Созчи» лақабини олган Қодир Каримов 1910 йилда Урганч туманининг Чаккашoлиқор қишлоғида туғилган. Ёшлигидан санъатга ихлосманд бўлган Қодир ака Сафо Муғанний ва Мадрахим Шерозийлар изидан борди. Айниқса, у Мадрахим Ёқубов Шерозийдан гармон чалиш сирларини ва дoston куйларини ўрганди. 1933 йилда хоразмлик бир қанча санъаткорлар билан

биргаликда Тошкентда ўзбек филармониясида ишлади.

У ёшлигидан бошлаб дoston куйлашга қизиқди. Бола бахши, Аҳмад бахшилар репертуаридаги дostonларни тинглади; кўпгина дostonларни ёдлаб олиб, ўзи ҳам мустақил ижро қила бошлади. Унинг репертуарида «Бозиргон», «Ошиқ Ғариб ва Шoҳсанам», «Хирмондали», «Кийик» ва «Жуҳуд ўғлон» каби дostonлар бўлган. Қодир Каримов дostonларни гармон чалиб ижро қилади. Ёнида унга доирачи ва буламончи жўр бўлади. Унинг диққия қилиш, воқеаларни образга кириб, артистона тушунтириш қобилияти алоҳида кўзга ташланади.

У узоқ йиллар Урганч шаҳар ва туман маданият уйларида ишлади. Қодир Каримовнинг репертуари ҳали тўла ўрганилмаган. Унинг ижросидаги «Ошиқ Ғариб ва Шoҳсанам» дostonи 1970 йилда ёзиб олинган. Бу дoston Бола бахши вариантыдан бир мунча кенг, насрий қисми образли ифодаларга бой. Ушбу дostonнинг музикасини бастакор Ботир Матёқубов нота ёзувига кўчирган. Бахши 1990 йилда вафот этган.

АБДИ БАХШИ ОТАГАЛДИЕВ

Абди бахши 1913 йилда Шoббoзнинг «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалиги ҳудудидаги қорақалпоқ овулида туғилади. Ёшлик пайтлариданок, Намoз бахши ва Олтибой бахшиларга шoгирд бўлади. Репертуарида «Ошиқ Ғариб», «Саъд ва Ҳамро», «Хирмондали», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Бозиргон», «Аваз уйлантирган», дostonлари бўлган. Сим торли туркман дуторида, эроний йўлида ўзбек ва туркман тилларида дoston куйлайди. Бахши аслида туркман миллатига мансубдир. 1990 йилда ундан «Ғариб ошиқ» дostonидан парча ёзиб олинган. У 1993 йилда вафот этган.

ТУРСУН БАХШИ



Хоразм воҳасининг шимолий ҳудудида, асосан, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи аҳоли истиқомат қилади. Мазкур ҳудудда тарқалган дostonчилик аъанаси марказини шартли равишда Манғит шаҳри деб бeгилаш лoзим. Ушбу дostonчилик аъанасининг илдизлари қадимги Пўрси дostonчилиги аъаналари билан боғланади. Пўрси дostonчилиги аъаналари, 1908 йилда Хивага келган А. Самойловчининг берган маълумотига қараганда, XX асрнинг бошларигача давом этган бўлиб, унинг сўнги вакили Суяв бахшидир. Манғит дostonчилигининг атоқли вакиллари Аҳмад бахши, Хўжез бахши, Хударган бахши, Йўлдош бахши ва бошқалар бўлиб, унинг охириги вакили Турсун бахши Жуманиёзовдир. Бу ҳудуддаги дostonчилик аъаналарига хос бўлган хусусиятлар, асосан, қуйидагилардир.

а) бахши дугор жўрлигида қуйлайди. Унинг ёнида буламончи ва гижожакчи бўлади. Ансамблда доирачи иштирок қилмайди.

б) бу жойлардаги бахшилар қуйлайдиган дostonларнинг айримлари Жанубий Хоразмдаги бахшилар репертуарида учрамайди. Худди шу дostonлар ҳажми жиҳатидан ҳам анча салмоқдор. Масалан, манғитлик Турсун бахшидан ёзиб олинган «Хўрлиқо ва Ҳамро» дostonи Хива бахшилари репертуарида йўқ. Ҳажми жиҳатидан эса бу дoston анча кенг қўламга эга бўлиб, уни бахши 5-6 соат давомида ижро этади.

Жанубий Хоразмда тарқалган дostonлар бахшилар репертуарига аксарият ёзма нусхалар асосида кириб келган бўлса, Шимолий Хоразмда кўпгина дostonларнинг қадимдан бери оғзаки равишда устоздан шогирдга ўтиб келганлиги сезилади. Айрим дostonларнинг ҳажман катталигининг сабабларидан бири ҳам шундадир. Бу ҳудуддаги бахшилар репертуаридаги аксарият дostonлар шеърини парча билан яқунланади.

Бинобарин, Манғит бахшилари қуйлайдиган дostonларнинг ҳажман кенг бўлиши, насрий қисмнинг салмоғи назмий қисмникидан қолишмаслиги, финалнинг, кўпинча, шеърини тарзда яқунланишининг сабаблари аҳолининг этник таркиби билан боғлиқ. Шимолий Хоразмда яшовчи ўзбеклар воҳага келиб ўрнашган пайтда улардаги бахшиларнинг дoston қуйлаш аъанаси бошқачароқ бўлган. Улар Хоразмга кўчиб, маҳаллий бахшилар таъсирида аста-секин ички бўғиз

товушда куйлашдан ташқи товушда куйлашга ўтганлар. Сўнгра репертуарда, мусикада ўзгаришлар содир бўлган, дostonлар ҳажми кичрайтирилган ва ҳоказо. Лекин бари бир, эски аъналарнинг изи бутунлай йўқолиб кетмаган.

Дарвоқе, Хоразмдаги дostonчилик аъналарининг икки алоҳида гуруҳга бўлиниши халқнинг этногенезиси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу хусусият иккала дostonчилик аънасининг мусикаси масаласида ҳам кўзга ташланади. Улардаги куйларнинг муштарак томонларидан ташқари, алоҳидаликлари ҳам мавжуд Бахшилар берган маълумотларга кўра, Хива бахшилари ўз куйларини ширвоний, Манғит бахшилари эса эроний деб юритишади. Ушбу куйларнинг 30 дан ошдиқ турини Турсун бахши мукаммал ижро этар эди.

У 1922 йилда Хоразм вилоятининг Манғит туманига қарашли Бўйжиқ кўл қишлоғининг Қувсироқ овулида туғилади. Ўз қишлоғида тўлиқсиз ўрта маълумот олади. Иш фаолиятини оддий деҳқончиликдан бошлайди. Кейинчалик агрономлик қилади. Ўша йиллардаёқ у дostonчиликка, куй-қўшиққа ихлос қўйган ва бу йўлда эринмасдан машқ қила бошлаган эди. Том маънодаги бахшичилик фаолиятини у 1949 йилдан бошлайди. Бу борада унга устозлик қилган киши машҳур Аҳмад бахшининг шогирди ва буламончиси Хударган бахши Ўтаганов бўлди. Турсун бахши санъатни жуда яхши тушунар, дoston куйлаётганда барча нарсани унутиб, воқеалар гирдобига шўнғиб, тўлиб-тошиб кетар эди. Унинг репертуарида «Аваз олиб қочган», «Араб танган», «Аваз уйланган», «Бозиргон», «Хирмондали», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» каби дostonлар бор эди.

Биз бахшидан «Аваз уйланган», «Араб танган», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Хирмондали» дostonларини 1980–1981 йилларда ёзиб олдик. Р.С. Турсун бахши Шимолӣ Хоразм дostonчилигида ишлатиладиган куйларнинг номларини жуда яхши билар эди. Унинг берган маълумотига кўра, илгари ушбу дostonчилик мактаби вакиллари репертуарида «Минг-туман», «Султон буванинг меърожи» деган куйлар ҳам бўлган. Мазкур куйларни ижро қила биладиган дostonчиларгина ҳақиқий бахши ҳисобланган.

Турсун бахши Жуманиёзов 2001 йил 5 октябрда Манғит шаҳрида вафот этган.

АҲМАД БАХШИ ЯНГИБОЕВ

Аҳмад бахши 1928 йилда Шоббознинг Саркўп қишлоғида туғилган. Бахшичиликни шоббозлик Болта бахшидан ва Йўлдош бахшидан ўрганган. Репертуарида «Бозиргон», «Ғариб ошиқ», «Тоҳир ва Зухра» каби дostonлар бор эди. Дostonларни дугор жўрлигида эроний йўлида куйлаган. 1990 йилда бахшидан мухаммаси ифтор куйи билан айтиладиган Ғарибниёзнинг «Кўзларим» шеърини ёзиб олди. У 1996 йилда вафот этган.

МАҲМУД ЮСУПОВ

Маҳмуд бахши Янгиариқ тумани Қармиш қишлоғида 1929 йилда туғилади. Унинг отаси Юсуф ака билан онаси Розия кампир Маҳмуджоннинг ёшлик пайтларида вафот қиладилар. Маҳмуд эса бобоси Саид ота қўлида тарбияланади. У шеърятга, мусиқага қизиқиб, ўзи ҳам шеърлар ижод қиладди, дугор ва рубоб чалишни ўрганади. Унинг жуда кўп шеърлари «Хоразм ҳақиқати» газетасида босилиб чиққан. У яхшигина хонандачилик қобилиятига ҳам эга бўлган. Маҳмуд ака репертуарида «Ошиқ Маҳмуд», «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Саёд ва Ҳамро» каби дostonлар бор эди. «Ошиқ Маҳмуд» дostonи 1970 йилда унинг ижросида фольклоршунос Жуманиёз Қобулниёзов томонидан ёзиб олинган ва нашр этилган. Маҳмуд Юсупов 2003 йил 18 декабрда вафот этган.



2008 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, талантливий шоир Исмоил Оллоберганов томонидан «Маҳмуд бахши» номи остида бахши ижодидан намуналар, у ҳақдаги замондошларининг ҳазил-мутойибалари, хотиралари жамланган китоб нашр этилди.

ҚАДРДОН БЎЛСАНГИЗ...

(Бухоролик дўстимга)

Завқланиб ёздим ғазал дўстимга деб тонг чоғида,
Сайр этиб юрдим Бухоро шаҳрининг гулбоғида.
Бармоғимнинг изи қолди гунчалар япроғида,
Дуру гавҳар бор экан ҳар бир ховуч тупроғида,
Мен борай, ё сиз келинг дўсти қадрдон бўлсангиз.

Меҳрингиз дарё экан, ёшимга тенгдир ёшингиз,
Юрсангиз гулзорда танҳо, мен бўлай йўлдошингиз,

Жонга роҳат давраларда завққа тўлиб-тошингиз,
Эҳтиром айлай юракдан, кўкка етсин бошингиз,
Меҳру ишқимдир поёндоз, тоза виждон келсангиз.

Ташриф этсангиз, чиқиб сизга қучоғимни очай,
Аҳли аҳбоб келдилар, деб йўлингизга гул сочай,
Қуй тўйиб дийдор майидан меҳр ила тутганда чой,
Кулдириб суҳбат аро баҳри-дилингизни очай,
Марҳабо, дўстим, келинг, хонамга меҳмон бўлсанги

Хивамизнинг боғида салқин шамол, тоза ҳаво,
Ўлтириб шохсупада чой ичсангиз, дардга даво,
Маст бўлиб гул атридан булбул қилар минг хил нав,
Тозабоғда бирга юрмоқ сиз билан бўлғай раво,
Хоразмга бир келинг, чиндан кадрдон бўлсангиз.

ЁР ЎЙНАСАНГ

Сайри бокқа ман билан юр эркалаб, ёр, ўйнасанг,
Бахтимиздек шўх очилган янги гулзор, ўйнасанг,

Ҳилпираб ўйнар шамолда сочларингни толаси,
Икки зулфнинг шонасига мен харидор, ўйнасанг.

Кўзларинг бунча чиройлик, юзларингда қўпа хол,
Ёр, жамолнинг бир кўришга қилмагил зор, ўйнасанг.

Неча йил тушди бошимга, ҳажри доғинг, найлайин,
Мен чалай мутриб бўлиб, илгимда дутор, ўйнасанг.

Гулга монанд қоматингги интизордур Маҳмудий
Эй нигоро, икки зулфнинг айла зуннор, ўйнасанг.

**Шоирнинг Қурёз чол хумбузига
бағишлаган ҳажвияси:**

Ёп бўйида хумбуз курди Қурёз чол,
Хумбуз ости ер тебранди олти балл.
Ғишт ораси бўлаверди посирди,
Учқун чиқди, шляпасин босирди.
Кучли учқун шляпага тикилди,
Хумбузининг қубла ёни йиқилди...

ОТАХОН БАХШИ МАТЁҚУБОВ

Отахон бахши Матёқубов 1932 йилда Туркменистоннинг Илонли шаҳарчасида таваллуд топган. Ёшлигидан дoston куйларига кизикиб, халқ dostonларини ўргана бошлайди. Бола бахшининг Илонлига бориб doston куйлаган пайтларида унинг қалбида бахши бўлиш орзуси пайдо бўлади. Натижада Бола бахшига шогирд тушиб, ундан “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”,



“Ошиқ Маҳмуд”, “Саъд ва Ҳамро”, шунингдек, кўпгина “Гўрўгли” туркумига кирувчи dostonларни ўрганди. Унинг кейинги тақдири Тошкент билан боғланиб кетади. Тошкентдаги Маданият институтига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлайди ва шу даргоҳда миллий мусиқа бўйича сабоқ беради. Ўша жараёнда бахши doston куйлари билан биргаликда кўплаб мумтоз ашулаларни ва замонавий кўшиқларни ўрганиб, уларни маҳорат билан ижро эта бошлайди.

У 1957 -1968 йилларда Ўзбекистонда машҳур бўлган “Баҳор” ансамблида хонанда бўлиб ишлади. Ўша даврда ансамбль билан биргаликда собиқ иттифоқнинг деярлик барча республикаларида, шунингдек, Шимолий Африка, Шарқий Осиё мамлакатларида гастролда бўлиб, мумтоз ашулалар ва бахши кўшиқларини куйлади.

1989 йилда санъат соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати учун унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвони берилди.

РЎЗИМБЕК МУРОДОВ

Рўзимбек бахши 1932 йилда Хўжайлида тутилган. Тошкент шаҳрида яшаган. Репертуарида «Ошиқ Ғариб», «Нажаб ўғлон», «Кунтуғмиш» каби dostonлар бор. «Ошиқ Ғариб» dostonи унинг ижросида грампластинкага ёзилган. Хоразм бахшичилигининг ширвоний йўлида doston куйлайди.

НОРБЕК АБДУЛЛАЕВ



Хоразм достончилиги анъаналарининг кейинги бир асрини Бола бахши фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўн тўрт ёшида достон қўлаб бола бахши лақабини олган Қурбонназар Абдуллаев 94 йиллик умрининг 80 йилини достон қўлаш ва истеъдодли шогирдлар тайёрлашга сарф қилди.

Энг асосийси уч ўғлини ўз ишининг давомчилари қилиб тарбиялади ва оилавий бахшилар сулоласини яратиб кетди.

Ўша сулоланинг йирик вакилларида бири Норбек бахши Абдуллаевдир. Машҳур Бола бахши оиласида 1949 йил 19 февралда Хива шаҳрида таваллуд топган Норбек отаси изидан бориб, ёшлигидан достончиликка ҳавас қўяди. Хоразм достонларининг мусиқаларини, юро услубларини кунг билан ўзлаштирди. Ўз билим ва малакасини ошириш учун Тошкент Давлат Маданият институтига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. «Бозиргон», «Ошиқ Ғариб», «Авазхон» каби достонларни маҳорат билан ижро этиб келмоқда. Норбек Хивада «Достон» ансамблини тузиб, бахшичилик ва халфачилик анъаналарини тарғиб қилишда катта ишларни амалга оширди.

Шу жараёнда Хоразм достончилиги довруғини жаҳон бўйлаб таратди.

2000 йилда Японияга, 2001 йилда Бельгияга, 2008, 2009 йилларда Туркияга бориб, ер юзининг кўплаб жойларидан келган санъат шинавандаларини ўзига ром қилди. Норбек Абдуллаев ноёб қобилият эгаси. Истеъдодли бахши, талантли хонанда, моҳир мусиқашунос сифатида танилган санъат соҳиби бўлиши билан бирга ажойиб бадеҳағўй шоир ҳамдир. Унинг жарангдор мисраларида Она Ватан олқиши энг биринчи ўринда туради:

Сўнмас оҳанглари таратган элим,

Ўлмас сиймоларни яратган элим,

Илм-фанда, ижод, камолотда ҳам,

Дунёни ҳайрат-ла қаратган элим.

Бадеҳағўй шоир шеърларида ҳаммаша санъатга, бахши маҳорати, достон ижросига урғу беради:

Дўмбира овози, гижжак ноласи,

Даврлар ҳақида айтур ривоят.

Суронли ғазотнинг ур-ҳо-ур саси,

Куйда қоришибди равшан, бағоят.

Шоир дoston ҳақида, мусикий мерос ҳақида жўшиб куйлайди,
уларни кўз қорачиғидай эъзозлашни алоҳида таъкидлайди:

Эй бузрук меросим, табаррук неъмат,

Боболар яратган туганмас коним.

Аждодлар туҳфаси-бу боқий ҳиммат,

Қаршингда таъзимда ҳар ўтган оним.

Норбекнинг иқтидори юксак, бадехағўйлик фаолияти, тафаккур доираси кенг. Унинг танлаган мисралари мантқан изчил, фикран теран, маъновий ўткирdir. Шеъринг техникасини, бадиийлик мезонини, сўз танлаш маҳоратини яхши эгаллаган. Бунини юқорида келтирган парчаларимиз тўла исботлайди.

«Жалолиддин нидоси» шеъри ўзининг таъсирчанлиги ва жанговарлиги билан алоҳида кўзга ташланади. Унда қуйма иборалар, ўт чақнаган мисралар кўплаб учрайди:

Она ер тупроғи қайғуга ботди,

Бағрига тўкилиб қонли томчилар.

Аждодим, бошингдан не кунлар ўтди,

Устингда ўйнади юз минг қамчилар.

Жасақлар устида қон тумшук бургут,

Поёнсиз чўлларда мотам нидоси.

Мусибат доғидан титрашиб эл-юрт,

Дунёни босганда газот садоси.

Норбекнинг шоирлик иқтидори унинг арузда ёзган шеърларида яққол кўринади; «Хива» шеърига разм солайлик:

Паҳлавон Маҳмуд ётар гумбазлари савлат тўкиб,

Юрт талашган хону беклар давридин кўнгли чўкиб.

Ўз замонда кезиб жумла жаҳонни айланиб,

Топмади зарра ҳақиқат, қолди ғамда бойланиб.

Ушбу мисралар шакл жиҳатидан маснавийда ёзилган бўлиб, арузнинг филотун, филолун, фоилотун, фонлун руқнига мос тушади. Бу эса рамали мусаммани маҳзуф баҳрига тўтри келади.

Шеърнинг бошқа бандлари ҳам ўйноқи, равои мусиқавий оҳангда битилган:

Нилуфар гумбазларида бор мақомлардин садо,

Ҳам саҳил, пешрав чалинган ҳамда ферузи наво.

Полли дузчи куйлаган бечора халқим дардини,

Далда берган кўп юракларга юиб, чанг, гардини.

Норбек Абдуллаевнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан ҳар

жиҳатдан рағбатлантирилиб келинаётир.

1999 йилда у маданий-маърифий ишлар бўлочиси нишонини олишга сазовор бўлди. 2000 йилда эса унга Ўзбекистон халқ бахшиси деган юксак унвон берилди.

ҚАЛАНДАР НОРМАТОВ



Хоразм бахшичилиқ анъаналарининг ширвоний услуби бўйича достон куйлаётган энг истеъдодли санъаткорлардан бири, Ўзбекистон халқ бахшиси Қаландар Норматов 1951 йилда Шовот туманининг Хитой қишлоғида туғилган. Ёшлигидан санъатга қизиқиб, достон кўшиқларига ҳавас қўйди. Кейинчалик Бола бахшига

шогирд тушиб, ундан дастлаб «Ошиқ Маҳмуд» достонини ўрганди. Хоразм телевидениеси орқали юқро этилган бу достон ёш бахшини элга танитди. Шундан сўнг Қаландар «Авазхон» фольклор ансамблини тузиб, ўз атрофига кўплаб бахшилар, халфалар, қайроқчи, қизиқчиларни тўплади. Кўплаб халқ ашулаларига, куй-ялларга «жон» киритди. 1985 йил май ойида Шовотда ўтказилган Республика бахши-шоирларнинг кўрик танловида Қаландар фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Қаландарнинг репертуарида «Авазхон», «Бозиргон», «Хирмондали», «Гулойим-Эрҳасан», «Кампир», «Қирқ минглар», «Ошиқ Маҳмуд», «Ошиқ Ғариб», «Саёд-Ҳамро» каби ўнлаб достонлар бор. Қаландарда мусиқавий истеъдод, айниқса бадихағўйлик кучли. Айни пайтда унга табиат нотиклик санъатини ҳам бахшида қилган. Бу хислатларнинг барчаси унинг талантли бахши бўлиб, элга танилишида асосий таянч бўлди. У 1990 йилда Тошкент Маданият институтини муваффақиятли тугатди.

МАТЁҚУБ АБДУЛЛАЕВ

Ҳозирги даврда ширвоний услубидаги достончилик ривожига муҳим ҳисса қўшиб келаётган Матёқуб Абдуллаев ҳам Бола бахшининг фарзандидир. У 1953 йилда Хива шаҳрида туғилди. Ўз отасидан достончилик борасида таҳсил олди. Тошкент театр ва рассомчилик институтини тугатди. Матёқубнинг репертуарида

«Бозиргон», «Авазхон», «Ошиқ Ғариб», «Хирмондали», «Ошиқ Маҳмуд» каби қатор дostonлар мавжуд.

Ёш бахши дostonларни куйлашда отасига хос бўлган раван талаффуз, оҳангдорлик, мусиқавийликка катта эътибор бериш хислатларни яхши ўзлаштирган. Матёқуб ҳозир Хивадаги санъат мактабида бахшичилик маҳорати бўйича ёшларга билим бермокда.

ЕТМИШБОЙ БАХШИ



Бола бахшининг кенжа ўғли Етмишбой 1970 йилда Хива шаҳрида туғилди. У отаси ва акаларидан дoston ўрганиш ва уларни маҳорат билан куйлаш санъатини эгаллашга бел боғлади. Натюжада «Авазхон», «Бозиргон», «Хирмондали», «Ошиқ Ғариб» каби қатор дostonларни куйлаб халқ олқишига сазовор бўлди. Етмишбой Тошкент Маданият институтида сиртдан таҳсил олди.

Етмишбой Абдуллаев дostonчилик соҳасидаги ижрочилик маҳорати учун 2011 йилда Ўзбекистон халқ бахшиси унвонига сазовор бўлди.

Ҳозир у Сайёд қишлоғидаги бадий ҳаваскорлик жамоасида раҳбар бўлиб ишламокда.

КАРИМ БАХШИ ОТАМУРОДОВ

Карим бахши Кўшкўпир туманининг Оқдарбанд қишлоғида 1958 йилда туғилган. Ёшлигидан мусиқа санъатига қизиқиб Тошкент Маданий-оқартув техникумига ўқишга киради. Уни тамомлагач, Кўшкўпир туманидаги «Юлдуз», «Дилрабо», «Дўстлик» каби мусиқа ансамблларида бадий раҳбар бўлиб ишлайди. Ўша жараёнда бахшичилик санъатига меҳр қўйиб Бола бахши Абдуллаевга шогирд тушади. Бахши ўз устозидан «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Ошиқ Маҳмуд», «Тўрўғли» туркумига кирувчи «Бозиргон», «Хирмондали», «Авазхон» каби дostonларни кунт билан ўрганиб, маҳорат билан ижро этиб келмокда.



Каримбой Отамуродов Республикамиз миқёсида ўтказилган кўплаб тадбирларда фаол иштирок этиб келмокда. «Марҳабо, талантлар», «Бойсун баҳори», «Алпомиш» дostonи

яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишланган бахши-шоирлар кўрик-танловларида иштирок этган ва кўплаб фахрий ёрликларга сазовор бўлган. Ҳозирда ўз маҳоратини иқтидорли тоғирдларига ўргатиб, ёш бахшиларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

САИДЖОН БАХШИ БОБОЕВ

Саиджон бахши Бобоев Ғозовот қишлоғининг илк санъаткорларидан бири бўлган. У 1890 йили шу қишлоқнинг Элгалди маҳалласида таваллуд топган. Болалик чоғидан санъатга ихлос қўяди.

—Отамнинг 15-16 яшар пайтлари йўқчилик очарчилик даврлари эди, —эслайди келини Ражабиби она. —Отамга (қайин отамга демокчи) Тошҳовузга бориб, бугдой олиб келишни буюради. Ўша пайтлари Саиджон онланинг каттаси эди-да. Қўлига 20-30 килограмм бугдойга етгулик пул бериб, йўлга кузатиб қўяди. Пиёда йўлга тушган Саиджон тушга яқин Тошҳовуз бозорига кириб боради. Бозорга кираверишда бир туркман қўлида дутор олиб, уни маромяга етказиб чалиб турган экан. Саиджон дутор чалиб турган туркман ёнидан кетолмай унга маҳлиё бўлиб қолади.

—Йўқчилик қурсин, болам, сотадиган нарса эмас ўзи, нима қилай уйда болалар оч, дуторни еб бўлмаса, шу дуторни сотиб ол, деб ёлборади ҳалиги туркман. Дуторни дoston йўлларига созлаб, Саиджоннинг баттар завқини оширар эди. Саиджон бугдой олишини ҳам эсдан чиқариб, қўлидаги бор пулгач дуторни олиб, уни бағрига босганча қишлоғига қараб йўлга тушди. Уйга яқин қолгач онасидан дакки эшитишини билиб, катта бир оқ тутнинг тағида ётиб қолади. Атрофга қоронғулик оралайди. Саиджондан дарак бўлмагач, онаизор хавотир олиб, уни кўрган-билгандан суриштира бошлайди. Кўрганлар қишлоққа кираверишда катта оқ тутнинг тағида қўлида бир дуторни кучоқлаб ётганини айтишади. Она бечора ёнига бир йўлдош топиб Саиджонни қидириб топади. Воқеани эшитгач, дастлаб бир уришиб беради, кейин ўзини босиб боласини пешонасидан ўпиб:

—Олло таоло ҳар кимга бир нарсадан ризқ беради, балким сенинг ҳам ризқинг шу дутордан бўлса ажабмас. Юр, ўғлим, уйга, деб уни олиб кетади.

Шу-шу, Саиджон дутор билан андармон бўлиб, уни чалиш йўлларини ўрганиб олади. Ўша даврларда Саиджон оталарининг дўстлари доирасида кўп бўлар эди. Улар халқ дostonларини берилиб айтишар, баъзан дostonхонлик то тонг отгунча давом этарди.

Болалик даврларида ана шу дostonларга кулок қонди бўлган Саиджон зеҳни ўткирлиги, қолаверса, хотирасининг кучлилиги сабаб, дostonларни улардан ёд олади. Айниқса, “Юсуфбек билан Аҳмадбек”, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Саёдхон ва Ҳамро”, “Ошиқ Маҳмуд” каби дostonларни мукаммал ўрганади.

1940-йиллардан бошлаб катта давраларда дoston айтиб элга танила боради. Урушдан кейинги даврларда 1947-1948 йиллардан бошлаб элнинг яхши кунларида қўшиқ айтиб, эл олқишига сазовор бўла бошлайди. Саид бахши Бобоев тўладан келган, чиройли юзли, кийган кийими ўзига ярашиб турган бошига қамар папоқ кийган инсон бўлган.

1953 йили Саиджон бахши Бобоев кўплар қатори Тошсоқа қазувига отланади. Шунда колхознинг ўша даврлардаги раиси Олтибой ака Қурбонов Саиджонга қарата:

–Ҳаммада бир қурол (капча, бел назарда тутилмоқда) бўлса, сенда иккита қурол бўлади, сенинг масъулиятинг икки ҳисса ошади. Саид, қазувга дуторингни ҳам олиб бор. Чарчаган одамларга мадад бўласан, деган экан.

Тошсоқа қазувида ишдан кейин кўш-кўш (гуруҳ маъносида) бўлиб қазувчилар қўшиқ эпителишар, ўйин-кулги то алламаҳалгача давом этар эди. Бир кўшда машҳур санъаткор Комилжон ака қўшиқ айтса, яна бирида Бола бахши дoston куйлаётган бўлади. Яна бир кўшда Саиджон бахши Бобоев берилиб дoston айтар эди.

Гозовотдан бир дostonчи бола келибмиш деб Саид бахшининг овозаси тўрт тарафга ёйилди. Дoston эпителиш, янги бахшини кўриш учун бошқа кўшлардан одамлар ҳам кела бошлайди. Қазув ниҳоясига етганда, қазувда ўрнак кўрсатганлар қаторида созанда ва гўяндалар ҳам байроқ олиб қайтишар эди.

Саиджон бахшидан бир ўғил, бир қиз ёдгор бўлиб қолди. Ўғли Ҳайитбой ака узок йиллар колхозда экскаваторчи бўлиб ишлади. У 1999 йили оламдан ўтган. Қишлоқнинг машҳур бахшиси Саиджон Бобоев 1968 йили бу ёруғ дунёни тарк этди. Ундан ёдгор бўлиб кўп қўшиқлар, дostonлар қолди.

РЎЗИМБОЙ БАХШИ ОДАМБОВ



Рўзимбой бахши Одамбоев 1927 йили 22 мартда “Ғозовот” кишлоғида, деҳқон оиласида таваллуд топган. Унинг ота-боболари дутор чалиб, кўшиқ куйлашган. Рўзимбой бахшига ҳам санъат асли аجدодлардан мерос. Болалик пайтларида оталаридан қолган дуторни кўлига олиб ўрганишга киришади. Сўнгра Рўзимбой Одамбоев 20-25 ёшларида қишлоқдаги машҳур санъаткор Юсуф созчидан санъат сирларини ўргана бошлайди. “Ғозовот” кишлоғининг илк санъаткорларидан бири бўлган Юсуф созчи унга мусиқа санъатини ўргата бошлайди. Бўлажак бахши дастлаб гармон, дутор, сўнгра аккордеон чалиш маҳоратини эгаллайди. 1950-1955 йилларга бориб, Рўзимбой Одамбоев мустақил равишда, Латифбой Умаров гижоқда, Ота киштак доирада бирга жўр бўлишиб халқ хизматида чиқишади.

Ўзи асли тракторчи бўлган Рўзимбой бахши далада ишлаш билан бирга халқ сайилларида, тўйларида ўзининг ширали овози, жарангдор сони билан хизмат қила бошлайди.

Ўша даврларда катта, қурли тўйлар бўлар эди. Катта далага сомон ёзилиб, қур ташкил қилинарди. Аввал сурнайчилар, сўнгра масхарабозлар, созандалар, кейин полвонлар, кўчқорбозлар томоша кўрсатишар эди, -эслайди Рўзимбой бахши.

Куй –кўшиқ то тонггача давом этар эди. Электр чироғи йўқ пайтлар. Машъала ёқиб, айланиб кўшиқ айтиларди. Созандалар чарчаш нималигини билишмасди, чунки халқ улардан қайта-қайта кўшиқ сўрашар эди. Айниқса, халқ дostonларидан куйлашганда тўй жойи сув куйгандек жимиб қоларди. Муҳлислар жон қулоғи билан дoston тинглашар, вақт алламаҳал бўлганини сезишмасди ҳам.

1960 йилнинг кузаги. Пахта тайёрлаш давлат режасини бажарган колхоз раиси колхозчиларга катта сайил қилиб берадиган бўлди. Ўша пайтлари жамоага машҳур раис Олтибой Қурбонov дарғалик қилар эди. Олтибой ака жуда талабчан, уддабурон, санъатни севувчи инсон эди. Сайилнинг довуғи узоқ-узоқларга кетди. Ғозовотда катта пахта сайли бўлишини эшитиб, кўчқорбозлар, полвонлар, масхарабозу дорбозчилар, созанда-ю гўяндалар етиб келади.

Туркменистонда машҳур бўлган тошховузлиқ Сапармат бахши ҳам сайилга келади. Сайил қизигандан қизийди. Ҳамма хурсанд. Полвону кўчқорбозларни, масхарабозу дорбозларни созанда-ю бахшиларни эл олқишлади.

-Тўй ўртасида Олтибой раис мени ёнига чакириб қолди, -дейди Рўзимбой ота ўша даврларни эслаб, -Қарға (дарвоқе Рўзимбой бахши Одамбосвнинг лақаби "қарға" эди), Сапармат бахши билан айтишасани?- деб қолди. Мен хайрон бўлдим. -Унинг билган дostonини сен ҳам биласан, кўркма, дадил бўлиб айтишавер. Енгиб чиққанга мукофот бор.

Бахшилар беллашуви эълон қилинди. Бахшилар "Тўрўгли" дostonидан айтишладиган бўлишди. Атроф тумонат одам. Ҳамма жим кулоқ солишмоқда эди. Дуторнинг ноласи, ғижжакнинг дилларни ўртовчи оҳанги авжига чиқмоқда эди.

Беллашув роса уч соат давом этди. Халқ Рўзимбой бахшини олқишлаб, унга далда бўлиб турди. Ўша беллашувда Рўзимбой бахшининг қўли баланд келди. Эл уни олқишлади.

Рўзимбой бахши Одамбосв 1955-1965 йилларда Шарифбой сурнайчи, Латифбой ғижжакчи, Юсуф созчи, Онабиби раққоса, Кутим пир ва Ота киштак доирачилар билан бир гуруҳ бўлиб Шях, Ўзбекёп, Ғозовот қишлоқлари аҳолисига тўйларида хизмат кўрсатишган, Рўзимбой бахшининг репертуарида Махтумқули, Навоий, Муллонафас шеърлари ва халқ дostonларидан "Тўрўгли", "Хирмондали", "Базиргон", "Саётхон ва Ҳамро", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" каби ўнлаб дostonлар жой олган эди. У жами ўн икки дostonни билган. Рўзимбой бахшининг Озодбой ва Комилжон исмли икки нафар ўгли бор. Невараси Ҳамробек ва Равшанбеклар санъаткорлик касбини давом килдириб келмоқда. (Санджон бахши ва Рўзимбой бахшиларнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотларни беришда Болтабой Муҳаммадқурбоннинг "Ғозовотлик навозандалар" китобидан фойдаландик.)

ХОРАЗМ БАХШИЛАРИ ИЖРОСИДА ЁЗИБ ОЛИНГАН ДОСТОНЛАРДАН НАМУНАЛАР

ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ

(Бола бахши репертуаридан)

Қадим замонда Бағдод шаҳрининг бир подшоҳи бор эди. Унга Шоҳаббос подшо дер эдилар. Унинг Ҳасан вазир исмли вазири бор эди.

Бир кун подшо, вазир иккаласи зерикиб, қумга ов овлаш учун чиқадилар. Шунда подшонинг олдида бир бўғоз товшон югуриб ўтади. У товшон сал кейин Ҳасан вазирнинг ҳам олдида ўтади. Товшоннинг бўғозлигига подшонинг ҳам Ҳасан вазирнинг ҳам раҳми келиб унга ўқ отмадилар, қушни ҳам юбормадилар. Сўнг дам олишда улар ўзаро гапиришиб, бу воқеани бир-бирига сўзлаб бердилар.

Подшо айтдики, уйда хотиним ҳомиладор эди. Шу ёдимга тушиб, уни отишга қўлим бормади, деди. Ҳасан вазир ҳам хотинининг ҳомиладор эканини, шу сабабли у ҳам товшонни отишга ботинмаганини айтди. Шунда подшо айтдики, сенинг хотининг қиз туғса, меники ўғил бўлса, қизингни берармисан, деди. Эй подшоҳим, қопдагини қодир билар, балки меники ўғил туғиб, сизники қиз туғса, сиз берармисиз, деди. Берарман, деди подшо. Мен ишонамайман, деди вазир. Қандай қилсам ишонасан, деди подшо. Менга икки энлик аҳднома ёзиб берасиз, деди вазир. Подшо аҳднома ёздириб муҳрини босди.

Ойдан ой, куннан кун ўтиб, подшонинг хотини туғди, қиз бола бўлди. Унинг отини Шохсанамжон қўйдилар. Сўнг Ҳасан вазирнинг хотини ўғил туғди. Мен Ғарибман, бечораман, ёт элларда юрибман деб, унинг отини Ғарибжон қўйди. Бир-бирларига кулоқларини тишлатиб, етти кеча-кундуз тўй-томоша бердилар. Йигит-билан қиз етти-саккиз ёшга кирди. Мактабга қатнаб юрдилар. Улар ўн-ўн беш ёшларига қадам қўйганда Ҳасан вазир дунёдан ўтди. Энди Ғарибжон билан Санамжон иккаласи болалардан бурунроқ мактабга келиб, сир айтишиб ўтирадиган бўлишди. Шунда Ғарибжон айтди: агар ким кечикиб келса, қандай жазолаймиз? Ихтиёрингиз, деди Санамжон. Ким кечикса бир жуфт бўса беради, деди Ғарибжон. Шундан кейин кунда Ғарибжон ухлаб қолавериб, Санамжонга ютқазаверди.

Бир кун Ғарибжон онасига айтди: эй она, мен шарманда бўлиб турибман, Санамжон билан баҳс ўйнаган адим. Кеч қолиб ҳар юзимдан жуфт бўсаларни бердим, деди. Болам, сен бу нарсалар учун ҳам ема, деди онаси. Бугун сени эртароқ турғизиб юбораман, сен

эртароқ уйқунгни олавер, деди. Отанг қазо қилган бўлса ҳам ҳар қачон шу қиз сеники бўлади, деди.

Шоҳсанамжоннинг Ойхоним деган онаси бор эди. Бир кун у подшога айтди: Энди қизимиз бўй етиб қолди. Уни кимга берамиз, деди. Мен аллақачон уни Ҳасан вазирнинг ўғли Ғарибжонга атаб қўйганман, деди подшо. Сиз подшо одамсиз, деди Ойхоним, қайси бир одам етимга қизини беради. Подшодан подшо, шоҳдан шоҳ қиз олишар, деди. Ундай бўлса қизингни мактабга юборма, деди подшо. Энди Ғарибжон билан баҳс ўйнаган Санамжон китобларини бошшининг тагига қўйиб, эрта туриб бориб ўпишни ўйлаб, эртароқ туриб китобларини қўлтиғига қисган эди, онаси айтдики, эй Санамжон сен энди бошқа хунар ўрган, мактаб вақтинг ўтди, деди. Санамжон ҳеч бўлмаса бугун борайин деб, онасига ёлвориб беш калима сўз айтар бўлди:

Арзим эшит мени, ҳурматли она,
Она, мен дардлини ёндирма бўйла.
Оқ сугинг эммишам мен қона қона,
Она, мен дардлини ёндирма бўйла.

Алингда пиёла қонима тўйсин,
Ишқингда гул юзим саргайиб сўлсин,
Ёниб-қуйиб устихоним кул бўлсин,
Она мен дардлини қийнама бўйла.

Бармоғимда тилла узук қошлидур,
Ичимда ўт ёнар, кўзим ёшлидур,
Раҳм айла ожиза қора сочлидур,
Она, мен дардлини ёндирма бўйла.

Мен ёра интизор йўлини дунаб,
Мени хароб этма, жоним қийнаб,
Шоҳсанам қиз айтар ишқини синаб,
Она, мен дардлини ёндирма бўйла.

Санамжон онасига шунчалик ёлворди, қирқ ёнли қафасга тушган қуш янглиғ потирдади. Онаси Санамжонни юбормай, маҳкамлайверди. Санамжон дарвоза томонини қўйиб, қибла эшикдан чиқиб, Ғарибжонга ўзини кўрсатай деб, китобларини қўлтиғига қисиб, кўчаларда юриб бораётиб, беш калима сўз айтар бўлди:

Зулминг билан, қаҳбо фалак,
Ёрдан бизни айро солдинг.

Иброҳимдай ўтга ёқиб,
Жафо билан нора солдинг.

Жафо билан пурхун этиб,
Кўзда ёшим Жайхун этиб,
Мени Лайли-Мажнун этиб,
Қизиқли бозора солдинг.

Шоҳсанам дер: бўлдим гадо,
Ғарибима жоним фидо,
Найлай энди қодир олло
Ғарибимдан айро солдинг.

Энди ҳар кун сабоқини аъло бажарадиган Ғарибжон, сабоқини билса ҳам, билмагана солди. Ҳар кунни ваъдалашилган вақтда келадиған Санамжон бутун келолмади. Ўқитиб ўтирган муллоси: эй, Ғариб, яхшироқ ўқи деб, қўлидаги ҳассаси билан манглайдан бир туртди. Ғарибжон эса муллога қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Эй ёронлар, жонажонлар,
На бўлди ёрим келмади?
Дўгон қардош, меҳрибонлар
На бўлди ёрим келмади?

Келаман деб ваъда этди,
Келар ваъдасидан ўтди,
Эртадан чошгоҳа етди,
Айланди ёрим келмади.

Бу дардлар нечук дард бўлди,
Юрагим зардобга тўлди,
Кўзим йўлида тўрт бўлди,
Айланди Санам келмади.

Ё бировнинг пандин олди,
Ё бир ғайри билан бўлди,
Ё бир ёмон дардга қолди,
Айланди Санам келмади.

Дардли қул истар табибин,
Ҳеч киши билмас насибин,
Санам йиғлатди Ғарибин,

На бўлди Санам келмади?

Бу сўзни эшитиб муллоси ҳайрон бўлди. Мен бунга ўқи десам, бу менга бошқа сўзни айтаяпти. Шу пайтда мулло тапқарига чиқса, қўлтиғида китоби билан Санамжон мактабга кира билмасдан турибди. Муллога муножот қилиб Санамжон ҳам беш калима сўз айтар бўлди:

Булбули бечорасан гул ишқида фарёд қил,
Тинмайин шому саҳарлар дод ила бедод қил,
Ошиғи саргашта бўлсанг уйқунин барбод қил,
Бир иморат сол келиб ишқ уйини обод қил,
Жон муллам, бир замон Ғарибжонни озод қил.

Ҳар киши бундай балолар бирла бўлса бешумор,
Қолмағай кўнглида анинг зарра янглиғ ихтиёр,
Титрашар бу танда жоним симоб янглиғ беқарор,
Ёримиз мактаб ўқир, бизлар бу ерда интизор,
Жон муллам, бир замон шу ёримни озод қил.

Қўймади ўз ҳолима бу гардуни даврон мани,
Ҳажр дашгинда қуюндай этди саргардон мани,
Ишқ офати қилибдур бесару сомон мани,
Ёқди жисмим ҳажр ўтига дилдаги армон мани,
Жон муллам, бир замон Ғарибжонни озод қил.

Тиғи бедоди фалак ерга оқизди қонимни,
Билмадим ҳижрон тунинда дилдаги нуқсонимни,
Титрашар кўкда малаклар, эшитиб афғонимни,
Жоним чиқмасдан бурун, бориб кўрайин ёримни,
Жон муллам, бир замон шул ёримни озод қил.

Бир муаллимсан эрурсан шахр ичинда бокарам,
Даргоҳингда юз тутиб ёрим жамолин истарам,
Бу ишқ йўлинда ман мастон кезам боғи Эрам,
Термулиб, мисли гадодай ёрин истар Шохсанам,
Жон муллам, бир замон Ғарибжонни озод қил.

Мулло ҳайрон бўлди, Ғарибжоннинг сабоғини билмаганининг сабаби шул экан деб, болаларга дарсдан рухсат бериб юборди, Ғарибжонни эса сабоғини билмагунча юбормайман деб, эшикни занжирлаб қўйди.

Эй тавба, деди Ғарибжон, Санамжоннинг ўтига ёнганда бу

устига устак бўлдим энди. Астагина Санамжонга қараб ишора этди. Санамжон товус янглиғ товланиб Ғарибжонга яқин келиб. Эй Ғарибжон, мен ваъда қилган вақтимда кела олмадим, сени мендан, мени сендан айирдилар. Отам билан онам мени мактабга юбормайдиган бўлди, деди. Мендан икки жуфт бўсангни олмоқчи бўлсанг ол, деди. Шунда Ғарибжонга қараб, Шоҳсанам беш калима сўз айтар бўлди:

Санам: Кулоқ солиб эшит менинг арзимни,
Сиздан-биздан даврон ўтди, Ғарибим,
Ғаним солди айрилиқнинг дардига,
Душман айрилиққа тутди, Ғарибим.

Ғариб: Жудо тушдим дедам хафа бўлмағил,
Манманлиқнинг бир кун заволи бордур,
Айрилиқ дардиннан гулдек сўлмағил,
Бу камлиқнинг охир камоли бордир.

Санам: Қайдаки камолдур қайдаки висол,
Йнглаб ўтар бўлдим неча моҳисол,
Кел қочайлик ўзинг кўрсат йўлга сол,
Душман бизга юзин тутди Ғарибим.

Ғариб: Қайғуни кўп этма, меҳнатинг ортар,
Айрилиқнинг тиғи бағрингни йиртар,
Ёлғондур бу сўзлар тақдирга тортар,
Ҳар кишининг юз минг хиёли бордур.

Санам: Санам айтар, деган сўзим этмасанг,
Мени бир кечада олиб кетмасанг,
Ўзга бир ерларда ватан тутмасанг,
Пичоқ устихона етди, Ғарибим,

Ғариб: Ғариб айтар, қайғу билан ўлдирма,
Заъфарондек бўлиб рангинг сўлдирма,
Оқ тортиб кўнглинга ғубор келтирма,
Азалда бир қисмат қилгани бордур.

Ғарибжоннинг ёнига Шоҳсанамжоннинг келганини билиб, отаси изидан киши юборди. Ғарибжонни қариндош-уруғлари уни бир узок жойга қочириб юбордилар. Кейиндан Шоҳаббос подшо Ғарибжонни етти йил сургун қилиб юборди. Бир бойининг қўйини боқиб,

чўпонлик ҳилиб Ғарибжон икки йил юрди. Унинг бир чўпон жўраси бор эди. Бир куни Ғариб айтди: эй жўра, менинг бу ера келганимга икки йил бўлади, изимда қолган Шохсанамжон деган ёрим бор эди, деди. Бошимдан ўтгани сenga бир-бир баён этайин деб, қўлиндаги таёқчини дутор этиб беш калима сўз айтар бўлди:

Икки йилдир айро душдим ёримдан,
Иложим йўқ ёра ета билмадим.
Ҳеч ким хабар олмас менинг ҳолимдан,
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Ёрим Санамжоннинг сўзи мазоли,
Сўзлаганда ширин тили саноли,
Бармоқлари бўғим-бўғим хиоли,
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Икки йилдир мен келибман бу ёна,
Санамни кўрмагим бўлди гумона,
Ёрдан айро тушиб келдим омона,
Иложим йўқ ёра бора билмадим.

Чўпон дўсти айтдики, ҳей зангар, сени шундай ёринг бор экан нечун бу ерларда юрибсан, деди.

Ғариб айтди: бу мол боқдириб, қўй боқдириб қўйган одам мени юбормайди, бўлмаса бу ерларда бир кун турарим йўқ. Ҳей зангар, буни иложини қилса бўлади, боқиб юрган молларингни ўтсиз ерда боқ, сугорма, қуёшга қоқ этиб ориқлатавер, қани оғанг сени бир зум қўярмикан, деди. Шундан сўнг молларни ўтли жойда боқадиган Ғарибжон ўтсиз жойда боқди, сугормади. Бир куни молларнинг эгаси келиб кўрса, уларнинг ичи-ичига ўтган. Жўрасининг айтганидай, ҳей зангар, бор қаердан келган бўлсанг шу ёқа кет деб Ғарибжонни қувиб юборди.

Ғарибжон шундай қилиб ўзининг юртига келди. Бу ердан кетганимга икки йил бўлди. Боғдод шахрини бир айланиб ўтайин деб шаҳар ичига кирса икки судхўр сўзлашиб ўтирибди: эртага қул бозорида қул қиммат бўлади, чунки Шохаббос подшонинг қизи Санамжон ишлатиб юрган қулидан иккитаси ўлибди, эртага қул бозорига қул олиш учун чиқади.

Ғарибжон бу сўзларни эшитиб: менинг Санамжоним қулга муҳтож бўлган экан деб, қараса қуёшламада чарх эгириб, қалап сотиб

ўтирган бир кампирга кўзи тушди, ёнига бориб: Эй она, сиз менинг онам бўлинг, мен сизнинг ўғлингиз бўлай, бу ерда Шоҳаббос подшонинг қизи Санамжон қулга зарур бўлибди, эртага мени қул бозорига чиқариб сотинг, менинг баҳомни сўраса минг тилло деб айтинг, қулинг нечун қиммат деса, манинг қулим ошиқ, созанда-гўянда деб тураверинг,-деди. Кампир бечора қачон бозор келар экан деб ўтирди. Бозор куни Ғарибжон юзига қорани чалдириб, бошига бир кўша рўмолни боғлатиб, қул бозорида тураверди. Чошгоҳ вақтида отли келиб сўрайверди: Сенинг қулинг неча тилло?-Тўрт юз, сеники-чи?-Беш юз. Шунда уларнинг Ғарибга кўзи тушиб, ҳей кампир, сенинг бу ҳабаш қулингнинг баҳоси қанча, деб сўрадилар: Менинг қулимнинг аниқ баҳоси минг тилло деди кампир. Отлиқлар сенинг қулинг неча қиммат? деб сўрадилар. Менинг қулим ҳунарли қул деди, кампир. Қандай ҳунари бор? деб сўрадилар. -Ошиқ созанда, гўянда бу йигит деди кампир. Шоҳсанам шунда менинг Ғарибимнинг сози, сўзлариндан билмасмикан бу деб, қани сендан бир нарса эшитайлик, деди.

Бозорда бир кишининг сотишга олиб келган икки дутори бор эди, биттасини олиб Ғарибнинг қўлига бердилар. Ғарибжон қўлида сози, оғзида сўзи бир неча жойлардан тиссол келтириб, Санамжонга қараб беш қалма сўз айтар бўлди:

Қулоқ солиб, эшит менинг арзимни,
Олар бўлсанг қул жойинга ол, Санам,
Киши билмас менинг асли зотимни
Олар бўлсанг қул жойинга ол, Санам.

Бу беш кунлик ўтар дунёи Фоний
Кўп бўлар ошиққа маъшукнинг оли.
Гавҳар нишон бўлсанг, гавҳарнинг дони,
Олар бўлсанг қул жойинга ол, Санам.

Жоним олар тархиноли қўлларинг,
Ошиқни куйдирар ширин тилларинг,
Жафокаш бўларлар Боғдод қуллари,
Олар бўлсанг, қул жойинга ол, Санам.

Рақиблар қўлидан озод қил мени,
Харидорсан бугун сотиб ол мени,
Ғариб айтар: ҳақ ошиқман, бил мени,

Олар бўлсанг, қул жойинга ол, Санам.

Бу сўзларни эшитган Санамжон Ғарибжонни таниб, эй кампир, бу қулни айтганингдан ҳам зиёда экан, яна бир сўз айтсин, деди. Ғарибжон қайнаб-жўшиб, қўлида сози, оғзида сўзи Санамжонга қараб яна беш калима сўз айтар бўлди:

Кулар юзли, сарви қадли нигорим,
Бу сўзим фарқига етсанг не бўлди?
Барча одам бизга душман, дилдорим,
Рақиблардан ҳазар қилсанг не бўлди?

Жамолинг кўрмакка мен интизорман,
Бу ишқнинг дардидан мен бекарорман,
Ўлгунча, Санамжон, мен харидорман,
Солланиб олдимдан ўтсанг не бўлди?

Ҳар ошиқ даврини сураб чоғинда,
Булбуллар сайрашар чаман боғинда,
Мен юрибман айрилиқнинг доғинда,
Санамжон, марҳамат этсанг не бўлди?

Ғариб айтар фикри-зикрим йитирдим,
Сени кўриб ҳаёлимни кетирдим,
Озод бошим бунда келиб соттирдим,
Харидорсан сотиб олсанг не бўлди?

Ана энди Ғарибжонни Санамжон таниб, минг тиллони санаб бериб, кампирнинг вақтини хуш этиб, Ғарибжонни етаклаб кетаверди. Энди бугун кечқурун Ғарибжон билан хабарлашсам, дўст-душман отамга билдирар, шу боис ундан эртага хабар олай деб, бу қулни эҳтиёт қилишни тайинлаб, Ғарибжонни қулларнинг орасига юбориб кетаверди. Ғарибжоннинг кўзлари тўрт бўлиб қараб ўтирди, келажак Санамжон йўқ. Қаҳрланиб боғнинг деворидан сакраб ўтиб ўзининг кулбахонасига бориб Оводон деган онаси, Гулжамилда деган синглиси бор эди, булар билан кўришиб, сўзлашиб ўтирди. Лекин эрталаб ўрнидан туриб, боғни ташлаб келганига кўп пушаймон қилди. Санамжон ҳам эртаси келиб, қуллардан сўради: кеча минг тиллога олинган ҳабаши қул қани? Қуллар: билмадик, кечадан бери йўқ, дедилар. Санамжон Ғарибжон кеча хабарлашмаганим учун аччиқланиб кетибди-да деб ўйланди, хафа бўлди.

Шоҳсанамнинг Хўжа боғбон деган боғбони бор эди. Ғарибжон

орадан икки кун ўтгандан кейин боғбонга хизматкор бўлиб ёлланди. Отини кал, деб таништирди. Боғбон ҳар йилда икки марта гулчаман боғлаб Шоҳсанамга совға қилиб юборар эди. Ғарибжон буни кўриб, эй уста, мен ҳам бир чамангул боғласам бўладими? деб сўради. Бўлади, деди боғбон. Ғарибжон қайтиб келиб боғбонга етим хизматкор бўлиб юрганини бир қоғозга бир бармоғининг қони билан ёзиб, бир гулдаста ясади ва ичига қоғозни яширди:

Қулоқ солиб эшит менинг арзимни,
Кундан кунга бадтар бўлдим дардингдан.
Нелар чекдим фироқингдан-ҳажрингдан.
Қонлар йиғлаб ўтар бўлдим, дардингдан.

Чаман боғлаб, нома ёзиб юбордим,
Сени деб нечадан юзим ўтирдим,
Роҳат чироғини йиғлаб сўндирдим.
Қонлар йиғлаб ўтар бўлдим, дардингдан.

Ихлос билан боғда хизмат этарман,
Билмам мақсадимга қачон етарман,
Сахролардан адо бўлиб ўтарман,
Ёр-ёр дейиб ўтар бўлдим, дардингдан.

Ғариб эдим «кал» қўйибман отимни,
Кимга айтай сийнамдаги додимни,
Паризоддан бошқа билмас зотимни,
Сенга додим айтар бўлдим, дардингдан.

Боғбон Ғарибжон ясаган гулдастани кўриб, хурсанд бўлди ва Шоҳсанамга совға қилиб олиб борди. Шоҳсанам дид билан танланган гулларни кўриб, эй боғбон, бу гулларни жуда яхши танилаб боғлабсиз, эртага бизлар бокқа сайрга чиқамиз, боғни ораста қилиб, қўйинг, деди. Боғбон ҳўп бўлмай, деб севиниб боғда турли-турли таомлар пиширтди. Чамангулларни боғлайверди. Боғбон кетгандан сўнг Шоҳсанам гулларни кўрса, бир чамангул кўзига иссиқ босилаверди, олиб искаб кўрди, ичидан бир нома чиқди. Хатни ўқиб, Ғарибжоннинг боғбонга етим бўлиб юрганини билиб, Ақча Гулнаҳорни чақириб, Ғарибдан келган нашонани бицдириб, беш калима сўз айтар бўлди:

Ақча, сенга сирим баён айлайин,
Ёрнинг гули келди, ўзи келмади.
Бошимдан ўтгани аён айлайин,
Ёрнинг гули келди ўзи келмади.

Қаҳбо фалак бошим қилди ғамхона,
Ўзи келмай гули келди ғойибона,
Менинг учун етим бўлиб боғбона,
Ёрнинг гули келди ўзи келмади.

Фалак менинг қанотимни қайирмиш,
Ғазаб билан мени ёрдан айирмиш,
Билмам энди ёрим кимга буюрмиш,
Ёрнинг гули келди ўзи келмади.

Шоҳсанам қиз дерлар менинг отима,
Бир оҳ урсам олам ёнар ўтима,
Сендан бошқа ким ҳам етар додима,
Ёрнинг гули келди ўзи келмади.

Ана Санамжоннинг қирқ канизи бор эди, Боққа сайила
чиқадиган бўлдилар. Канизлар боққа бориб мева-майз билан бўлиб
кетавердилар. Ақча Ғарибжонни боғ ичидан ахтарди. Қараса,
шоҳсупалар тўшалиб, овқатлар пишиб, турли-туман мевалар келиб
турибди. Узоқдан кўрса, боғнинг бир чаккасида Ғарибжон ўт ўриб
ўтирибди. Шоҳсанамнинг кўзи Ғарибга тушди, булар борса, Ғариб
қочиб кетди. Бундан хафа бўлган Санамжон, бошимга не савдолар
тушди деб, Шоҳсупада ўтириб Ақчага қараб, беш калима сўз айтар
бўлди:

Ақча келин ғамсиз бошим,
Ғамхона бўлди найлайин.
Бир сўз билан ошно ёрим,
Бегона бўлди найлайин.

Мен келдим уни сўроғлаб,
Юрагимни ўта доғлаб,
Ул қочди мендан йироғлаб,
Ғамхона бўлди найлайин.

Ёнди, юрак-бағрим ёнди,
Умидим барчаси сўнди,

Висолнинг чироғи сўнди
Ҳижрона дўнди найлайин,

Қутилмади ғамдин бошим,
Заҳар бўлди ичган ошим,
Ёр йўлинда кўзда ёшим,
Равона бўлди найлайин.

Шоҳсанам қиз энди пира
Ҳар ким ўз бахтиннан кўра
Ёрнинг кўнгли ўзга ёра,
Гумона бўлди найлайин.

Эй Санамжон, деди Ақча, шунча киши билан келибсан, ҳали ҳам яхши бу бечора боғда турибди. Ойни, кунни этак билан яшириб бўладими? Сизларнинг биринг ой, биринг кун, у шунча қизнинг олдида андиша қилиб, уялиб турибди. Унда Шоҳсанам бошига тушган савдоларни бу қанизларига бирма-бир баён қилмоқчи бўлиб, боғнинг ўртасида туриб, қанизларига қараб, беш қалма сўз айтар бўлди:

Севар ёримдан айрилиб,
Юрмаклик раво бўларми?
Гўзал ёрнинг фироқинда
Кезмаклик раво бўларми?

Юзда маломат гардини,
Сўзи етар номардини,
Эй ёронлар, ишқ дардини,
Дардига даво бўларми?

Мен истарман ёрим келса,
Келиб ғамгин кўнглим олса,
Бир кун буни отам билса,
Қанизлар гувоҳ бўларми?

Фироқ ўтина куйганинг,
Сийнасига тош урганнинг,
Ҳар кимга сирин айтганинг,
Сўзинда ибo бўларми?

Ёр йўлинда бўйин эгмак,
Роҳат бериб меҳнат олмоқ,
Шоҳсанамдин ошиқ бўлмоқ
Бундан истихлю бўларми?

Ана Ақча билан канизлар Ғарибжоннинг ўт ўриб юрган жойига бордилар. Узоқдан Ғарибжон уларни кўриб, қизларга қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Кўрдим икки пари келар,
Келар соллона-соллона,
Ошиғининг кўнглин олар,
Олар соллана-соллана.

Бири гулдир, бири ғунча,
Ул бири йўқдур Санамча.
Томоша қилинглар барча,
Келар соллона-соллона.

Икки пари ҳамдам бўлиб,
Бир-биридан нусха олиб,
Қиё боқиб, қўлин солиб,
Келар соллана-соллана.

Ўн тўрт гежалик ой каби,
Юришлари хумо каби,
Минг қўйли улибой каби,
Келар соллана-соллана.

Ғариб дер: ошиқ додина,
Ҳақ етирсин муродима,
Дўзмам айролиқ ўтина,
Келар соллана-соллана.

Икки қиз Шоҳсанамнинг ҳузурига Ғарибжонни олиб келдилар. Шоҳсанамнинг қирқ канизининг ичида бир канизи бор эди, отига Тансиқ каниз дер эдилар. Шоҳсанам айтди: эй, Тансиқжон, Ғарибжоннинг қўлларига бир сув қуйиб юбор, деди. Шул вақтда каниз Ғарибжоннинг ҳусни-жамолини кўриб унга тегишди. Ғариб силтаб ташлади. Шоҳсанам буни эшитиб, Тансиқ канизни таёқ жазосига буюрди. Тансиқ каниз бу хўрликларга чидамай,

Ғарибжоннинг боғда юрганидан Шоҳаббосга хабар берди. Бу хабарни эшитиб, дарғазаб бўлган Шоҳаббос жаллодларини чакириб, дарров Ғарибжонни тутиб, дорга осинглар, деб буюрди. Жаллодларнинг келгани ҳақида Шоҳсанамга хабар бердилар. Шоҳсанам Акча билан маслаҳатлашиб Ғарибни Ясмиқ момо деган кампирнинг уйига яширдилар.

Жаллодлар келиб боғни қарадилар, ҳеч ердан Ғарибни топа олмадилар. Орадан уч кун ўтди. Шоҳсанам айтди: Эй, Ғарибжон энди отам билиб қолар, сен бир узоқ юртларга кетмасанг бўлмас, деди. Шунда Ғарибжон ёрига қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Отам билар дейиб қайғу емагил,
Биза бир ёзилғони бордур Санамжон,
Манго мунча аччиқ сўзлар демагил,
Ошиқлара не ҳожати бордур, Санамжон.

Отанг билса ахир бизни нетарлар,
Фармон билан тутиб олиб кетарлар,
Сени кўйиб, мени қурбон этарлар,
Бир боша бир ўлим бордир, Санамжон.

Булбул фиғон айлаб айрилмас гулдан,
Жоним чиқармишам бошда кўнгилдан,
Минг жазо олсам ҳам кечмасман сендан,
Ошиқлара кечмак ордур, Санамжон.

Мен бир кўзи-кўчқор сўйсин қурбона,
Бўйиним боғламишам зулфинг торина,
Минг йўла бош урсам отанг дорина,
Ошиқларнинг иши зордур, Санамжон.

Ғариб айтар: фалак биза турмаса,
Ўтганларнинг хотирасин кўрмаса,
Отанг энди сизни биза бермаса,
Ўлдирса ўлдирсин зордур, Санамжон.

Охири чорасизликда Ғарибжон Ҳалаб Ширвонга кетадиган бўлди. Ғарибнинг Оводонжон деган онаси, ёшгина Гулжамила деган синглиси бор эди. Булар билан хайрлашиб кетайин деб, ўзининг кулбахонасига борди. Онасига бошидан ўтган савдоларни баён этиб Ғарибжон беш калима сўз айтар бўлди:

Хуш қол энди жоним онам,
Мен бундан кетмали бўлдим,
Шоҳаббос хоннинг дардиндан,
Олиб бош кетмали бўлдим.

Кеза билмам ушбу ерда,
Санам солди ёвуз дарда,
Ёр-ёр дейиб, ёт элларда,
Олиб бош кетмали бўлдим.

Ғариб айтар қариндошим
Куяр бўлди ичи-дешим,
Энди ёт эллара бошим,
Юрт ошиб кетмали бўлдим.

Ғарибжоннинг онаси бу сўзларни эшитиб, гоҳ розичилик бериб,
гоҳ розичилик бермай, у ҳам Ғарибжонга қараб беш калима сўз айтар
бўлди:

Ҳасан вазир ўлди, сенга сиғиндим,
Болам сени ўз бахтингга топширдим.
Бир неча вақт бўйинг кўриб қувондим,
Ғариб, сени ўз бахтингга топширдим.

Ёр йўлинда бошинг олиб кетарсан,
Энди мени, Гулжамилини нетарсан,
Бир ёр учун хунобалар ютарсан,
Ўғлим, сени ўз бахтингга топширдим.

Кўзимнинг равшани нурум сен эдинг,
Қаторда суянган норим сен эдинг,
Бахти-саодатим борим сен эдинг,
Болам сени ўз бахтингга топширдим.

Душман юзи қора бўлсин орада
Мени қўйди бир туганмас балюда,
Ободон дер, етолмадим мурода,
Ўғлим сени ўз бахтингга топширдим.

Охири Ободон кампир чорасизликдан Ғарибжонга рухсат
берди. Энди синглиси Гулжамила ақасининг кетажағига норозилик
билдириб, беш калима сўз айтар бўлди:

Орадан бир сўз ўтмайин,

Жон оғам, қайга борасан?
Ўн гулдан бир гул очилмайин,
Жон оғам, қайга борасан?

Яхши-ёмонимни билмай,
Кафан тўнимни рос қилмай
Алинг билан гўра солмай,
Оғамжон, қайга борасан?

Бағрим бўлди пора-пора,
Юрагима солдинг яра,
Бизни айладинг бечора,
Жон оғам, қайга борасан?

Кечдим мен энди бу жоннан,
Ал чекдим фойда, зиённан,
Шумиди умидим сеннан,
Жон оғам, қайга борасан?

Кетар бўлдинг бөшинг олиб,
Бир кексанинг пандин олиб,
Мени ёнар ўта солиб,
Жон оғам, қайга борасан?

Юрагимни ўта доғлаб,
Иқболима қора боғлаб,
Гулжамил қолар қон йиғлаб,
Жон оғам, қайга борасан?

Шундан сўнг онаси, синглиси билан хайрлашиб,
Ғарибжон Халаб- Ширвонга равона бўлди. Бориб бир Хоросмон
кампирининг хоросини хайдаб, она-ўғил бўлиб ун чиқариб юраберди.

Бир куни кампирининг уйига Бағдоддан бир савдогар келиб тушди:
- сен қайдан бўласан ўғлим, деди Ғарибжонга. Ғарибжон: мен
Боғдоддан, Ҳасан вазирнинг ўғлиман, деб жавоб берди. Агар сен
Боғдоддан бўладиган бўлсанг,-деди савдогар, Шоҳаббос подшо
қизини Шовалад подшога бераётир. Қирқ зинаояли кўшк қурилди,
қирқ кеча-кундуз тўй бўлади, кўшк олдида созанда-гўяндлар қўшиқ
айтмоқда. Ҳар бир созанда-гўянданинг сози, овози ёқса Шоҳсанам
минг тилло танга, қирқ чопон сарпо бериб турибди, деди.

Ғарибжон бу хабарни эшитиб ичига ўт тушиб, кампирининг олдида

бориб айтдики, эй она, кўп тузингни едим, оз хизматингни этдим, менга рухсат қилсанг, Бағдод шаҳрига қайтмоқчиман, деди. Кампир билан хайрлашиб, Карбало чўлида шошиб-пишиб келаётир эди, олдига бир қора отли киши чиқди. Эй ўғлон келиш қайдан, бориш қайга, деди. Келишим Халаб-Ширвондан, боришим Бағдод, деди Ғарибжон. Мин, отнинг орқасига,-деди халиги киши. Ғарибжон минди, кўзингни юм, деди, юмди. Оч деди, очди. Ярим кечада қараса эшигининг олдига турибди. Ғарибжон эшигини қоқди. —Ким, деди кампир. Бир худойи меҳмонман деди, Ғарибжон. Эй меҳмон менинг уйимда не ҳаз топасан, менинг бир Ғарибжон деган ўғлим бор эди, кетганига етти йил бўлади. Унинг дардида йиғлай-йиғлай кўзим кўр бўлди. Уйим, ифлос, деди кампир. Унда Ғариб айтди: Эй, она менга ҳеч нарсангиз керак эмас. Бир чойнак чой берсангиз бўлгани. Шунда Гулжамила айтди: Эй, она, бори-йўғимизга қойил бўлиб турибди-ку, меҳмон олаверайлик. Менинг акам Ғарибжон ҳам ёт элларда шундай меҳмон жой сўраб юргандир, деди.

Шундай қилиб она-қиз иккаласи маслаҳатлашиб Ғарибжонни ичкари киргиздилар. Чироқни ёқиб чойни қўйиб бир оз дам олгандан кейин Ғарибжоннинг кўзи деворда турган ўзининг қазма дуторига тушди. Ғарибжон дуторни олиб, ҳар турли мақом йўлларига чертаверди. Кампирнинг бағри эзилиб, дутор чалишинг худди ўғлим Ғарибжоннинг дутор чалишига ўхшар экан. Меҳмон сен қайдан келаётирсан, деб сўради. —Эй кампиржон, деди Ғарибжон мен Халаб-Ширвондан келаётирман. Шунда кампирнинг ёдига ўгли Ғарибжон тушиб, кўнгли бузилиб, беш калима сўз айатар бўлди:

Халаб Ширвондан йўл ошиб,
Келишинг болама мангзар,
Сарпардадан муқом чалиб,
Чалишинг ўғлима мангзар.

Ўрдак учар ҳаво билан,
Булбул сайрар наво билан,
Астагина ибо билан,
Келишинг ўғлима мангзар.

Кўзим йўқ юзинг кўрмакка,
Мадорим йўқ ҳол сўрмоққа,
Қарорим йўқ қараб турмоққа,
Келишинг болама мангзар.

Уч юз олтмиш, тирик ғойиб,
Бу Ғарибжон куйди ёниб,
Ҳар саҳарлар Санам дейиб,
Нолишинг ўғлима мангзар.

Ободон дер: жоним куяр,
Қон йиғласам душман кулар,

Сўзларингни жоним суяр,
Ёнишинг ўғлима мангзар.

Эй, кампир деди Ғариб, мен Ғариб эмасман, бир юрган ғариб-
бечораман, деб Ғарибжон онасина қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Яқин йўлим узоқ қилма,
Она, сен ғариб, мен ғариб,
Қулоқ сол арзи ҳолима,
Она, сен ғариб, мен ғариб.

Мен Ғарибни шогирдиям,
Олтин-кумишнинг гардиям,
Шоҳсанам қизнинг дардидаям,
Она, сен ғариб, мен ғариб.

Ғариб келар тоғдан ошиб,
Ишқ ўтида қайнаб-жўшиб,
Қайғусига қайғу қўшиб,
Она, сен ғариб, мен ғариб.

Ғариб деяр, ҳолим сўрма,
Ўғлим дебам фарёд урма,
Кўз ёшинг тўкиб ўлтирма,
Она, сен ғариб, мен ғариб.

Сўзни тамом қилгандан кейин Ғарибжон айтдики, эй она, бу
ерда Шовалад подшоннинг қирқ кунлик тўй-томошоси бор экан.
Ҳамма жойдан созанда-гўянда, бахши келган экан. Қайси бирининг
сози-сўзи ёқса Шоҳсанам минг тилло танга пул, бош-оёқ сарпо берар
экан. Менинг дуторим йўқ. Шу дуторни берсангиз, мен ҳам тўйга
бориб, бир ашула айтсам, деди.

Эй меҳмон, деди кампир, бу дутор ўғлимдан қолган нишона, ҳар
кун буни уч мартаба кўзимга суртиб қўяман. Бу дуторни ҳеч кишига

бермайман, деди. Шунда синглиси Гулжамила айтди: Эй она, бошланганига ўттиз саккиз кун бўлибди. Лекин ҳали бир созанда минг тилло тугул бир шойи ҳам олиб билмабди. Балки бу меҳмон сози-сўзи ёкса минг тилло пул топса, беш юз тангасини бизларга келтириб берса, дуторни ҳам келтириб берса ёмон бўлмас эди. Она-қиз иккаласи ўйлашиб Ғарибжонга дуторни бериб юбордилар.

Ғарибжоннинг юзига қора чекилган, сочлари ўсган, дуторнинг попуклари кўриниб турар эди. Ғарибжон тўйга қараб жўнади. Борса кўшқда Шоҳсанам ҳуснининг шуъласи жаҳонни тутиб турибди. Сал нарида уч ёғоч ҳам қурдириб қўйган экан. Агар Ғарибжон келса осамиз деб. Ғарибжонни бу афтода ҳолида кўрган болалар унга кесак отиб бу не кал, деб масхаралай бошладилар. Бу ёт йигитдан шубҳаланган тўйбошилар келиб қарасалар, унинг қўлтиғидан дутор кўриниб турар эди. Бир саёқ созанда бўлса керак, деб уни мусобақалашаётган бахшилар ёнига олиб бориб қўйдилар. Созандалар унга жирканиб қарашдилар ва нарига ўт ҳой кал, деб уни четга чиқариб қўйдилар. Шунда тўйбошилар айтдики, ўттиз саккиз кун бўлди созандалар айтишиб бир шойи танга ола билмади. Бу кал ҳам омадини бир синаб кўрсин, дедилар. Шундай қилиб, Ғарибжонга навбат етди. Ғарибжон оғзида сўзи, қўлида сози, кўп ерлардан тимсол келтириб, Санамжонга қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Оғалар, тун-кеча Халаб-Ширвондан,
Бир ёр савдосига тушдим-да келдим.
Айб айламанг, дўстлар, мени келди деб,
Шул ёр савдосига тушдим-да келдим.

Неча йиллар кездим саргардон, бўлиб,
Ҳар мардга, номардга сирим билдириб,
Мурода етганим тушимда кўрдим,
Бир ёр савдосига тушдимда келдим.

Номозшомда келдим кулбахонамга,
Сирим билдирмадим божим онама,
Ханжар ярасини чекдим сийнама,
Тухмат балосидан қочдим-да келдим.

Отимни боғладим нор ёғочига,
Бир камон ташладим дор ёғочига,
Қурбон бўлсин бошим, ёр ёғочига,
Баланд-баланд тоғлар ошдим-да келдим.

Юзингни ўхшатдим байрам ойна,
Қопингни ўхшатдим камон ёйна,
Мен ботибман маюматнинг лойина,
Дарё каби тўлиб-тошдим-да келдим.

Созимни кўтариб келдим уйинга,
Қурбон бўлай ёрим қадди бўйига,
Ғариб ошиқ Шоҳсанамнинг тўйига,
Бир ёр савдосига тушдим-да келдим.

Бу сўзни Ғарибжон айтган заҳоти жалюдлар уни ёқасидан тутиб, подшоҳнинг олдига қўл - оёғини боғлаб олиб бориб ташладилар. Эй подшоҳим, бу кал, Ғариб ошиқ Шоҳсанамнинг тўйига деган сўзни айтди, дедилар. Бунини олиб бориб дорга осинглари, деди подшо. Подшоҳим арзим бор, арзим бор, деб Ғарибжон дорнинг тағига боргунча қичқариб борди. Тўйга йиғилган халқ, эй подшоҳим, ашулани жуда яхши айтди, унинг арзини сўранг, одамнинг арзини сўраб гуноҳи бўлса осин керак, дедилар. Подшо қайтаринг, қайтаринг, деб буюрди. Ғарибжонни дор тағидан қайтариб олиб келдилар. Қани, зангар, не арзинг бор, деди подшо. Қуллик-ей подшоҳим, деди Ғариб, бу одамларингиз овсарми десам, сиз булардан ҳам сал юкори экансиз. Мен ўзимнинг Ғарибчилигимни, бечоралигимни айтдим, менинг Ғарибжон билан ҳеч алоқам йўқ деди.

-Вой зангар-ей, боринг, тархон бўлсин бу йигит, нени айтса айтсин, Ғарибни айтадими, бечораними, деди подшо. -Қуллук подшоҳим, яна оғзимдан ғариб-сариб деган сўз чиқса, бу одамларингиз мени яна сизни олдингизга келтирмасин, айтиб қўйинг, деди Ғариб. Йўқ, тархон бўлдинг сен, деди подшо. -Қуллук подшоҳим, қуллук деб, Ғариб Шоҳсанамнинг кўнги олдига чиқиб, беш калма сўз айтар бўлди.

Эй ёронлар, севдигимни,
Кўрдигим жойларга келдим.
Сенинг билан ўйношмоққа,
Юрдигим жойларга келдим.

Ўпсам сиймин сақоғингнан,
Сўрсам ширин дудоғингнан,
Ёрим, иссиқ кучоғингнан,
Ётдигим жойларга келдим.

Тердигим боғнинг гулиннан,
Эмдигим ширин тилиннан,
Ёрим хиёли кўлиннан,
Тутдигим жойларга келдим.

Ёрим билан сафо этиб,
Муроду мақсадга етиб,
Оқ кўлин бўйнимга чотиб,
Турдигим жойларга келдим.

Ғариб опшиқ қайнаб-жўшиб,
Ишқнинг дарёсига тушиб,
Санинг билан кўл ушлашиб,
Юрдигим жойларга келдим.

-Ҳа баракалло, менга ёқадиган номалардан айтдинг, деб
Шоҳсанам Ғарибжонга бош-оёқ сарпо, минг танга пул совға қилди.
Ғарибжон янада қайнаб-жўшиб, тилида сўзи, кўнида сози
Шоҳсанамга қараб яна беш калима сўз айтар бўлди:

Ёрим берган оқ рўмолим,
Сени қайда қўёйин ман.
Боғдан қизил гулни узиб,
Қирмизига бўёйин ман.

Ёрим, жабр айлама биза,
Сие зулфни тўкма юза,
Сени бермам юз минг қиза,
Кел, ёнима севайин ман.

Эйнингизда бордур ола,
Бири гулдур, бири лола,
Санамжон, кетма хаёла,
Кўш норингни ўйнайин ман.

Юзингдан ниқобинг олиб,
Куйдирма мени уялиб,
Сенинг билан кўл ушлашиб,
Кел, ёнима севайин ман.

Опшиқ Ғариб қайнаб жўшиб,

Ишқнинг ўтига туташиб,
Карбало чўлиннан ошиб,
Кел, ёнима севайин ман.

Бу сўзни эшитгандан кейин Шоҳсанам яна бир неча молу-дунё,
зари зебо ташлади. Энди Ғарибжон сал қаҳрланиб яна беш калима
сўз айтар бўлди:

Ошиқларнинг иши халққа аёндур,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.
Бу дунё деганинг бир бевафодур,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Ғариб эдим кал қўйдилар отимни,
Кимга айтай сийнамдаги доғимни,
Паризодим, сен эшитгил додимни
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Ҳақ олдида кечар оҳ ила зорим,
Кеча-кундуз фикри, ёди, хаёлим,
Чин ошиқ на қилар дунёнинг молин,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Ғариб ошиқ айтар: бу сўзим ростдур,
Бу дунё деганда хузур абасдур,
Санамжон ёр, санго, манго ким дўстдур,
Манго сиз ёр керак, дунё керакмас.

Ғарибжон мени унутмаган экан деб, уни таниган Санамжон
юзидаги бир пардасини олиб ташлаб, икки зинапоя тўман тушиб
Ғарибжонга қараб бир сўз айтар бўлди:

Қулоқ солиб эшит менинг арзимни,
Сенинг келганингни билобилмадим.
Мен ташладим номус билан оримни,
Ғариб, келганингни билобилмадим.

Айрилиқ дардидан йиғлаб юрдингми,
Бир ёт ўлкаларда сарсон бўлдингми,
Аввалдан келмасдан энди келдингми,
Ёрим, келганингни билобилмадим.

Ота-онам қувладилар кетмадим,

Оқ юзима пардаларни тутмадим,
Шовалад подшони қабул этмадим,
Ғариб келганингни билобилмадим.

Сенинг учун мен берайин жонимни,
Сен бўлмасанг мен тўкайин қонимни,
Зиёда йиғлатма Санамжонингни,
Ёрим, келганингни билобилмадим.

Кимни гул деярлар, кимни лолалар,
Айтармишлар мени сендан оларлар,
Манго тегсин сенга келган балолар,
Ёр, сенинг келганинг билобилмадим.

Шоҳсанам дер, Шоҳаббоснинг қизиман,
Қон йиғлатиб ёш тўқдирдинг кўзимга,
Қарорим йўқ ташлар бўлдим устинга,
Сенинг келганингни билобилмадим.

Шундан сўнг Шоҳсанам Ғарибжоннинг кучоғига ўзини
ташланди. Ҳамма ер талотўп бўлиб кетди. Лекин ҳеч ким буларни
бориб ажратишга ботина олмади. Шоҳсанам шунда яна Ғарибжонга,
халққа қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Ойга туташди доғлар,
Булбулнинг ўрнига зоғлар,
Ёридан айрилган йиғлар,
Етишпакўр ибо билан.

Кўп бўлар ёрнинг армони,
Санамнинг қийналди жони,
Ўртади доғи ҳижрони,
Душманлара топо билан.

Қурбон бўлай ёр қўйнига,
Қўлимни солай бўйнига,
Ғариб Санамнинг қўйнига
Қирса керак ибо билан.

Бу сўздан кейин Шоҳсанам кўшкнинг зинасидан ўзини
Ғарибнинг устига отди. Ғарибжон Шоҳсанамни ерга пешини ҳам

теккизмасдан икки қўллаб қопчиб олди. Иккиси-бири у ёққа, бири бу ёққа беҳуш бўлиб йиқилиб қолдилар. Ғариб деган ашулачининг устига Шоҳсанам кўшкдан ўзини ташлади, деб дарров подшога хабар бердилар. Бординг, иккаласини ҳам дорга осинг, деб фармон берди подшо. Тўйга йиғилган халқнинг ҳаммаси подшонинг олдига бориб. Подпоҳим, сиз уларни осиб ҳам билмассиз, ўлдириб ҳам билмассиз, улар бир-бирига ошиқ дедилар. Ўзингиз томдан отилган қовунни ҳам қопчиб ола билмассиз, Ғариб қирқ газлик кўшкдан ташлаган Шоҳсанамнинг бир пешини ҳам ерга теккизмасдан қопчиб олди, дедилар.

Тамоми халқ Ғариб билан Санамжон томонда бўлдилар. Подшонинг бир ўзи бир томон қолди. Не қиларини билмаган подшо: Эй халойиқ, бу тўй Ғариб билан Санамники бўлсин, деди. Ўртада бир жарчи чиқиб, бу тўй Шоваладнинг эмас, Ғариб билан Шоҳсанамники деб кичқираверди.

Шунда Ғарибжон энди хотиржам бўлиб, халққа қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Шум рақиблар бизни ёмон бўлдирди,
Ўлмагимдан айрим қор манго найлар?
Кечиман жонимдан, гул армонимдан,
Энди номус билан ор манго найлар?

Намак каби ҳар қозонда қайнарман,
Тушиб ишқнинг дарёсидан бўйларман,
Кўнглима келганинг баён айларман,
Энди номус билан ор манго найлар?

Олғир қушлар бўлар шохнинг қўлинда,
Хуркиб-хуркиб қўнар соғу сўлинда,
Мансур каби анал-халқнинг йўлинда,
Осилсам зулфингдан дор манго найлар?

Ғўч йипитнинг бўлмас зарра армони,
Номарднинг ҳеч бўлмас аҳди-паймони,
Булбулнинг олдинда гулнинг дармони
Гулшанда ётмишам хор мано найлар?

Кечалар қон йиғлаб, қундуз тинмишам,
Ичиб, ишқнинг шаробиннан қонмишам,
Ғариб айтар ишқ ўтина ёнмишам,
Жафолар чекмасам ёр манго найлар?

Бу сўздан кейин Шоҳсанам ҳам ёрига қараб, уни боғ сайрига таклиф этиб бир сўз айтган экан:

Кел, Ғарибим, гапга этали бу боға,
Булбул кўрсин, гулнинг томошасини.
Қўй лабинг лабима, дудоқ дудоға,
Тиллар кўрсин болнинг томошасини.

Ишқ ели ҳар кимни айлади барбод,
Ҳар кимга дуч келса, айлайди фарёд,
Бесутун тоғини кўп қазди Фарҳод,
Ширин кўрсин Фарҳод томошасини.

Худойим яратди жаннату ризвон,
Бу дунёда берди бизга минг алвон.
Ёр учун неча йил кездди саргардон,
Лайли кўрсин Мажнун томошасини.

Ҳақ солмиш бошимга тутанмас савдо,
Жаҳон бозорига тушди минг гавго,
Ўн икки йил оқди дарёда Узро,
Вомиқ кўрсин Узро томошасини.

Икки ошиқ кўшилсалар жам бўлиб,
Сийналари доғли, кўзи нам бўлиб,
Сен ошиқ Ғарибсан, мен Санам бўлиб,
Эллар кўрсин бизлар томошасини.

Бу сўздан кейин Ғариб-жўшиб, ёрининг жамолини қараб, уни таъриф этиб, халққа қараб беш калима сўз айтар бўлди:

Эшиги айвони боқчали, боғли,
Хуш ажаб жойлари бордур Санамнинг.
Ажаб томошали, оқ ўтоғали,
Боғу-бўстонлари бордур Санамнинг.

Бу нотавон кўзим ишқинда зори,
Ғамзаси жон олар, ширин гуфтори,
Кўнглима хуш ёқар ажаб рафтори,
Тиллодан шонаси бордур Санамнинг.

Санамнинг қайғусин вайрон этмака,
Боғи бор соллониб сайрон этмака,
Киприги жонимни ҳайрон этмака,
Бошинда жигоси бордур Санамнинг.

Ўзи хушқилиқли, қўли созлидур,
Олитир лочин қўшли учқур бозлидур,
Боғли, сарҳовузли ўрдак-ғозлидур,
Қўлинда сўнаси бордур Санамнинг

Етти йилдир мен ёримдан жудоман,
Бошим қурбон, йўлинда ҳоки пойман,
Етти йилдан бери қуйиб адоман,
Юрагимда доғи бордур Санамнинг

Гўзалдан гўзалнинг кўп бўлар фарқи,
Етишмас уларга хўбларнинг нархи,
Отасидир гўё фалакнинг чархи,
Паризод аноси бордур Санамнинг.

Келибдур ошиқлар жондан кечмака,
Ошиқларнинг ботин йўлин очмока,
Гулгун косаларда шароб ичмака,
Тиллюдан миноси бордур Санамнинг.

Моҳитобон ичра моҳлар моҳидур,
Ою-йиллар чекканим шунинг оҳидур,
Ғариб Шоҳсанамнинг қиблагоҳидур,
Тилинда саноси бордур Санамнинг.

Бу сўздан кейин Ғариб билан Шоҳсанам бир-бирига оқ ипакдай чирмашдилар. Шоҳаббос ноилож қолди. Халқнинг ғазабидан кўрқиб, Шоҳсанамни Ғарибжонга никоҳ қилиб беришга рози бўлди. Етти кеча-кундуз қайтадан тўй-томоша бўлди. Бутун халқ тўй соп бўлгунча тик туриб хизматда бўлди.

Шундай қилиб, Ғарибжон билан Шоҳсанам муроду мақсадларига етиб, кўнгиллари ором топди. Ҳаммамиз ҳам мурод-мақсадларимизга етаймиз, эшитганларингиз учун раҳмат!

ҲУРИЛИҚО ВА ҲАМРО

(Турсун бахши Жуманиёзов репертуаридан)

Қадимги айёминда, ўтганки давринда йигитларга дoston, қарриларга боғи бўстон Миср деган катта бир вилоят бор эди. Ана шунинг Хисров отли бир подшоҳи бор эди. Хисров шоҳнинг-да, Қосим деган вазирининг-да фарзанддан-зурёддан оти-зоти йўқ эди.

Боракалло, Хисровшоҳ Қосим вазирга маслаҳат қилди, эй вазир аъзам, қани экавимиз дунёдан фарзандсиз, зурёдсиз ўтаверамизми? Тақсир, худонинг фармонида бўйин сунмак лозимдур, деди вазир. Ана вондий бўлса, маслаҳатинг бўлса айтабер. Қосим вазир айтди, эй шоҳи олам, энди не-да бўлса бахтимиздин кўрамиз. Авлиё, анбиё тунаб кўрармиз.

Шул ороликда Қосим вазирнинг кампири олтинш саккиз ёшинда ҳомилалар бўлди. Орадан ой ўтди, кун ўтди, тўккиз ой, тўккиз кун, тўккиз дақиқада бир ўғли бўлди, отини Гуломжон қўйди.

Уч кеча-кундуз тўй-томоша берди. Ана Миср вилоятининг қозикалон, вазир аъзам, ёшулти-ёшкитчи, оқ соққол, қора соққол, оқ телпак, қора телпак ҳаммасини чақирди. Ана булар кела берди, боракалло, ана Қосим вазир тўйга келганларни кутиб ола берди. Ана бунинг хабарини эшитаиб, фуқаро, халқ қаторинда Хисров шоҳ ҳам ўзининг вазир аъзамлари билан кўчага ситмасдан салдов тортиб бўлак келаберди. Алғараз Қосим вазирнинг маракасининг ичинда тандирнинг бошиндоғи, ўчоқнинг бошиндоғи, оппазлардан, пешвозлардан, ўтинчилардан ҳаммаси ўтириб, боракалло, ана тўй-маракада шоҳу-гадо бир турур, фарзандсиз, зурёдсиз одамни тўй-маракага келмаки қодоғон турур деб тўрт соний жолотой, сирғиё кал йигит бор эди. Ана бириси келиб, Хисровшоҳнинг отини жиловлади, бириси келиб бир жангалди отининг қўруғига маҳкам сириб таниди. Ана бириси келди бир кади сувди келтириб Хисровшоҳнинг отининг у ёғина, бу ёғина сепа берди. Асовда турғон бедов от, ана сувдинг чойпилувина чиқолмасдан қулоғини қилиб, оғзини қонордай очиб, юқориға сакраб кўтарилиди, ана қўруғини қисғон сайин жангал кўтина санчила берди. Ана жонивор Хисровшоҳни олиб қочиб ўта кетди. Ёпиллап шу боришина майхонасини етти айлантираиб, гуркираб, кишаб рос ташлади, Хисров шоҳ ер бағирлаб ёта берди. Хисров отдай оҳ урди, итдай овнади, водариғо, деб ёта берди. Ана вазир аъзам шоҳни келганиннан хабардор эди, қаерда ўтиргониннан, қайси хужрада ўтиргониннан беҳабар эди. Ана шоҳдан хабар тутайин деб борса ҳеч ерда шоҳ йўқ. Ҳай, халойиқ,

шоҳни келганиннан хабаримиз бор, қаерда ўтирғаниннан хабаримиз йўқ, қани шоҳдан хабарингиз борми, деб хизматкорлардан сўради. Шоҳ бўлса ўз кўргилигини кўриб уйда оҳ тортиб ётган эди. Вазир буни эшитиб, тўйни тарқатиб, кавушини ўнгли-терсли кийиб, қатти таёғини белнига қистириб, ана кўчанинг юзи билан, шоҳнинг кетган изи билан борчасина қараб жўнай берди. Қосим вазир боргоҳа борди, борса, шоҳ отдан ағдарилиб, отдай оҳ уриб, итдай овнаб ётибди. Вазир айтди, эй шоҳи султоним, каллангизни кўтаринг, мунчалик ношукур бўлманг ёки манинг тўй берганимга сизнинг қаршичилигингиз борми? Ана шоҳ калласини кўтармади, беҳуш ҳолда ёта берди. Вазир ёнида туриб, эй шоҳи олам, биздан олдинги ўтган шоҳу гадолар, пайғамбарлар, вазирли аъзамлар, ёшулли-ёш кичиларнинг бириси-да газзик-газзикинда, ўз бахтиннан кўриб, зурёдсиз, фарзандсиз, ўтилсиз-қизсиз ўтган, ношукур бўлманг, шукур қилсангиз олло-таолонинг ҳазинасинда фарзанд кўп, деб подшоҳга кўнгли бериб, алина созини олиб, қоптолинда ўтириб бир неча ерлардан тимсол келтириб, беш калима ғазал айтди, ғазали Қосим вазир, эшитувчилар, Хисров шоҳ, ёниндаги, даварақ-дешиндаги одамлар:

Эй султоним, бу дунёдан,
Қимлар ўтмади ўтилсиз.
Бир Худонинг севар қули,
Расул ҳам ўтди ўтилсиз.

Одамзод турар бош билан,
Юзин ювди кўз ёш билан,
Қобилни урди тош билан,
Қобил ҳам ўтди ўтилсиз.

Муножот тоғина чиққан,
Умнатнинг чироғин ёққан.
Пайғамбар жандасин кийган,
Ваис ҳам ўтди ўтилсиз.

Ўтилсизлар чекар заҳмат,
Қизли уйга ёғар раҳмат.
Худонинг дўсти Муҳаммад,
Пайғамбар ўтди ўтилсиз.

Қосим дер ҳаққа бандасан,
Ғуноҳинг бўлса зиндасан.
Улар ўтган дининдасан,
Шукр айла ўтдинг ўтгисиз.

Бу сўзни эшитиб, Хисров шоҳ калласини кўтариб, боракалло вазири аъзам, ёқти куним йўлдошим, дардли куним дардкашим, ақллим, ховондорим, муҳрдорим, қани маслаҳатинг бўлса бер манго, деди.

Маслаҳатим, подшоҳим шулдир. Энди олдингизда авлиё, қабристонлик бўлса бир тунаб кўрсак, ҳеч кимга билдирмасдан, элу халққа билдирмасдан, қаландар либосларини кийиниб, кади-падини осиниб олиб, бадар кетсак, деди. Ана мунинг айтгани подшоға маъқул бўлди. Эй вазири аъзам, Қосимжон дўстим, бу айтганингни этамиз, деди. Қаландар либосларини кийиниб, саҳарни файзли вақтинда, саҳобаларни юрган вақтинда, бахт эшикларини очилиб ёпилиб турган вақтинда ҳу, ҳақ, деб подшоҳ чўли биёбонга равона бўлиб ўта кетди. Ана шу боришина уро-ур, суро-сур, ничча манзил йўл юрди, саккиз кун ўтиб, тўққизланчи кун деганда, намозгарнинг вақти эди. Ана катта йўлнинг усти эди, йўлнинг бўйи, чангалзор, тўғай эди. Тўғайнинг ичиндан оралаб, етти оқ кўйни ҳайдаб, узун бўйли, сариқ соққол, кўй кўз бобо, сариқ тилла таёғи кўлинда аста кела берди. Қосим вазир ҳей, бобо ассаломуалайкум, деди. Бобо тўхтади, югуриб бориб кўл олишдилар. Қарасалар Хизр алайҳиссалом бобо экан, унинг бўйнидан кучоқлаб, подшоҳ йиглаб юборди. Эй бобо, деди подшо, биз фарзанд йўлида тарки Ватан қилиб, ҳу-ҳақ деб чиққанларданмиз, бизлар учун бир дуои фотиҳа қилсангиз. Шул вақтда Хизр бобонинг раҳми келиб, кўзи нам тортди, кўл кўтариб дуо-фотиҳа қилди. Шу вақтда подшонинг йиглаб туриб айтган сўзи: Ана ғазали Хисров шоҳу Қосим вазир, тингловчи Хизр алайҳиссалом:

Ёвуз кунлар солдинг менинг бошим,
Оллоға бир назар сол деб йиғларман.
Сан етмасанг фарёдима, додима,
Берган омонатинг ол, еб йиғларман.

Энди менинг тириклигим гумона,
Не манда фарзанд бор, ному нишона.
Бозиргондай бошим солдим майдона,
Манго очилғай бир йўл, деб йиғларман.

Фироқинг алинган ҳар кун ёнарман,
Чархи фалак билан ҳар кун сўнарман.
Айрилиқ дардиннан бир кун ўларман,
Манго очилгай бир йўл, деб йиғларман.

Қаҳбо фалак ёқди юрак ёғимни,
Мен кимга сўйлайин дўстлар доғимни.
Булбул эдим ҳазон урди боғимни,
Манго очилган бир гул деб йиғларман.

Ғариб Хисров куним оҳ билан кечар,
Бу дунё болани заҳар деб ичар.
Бир кун ажал келиб бўйнимдан қучар,
Манго ўғил отли қул деб йиғларман.

деб Хисров шоҳ ёқасини йиртиб йиғлай берди. Шунда Хизр алайҳиссалом айтди, эй Хисров шоҳим, мунгли бечора фуқаром, қайғу ҳасратда бўлма, Олло таоло тилагингни қабул қилди. Муродингни ҳосил қилди, дуо фотиҳа қабул бўлди. Олдингда авлиё, анбиё бўлса тунагайсан, муродинг ҳосил бўлар, тилагинг қабул қилар, оллоҳу акбар, деб қўлини кўтарди, шундан сўнг кўздан ғойиб бўлди. Хисров кўзини очиб-жомгунча етти оқ қўй қайда, бобо қайда, зум-ғойиб, осмонга учдими, ерга кирдими ҳеч билмади. Хайрон бўлиб айтди, Эй Қосимжон дўстим, авлиёдан каромат, Худодан ҳиммат бўлганга ўхшайди, олдимизда авлиё, анбиё бўлса бир тунаб кўрालи, балким, тилагимиз қабул бўлган ўхшайди. Ана экани йўлга равона бўлди. Ана шу ороликда хуфтон бўлди. Тоғни этагина борди, қараса катта бир қабристон кўринди. Қабристоннинг уёқ-буёғини айланиб юрса катта бир гумбаз кўринди. Гумбазнинг қопсисинан кирди. Гавжум вақти булар кирганнан кейин гумбазнинг ичи равшан бўлиб кетди. Қараса гумбаз Ҳазрат Али Шохимардоннинг гумбази экан. Бу гумбазни уч кун тунадилар. Уч кеча-кундуз қаромату ҳиммат кўринмади. Тўртланчи куни саҳарнинг файзли вақтинда, тилак қопсисининг очилиб-ёпилиб турган вақтинда Хисров шоҳ Қосим вазирни уйғотмасдан, ўзининг уйқуси келмасдан Ҳазрат Алидан мадад тилаб бир муножот ўқиди, Ҳазрат Али пирим, қароматингни кўрсат деб зор йиғлади:

Умнатнинг севгани Аҳмаду Мухтор,
Сан анинг ноиби бўлган Алисан.
Ҳийла билан олдинг шаҳри ҳайбарни,
Душманларни дина солган Алисан.

Мўминни уғротдинг ислом ганжина,
Душман қолди қиёматнинг ранжина,
Пайғамбарни кўйиб саҳар буржина,
Бисмилло деб қўлинг солган Алисан.

Дин учун бошингни солдинг савдоға,
Душман иши билан қолдинг гавгоға.
Қабр бординг ул гумбази Хизроға,
Қирқларнинг сардори бўлгон Алисан.

Ғариб Хисров ўқир васфингни дилда,
Сандай марду майдон топилмас элда.
Ҳузурингда мени ўзинг бир қўлда,
Ҳар кимни ҳар ёна солган Алисан.

Ана энди Хисров шоҳ бу сўзларни айтиб йиғлаб турган вақтинда Алининг гумбазидан гумбирлаб бир сас чиқди. Ҳей, фуқаро Хисров шоҳ, тилагинг қабул бўлди, муродинг ҳосил бўлди. Санго уч ўғил, бир қиз ато қилармиз, аммо кўбам қувониб кета берма, ношукур бўлма, ана тўрт фарзандни ато қилдик, фарзандларингнинг умри қисқа бўлар, ўн тўрт ёшларинда қайтиб олармиз, деди. Ана шу вақтда Хисров шоҳ водарито деб ҳушидин кетди. Хисров шоҳ бир соатдан сўнг ҳушига келиб, Қосим вазирни турткилаб уйғотди. Қосим вазир ўрнидан туриб, эй шоҳи олам, туш кўрдингизми, ё босинниқдингизми, бу не менинг уйқумни бермадингиз, деди. Эй, Қосим вазир, Худонинг фарзанд берганиннан бермагани яхшироқ эди, фарзандларимнинг 14 ёшанда жонини оладиган бўлди, деб бир сўз айтар бўлди. Ғазали Хисров шоҳ, тингловчи Қосим вазир:

Гулраънодан ҳеч гул бўлмас,
Қувонма кўнглим, қувонма.
Бефарзанддан фарзанд бўлмас,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Келар-кетар давлат учун,
Жонимга ўт солмоқ учун.
Поёни йўқ фарзанд учун,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Бугун манга кўп меҳнатдур,
Ғам-андух келиб улфатдур,
Охир биза кўп кулфатдур,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Илгим тутиб фарзанд доғи,
Қўринадур хазон боғи,
Нола килдим саҳар чоғи,
Қувонма кўнглим, қувонма.

Хисров деяр ман банда
Девона бўлдим фарзанда,
Охири бўлдим шарманда,
Қувонма кўнглим, қувонма.

деб Хисров шоҳ Қосим вазира қараб айтди: Шу ерда намозни ўқиб, гумбаздан чиқали, боракалло биза олло таоло тўрт фарзанд ато қилмоқчи бўлди. Аммо, лекин ўн тўрт ёшинда жонини олар бўлди, ничикда бўлса бахтимиздан кўрармиз, қирқ битта хотиннинг бириннан бўлмаса бириннан бўлар, недан бўлса-да, улли ҳаёлим билан киччи ҳаёлимнан таъмам бор. Уйга бориб, булар билан хўшлашиб-хайрлашиб, Маккага бошимни олиб кетарман. Сен эл-юртга ҳам ота, ҳам бобо бўлурсан, эл-юртни санго, сани Худога топширарман, деб маслаҳатлашиб, кун чиққандан кейин Дарбандга қараб йўлга чиқдилар, оз юрди, кўп юрди, қамчи урди, отни сурди, бир вақт Дарбандга келиб турди, вазир билан отдан тушиб, кўш қурди. Шу вақтда буларнинг келишини эшитиб, қирқта бир хотин чувилашиб, шоҳнинг олдина чигишди. Хисров шоҳ ночорларини чақириб, айтди: Эй ночорларим, эй бош-қошларим, эй йўлдошларим, эй ҳамдамларим, келинг ёнимда ўтиринглар. Мен бу дунёда у дунё одами бўлсам керак, шу юртимдан бошимни Маккан Мадинага олиб кетсам керак. Энди эл-юрт сизларга мубо бўлсин, элга Қосимжон дўстим ота бўлсин, фарзанд учун олган ночорларим, сизнинг бошингиз очиқ, улли хотин билан киччи хотин, сизлар ҳам кетсангиз йўлингиз бўлсин, қолсангиз ино боргоҳ. Подшоҳдан бу хабарни

эшитиб, ҳаммаси йиғлашиб, бўйнидан кучоқлашиб, биз сиздан ажралишмаймиз деб туриб олдилар, йиғлашдилар, бўзлашдилар. Шунда Хисров шоҳ хотинларига қараб бир сўз айтар бўлди:

Мен кетар бўлдим Маккага,
Сизлар менга ёр бўлмангиз.
Мани ёнган бул ўтима,
Сизлар ҳам дучор бўлмангиз.

Аввал Хисров шоҳ бой бўлиб,
Сўнгра мунда гадой бўлиб.
Охири қадди ёй бўлиб,
Сизлар ҳам хор-зор бўлмангиз.

Кета беринг мендан кечиб,
Бошқа бир юртларга кўчиб.
Фарзандлик чироғи ўчиб,
Сиз ҳам дарбадар бўлмангиз.

Сизга мендин бўлсин жавоб,
Ман этай Маккани тавоб.
Ҳам сизга, ҳам бизга савоб,
Сиз мандек ночор бўлмангиз.

Хисров деяр дунё молим,
Сизлар манинг шакар-болим.
Энди қандай кечар ҳолим,
Сиз ҳам шармисор бўлмангиз.

Ана қирқга бир хотин бу сўзни эшитиб, ҳайрон-саросимада бўлдилар. Йиғлашиб-бўзлашиб, ўз эли юртларига кетмакчи бўлдилар. Бояғи кўчадан тутиб олингон хотинлар айниқса кўп йиғлашдилар. Ана Хисровшоҳнинг бир ули, бир киччи эки ҳаёли бор эди. Улар айтдилар, бу хотинлар кетса кетсин, биз кетмаймиз, агар сиз Маккага кетсангиз охир бир кун келарсиз. От айланиб қозигин топар, ҳавли ҳарамимиз, ганжи хазинамиз, мол-мулкимиз сиз, дея ули аёли билан киччи аёл боргоҳга қайтиб кетабердилар. Ана боргоҳина бориб, халққа сирни билдирмасдан, шул шоҳнинг бор вақтидағидай маст-мастона юра бердилар. Ана булар ватанида бўла берсин, ана Қосим вазир шоҳнинг ўрнига шоҳ бўлсин, энди хабарни

кимдан эшитинг, Хисров шоҳдан эшитинг. Хисров шоҳ шу кетишина босҳо бос, сурҳо сур, йўлни юриб, отни суриб, ўзи билан ўзи, эки йўлда кўзи, гоҳ ўкиниб, гоҳ сўкиниб, бир неча йўл юрди, оз эмас мўл юрди, кирдан, саҳродан ошди, Маккаи Мадинага етиб борди. Ана Макканинг подшошининг боргоҳининг олдинда уч кун қори бўлиб ўтирди. Ҳеч ким мунан қаерга бораётирсан, қаердан келаётирсан, деб сўрамади. Шоҳнинг бир айғоқчиси бор эди. У айтдики, уч кун бўлди бу ерда бир фуқаро ўтирибди, ундан йўл бўлсин сўралмади, буни подшоҳга айтайлик, деб подшоҳга хабар берди. Подшо: боринг, келтиринглар, деди. Ана Хисров шоҳ отини сиртда боғлаб, подшоҳнинг боргоҳина келди. Шоҳ буни кўрса, бир назари калон йигит. Макканинг подшоши айтди: Эй йигит, шоҳмисан, гадомисан, қаердан бориб, қаердан келасан, хизматинг не турур, деди. Хисров шоҳ айтди, Эй подшоҳим мен ҳам Миср вилоятининг шоҳи эдим, фарзандсизлик дардидан бош олиб, ватанни тарки зиндон этиб, Маккаи Мадинага келдим, деди. Унда сен оқ-қорани таниган экансан, менинг ўнг ён вазирим бўлиб ўтира бер, деди. Ана мунинг қўлига фатво берди. Хисров шоҳ ўнг ён вазир бўлиб, балқиб-чалқиб ўтира берди.

Орадан кун ўтди, ой ўтди, энди сўзни кимдан эшит улкан аёл билан кичкина аёлдан. Миср вилоятинда қолган ватандошлардан эшит. Ана улли ҳаёл билан киччи ҳаёл ҳомиладор бўлиб қолгон эди. Ойдан ой ўтди, кундан кун ўтди, ана тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз минут ўтиб, улкан аёлдан эки ул дунёга келди. Ана шу кун пешин вақти киччи ҳаёлдан-да бир ул бир, қиз пайдо бўлди. Тўрт фарзанд дунёнинг ёхтисина келди. Ана буларни энака момолар ювдилар, яхши кийинтириб, ана қўндоқлаб, ҳангилчакка солдилар. Уч кеча-кундуздан сўнг мунго от қўймоқчи бўлиб, Қосим вазир шоҳ ўрнига шоҳ, ота ўрнига ота бўлиб, халойиқларнинг ёшуллиларини чақирди. Қози-калонларни чақириб, уч кеча-кундуз тўй берди. Хисров шоҳнинг йўқлигини билдирмади. Ана буларга от қўймоқчи бўлгонда унисни уни айтди, буниси бунни айтди.

Тўксон саккиз ёшга кирган энака момо буларга от қўймоқчи бўлди. Улли ҳаёлдан бўлган болаларнинг бирига Хуршид, бирига Зевар деб от қўйдилар. Киччи ҳаёлдан бўлган ўғилга Ҳамрожон, қизига Гулжамила деб от қўйдилар. Ана буларни энака момолар тарбиялай бердилар, болалар етти ёшга чиқди. Уларни мактабга топширдилар. Орадан ой ҳам ўта берди, кун ҳам ўта берди. Болалар 12-13 ёшга кириб, савод очдилар. Савод очган Ҳамрожон болаларнинг ҳаммасидан ақлли, хушли, доно, донишманд сифатли

бўлди. Ана Хуршид билан Зевар сўққа бошроқ, думбуладурсванд, мурнининг сувини тортиб ололмидовинроқ бўлди. Ана Гулжамила ақлли, хушли, доно қиз бўлди. Бу болалар ўн уч ёшга кирганда. Қосим вазир айтди, боракалло. Энди Маккаи Мадинадан хабар олаймиқ. Хисров шоҳга хабар берайин, соғ бўлса суюнчилаб, суюнчи олайин, фарзандларина эгачилик этсин, вақти хуш бўлсин, муродина етсин, агар ўлган бўлса дуо-фотиҳа қилиб қайтайин деб, отини Зартанг забартанг, маҳкам, мустаҳкам, овмасдай, толмасдай қилиб эярлаб, шоҳона либосларини кийиб, отга миниб босди қамчини, қасрдасан Маккаи Мадина деб.

Ана бир ничча манзиллар ошди, тоғдан, қирдан, чўлдан ошди, сувсиз саҳролардан ошди, охири Маккаи Мадинага етди, подшонинг боргоҳина бориб бул ҳам уч кеча-кундуз тунади. Ана подшога бу хабар етди, подшо амр қилди, кирсинлар. Қараса Қосим вазир кириб келаберди. Хисровнинг мунга кўзи тушиб, кўрмагандай бўлиб ўтираберди. Ана шоҳдан рухсат сўраб Хисров шоҳ билан сўйлашди. Қосим вазир айтдики, эй подшойим, тўрт фарзандинг дунё ёхтисини кўрди, ўн уч ёшина қадам қўйди, от қўйдик, мактабда саводини очдик, ақлли, хушли бўлдилар. Энди фарзандингни кўрсанг, муродингга етсанг, юртга тўй-томоша берсанг, қайтиб элга борсанг, деб ҳузурингизга келдим. Қосим вазирнинг бу гапини эшитиб, Макка Мадинанинг подшоиси Хисров шоҳга рухсат берди. Ўни қанча амалдорлар, мухрдорлар йўлга йўлладилар. Бир неча мазгил йўл ошиб, амалдор, мухрдорларни йўлдан қайтариб, ана Хисров шоҳ билан Қосим вазир иккиси Миср вилоятинга қайта берди. Ана булар Миср вилоятининг қалъасига кириб келдилар, қарасалар кўчанинг юзинда Хуршид, Зевар, Ҳамрожон, Гулжамила – тўрт фарзанди йўлда чиқиб турган эканлар. Буларни Қосим вазир таниди, лекин Хисров шоҳ танимади. Хуршид ўғли мурнининг сувини тортиб, бир енгини узун, бир енгини қиска, сўпшайиб кела берди. Ҳамрожон ақлли-хушли эмасми, ота меҳри жўш урган эмасми, доно-донишманд эмасми, келиб Хисров шоҳнинг оёғина бош уриб, чакмонининг пепина манглайини суйкиберди. Эй дада, хизматингизга тайёр бўла билмадик, дийдорингизга тўё билмадик, гуноҳимиз бўлса кечиргайсан, деб уни тавоб қила берди, ана Гулжамила қиз ҳам йилий берди.

Шоҳ отдан сакраб тушди, шу ерда фарзандлари эканини билиб Ҳамрожонди, Гулжамилани кучоклаб бир ҳоллар бўлди, ана Зевар, Хуршид арва шўғирдинг ҳар ёғинда бири думбулдурсин чигиб тура берди. Бир вақтлари буларда келиб кўришди. Тўрт фарзанди, Хисров

шоҳ, Қосим вазир, ана олтови йўлга равона бўлиб, бир-бирини етаклаб, калъага, боргоҳа кириб кела бердилар. Ана Хисров шоҳ жар қичиртирди, ҳей халойиқ, очни тўйдирарман, ялангочни кийинтирарман, етти кеча-кундуз тўй-томоша бор, накра-сурнай тортдирарман, олтин қабоқ отдирарман, кураш тутдирарман, от чопдирарман, қўчқор уриштирарман, ана чилымкаш, пояки, масхаравоз, бахши бўлсанг жам бўлавер, деб жар қичираверди. Боракалло, халойиқ қопингизни етти кеча, етти кундуз ел очиб, ел ёпсин, тархон бўлсин, деб жар қичираберди. Халойиқ жийналди, тўйдинг ўртасинда Хисров шоҳ ўзи бахши, ўзи яхши бўлиб, олтин каровотдинг устинда ўлтириб беш-олти ғазал сўзларини айтди:

Шукур, ҳаққа қолгон дадим,
Барқ уриб, баҳора дўнди.
Қайғули, ҳасратли дадим,
Шугунлар гулзора дўнди.

Очинг хазина эшигин,
Тархонлик бўлсин ушбу кун.
Қўрдим фарзандларининг юзин,
Душман юзи қора дўнди.

Бошима қўнди булбулим,
Ҳал бўлди бари мупкулим.
Очилди бир гунча гулим,
Бахт уйим баҳора дўнди.

Қур айланиб, чекин табоқ,
Отдиринглар олтин қабоқ.
Новот тортинг қадок-қадок,
Бахт уйим баҳора дўнди.

Хисров деяр йўқ армоним,
Сарф этинглар дунё молим.
Бошлай беринг катта тўйим,
Уй ичим хурама дўнди.

Ана Хисровшоҳ болаларга етти кеча-кундуз тўй-томоша берди, қанчаларга сарпо берди. Хисров шоҳ бир вақт бир семиз кампирди чақирди. Ҳей кампир, берроқ кел. Кани белбовдан тўшак, кўкрак

овзидан кўрпаларди келтириб тўша, бир дами-тинчимди олайин, деди. Шу ётишина беш кун ётди, олтиланчи кун исахардинг файзли вақтинда ўрниннан сичраб туриб, ана тўшакдан булай кетмасдан, кўкрагини изгор ерга бериб қаптолаб ётаберди. Бир кун ётди, эки кун ётди, учинчи кун вазири аъзам айтди, бу шохдан бир хабар тутайин, не бўлди, деб келса, подшоҳ оҳ уриб ётибди. Эй подшоҳим, фарзандингиз йўқ эди фарзандли бўлдингиз, муродингизга етдингиз, тўй бердингиз, бу не ётиш деди. Шаҳарда тала-тўп кўпайди, ўғри-ўтирик-да кўбайиб бораётир, тахтга боринг, арз сўранг. Подшо айтди:- Эй вазири аъзам, боёғи гumbаздаги фармон ёдиғиға тушди, болалар ўн тўрт ёпға кириш учун бир йилдан оз вақт қолди, кўзимни олдинда азроил биғирдатиб, боғаларди жонини ола берса, қалай сабр-тоқат қиларман, деб подшоҳ йиғлай берди. Боракалло қаллангизни кўтармай ётгонингизди сабаби шул эканда, деди вазир. Энди не қиламиз, эй вазири аъзам, деди подшо. Вазир айтди бир маслаҳатлашиб кўрамиз, деди. Шундан кейин қози қалонларди, амалдорларди, мухрдорларди, вазири аъзамларди, полчиларди, қуррандўзладни яқинина от, узоғина хат йўллаб жийнийберди. Булардан маслаҳат сўради. Шунда бири туриб айтди: Эй подшоҳим, сизга маслаҳатимиз шул турур ана бу тўрт фарзандингизни учавини олиб, Қосим вазирни йўлбошчи қиласиз, Чин Мочин юртиға қидиришмоға юборасиз. Ночор фарзандингиз бахтиндагини кўрар, боргоҳингизда олиб қоларсиз, улларингизга етганча олтин-қумуш берарсиз, гавҳардан, жавҳардан, қизилдан, тилладан, ғалладан, гулладан, кийимдан, кечакдан юклисиз. Агар булар ўлса бу моллар уларнинг оби-оши бўлади. Омон-сов қайтсалар қидиришма, саёҳат пули бўлади.

Ана бу сўзлар подшоға маъқул бўлиб, Қосим вазирни чақириб, Эй дўстим, бу боғаларди олиб Чин Мочин шаҳрина кетарсан, деди. Бу ера Ҳамрожонни чақиринглар, деди подшо, чақириб келдилар. Ҳей, ўғлим, қора кўзим, сўзлар сўзим, бу ерга келиб ўтир, деди подшо. Сени Чини Мочинға қидиришмоға юбараётирман, узоқ юртни, узоқ йўлни кўрмаган йигит, аччи-чучукни тотмаган, яхши-ёмонни кўрмаган йигит ҳеч нарсанинг қадрини етмас, болам, деди. Ўғлининг манглайиннан ўтиб, кўзлариннан потирлаб ёш кета берди. Ҳамрожон ақлли бола эмасми, бу ишларни тушуниб, отасиға кўнғил берди, омон-сов қайтиб келармиз деб кўзидан гилт-гилт ёш оқаберди. Подшо Ҳамрожонди, бошқа улларини хайрлашинглар, деб ташқарига чиқариб Қосим вазирға қараб беш қалима газал айтар бўлди:

Қосим, кетсанг Чин Мочиннинг шарина,

Олгир шунқорларим санго топширдим.
Олло солди айриликни жабрина,
Қўзи-қўчқорларим санго топширдим.

Нихол экиб, соёсинда ётмадим,
Мева экиб мевасиннан тотмадим.
Тўй-томоша қилиб мурод этмадим,
Умри калта болларни санго топширдим.

Бепоеъ фарзандни худо бермасин,
Олиб кетгил кўз олдимда ўлмасин.
Ўлганини ҳаргиз кўзим кўрмасин,
Олгир шунқорларим санго топширдим.

Аввал бошда кўрмагайдим бу инни,
Энди бугун чекар бўлдим койишни.
Бугун мен йитгирдим ақлни-хушни,
Бемурод болларни санго топширдим.

Қосим энди тахтим санго берайин,
Бу дунёда нечук тоқат қилайин.
То ўлгунча дийдоринго тўёйин,
Олгир шунқорларим санго топширдим.

деб Хисров шоҳ Қосим вазирнинг мўйининан қучоқлаб йилай берди. Шунда Ҳамрожон Хисров шоҳнинг ёнига югуриб келди. Отаси унга шоҳона либосларини кийинтирди. Зар чакман, наҳалли этикларни кийинтириб, чўғирмаларни бошина қўндириб, белларина ханжарларни осдирди. Ҳамрожоннинг келбати, ҳусни жамолини, арслондек гавдасини кўриб, ундан ажралиши ёдина тушиб, Хисров шоҳ йиғлаб ҳушидан кетиб йиғилди. Бир вақт ҳушина келиб айтди. Эй Қосимжон дўстим, ўн мингдан пул ол, олтиндан-қумушдан юклагайсан, ҳазинамнинг барини сарф қилгайсан, омон-сов боғаларди қидиртиб келгайсан. Қосим вазир бу вазифаларни бажариб уч йиғитни ёнига олиб йўлга тушар бўлди. Ана оҳ фотиҳани бериб Хисров шоҳ йиғлаб қолаберди.

Ана Қосим вазир уч болани олиб, отини йўлга солиб, боғолардан гох ўтиб, гох қолиб, қирдан ўтиб, чўлдан ўтиб, товдан ўтиб, кўлдан ўтиб, бир юртнинг қарвон саройина етиб келди. Қарвон саройга келса булбуллар сайраб, гуллар очилиб, пахтақлар дам чакиб, қумрилар

хамду сано ўкиб турган бир манзил экан. Муни кўриб, Ҳамрожон айтди: Эй Қосимжон дада, сиздан бир нигимосимиз бор, ана туяларда жуда чарчади. Бу ерда дим боҳаво ер экан, беш-олти кун дамитинчимизди олиб, туяларни ўтга юбориб, тўйинтириб, ундан кейин йўлга чиқсак қалай бўлар экан деди. Қосим вазир Ҳамрожоннинг гапини маъқул топиб, туялардан юкни тушириб, ўтга юбордилар. Ўзлари чодир-чаманларди тикдилар. Ана шу ётишда бир ой дамитинчини олдилар. Туялар-да, одамлар-да даёвланди, ана қайтадан юкларни туяларга юкладилар. Ана энди қайдасан Чин Мочин шахри деб йўлга равона бўлдилар. Қирдан, чўлдан, товдан, кўлдан ўтиб Чинмочин юртининг бир чеккасина етиб келдилар. Боракалло, Чин Мочин шахрининг у ёқ-бу ёқини айланиб қарасалар ўлиб ётган ўликнинг сон-саногини йўқ. Бир тўбанинг каноринда бир йигит, мурти ёқалаб кулоғина етган, қоши-қабоғи ўсиб кетган, бўйлари минордай, калласи гумбаздай, кўрсанг ботир сиёқли, арслон сифатли йигит. Ҳамрожон бу йигита ҳайрон бўлиб қараб тураберди. Оғзидан кирган чибин мурниннан чигиб турғон бу йигитни кўриб, Ҳамрожон айтди: Эй йигит, ботирзодамисан, пайгамбарзодамисан ё бошқа юртдан келиб хор-зор бўлдингму, деди. Шу вақт бир бобонинг қамбоқлидай қочиб, қанотлидай учиб баланд тортиб келаётганини кўрдилар. Ҳамрожон айтди: Эй бобо, тўхтанг, Ассалому алайкум. – Ваалайкум, ўғлим, деди бобо. – Нега қочиб келаётирсан, деди Ҳамрожон. Эй болам, деди бобо, ман бир катта бой эдим, етти йил бўлди, Чин Мочин юртинда талончилик-тўполончилик, ҳамма бойлиқимди бечора, фуқароларга бердим, энди нарсам қолмади, ўзимдинг-да жоним халқумимга келди, ўлсам ўликларди оросинда ўлайин, деб бу ерга келаётирман, деди.

Ундай бўлса бобо сизга бир сўз бор деди Ҳамрожон, шу баландга чиқиб, эй халойиқ, оч-афтода, яланғоч бўлса биздинг теварагимизга жийналинг деб чакиринг, деди. Очга нон, яланғочга тўн, пиёдага туя берармиз, деди. Агар истасангизлар ўзимизнинг Миср вилоятига олиб кетамиз, деди. Ана бобо бу сўзларди айтиб жар чақирди. Бари одам шу ерга жийилди. Қарасалар бир юз йигирма тўрт минг халойиқ. Ҳамрожон буларди няртиб Хуршид билан Зевардинг чаманига келтирди. Ана буларди келтириб айтди, эй, оғалар, буларди мен жамладим, энди буларга мени харжи харажатим етмай қолди, сизлар ҳам ўттиз минг кийим-кечакдан ўн мингини берсангизлар буларга стар эди. Буларди очлик-яланғочликдан қутқариб, савобина қолайиқ, оғалар, деди.

Шунда Хуршид билан Зевар айтди, Ҳей зангар, сирғиё, ялангоёқ, биз мол топамиз, дунё топамиз деб келсак, сен нердаги ялангоч, афтодаларни жийнаб, олтин-кумушимизни шуларга едириб бўлмоқчмисан деб Ҳамрожонди сўғиб, ҳайдадилар. Ҳамрожон юзини тўман солиб, энди ништаман, булар ўлса қонина мен қоламан-ку деб, келиб, нон олиш учун хўржинди қараган эди. Кўлига ёш боланинг калласиндай гавҳари шамчироқ илиб чиқди. Буни унинг синглиси акамга бир вақт иш берар деб солиб қўйган эди. Ҳамрожон севиниб, бу гавҳари шамчироқди олиб акалари ёна борди. Бу нарсани олиб, ғалла-гулла, кийим-кечак беришни акаларидан сўраганда акалари севиниб кетдилар. Шундай иссиқ хабарди аввалрак топсонг бўлмими, деб гавҳари шамчироқни сотиб олдилар. Қизилни кўрса Хизр йўлдан чиқади дегандай акаларининг кўзлари ўйнаб қолди. Таразининг бир ёғина гавҳари шамчироқни, бир ёғина кийим-кечак, ғалла-гуллани қўйдилар. Акаларининг бари нарсасини қўйганда гавҳари шамчироқни оғирлигига зўрдан етди. Буларди олиб Ҳамрожон очди тўйдирди, ялангочди кийинтирди. Энди буларди олиб Миср вилоятига йўлга равона бўлди. Йўл юриб, мўл юриб, чўл юриб, қўл юриб, ўнг юриб, сўл юриб, Чўли Муғон деган жойга етиб келдилар. Ҳар ёғи олти ойлик, бер ёғи олти ойлик бу чўлда одам юрса оёғи, от юрса туёғи қуяр эди. Туялар юрмасдан ерни кавлаб бўкиришиб ёта берди, мешиклар тангирдаб, кўвиб қолган, қанграма саҳро майдонликда қолдилар. Ҳамрожон ништарини билмасдан эйнини бир мешикни олиб, оёқ яланг, бош яланг, енгсиз чакман орқасинда дангирдаган мешикни олиб сув қидириб кетди. Тўбама тўба, баландма баланд юриб, қирма қир олиб бора берса узоқдан бир гужум кўринди. Яқинлашиб қараса тийинда шосуна, шосупанинг устинда узун бўйли бир сори соққол одам, олдинда бир даста китоб тасбей қайтариб ўтирибди. Ёнбошинда бир чашма булқиллаб қайнаб турибди.

Ассалому алайкум бобо, деди Ҳамрожон. Ваалайкум ассалом Ҳамрожон, деди бобо. Бободан отини эшитиб Ҳамрожон ҳайрон бўлди. Манинг отимни қайдин биласиз деди Ҳамрожон. Эй болам, санинг онадан туғилганингдан бери биладан, ҳисоб- китобинг манинг қўлимда, деди бобо. Ундай бўлса манинг халқимга бир мешик сув топиб бер, деди Ҳамрожон. Унда бобо айтдики, эй ўғлим Ҳамрожон, қазога рози, тақдирга тан туриш керак, Азроил деб эшитган бўлсанг, шу ман бўламан. Ҳозир Худодан фармон бўлди, жонингни олишим керак, деди бобо. Ҳамрожон водариго деб саросимага тушди, бир соат рухсат сўради. Халойиқимга бир мешик

сув олиб борайин, сўнг жонимни олсанг розиман, деди Ҳамрожон. Азроил рухсат қилди. Ҳамрожон сувди олиб, одамлари ёққа кетди. Бориб, бари одамларга сув билан нон берди. Сўнг халойиқга қараб айтдики, эй халойиқ мендан рози бўлинглар. Ман фоний дунёдан боқий дунёга бораётирман, шу қопталилдаги бобо Азроил туруп деди. Халойиқ ўрнидан туриб, Азроилга айтди, эй Азроил бобо шу Ҳамрожонди жонини ўзина бағишла, 124 минг одам, эру пачор, ёшу қарри жонимизди олсанг розимиз, дедилар. Бу талаб ўринланди, Худонинг фармони билан Ҳамрожонга умр бахш этилди. Халойиқни ҳурмати, талаби бўйинча Ҳамрожонга 120 ёш берилди. Азроил дарров аввалги ҳолина қайтиб соққолли бобо бўлиб, Ҳамрожондинг ёшини муборақбод этиб, бир сўз айтар бўлди.

Қутлуғ бўлсин, Ҳамрожоним,
Болам, ёш муборақ бўлсин.
Олю санго раҳмат солди,
Болам, ёш муборақ бўлсин.

Кўзинг бирла қошингизга,
Тенги бирла тушингизга.
Юз йигирма ёшингизга,
Кўзим, ёш муборақ бўлсин.

Кўз берилди, қош берилди,
Юз йигирма ёш берилди,
Халқди жийнаб ош берилди,
Ҳамро, ёш муборақ бўлсин.

Эли бокдинг, халқни бокдинг,
Халойиқ деб бағринг ёқдинг,
Энди келди сенинг бахтинг,
Болам, ёш муборақ бўлсин.

Бу жаҳон кўнглима тордир,
Санго энди олю ёрдир,
Азроили хизматқордир,
Болам, ёш муборақ бўлсин.

деб бобо кўз очиб-юмгунча зим-гойиб бўлди. Халойиқ қараса на бахши, на яхши бор, на бобо, на кўшиқ бор, осмона учдимиз, ерга

кирдими ҳеч ким билмайди. Бир вақт қарасалар ориқ туялар семириб кетган, қаррилар ёшариб, ёшлар ҳур, паридай бўлиб кетган. Шунда Ҳамроҷон айтди, эй, Қосим дада, сенга бир хабар айтайин, ана менинг отамга борсангиз, бу ишдан хабар берсангиз, деди. Вўнда Қосим вазир айтди. Йўқ, улай эмас, мен бормай қўйин, халойиқдинг ичидан биров борсин, анави бечоралардан бири бориб, суюнчилаб эшагн ўрнига от олиб минсин, ахир, деди. Ана бир фуқарони чақирди, айтдики, эй жўра, сен менинг келаётганимди, отамга айтиб борсанг, сенга мен бир отдинг пулини берсам, деди. Ана фуқаро қора эшагини зартанг, забартанг зярлаб, сакраб миниб, йўргалаб, йўртиб, қизариб бўртиб, хилалаб туртиб, уч кеча-кундизда қалъанинг бир четина етиб борди. Подшо боргоҳининг олдина бориб қичқира берди: Эй подшо, орзу-армонинг, қаторли карвонинг келди, чиқ-чиқабер, деб суранг солаберди. Етти йилдан бери ўғиллари ишқида йиғлаб, кўзи кўр бўлиб қолишина сал қолгон Ҳисров шоҳ бу сўзларни эшитиб, ишонмади, жаллодларни чақирди, алдаб турган бу қаззобни жазосини беринг, деди. Жаллодлар югуриб бориб, бу бечорани эшакни устидан олиб, кўзини ўйиб олдилар, кулоқ-бурнини кесиб, қизил қонина бўяб, эшагини тангиб, ура-ура хайдаб юбордилар. Эшак уч-кеча кундузда 124 минг халойиқнинг маконига бориб етди. Буни Ҳамроҷон кўриб, водариғо деб пешонасина бир урди. Эй Қосим дада, бир бечора фуқарони отам бу аҳвола солибди, бу одамнинг ноҳақ қонина қолдиқ, энди буни поклаб, жойлаб, оби ошини берайик, деди. Сўнг айтдики, энди ўзингиз бориб келмасангиз бўлмас, деди. Қосим вазир тилла камарини белина боғлаб, олтин жигасини бошина қистириб, отина минди. Ҳамроҷон шунда Қосим вазирни йўла узатиб, алина қазма дуторини олиб бир сўз айтди:

Қосим, кетсанг бизнинг эла,
Улут элларима салом.
Олло назар солди биза,
Улли-киччилара салом.

Қиймириб қалам қошларни
Тақиниб тилла, тошларни,
Тўка бериб кўз ёшларни
Юрган синглимиза салом.

Мен кетганда йиғлаб қолғон,
Қора кийиб қон йиғлаган,

Ўғлим дейиб фарёд қилгон,
Меҳрибон энама салом.

Қайрилма қалам қошлари,
Пишта даҳандур тишлари,
Ўн саккиз ўрим сочлари,
Қизу жувонлара салом.

Тўққиз ой, тўққиз кун кўтариб,
Боқиб, камолга етириб,
Саҳар туриб оқ сут бериб,
Боққан меҳрибона салом.

Бошига жигасин таққан,
Мудомо йўлимга боққан,
Кўзидан қонли ёш оққан,
Хисров отамиза салом.

Бир ёстиққа бош қўйишган,
Бир эмчақди бир эмишган.
Кўлинда сарполар бичган,
Гулжамила синглима салом.

Хизматқору фуқарога,
Бағирлари садпорага.
Дала дашту қира, тоға,
Бари-барисина салом.

Ҳамро айтар йўқ армоним,
Харж этайин дунё молим.
Омон қолубдур бу жоним,
Миср элатима салом.

Ана бу сўзди эшитиб, отни миниб Ҳамрожондан саломди олиб,
Қосим вазир Миср вилоятини қараб йўлга тушди. Босди отга
қамчини, уч кунлик йўлни бир кунда босиб, Миср қалъасина кирди.
Подшо боргоҳининг олдина келди. Ўлима кетган боғаларди опкелган
бўлиб, юзи қизил, тили узун бўлиб, чўғирмани юқори кўтариб,
оёғини зангига тираб, отнинг ипини ўн қайтариб ўраб, баланддан

кантариб, дуторни алина олиб, отни устинда Хисров шоҳга қараб айтиб турган беш калима газали:

Кутлуг бўлсин, Хисров шоҳим
Орзую армонинг келди.
Олло санго раҳмат солди,
Қаторли карвонинг келди.

Кўзи бирла, қоши бирла,
Тенги бирла, туши бирла,
Юз йигирма ёши бирла,
Ҳамро отли жонинг келди.

Ўрдагию ғози билан,
Қуш учириб този билан,
Фасли баҳор, ёзи билан
Қаторли карвонинг келди.

Элу юрта ош берилди,
Юз йигирма ёш берилди,
Кўзи бирла қош берилди,
Кетган фарзандларинг келди.

Қосим деяр йўқ армоним,
Етишди давру давроним,
Омон қайтди Ҳамрожоним,
Боғ ила бўстонинг келди.

Бу сўзди эшитиб Хисров шоҳ айтди, Ҳей мулозимлар, чиқинг, бу сўз Қосим вазирнинг сўзига ўхшайди, деди. Ўзи-да югуриб чиқди, Қосим вазирни кўриб уни горпа кучоқлади. Экави кўришди, йиғлашди, бўзлашди. Қосим вазир подшони боргоҳга киргизмай болалардинг олдина олиб кетаберди. Вазир аъзамлар, қози калонлар, ёш улли-ёш кичилар, қолғон-қутқан бари халойиқ подшоҳнинг орқасидан кела бердилар. Хисров шоҳ келаётиргон карвонни кўриб, Ҳамрожонди таниб ола билмади. Ҳамрожон яланг оёқ, ялангбош, бир йиртиқ чакман кийган, бир мешик йўвирнида одамларга нон-сув бериб келаётиргон эди. Қосим вазир уни подшоға кўрсатди. Подшо уни кўриб ҳайрон бўлди. Шунда Қосим вазир айтди: Эй подшоҳим, сиз ҳайрон бўлманг. Юз йигирма ёшга сизнинг отангиз, отангиздинг отаси ҳам етмаган, сиз-да етмассиз, бу ёшга

кимда ким ўз халқини сийласа, ғариб-фуқарога ёрдам берса, ранжитмаса етади, деди. Подшо югуриб бориб, ўглини кучоқлади, улар билан бирга боргоҳа келди. Улар олиб келган халойиқни Миср вилоятининг қубла кунчиқарина жойлаштирди. Чодир-чаманларни қурдириб ташлади. Қирқ кеча-кундуз тўй бериб, бари эли тархон этди. Ўзи олтин каровотда ўтириб, ўгли Ҳамрожонни ёнига чақирди, санго тахти тожимни инъом қилдим, ўғлим, деди. Йўқ деди, Ҳамрожон, олтин тахт бизга керак эмас, бизга халойиқнинг хизмати муяссардир, биз халқ билан бўламыз, деди. Ана энди Ҳамрожон халқ билан бўла берди.

Ана тўйда тамом бўлди. Хисров шоҳ айтди. Энди мен муродимга етдим, бир уйга кириб уйхлайин, деди. Шу даврларда подшоҳлар бир уйқуға кирса бир ҳафта мулк этмай ухлар эди. Тиздан тўшақ, белдан ёстик тўшатиб ётган подшоҳ олти кеча-кундуз уйхлаб, еттиланчи кун саҳардинг файзли вақтинда бир туш кўрди, тушинда бир иш кўрди. Қараса бир ҳовуздинг бўйида ётган эмиш, шосупанинг тўрт ёни гулзор эмиш. Кун ўрта, пешин вақти осмондан қирқ бартавул учиб кела берди. Улар ҳовуздинг бўйига келиб, бир силжиниб қирқ канизга айландилар. Ичинда бириси балад бўй, оппоқ сутга чайқалгандай хушрўй паризод, канизакларни чақирди, ҳей канизлар қафаснинг оғзини очинглар, булбуллар сайрасин, буларға қўшилиб, пахтақлар дам чексин, кумрилар ҳамду сано ўқисин. Булоқлар булкилдаб оқсин, сизлар ҳам нағма қилинглар, базмда бўлинглар, ҳазмда бўлинглар, деди. Канизлар қафасни очдилар, ичиннан чиқариб бир қушни қўйдилар. Шу қуш бир сайради осмону замин бир бўлди. Бир вақт фасли баҳор бўлиб, булбуллар сайрай бошлади.

Шул вақтинда Хисров шоҳ туриб айтди, ҳей канизлар, сизларни кимлар дерлар? Эй, одамзод, бизни Ҳурилиқо паризод дерлар, бу қизлар канизакларим турур, бу қушни эса булбулгўё дерлар. Бу қушни изласа қаерларда бўлади, деб сўради Хисров шоҳ, унда Ҳурилиқо айтди, бу қуш бизнинг юртда бўлади, Ҳуризаъфарон опамнинг қуши бўлади, ул эса Эрам боғида туради. Бу юртга қалай борса бўлади, деди подшоҳ. Ул ерда паризодлар туради, сизлар эса одамзодсизлар, деди паризод. Шу пайт, водариғо деб, Хисров шоҳ уйғониб кетди. Қараса саҳардинг файзли вақтинда уйқудина туриб ётибди. Ана бу тушди кўрган сўнг Хисров шоҳ яна зимриқдай қотиб, итдай овнаб, отдай оҳ уриб, ёта берди. Подшоҳнинг кела бермаганидан хавотир олган Қосим вазир саккизланчи кун, шошиб, югуриб подшоҳнинг ётган жойига келди. Қараса подшоҳ яна ер бағиртлаб ётибди. Эй шоҳи олам, шаҳарда аҳвол ёмон, ўрнингиздан

туринг, эл-юртдан бир хабар олинг, деди вазир. Тўй-томоша бердингиз, мурудингизга етдингиз, яна не бу ётиш деди. Подшо айтди, Эй вазири аъзам, охшом бир туш кўрдим, тушимда бир иш кўрдим, дардди кунда дарддошимсан, сирли кунда сирдошимсан мен айтай, сен эшит, деб бир сўз айтиб тургон жойи:

Охшом кеча кўрдим бирда тушимни,
Тушимда бир булбул фарёд айлади.
Кетирдим бошимдин ақли ҳушимни,
Ақлимни бошимдин барбод айлади.

Жам бўлиб келдилар бир бўлак қизлар,
Ҳар бири тўтининг сўзини сўзлар.
Эшитинг арзимни соҳиб тамизлар,
Ногоҳон кўнглимни ношод айлади.

Дўстлар, кўрмагайдим мен бундай тушни,
Орттирмагай эдим бошимга ишни.
Йитирмагай эдим ақли-ҳушни,
Ногоҳон кўнглимни бедод айлади.

Хисров шоҳ айтади, қайга борайин,
Бу қушнинг ишқинда зор-зор йиглайин.
Қушга етушгунча бағрим тиглайин,
Ақлимни бошимдин барбод айлади.

Бу сўзни эшитиб, Қосим вазир айтди, боракалло, подшойим, қуррадўзлар мунажжимларни чақирайлик, амалдорларни, муҳрдорларни чақирайлик, бир маслаҳат қилайлик, деди. Бу маслаҳат подшоҳга маъқул тушди, бари кишиларни ҳузурига чақирди. Бари чақирингонлар жамул жам бўлди. Подшо буларга тушини айтиб, таъбирини сўради. Мунажжимлар айтдики, бу кўринган жой парилар маконидур, ул қуш эса булбулигўёдир. Ул қуш борса келмас деган жойда бўлиб, келтириш мушкул турур, дедилар. Уни тутиб келтириш одамзодга мужассар эмасдур, беҳуда ҳалак бўлманг, дедилар. Подшо шунда дарғазаб бўлиб, ана буларни банди зиндон қилди, бир қисмини қалласини кесди. Шундан кейин Хисров шоҳ, не қиларини билмай бошини тўман қилиб ўтира берди. Бирдан болалари эсга тушиб чақирди. Эй фарзандларим, Хуршид, Зевар, бу ерга келинглар. Икки ўгли-да югуриб келди. Подшо айтди, эй болаларим, борса

келмас деган жойга бориб, боғи Эрамдан Хуризаъфарон парининг булбулигўё қушини олиб келасизлар, деди. Менинг ягона мақсадим шул турур, деди. Хўп, дада, ҳозир йўлга чиқамиз, деди Хуршид билан Зевар. Подшо Қосим вазирга бутуннинг ўзида от-анжомларни тузатиш, харж-харажатларни тайёрлашни буюрди. Қосим вазир дарҳол айтгонини бажо келтирди. Хуршид билан Зевар кийинадиганни кийиниб, осинадиганини осиниб, тегалак чўғирма, зар пўта, зар чакманларни кийиниб, ботир свёкли бўлиб, отга миндилар. Хисров мунн кўриб, шод бўлиб, оқ фотиҳа берди. Икки ўғил йўл юриб, мўл юриб, сахро билан чўл юриб, жилға билан кўл тортиб, бир товдинг бағрина етишдилар. Товнинг баландина чиқиб қарадилар. Қарасалар уч бўлак йўл. Бириси борса келар, бириси борса гумон, бириси борса келмас. Боракалло, Хуршид айтди, эй Зевар иним, бу уч йўл-да хатарли йўл. Экавимиз бир-биримиздан ажралсак бўлмас. Бундетиб бошимизга бало сотиб олиб не қиламиз. Ундетинча товдинг бағринда ётиб, дам-тинчимизни олиб, сўнг қидириқ, топиб биладик деб борсак, дадамиз бизни дорга осармиди, деди. Хўп бўлғай, биз рози деди Зевар. Шундан сўнг отларина боғлаб, булар шу ерда дам-тинчини олиб ёта берди. Булар ёта берсин, сўзни Ҳамродан эшитинг. Ҳамро кечкурун келса, икки акаси-да, йўқ. Эй ота, бу оғаларим қайга кетди, деб сўради. Эй ўғлим, деди подшоҳ, оғаларинг менга булбулигўёни топиб келтиришга кетдилар, деди. Қасрга кетди? Борса келмасга кетди. Боракалло, шу икки болангиз бўлса улар, борса келардан ҳам омон қайта олмайдилар, шунинг учун ҳар вақт ишнинг қийинини ёш киччи бажаради деганлар, деди Ҳамрожон. Яхшиси бу ишга ўзим кетаман, деди. Эй кўзим, ширин сўзим, кўрар кўзим, мен сени юбармайман, деди Хисров шох. Йўқ, жавоб берсангиз ҳам бермасангиз ҳам кетаман деди, Ҳамро. Энди бўлмади, болам, бу ерга кел бир хайрлашайин, деб Хисров шох оқ йўл тилаб бир сўз айтди.

Оғаларинг сенинг учун юбардим,
Сен ҳам ўтлар солма жона ҳамроҳим,
Булбулдан зиёда бўлди бу дардим,
Мани қўйма ёлғиз куна Ҳамроҳим.

Аввал ёндим болаларим ўлди деб,
Ёшлигинда гулдай юзи сўлди деб,
Қувонгандим сизни ўлмай қолди деб,
Яна айро тушармисан Ҳамроҳим.

Бепоен фарзандни худо бермасин,
Мусулмон бандаси мендай бўлмасин,
Сизлар учун гулдай юзим сўлмасин,
Яна айро тушармисан ҳамроҳим.

Хисров деяр умрим йиғлаб ўтарман,
Сен бўлмасанг тожи тахтни нетарман.
Бойлигимни кимга инъом этарман,
Мени ташлаб кетма ўта, Ҳамроҳим.

Ана подшо кўп ёлворди, йиғлади бўлмади. Ҳамроҳон кетар бўлди. Шоҳсувор отни Зартанг-забартанг эярлади, осадиганини осди, киядиганини кийди. Отга миниб отасининг алдина келди. Подшо энди ўглининг ҳақиқат кетажагини билди. Ноилоҳ оқ фотиҳасини берди. Ҳамроҳон отасидан фотиҳани олиб, отга бир қамчи босиб, кўздан ғойиб бўлди. Шу кетишина бир кеча-кундуз йўл юрди. Ана шу вақтда Хуршид билан Зевар туш кўриб, тушларида Ҳамроҳоннинг келиши кўринди. Зевар ўрнинан сакраб турди. Эй Хуршид оға, бу Ҳамро саллоҳнинг кучугидай ҳеч изимиздан қолмади-да, мен унинг келишини тушимда кўрдим, деди. Хуршид айтди, бу занғар келса келар. Агар ништиб ётибсизлар, деса, беш-олти кун бўлди тиришма касалимиз кўзиб ётибмиз, деб айтамиз, деди. Яхши ҳам сен келиб қолдинг деб йиғлайберамиз, деди. Ана шу маслаҳат қилиб турган пайтда кун тиг берди, қараса кун билан чағилишиб бир ёлқин кўринди. Бу Ҳамроҳоннинг олтин эгарининг қошлари, бошиндаги олтин қубба, олтин жиғаларнинг ёлқини эди. Буни кўриб Хуршид айтди, Эй Зевар иним тушинг тўтри келди. Шу занғар Ҳамро келаётганга ўхшайди. Олтин эгарланнинг, қалқон совутларнинг ёлқинини бир қара бу пуники бўлиши керак. Хуршид билан Зевар товдинг тепасина чиқиб қараса ҳақиқатда Ҳамро экан. Дарров товдинг қавагина кириб, булар инқилдини бошли бердилар. Ҳамроҳон келиб Хуршид билан Зевардинг отларини таниб, ўзининг отини-да улардинг қоптолина боғлаб, уёқ-буёқни қараб, товдинг қавагина кўзи тушди. Қараса оғалари отдинг бостирикларини тийина устина босиб инқилдаб ётирлар. Хў оғалар, не бўлди сизлара? Боракалло, иним, омон-сов келганингни айтабер. Бизни тиришма касалимиз кўзиб қолди, бизга бир ёрдам бермасанг бўлмас, деди оғалари. Боракалло, оғалар деб Ҳамро уларга сув пурккан бўлди, ўт элас этган бўлди, оғалари яхши бўлган бўлиб ўрнидан турди. Энди қайтадан кийиндилар. Отларини эгарладилар, учави бир бўлиб товдинг орёгина ўтдилар. Хуршид айтди Ҳамроҳон иним, мана уч

йўл, бириси борса келар, бириси борса гумон, бириси борса келмас, қани айтинглар, қайсимиз қайсисина кетамиз, деди. Унда Ҳамрожон айтди, эй Хуршид оға, ана энди ҳаммангиздан кичигингиз мен, гапимди оғир олмасангизлар бир сўз айтаман, ана ҳаммамиздинг улканимиз Хуршид оға, борса келарга сиз кетинг. Ногумон йўлга Зевар оға, сиз кетинг. Ишдинг ҳамиша овури, жабри ёш киччиники бўлади, борса келмаста мен ўзим кетайин, деди. Паҳай, боракалло иним, сен оғаларингни сийласанг, сени худо сийласин деди Хуршид билан Зевар. Санго борса келмас йўл, бизларга, борса келар билан ногумон йўл мубо бўлсин, деб хайрлашиб учиси уч йўлга жўнаб кетабердилар. Улар Ҳамрожонди қораси кўринмай кеткунча секин юрдилар, сўнг экави-да борса келар йўлга қараб от қуйдилар. Ана булар кета бердилар боса бос, сурҳо сур кета берсин, сўзни Ҳамрожондан эшитинг Ҳамрожон йўл юрди, мўл юрди, қир ошди, тов ошди, кўл ошди, етти кеча-кундуз йўл юрди. Ана хуфтон бўлди, намозшом бўлди. Кеча тушганда не ерга қадам босарини билмай қолди. Ҳавонинг юзи туман бўлди, ёвин ёвди, қор ёвди, шундай бўлса-да шахсувор от йўл суриб бора берди. Шу боришда отнинг боши бир дарвозанинг зулфина тийгандай бўлди. Ҳамрожон қўли билан сармалаб қараса, бир қопининг зулфина отнинг калласи тийган экан. Ҳамрожон хайрон бўлди, бундай чўли биёбонда, қоронғи зимистонда қопининг зулфи ништиб юрибди? Отдан сакраб тушиб қараса қатта бир гумбаз, гумбазнинг ичкарисина аста кирди, Ҳамрожон киргандан кейин гумбазнинг ичи равшан бўлиб кетди, ҳатто ийна тушса кўрингундай бўлди. Чарчаб келаётган Ҳамрожон, шу ерда қийшайиб, дам оламан деб, уйкуга кетди. Ана бу уйхлаб ётганда, сахар пайтида ёнида қирқ чилтанлар ҳозир бўлди, бари саҳобалар йиғилди, Ҳазрати Шоҳимардоннинг ўзи хизматда турди. Шунда Султон Вайсул пир Али Шоҳимардонга айтди? Бу ётган одамзод ким, деди. Унда Али Шоҳимардон пир айтди, боракалло, бу йигит йўловчи, деди, тўғрисини айтавер, деди Султон Вайсул пир. Тўғрисини айтсам, менинг нафасимнан бўлган, нафас ўтгим Ҳамрожондур, деди. Ундай бўлса, бу ўтглингнинг жуфти борми, йўқми? Одамзод қабиласининг ичида мунго лойиқ жуфт йўқ деди Али Шоҳимардон. Унда бу дунёдан тоқ ўтаверадики? Ўтмайди, лекин бунинг бир қийин ери бор, Боғи Эрамда Шоҳрух шоҳнинг кичик қизи Ҳурилиқо паризод ўн етти ёшга тўлиб ўтирибди, шуннан бошқа бу йигитга муносиб қиз йўқдур, деди Али Шоҳимардон, бу жойнинг манзили узоқ. Не узоқлиғи бор, буни биз бажарамиз, деди Султон Ваёсил. Шунда ҳаммаси дуо фотиҳа қилдилар, қирқ чилтанлар кўз очиб-юмгунча Боғи Эрамга бориб, Шоҳрух шоҳнинг қизи Ҳурилиқо паризоднинг боғинда тайёр бўлдилар. Ана Ҳурилиқо

паризод олтин каравотда, зар тўшак, пар ёстикқа ўзини ташлаб ётган эди, қирқ чилтанлар уни кўтариб, осмонга учдилар, кўз очиб-юмгунча гумбаза келтирдилар. Юзина сув сепдилар, кўзини очди. Ҳуриликко қараса қирқ чилтанларнинг орасинда ўтирибди. Бу одамзод кимдур, деди, бу одамзод сенинг жуфтинг турур дедилар. Ҳамрожонни уйғотдилар. Қаердан бўласиз, сўради Ҳуриликко. Миср вилоятинанмиз. Отангиз ким? Хисров шоҳ турур. Не иш билан юрибсиз? Бахт излаб чиққанмиз. Эй Ҳуриликко, Сизнинг отингиз ким? Ҳуриликко паризод, дерлар. Отангиз ким бўлади? Шохруҳ шоҳ бўлади. Юртингиз қаер? Эрам боғи. Сизни излаб йўлга чиқсак нечча ойда етамиз? Олти ойда етиб борасиз. Ундай бўлса бир савол-жавоб айтишайлик, деб қўлларина тилло дуторларини олдилар.

Ҳамро:

Саринга дўнайин гул юзли жонон,
Қайда бўлар парим, маконинг сенинг?
Жонимни айлани мен санго қурбон,
Қайда бўлар парим, маконинг сенинг?

Ҳуриликко:

Мени сўрсанг Шохруҳ шоҳнинг қизиман,
Эрамнинг боғинда маконим менинг.
Аслим сўрсанг паризоднинг ўзиман,
Ҳар ерда тайиндур маконим менинг.
Ошиқ бўлсанг куйиб-ёниб ўтарсан,
Сабр айласанг ёр алиннан тутарсан.
Кела олсанг беш юз йилда етарсан,
Минг йиллик йўл турур маконим менинг.

Ҳамро:

Ажал етиб шум паймонам тўлмади,
Очилмасдан гулдай юзим сўлмади.
Энди парим, сени кўрмак бўлмади,
Минг йиллик йўл бўлса маконинг сенинг.

Ҳуриликко:

Бизнинг элда кўпдир олтин-кумушлар,
Сизни ошиқ, бизни маъшук демишлар,
Биз паримиз, бизда макон не ишлар,
Ҳар ерда тайиндур маконим менинг.

Ҳамро:

Отим Ҳамро, Хисров шохнинг ўғлиман,
То ўлгунча бир ваъдага боғлиман,
Сенинг учун сийналарин доғлиман,
Қайда бўлар парим, маконинг сенинг?

Ҳурилиқо:

Ҳамрожоним, саргайтгирма гул юзни,
Ҳурилиқо пари, дейдилар бизни.
Сен топмасанг, ўзим топарман сизни,
Ҳар ерда ҳозирдир маконим менинг.

Ҳурилиқо билан савол-жавобдан кейин Ҳамрожон айтди, эй паризод беш юз йиллик йўлга мен қалай бораман, деди. Унда Ҳурилиқо айтди, ҳозир мен қочаман, сен қувасан, агар дарров тута олсанг, мақсадинга етганинг, йўқ тутаолмасанг менга ранжу машаққатлар билан етарсан, деди. Шундай қилиб, гумбазнинг ичинда Ҳурилиқо қарсилдаб қочаберди. Ҳамрожон қува берди. Ана ушладим деганда, паҳай ушлаб бўлибсиз деб этагини қоқиб ташлаб қочаберди. Қочганда қошини қоқиб, Ҳамрожоннинг ичинги ёқиб, Ҳамро бу ишдан ўтдай тутақиб, шу орада Ҳурилиқо гумбаздан чиқиб қонини қарсилдатиб ёпиб ўта кетди. Шунда Ҳамрожон қонидан чиқаман деб манглайини қонига қарсилдатиб уриб, кўзини ёлпа очди, қараса туш экан. Водариғо, деди Ҳамрожон, манго бундай ишларни дуч қилгондан, бошқа бир кулфатларни бошга солса бўлмасмиди? Бу паризодни энди қандай топаман, бу маконнинг йўли қайда билмасам, изи қайда билмасам? Ана Ҳамрожон ўрнидан турди, ана қирқ чилтанлар-да учиб кетди. Ҳамрожон ташқарига чиқиб қантариг отини ечиб, устига миниб, дуторини белига қистириб, ишқ-муҳаббат ёмон, ота хизмати уннан ёмон, деб не қиларини билмай, қибла томонга қараб отини суриб кета берди, тахминлаб чўли биёбонга чиқаберди. Тонг-сахарда шу боришда чўли биёбонда бир тўп тўрғайларга дуч келди. Отнинг жоловини тортиб, ҳей жониворлар, сизлар ҳам менингдай ошиғи шайдулло ўхшайсизлар, деб тўрғайларга қараб, орқасинан дуторни олиб бир сўз айтиб тургани:

Худо мени яратди мунча армон ичинда,
Нечук этиб кезарман бу чўлистон ичинда.
Ёримни кўрмай ўлсам қолдим армон ичинда.
Токайгача нолонман бу доғистон ичинда,
Мен ёримни ахтариб қолдим ҳайрон ичинда.

Осмондаги бўз тўрғай, сайрай қолсанг не бўлғай,
Мени нолон кўнглимни қийнамасанг не бўлғай.
Сўйламака тилинг йўқ хабар берсанг не бўлғай,
Мен йўлимнан адашдим, бирга юрсанг не бўлғай.
Мен ёримни изладим, қолдим армон ичинда.

Бир нечалар кезарлар сафо бирла суҳбатда,
Бир нечалар кезарлар қайғу бирла ҳасратда.
Бир нечалар кезарлар машаққатли меҳнатда,
Бир нечалар кезарлар адо бўлмас давлатда,
Мен бир бечора мискин қолдим армон ичинда.

Ҳамро айтар оллодан охир бир кун тилагим,
Қариндошим изламас, йўқдур менинг керагим,
Кўрсам ёрни бўйнига нечук солмай билагим,
Ишқ ўтина туташдим, куйди менинг юрагим,
Мен ёримни изларман, қолдим армон ичинда

ҚИРҚ МИНГЛАР

(Аҳмад баҳши Матназаров репертуаридан)

Чортоқли Чамбилбелда, такали туркман эли, саксон минг уйли
юртада Гўрўглибек султон бўлиб юриб эди. Гўрўглибекнинг оти-
овозаси иқлимга кетди. Гуржистон паҳринда Хунхор подшо
маслаҳат этди: “Гўрўглини тирик тутиб ё ўлдириб, қалласини кесиб
келайлик”, -деб яқин ерга от йўллади, узок ерга хат йўллади. Саккиз
подшо, ўн икки минг араб эли, эллик минг гуржистон эли, уч юз минг
исфихон эли, уч юз минг рус эли, уч юз минг фаранг, етти минг
тўнчи, етти минг қоровул, йигирма тўрт минг хон, қирқ тўрт шоҳ
тўп-дастгоҳи билан Гуржистондан чиқиб, Чамбилбел юртига қараб,
бадар кетди. Бу аскар бир неча манзил йўл юриб Чамбилбелга яқин
келаберсин, энди Гўрўглидан сўз эшитинг.

Гўрўглининг Гаждумбек деган оғасидан қолган бир синглиси бор
эди. Гулшаҳрижон деб от бериб эди. Ўзи ҳам ўн саккиз ёшида эди.
“Гўрўгли тоғамнинг душмани келиб, бунга озор бермасин”, -деб
қалъанинг қоровулхонасига чиқиб, мудом тўрт тарафга кўз тикиб,
душманни қараб ўтирар эди. Бир куни кўрса: Гуржистон тарафидан
бир аскар келаятир. Осмон юзини туман тутиб, аскарлар тўп отиб,
милтиқ отиб, оқ чойшаб алам¹ тикиб, Чамбилбел қалъасининг

¹ Байроқ.

атрофини қўрчаб² олиб тура берди. Чўпда, чорда, мўрда, малахда сон бор, бу аскарда сон йўқ. Гулшаҳрижон сийнасинда тоби-тоқат қолмай, қоровулхонадан тушиб, Гўрўглининг ётган ерига келди. Кўрса. Гўрўгли ҳали уйқуда ётган экан. Гулшаҳрижон уйда туриб. Гўрўгли оғасини уйғотмоқчи бўлиб, бир сўз айтиб турибди:

Осмон юзин ўтиб келди,
Турғил, оға, туман бўлди!
Кўзим қонли ёша тўлди,
Турғил, оға, ёмон бўлди!

Туман-а, тумандир тоғлар,
Хазона дўнанди боғлар.
Туринг-ҳа, такали беклар,
Беклар, охир замон бўлди!

Бул тумanning хаста бордир,
Орқасида пўсти бордир,
Оға, санда қасди бордир –
Турғил, оға, ёмон бўлди!

Бу думона борилмади,
Бориб хабар олинмади.
Олтин коса йўрилмади,
Турғил, оға, ёмон бўлди!

Гулшаҳрижондир азали,
Буйла қисматти ёзали,
Бу жабра нечук дўзали,
Турғил, оға, ёмон бўлди!

Гулшаҳрижон бу сўзни айтган вақтда Гўрўгли уйғонмади. Авазхон югуриб келди. Авазхон атди:

–Эй, Гулшаҳрижон, оғамнинг уйкусини бузма. Бу келган аскардан ўзим хабар оларман.

Сайисхонага бориб, Гўрўглининг Ғиротини эгарлаб, майхонага кириб, Гўрўглининг яроқларини қўшанди³. Отни миниб, қалъадан чиқиб, Асқартоққа қараб юзланиб, бораверди. Авазхон бораверсин. Энди сўзни Хунхор шохдан эшитинг:

² Қўршаб.

³ Тақриб олдди, қойди.

Хунхорнинг Ҳасанхон деган ботири бор эди. Ёнига қирқ йигит-навкар олиб, Жодог деган довонга боққу ташлаб⁴, яшириниб ётар эди. Авазхон гофилликда туйқусдан⁵ Ҳасаннинг устига бориб қолди. Ҳасанхон қирқ йигити билан Авазхоннинг атрофини қуршаб олди. Дарров Авазхонни Гиротдан тортиб олди. Авазхоннинг икки қўлини орқасига маҳкам боғлади. Авазхонни, Гиротини-иккисини ҳам Хунхорга юбора берди. Авазхон, Гироти Хунхорга кетаберсин, энди сўзни Хунхор шохдан эшитинг:

Гўрўглининг Дали Мехтар деган бир қоровули бор эди. Авазхоннинг, Гиротнинг Хунхорга асир тушганлигини кўриб эди. От чолиб, дарҳол Гўрўглининг ёнига келди. Кўрса, Гўрўгли ҳали уйқуда ётган экан. Дали Мехтар от устида туриб, йўгон овоз билан Гўрўглини ўйғотмоқчи бўлиб, бир сўз айтиб турибди:

Бекларим, отланинг, сардан кечали,
Не Ҳалаптан, не Шервондан келан бор,
Бул майдонда ол шароблар ичали,
Не Фарангдан, Рум шаҳридан келан бор.

Қизилли, яшилли чодир қурилди,
Томошага олтин қовоқ урилди,
Болибекнинг яшил туви кўринди,
Не Ғажордан, Туркистондан келан бор,

Ғўла тўлни бизга қара отибди,
Болибекдан бизга ёрлик етибди,
Авазхон боғланиб шохга кетибди,
Не Шероздан, Туркистондан келан бор.

Дали Мехтар билмас унинг сонини,
Боғлаб олиб кетди Авазхоннингни,
Қилич уриб тўкди қизил қонини,
Не фарангдан, Истамбулдан келан бор.

Гўрўгли бу сўзга сесканиб ўрнидан турди. Гўрўгли бунинг айтивотирган сўзига зеҳн этиб қараб ўтирса: чўпда, чорда, мўрда, малаҳда сон бор, келган лашкарда сон йўқ. Дарров югуриб сайисхонага борди. Кўрса, Гирот йўқ. Ундан сўнг майхонага келди, яроқлари ҳам йўқ. Авазхон қўшаниб кетган экан. Ҳайрон бўлиб чиқиб келиб эди, Гўрўглининг бир деҳқони чаман ёби⁶ ни харос⁷ дан

⁴ Бикноиб.

⁵ Тўсатдан, қўюсдан.

⁶ Чаман ёби-ясли паст бўлган от тури.

чиқариб олиб кела берди. Гўрўгли дехқоннинг қўлидан чаман ёбини олиб олди. Бир муюпдан бир кўҳна қантғи⁷, эгар шай⁸ топиб олди. Чаман ёбини эгарлаб, бир кўҳна лойкапчани⁹ қўлига олди. Ёбининг устига миниб, капчани ҳам олдига ўнгарди. Дали Меҳтарни олдига солиб, йўлга бошчи этди. “Душман бўлса бошлай бер”, -дея қалъадан чиқиб, аскарни қараб бораберди. Чаман Ёбининг харосда чоғи кетиб¹⁰, ниши битиб қолган экан. Чаман ёбини санаб ўн икки урганда зўрдан бир йўртиб бораётир. Дали Меҳтар айтди: -Эй тоға, бу боришимизда обрў бекор-да. Остингдаги от бўлмаса. Қўлингдаги яроқ бўлмаса. Остингда чаман ёби, қўлингда бир капча. Бу боришимизда Худой сақлагай-да.

Унда Гўрўгли айтди:

-Бу капчада хислат кўп. Бу капча етти йил ер тагида ётган капча, ер сувини ичган капча. Юзини занг босган капча. Саркопга ҳам етган капча, қулоч, ярим қулоч, чоракдаста солинган капча. Ўзи ғаним учун тузатишган капча, ғанимга қараб силтаб қўйганимда, ғанимнинг қорнига қарич ниш кириб, ғалт-ғалт сас берадиган капча!

Капчанинг таърифини айтиб бўлганча, Ҳасанхоннинг устига бориб қолган экан. Ҳасанхон ўрнидан туриб Гўрўглидан хабар сўради. Унда Гўрўгли айтди:

-Мен Гўрўглининг хизматкори бўламан.

-Гўрўглининг ўзи нерда?

-Ўзи қалъада.

-Қалъада бўлса, сен олдингга капча олиб нерга борасан?

Унда Гўрўгли айтди:

-Шу ён тарафдан бир қизил сув оқиб келаётир. “Қизил сувнинг олдига чиқиб қачи ол”¹¹ -деб буюрди. Мен қизил сувнинг олдига чиқиб, қачи олмага бораётирман.

-Ҳей манглайнинг қаро бўлибди сенинг, -деди.

Гўрўгли айтди:

-Не бўлди?

-Қизил сув бўлиб кўриниб келаётган ул кўп аскар. Мен сенга отмо-от айтиб тушунтириб берай: ана ул келаётган аскар – ўн икки минг араб эли, эллик минг гуржистон эли, уч юз минг исфиҳон эли, минг тўпчи, минг лойхўр, ўн икки минг қоровул, йигирма тўрт хон, қирқ тўрт шоҳ –Гўрўглининг устига урушга келаётган аскар. Бул

⁷ Эшак билан қорғизмаладиган тегирмон.

⁸ Яроқсиз.

⁹ От вёзаллари.

¹⁰ Лой нишала шалатиладиган қурак.

¹¹ Қучи кетиб

¹² Қачи олмоқ –тўғон солмоқ. (дамба)

аскар Гүрүглининг қалъасига кун юзини туширмас, Гүрүгли оғанга хабар бер, уруш жойини тайинлай берсин.

Унда Гүрүгли айтди:

–Сенинг бу сўзингнинг бариси ҳам ёдимда йўк. Гүрүгли оғам ёнига борганимда ҳеч қулоғимда турмас. Сен шу сўзларни менга хатга ёзиб бер. Гүрүгли оғам ёнига бориб ўқисам –тушинмак осон бўлади.

Унда Ҳасанхон девонини ёнига чақириб олди. Девон қўлига бир тахта қоғоз олди. Ҳасанхон айтиб ўтирди, девон ёзиб ўтирди, Гүрүгли тинглаб ўтирди.

Ҳазали Ҳасанхон:

Дунғондан, Достондан, Ширвон, Халафдан,
Кўрсанг энди балли-балли келмишдир.
Қадимги ясовдан, тараф-тарафдан,
Доҳо¹², қирқ минг боён йўлда келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ мингги оғадир, қирқ мингги сода,
Қирқ мингги мергандир ўқ қўяр овда,
Қирқ мингги шоҳ, ҳамма келибди дода,
Доҳо, қирқ мингги бекдан балли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ мингги тўғчидир, тўғни отғучи,
Қирқ мингги соп бедов от еталовчи,
Қирқ мингги савдогар. Сунни сотувчи,
Доҳо, қирқ мингги бекдан балли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ мингги ошпаздир, тилла тобоқли,
Қирқ мингги ўтлондир, бодом қобоқли,
Қирқ мингтаси курддир, оғзи қовоқли,
Доҳо, қирқ минг бурни қилли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ мингги оташбоз, ўтлар газдирар¹³,
Қирқ мингги жодутўй, одам оздирар,
Қирқ мингги мардикор, юртинг тўздирар,

¹² Тағин, яна.

¹³ Ўйнар.

Доҳо қирқ мингтаси филли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги мулладир, қирқ минги қози,
Қирқ минги номишкор¹⁴, қўлинда бози,
Қирқ минги бахшидир, алинда сози,
Доҳо, қирқ минг ширин тилли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам ҳам бошқа.

Қирқ минги қорадан, кезарлар кеча,
Қирқ минги қаландар, борарлар ҳажа,
Қирқ минги сайиддир, қирқ минги хўжа,
Доҳо, қирқ минг уйли пирлар келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги келади экин эрмага,
Қирқ минги келади чилим чекмага,
Қирқ минги келади нонинг емага,
Доҳо, қирқ минг ошпазлари келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги ботирдир, урушга тайёр,
Қирқ минги жодугар, қирқ минги айёр,
Қирқ минги ўрисдир, қирқ минги хушёр,
Доҳо, қирқ минг зарбоф тўнли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ мингини сайлаб келтирдим марддан,
Қирқ минги бошингни чиқормас дарддан,
Қирқ минги ғажордан, қирқ минги курддан,
Доҳо, қирқ минг қоровулли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги синчидир, боқарлар изга,
Қирқ минги ботирдир, санчарлар кўзга,
Қирқ мингини кўрсанг –мингани ўзга,
Доҳо, қирқ минг отли, филли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

¹⁴ Қўш тутадиган олчи.

Боғдоддан кун тувиб, чиқса осмона,
Торозу курувли охирзамона,
Ҳасанхон дер, бўйла қайтди нишона
Доҳо, қирқ минг ясовулли келмишдир, -
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Ҳасанхон хатни ёздириб, Гўрўглининг кўлига берди. Бир тахта қоғознинг икки ён тарафи ҳам тўлди.

—Олиб бор, ўқитиб эшитсин, уруш жойини тайинлаб берсин, - деди.

Унда Гўрўгли айтдики:

—Менинг Гўрўгли оғам кўп қизма¹⁵ киши. “Шунча сўзни айтиб хатга ёзган экан, менинг тузимни ҳалоллаб, сен ҳам унга қараб бир сўз айтиб келганингда, сенинг тилингни кесармиди?” —деб оғам менга кўп қотиш этар¹⁶. Мен ўзимни Гўрўглига ўхшатиб, сенга бир сўз айтиб кетсам, тинглармисан?

Унда Ҳасанхон:

—Айта бер, -деди.

Гўрўгли чаман ёбининг устида туриб, калчани соз этиб, бир сўз айтди:

Ман санга деяйин, Ҳасанхон пошшо,
Мандин санга дўғру сўзларим бордир.
Отингни ўғратма¹⁷ қиядан доша,
Манинг от ишламас¹⁸ ёрларим бордир.

Эгри дема, санга тўғридир сўзим,
Душманни кўрганда қувонар кўзим,
Магар отим мудраб, йиқилсам ўзим,
Устимда оҳ чаккан пирларим бордир.

Ман санга не дедим, кам сойдинг¹⁹ бизни,
Чиқарман чўлларга, овларман тузни,
Авазга боргунча қирарман сизни,
Карбалю даштора чўлларим бордир.

¹⁵ Қизма — қизиккан, жиждор.

¹⁶ Уялтирар, юзмайин қизартирар.

¹⁷ Ҳайлама, чопдирма.

¹⁸ Юраламас.

¹⁹ Кам сойдинг —кам кўрдиги, менжумадиги.

Гүрүғлибек отим оламга достон,
Гиротга минганда нор кўзим мастон,
Хайбатимдан титрар Курду Гуржистон,
Такали-туркманли элларим бордир.

Ҳасан қирқ йигити билан Гүрүғлининг атрофини қуршаб тураберди. Гүрүғли чаман ёби билан аскарнинг ўртасида қолаберди. Гүрүғли: “Чаман ёби билан булардан қутула билмасман. Буларга бир ҳийла ясамасам бўлмас”, -деди. Гүрүғли айтди:

-Ҳов Ҳасанхон, менинг Гүрүғлидан ўрганган мингга бир урушим бор. Шу урушлардан бирда-ярмини ўрганиб қўйсанг, сенингдай ботир йигитларга ҳар вақт урушларда даркор бўлади.

Ҳасанхон айтди:

-Ҳа йигитлар, бунинг урушини ўрганайик.

Гүрүғли айтди:

-Сизлар уруш ўрганар бўлсангизлар, қирқингиз ҳам отдан тушинг. Мен сизларга бир уруш ўргатиб кетайин. Пиёдалаб менинг ёнимга келинг.

Шунда булар қирқиси ҳам отдан тушиб Гүрүғлининг ёнига келди. Гүрүғли айтди:

-Йигирмангиз бу ёнда туринг, йигирмангиз бу ёнда туринг, бўйинингизни ҳам кўзгаманг.

Ана булар йигирмаси бу ёнда йигирмаси бу ёнда, ўртадан кўча бериб тураберди. Ҳасанхон айтди:

-Жўра, сен бизларга бу урушининг отини айтиб тушунтир.

Унда Гүрүғли айтди:

-Урушимнинг аввал бошига “қаландарнинг отига чуррук юклаш”²⁰ деб от беради. Кейин “ит уруш”, ундан сўнг “айлан товоғим” дегани бор. Ундан сўнгиндагина “босабос” деб от беради, ундан сўнгисини “урҳо-ур” дейди. Энг сўнгида бариси қизиб кетган вақтларда, “қира-қир” дейди.

Ҳасанхон: “Бунинг ҳисоблигина уруши бор экан” -деб қараб тураберади. Гүрүғли “чуррук юклаш” деб бу ёнга чиқди: “боса-бос” деб у ёнга чиқди, “урҳо-ур” деб бу ёнга ўтди. Қиссасидан дуйма қиличчини чиқариб олди. “Ё, Шохимардон -деб, бу ёнга қараб бир силтаб қўяберди. Йигирмасининг калласи кетди пориллаб. У ёнга қараб силтаб қўяберди, йигирмасининг калласи кетди зориллаб. Ҳасанхон дуйма қиличчининг тагидан чиқиб қочди. Гүрүғли Ҳасанхоннинг кейинидан куваберди. Ҳасанхон оёғи сурилиб кетиб дустуман йиқилди. Оғзи ер қопди, бурни қумга бир қарич кирди.

²⁰ Гап бу ерда ҳазирги ҳаратга ва шу хил яқин ҳурашларнинг усуллари ҳақида кетяпти.

Гүрүҗли Хасанхонни тутиб олиб, икки кўлини орқасига маҳкам боғлади. Хасанхоннинг кулоқ-бурнини ҳам кесиб олди. Қирқ йигитнинг ҳам кулоқ-бурнини кесиб олди. Ҳаммасини бир чуволга²¹ тикди. Бир чувол (тўла) кулоқбурун бўлди. Хасанхонни отига миндирди. Чуволни ҳам сиртига тангди. “Кўрган –билганингни Хунхорингга айтиб бер”, –деб ура-ура қувиб юборди.

Ана сўзни Хасанхондан эшитинг. Калласи рўян²² дугулан сўқининг²³ сопи яли²⁴ оғзи-бурни қон ялаган итдай, кўзлари авлиёнинг чироғидай²⁵ кизил-қора қон. Ялт-юлт йўртиб бориб, Хунхорга салом берди.

Хунхор айтди:

–Хасанхон, хабаринг(ни) бер!

Хасанхон айтди:

–Гүрүҗлининг ёнига борманг!

–Не бўлди? Қирқ йигитинг нерда?

–Қирқ йигитим қирилиб қолди.

–Қирилган бўлса, нишонаси борми?

–Нишонаси бор, кулоқ-бурнини келтирдим.

–Ўзингнинг кулоқ-бурнинг қай ерда?

–Ўзимники-да шунинг ичида бордир.

Шунда Хунхоршох:

–Занғарнинг кулоқ –бурнини топиб олиб ўзига ёпиштиринг, –деди.

Подшоликдан анжомлашиб юрган табиблар бир чувол кулоқ-бурунни четга чиқариб пиёз тўққан яли этиб, тўкиб ташлади. Хасанхоннинг ўзини жинни тутгандай этиб кулоқ-бурунларнинг ёнига олиб борди.

–Кулоқ-бурнингни ўзинг тани, –деди.

Унда Хасанхон айтди:

–Шу четда ётган шиликорнинг зоғомаси²⁶ яли исли кулоқ бизникидир, келтир бунда.

Ана була кулоқ-бурунни олиб, ёпиштира берсин, энди сўзни Гүрүҗлидан эшитинг. Гүрүҗли Хасанхоннинг қирқ йигити ўлгандан сўнг қирқ отни олдига солиб сура берди. Чамбилбелга борди. Майхонанинг олдига бориб, қирқ йигитга қараб, Ғиротнинг, Авазхоннинг Хунхорга тушганлигини баён этиб, бир сўз айтди:

Хўжа тоғларнинг бошинда,

²¹ Чувол-қоп.

²² Рўян-Томирдан ранг тайёрланадиган ўсимлик.

²³ Сўқиниёч-қоли.

²⁴ Сопи яли-ялғи.

²⁵ Азла –қабристон. Бу ерда қабрдан тараладиган ўт (фосфор ёғдуси)га ўхшатилади.

²⁶ Зоғома-шол, бутдой, дон шопиришда ишлатиладиган (качмак) аяжом.

Ёз бир ёна, қиш бир ёна.
Титрашар оғзим ичинда,
Тил бир ёна, тиш бир ёна.

Изимиздан қувғин етса,
Дегра-дошим туман тутса,
Аваз ўтлон қўлдан кетса,
Бош бир ёна, лош бир ёна.

Тутуним аршга чекилди,
Оҳ чекиб, белим букилди,
Кўзимдан ёшим тўкилди,
Қон бир ёна, ёш бир ёна.

Хўжа тоғдан йўллар ошиб,
Ёз бўлганда ёллар тошиб,
Аваз ўтлон айро тушиб,
Тоғ бир ёна, тош бир ёна.

Гўрўгли айтар: нетали,
Бош олиб қаён кетали,
Авазга кўмак этали,
Тўрт бир ёна, беш бир ёна.

Қирқ йигит Гўрўглидан бу сўзни эшитгандан сўнг дарҳол ўрнидан туриб, отларини эгарлаб, яроқларини қушаниб, отланиб, Гўрўглининг кейинига тушаберди. Энди Гўрўгли қирқ йигитга бош бўлиб, қалъадан чиқиб, аскарга қараб, юзланиб тураберди. Унда йигитлар айтди:

-Бу сафар Худой сақлағай. Остингда Ғирот бўлмаса. Қўлингда яроқ бўлмаса.

Унда Гўрўгли:

-Йигитлар, сизлар хафа бўлманг. Ваҳм этманг. Бирор эрлик берилганда, кишига мушт ҳам яроқ, ҳар нарса ҳам яроқ бўла беради. Мен сизларга дунёдаги тигларни таъриф этиб берайин, -деб қўлидаги капчани соз этиб, тигларни таъриф этиб бораётир:

От айтур, сакраб букарман,
Найза айтур, мен навкарман,
Пуркитиб қонлар тўкарман,
Отим йилдам бўлан чоғда.

Миштиқ айтур, уним ёмон,
Ғанимларга бермам омон,
Оламан жонни бегумон,
Пилтамни ўт олан чоғда.

Эй айтур, белним эгарман,
Ўқ айтур, турмай тегарман,
Олис ердан қон тўкарман,
Чапчитим²⁷ зўр бўлан чоғда.

Чашмир²⁸ айтур, менинг ишим,
Ўн икки порадири бошим,
Дубулға билан савопшим,
Сердўпадан³⁰ уран чоғда.

Қалқон айтур, мен қалъаман,
Таслим бўлмаса, баломан,
Ғўч йигитларга бўламан,
Серпиб-серпиб олан чоғда.

Болта айтур, мен дастаман,
Номард қўлинда хастаман,
Уриб йиқмақа устаман,
Майдон олиб уран чоғда.

Қилич айтур, мен порлайин,
Порлаб осмондан келайин,
Язитни икки бўлайин,
Ола фўлот бўлан чоғда.

Пичоқ айтур мен яроғам,
Қўшоқ²⁹ остдан олур оғам.
Ёмон кунинда керагим,
Қучоқлашиб уран чоғда.

Юмрук³¹ айтур, мен қортаям³²
Мудом ёнингда йўртаям,
Тутсам ёқангни йиртаям,
Жангур-жунгур бўлан чоғда.

Гўрўғли айтур, ё Жаббор,
Шоҳмардон бўлса мададкор.
Ғўч йигитга бари даркор,
Пирдан мадад бўлан чоғда.

Гўрўғли бу сўзни айтиб, Хунхорга яқин бориб қолган экан.
Гўрўғли айтди:

-Энди сизлар шу ерда қола беринг. Мен ўзим бориб бу лашкардан
бир аломат қўптириб қайтайин.

Унда қирқ йигит айтди:

-Сенинг аломат қўптирганигни нердан биламиз?

Гўрўғли:

-Шу кўриниб турган қирқ тўрт туғдан бир туғ йиқилар. Менинг
аломат қўптирганимнинг маълуми шу бўлар. Шу вақтда иккиланмай
етиб бора беринг, -деди.

Қирқ йигит қола берди. Гўрўғли чаман ёбининг ғондозига³³
қарсса-қарс кўндириб кета берди. Йўртиб тўғри Хунхорнинг олдига
борди... Хунхорга салом берди. Хунхор айтди:

-Не қорасан?

²⁷ Шиддатим, силовим.

²⁸ Чашмир.

²⁹ Белбоғ.

³⁰ Бошидақ, бошнинг тепасидан.

³¹ Мушт.

³² Эшакдайман.

³³ Сонига

Гўрўгли:

-Мен Гўрўглиман, -деди.

Унда Хунхор:

-Гўрўгли бўлсанг, бурунроқ келсин, деб одам ювардик, не учун келмадинг? – деди.

Гўрўгли:

-Мен у вақтда ётиб эдим, -деди.

-Касал ётган бўлсанг, Ғиротни, Авазхонни бериб юборсин, деб одам юбордик. Уни не учун бериб юбормадинг?

Гўрўгли:

-Ғирот дебсан, Авазхон, Авазхон дебсан, пешкаш бўлсин, деб иккисини ҳам олдиндан бериб юбордим-ку!-деди.

-Оға Юнус паризод деган хайали³⁴ бор деб эшитдик. Уни не учун бериб юбормадинг?

Гўрўгли айтди:

-Оға Юнус паризод дейсан, лекин, Гўрўгли хайалининг лозим бологида³⁵ тутуб подшога олиб бориб берди, деб биров айтмаса, биров айтар. Паризод бўлса, уни ҳам ўзларимиз сўнглик билан енг учида олишга берамиз, деб довуқ солмай келдим.

Унда Хунхор айтди:

-Зангар, сен туркман ўгли, гапингни топдинг! Сенинг гуноҳингни ўтдим, сени кўп созанда-шоир деб эшитар эдим. Сен бизга бир давр³⁶ сўз айтиб бер. Ундан сўнг кетабер.

Унда Гўрўгли айтди:

-Сен айтган созинг, сўзинг бу кунлари менда топилмайд.

-Нечук топилмайд?

Гўрўгли:

-Ғирот остида бўлса. Авазхон назаримда кўриниб турса, шу вақтда топилади. –деди.

Анда Хунхор қийкира берди:

-Келтир Ғиротни! Келтир Авазхонни!

Гўрўглининг Ғиротини қўлига берди. Авазхонни ҳам ўнгида қўйди. Гўрўгли отнинг устига миниб бир дапиштириб³⁷ юборди. Ғирот тўғри бориб қизилбош аскарининг ўн тўрт туғини бирдан йиқитиб кетди. Яна Хунхорнинг олдига келди.

Хунхор:

-Нима иш этиб юрибсан? –деди.

³⁴ Азали.

³⁵ Болоқ-поча.

³⁶ Бироз вақт. Бир наъбат.

³⁷ Депашироқ, оёғи билан тепиштироқ.

-Э-хе, мени олиб қочди бу, -деди.

-Қани айтчак³⁸ сўзинг, айт! -деди.

Гўрўғли Гиротнинг устида туриб, Хунхорга қараб бир сўз айтди:

Ғўч йигитнинг ситораси
Очилди майдон ичинда.
Қиличдан қирмизи қонлар
Сочилди майдон ичинда.

Кўрмишам саксон тўрт беги,
Ҳисоб этмам мунча саги³⁹.
Қизилбошнинг қирқ тўрт туғи,
Йиқилди майдон ичинда.

Мисри қилич кесар ялаб,
Дардли кўнглим истар талаб,
Олтин коса, гулгун шароб,
Ичилди майдон ичинда.

Ўн тўртлик ой шакллари⁴⁰,
Қирқ йигитим, тўқулалди.
Авазнинг зар кокиллари,
Сарпиллар майдон ичинда.

Мард бўлган дўнмас бул ҳушдан,
Ўндан, мингдан, юздан, бешдан,
Гўрўғли, кечайин бошдан,
Чарх уриб майдон ичинда.

Гўрўғли бу сўзни айтиб, Гиротни дапиштириб қўяберди. Яна қизилбош аскарининг ўн тўрт туғини йиқиб кетди. Гўрўғлининг қирқ йигити ҳам етиб келди. Хунхоршоҳ аскарига буюрди:

-Бирдан устига от солинг!

Гўрўғли қирқ йигитига бош бўлиб, қизилбош аскарларига қараб от солди. Бир уруш бўлди. замин-замон, макон-макон бир бўлди. От чоғилди, қон тўқилди. Ана у кун сахаргача уруш бўлди. Гўрўғлининг қирқ беш еридан ўк тегди. Гиротдан жудо бўлиб йиқилиб қолди. Хунхоршоҳ Гўрўғлининг отини бандга тортиб келди. Гўрўғли ярадор бўлиб, Гиротдан жудо бўлиб, қирқ йигитини изласа, йигит тугул замбил ҳам йўқ. Йигитлар қимматчиликнинг ғалласидай ҳар қайси-си бир ёнга оғишиб кетган экан. Гўрўғли тоғнинг бир баланд ерига чиқиб, йигитларига қичқириб ўтиргани:

Араб от кирса майдона,
Баланд тоғнинг бошин кўзлар,
Ғўч йигит кирса савашга,
Тўрт йиқиб, бешин кўзлар.

Мард бўлиб майдонда юрсам,
Ғўч йигитнинг қадрин билсам,
Мен бутун зурёдсиз ўлсам,
Таламоққа қўшин кўзлар.

³⁸ Айтмадиган.

³⁹ Итти.

⁴⁰ Шакллари, рафслари.

Майдонда салкишан отлар⁴¹,
Ўқ берганда тўпанг чатнар,
Юзи қора муҳаннаслар⁴²,
Қочайин деб тапин кўзлар.

Гўрўтгли, кетайин Макка,
Муҳаннас жабрини чека,
Дўч йигит туғмасин якка,
Кўп йиқилса, тапин кўзлар.

Ана Гўрўтгли бу сўзни айтгандан сўнг, қирқ йигит, арзончиликнинг галласи яли, ҳар қайсиси бир ёндан етиб келди. Гўрўтгли қирқ йигити билан бир оқшом шу ерда ётди. Гўрўтглининг яралари юлдуз кўриб⁴³, сиҳат топди. Тонг отди, кун чиқди. Хунхор шоҳ Гўрўтглининг Ғиротини бандга тортиб олиб эди, олиб келиб яланғочлаб кўрди. Хунхорнинг Ғиротга кайфи кетди. Унда Гўрўтглининг кўзи Ғиротга тушди.

Гўрўтгли:

-Ҳей, калланг кесилмади, Ғирот! Бу қизилбошлар сенинг қадрингни на билсин. Мен сенинг таърифингни бир соз билан айтайин, -деб баланд ерга чиқиб, йўгон овоз билан бир сўз айтди:

От олсангиз, сағрисига қараб ол,
Араб отга қай ерига син керак?
Сен билмасанг асли зотин, сўраб ол,
Ҳайқириб кишнарга баланд ун керак.

Ол олсанг, ол калта бели-биқини,
Жабр айласанг, чекар норнинг юкини,
Йўгон истар сабо куннинг оқини⁴⁴,
Уруш майдонингда ҳам полвон керак.

Қуйруқ чиққан ери баландда бўлар,
Сағрисида тегирмонлар увалар.
Қовурга этаги кенгдан айланар,
Ҳам қочиб-қувмага кенг майдон керак.

Гўрўтглибек айтар, бир ширин сўзли,
Ҳўкиздай қайишли, нормоя тизли,
Кичкина бошлидир, ҳам олма кўзли,
Калласи ишлашган устихон керак.

⁴¹ Отнинг салкишиб чопиши.

⁴² Номадлар.

⁴³ Юлдуз кўриб. яралари тузалгани-Гўрўтглининг эранлар бехи этган афсонавий хислати.

⁴⁴ Эртанги куннинг тонгини.

Гүрүғлининг бу сўзи Хунхорнинг кулоғига борди: Хунхор айтди:

-Бу зангарнинг Ғироти ўзига муносиб экан. Бу Ғиротни ўзига олиб бориб беринг. Ғироти билан у ётган аскарни қириб тугатар бўлса, тугатсин!

Ул вақтда Хунхорнинг Карам Султон деган бир ботири бор эди. Карам Султон ботир:

-Ҳай, унга айтган, хўшаматни менга айтиб, Ғиротни менга берсанг эди. Гүрүғлини тирик тутиб, қўлини орқасига боғлаб олиб келтирар эдим! –деди.

Хунхор айтди:

-Ундай бўлса, Ғиротни бунга беринг!

Карам Султон ботир Ғиротнинг устига минди. Ғиротни бир дапиштириб қўйиб юборди. Ғирот Карам Султонни олиб қочиб кетди. Карам Султон ботир Ғиротни зўрлик билан ўхшатиб олди⁴⁵. Устидан ерга тушди. Хунхор айтди:

-Нечук тушдинг?

-Усти ёмон ҳаволи экан. Мен шу Ғиротни устига мингандим сўнг икки оёғимни айрилиғидан бойлаб кетинг. Бўйнимга ҳам ип тақиб, зингиригидан⁴⁶ боғланг. Яғринимни ҳам икки ботмон кўҳна шамхол олиб келиб тақинг. Душманга абай⁴⁷ бўлар, сиёсат бўлар, –деди.

Карам Султон ботирни янги⁴⁸ айтганидай этиб боғладилар. Яғринига икки ботмон кўҳна шамхол олиб келиб тақдилар. Карам Султон Ғиротни бир дапиштириб қўя берди. Ғирот Карам Султонни кўкка отиб хўнгуламакка⁴⁹ қаради, Яғринидаги кўҳна шамхол яғринига гурс-гурс тегиб ётир. Карам Султон ботир эсанкиради. Ғиротни зўрга ўхшатиб олди.

Хунхор айтди:

-Эй ботир, нечуксан?

Унда Карам Султон:

-Менинг қўлимга бир дутор олиб беринг. Бўлажак ишларни сизга айтиб кетайин, –деб Ғиротнинг устида туриб бир сўзни айтиб турибди:

Шоҳим, рухсат берсанг, алҳол урушсак,

На фойдаки, дугушара⁵⁰ қўймаюр.

Иқболдадир насибадан кўришсак,

На фойдаки, дугушара қўймаюр.

⁴⁵ Бир амаллаб тўхтатиб олди, келтиштирди.

⁴⁶ Отининг думғизаси.

⁴⁷ Дўк.

⁴⁸ Ҳолдирғина.

⁴⁹ Орқа оёқлари билан юкори кўтарилиш, шятталаш.

⁵⁰ Дугушмоққа-тўқушмоққа, жанг қилмоққа.

От солишиб ол майдонда кезардим,
Аваз билан қанду нобот эзардим,
Бундан борсам, Чамбил белин бузардим.
На фойдаки, дугушара қўймаюр.

От солишсам, бу майдони меники,
Аваз отли пирин жони меники,
Оға Юнус паризоди меники,
На фойдаки, дугушара қўймаюр.

Оға беклар, хабаримни сўрашар,
Ўч йигитлар савашима қарашар,
Карам Султон, Ғирот сенга ярашар,
На фойдаки, дугушара қўймаюр.

Карам Султон ботир Ғиротни бир дапшириб қўйиб юборди. Ғирот бир сакраб кетди. Карам Султон ботир қанғиб⁵¹ Ғиротнинг сағрисига борди. Ғирот ҳам аскардан чиқиб Гўрўгли тарафга қараб қочиб, кўтарди ўқчани⁵². Карам Султон оғиб Ғиротнинг айиллигига борди. Новмид чобук⁵³ экан, калласини Ғиротнинг оёғини орасидан ўтқариб олди. Ғиротнинг икки оёғини қучоқлаб бора берди. Гўрўгли Ғиротни ушлаб олди. (Достонни 1930 йилда Ходи Зариф ёзиб олган. Достон “Шарқ юлдузи” журналининг 1992 йил 2-сонига бахшнинг невараси Музаффар Аҳмад таҳрири остида босилган.)

⁵¹ Учиб-сипловиб.

⁵² Тез қочиб қолди.

⁵³ Чақдон.

БАҲШИЧЛИК САНЪАТИНИНГ ҚАДИМИЙ ИЛДИЗЛАРИ

БАҲШИ ИЖРОЧИЛИГИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДАГИ ДАСТЛАБКИ ОМИЛЛАР.

Инсоният маънавиятининг туб илдизлари жуда қадимга бориб тақалади. Ибтидоий жамоа давридаёқ инсоният тафаккуридаги эволюция тилининг ривожланишига, ҳар ихкаласи эса маънавиятнинг юксалишига ижобий таъсир кўрсатган.

Маънавият ва маърифат ибтидоий динларнинг келиб чиқишига олиб келган. Уларнинг бир кўриниши тотемизм ва яна бир кўриниши афсунгарликдир¹.

Диний ибодат инсонни қўшиқ куйлашга, урф-одат, маросим – шеърятга, инончлар эса рақс томон етаклади.

Ҳайвонларга бўлган инонч, уларнинг эврилишлари ҳақидаги мифик тасаввурлар асосида эртаклар, космогоник ва диний тасаввурлар негизида мифология, пайдо бўлди, баҳодирлар ҳақидаги ривоятлар эса эпосни юзага келтирди².

Ибтидоий жамоа давридаёқ пайдо бўлган дастлабки фольклор асарларининг яратилиши диний эътиқодлар билан узвий боғлиқдир.

“Авесто” китобида тегишли “видевдат” мажмуини фақат жрец (коҳин) лар куйлаб унинг тўлиқ матнини кейинги авлодларга етказишган³. “Авесто”даги “гоҳ” лар фақат коҳинлар томонидан ўқилган. “гоҳ” –Зардушт бадеҳа йўли билан яратган даъват сўзлари бўлиб, “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “гоҳ”-кўшиқ сақланган. Уларни ёд ўқиш ўта савобли ҳисобланган⁴.

“Авесто” “гоҳ”ларини ёд ўқиш оддий шеър ўқиш эмас, балки куй оҳангида қироат билан матн мазмунини тингловчига етказишдир. Буни фақат мутахассис коҳинлар ижро этишган.

Коҳинлар эса шомонларнинг илк авлодидир.

Диний маросимларни бажариш, шу жараёнда муқаддас китоблардаги шеърини матнларни речитатив (куй) тарзда ижро қилиш энг қадимги анъаналардан биридир.

¹ Косвен М. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Т.: Фан, 1960. –Б.159. (240)

² Колер И., Ранке И., Ратцель Ф. История человечества. (До исторический период), Санкт-Петербург, “Политгон”, 2003. –Б.78. (329)

³ Крюкова В. Авестийский жрецкий кодекс “видевдат”, историко-этнографические реалии. / “Авесто” ва унинг инсоният тарихидаги ўрни. Тошкент –Урганч “Фан”, 2001. –Б.120 (120-124)

⁴ Авесто. Янг китоби- Т.: “Шарқ”, 2001. –Б.28.

Диннинг пайдо бўлиши маънавийят билан узвий боғланган бўлиб инсоният қалбида эзгулик ғояларини камол топтиришдир. Бу вазифа эса қоҳинлар зиммасига тушган.

Қоҳинлар оддий ёки тасодифий кишилар бўлишмаган. Улар қобилиятли, юксак иқтидор эгаси бўлган шахслардан танланган. Чунки, улар эзгу ғояларни ишонтириш усули билан омма онгига етказишган. Шу сабабли қоҳинлар ва шомонларнинг шахсига оид турли афсоналар учрайди. Бундай шахслар илоҳий қудратга эга бўлиб, уларга ушбу касб асосан тушида армуғон қилинади. Бу хусусда кўплаб халқлар фольклорида турли асотирлар яратилган. Жумладан, В.М.Жирмунский биринчи англосакс шоири ва қоҳин Кэдмон (Caedmon) ҳақидаги қуйидаги асотирни келтиради.

Кэдмон VII асрда монастыр қоҳини бўлган. У ўзининг қўшиқ айтиш санъати билан машҳурлик қозонган. Аммо шунини айтиш жоизки, у қўшиқ куйлаш санъатини оддий кишилардан ўрганган эмас, балки, бу иқтидорни унга Худо ато қилган. Кэдмон катта ёшларга етганда ҳам қўшиқ куйлашдан йироқ киши бўлган. Бир куни катта зиёфат бўлиб, дўстлар йиғилишганда мусиқа авжига чиқиб, қўшиқ куйлаш навбати унга етганда Кэдмон қобилиятсизлигидан уялиб, даврадан қочиб кетади. У шу кечаси ётиб ухлаб туш кўради. Тушида нотаниш киши унинг қошига келиб, қўшиқ куйлашни илтимос қилади. Кэдмон эса қўшиқ куйлай олмаслигини айтади. Аммо нотаниш киши уни оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қўшиқни куйлашга мажбур қилади. Кэдмон буйруқни бажаради. Эрталаб ўрнидан тургач, қўшиқни эслаб, куйлашни бошлайди. Унинг олами кашф этган Худога бағишланган гимн-мадҳияси англосакс тилида ҳозиргача сақланган⁵.

В.М.Жирмунский “Легенда о призвании певца” (қуйчи истисъдоди ҳақида афсона) деб номланган ушбу мақоласида Кэдмон ҳақидаги ушбу афсонани келтирар экан, ундаги воқеаларни Шарқда тарқалган қуйчи-қўшиқчи-бахшилар ҳақидаги ривоятлар билан қиёслайди: “Кўпгина ўзбек бахшилари ҳам Кэдмон каби бирор жойда, аксарият дарахт тагида ухлайди. Унинг тушида бирор нотаниш киши (қўп ҳолларда илоҳий шахслар) келиб “Сен бахши бўласан”, деб кўздан ғойиб бўлади. Бўлажак бахши эса тушида қуй чалиб, қўшиқ айтади. Уйгонган пайтда ёнида ҳеч қим бўлмайди. Аммо шу кунданок қуйчи-бахшига айланади”⁶.

⁵ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. –Л.: Наука. 1979. –С.397. (494)

⁶ Жирмунский В.М. Қўрсатилган асар, 399-бет.

Бахшиларга тушида талант, идрок инъом этилиши аслида шомонлик давридан қолган анъаналарнинг давомидир. Хоразмда шомонлик вазифасини сўнгги даврларда пўрхон (парихон)лар амалга оширган.

“Шомонликка даъват, аввало тушда кечади. Кишига тушида шомонликка дахлдор асбоблар —доира, камчи ҳада этилади. Ўз навбатида унга табиб, таъбирчилик касби ҳам ато этилган”.

Шомонликнинг илоҳий касб эканлиги, у айрим кишиларга тушида туқфа қилиниши ҳодисалари ўтган асрнинг 30-йилларида Хоразмга келган Л.П. Потаповнинг тадқиқотларида ҳам қайд қилинган⁷.

Соз ва сўз усталарининг қадимги шомонлик, табиблик, афсунгарлик касбкорларига алоқадорлиги Тўра Мирзаевнинг ишларида айниқса, ишончли далиллар орқали ёритиб берилган. Унинг ёзишича, Кўрғон дostonчилиқ мактаби вакили Эгамберди Оямурад ўғли (1895-1972), бахшичилик вазифасини “қўшноч”, “қоқимчи” касби билан қўшиб олиб борган. У айрим беморларни турли усуллар ишлатиб, афсун ўқиб “даволаган”. Ҳатто таниқли бахши Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам айрим қишлоқларга борганида “қўшночлик” вазифасини бажарган⁸.

Ҳар бир касб —корнинг қадимий илдизларига разм солинса, унинг бириккан-синкретик моҳияти ойдинлаша боради. Чунки, ибтидоий жамиятда барча мураккаб вазифаларни амалга ошириш онгли, ақли, истеъдодли, қобилиятли кишилар зиммасига тушган. Бундай тоифа кишилар эса, табиий равишда кам бўлган. Шу сабабли оддий авом халқ бундай шахсларни илоҳийлаштириб, улардаги донолик сифатлари илоҳийдан берилган, деган хулосага келишган. Бундай шахслар ҳақидаги юқорида келтирилган афсона, ривоятлар замирида ҳам ўша ҳодиса ётади.

Тўра Мирзаевнинг қайд қилишича, “бахши” атамасининг негизида ҳам турли қарашлар мавжуд бўлиб, унинг синонимик ифодалари ҳам ниҳоятда кўпдир.

Бахши —ижодкор ва айни пайтда эпик анъаналарни сақловчи ва келгуси авлодларга етказувчидир.

Бахшичилик санъатини халқ жуда эъзозлайди. Шу боисдан ҳам “Бахшили овул ботир, муллади овул кўрқок” деган мақол кенг тарқалган. Бахшиларнинг хотира ва ҳофиза қудрати ҳаминша

⁷ Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. —Москва, «Наука», 1969. —С.45 (336)

⁸ Потапов Л.П. Порчакал / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. —Т.: Фан, 2010. —Б.233-245.

⁹ Мирзас Т. Эпос и сказитель. —Т.: Фан, 2008. —С.26. (410)

илоҳийлаштириб келинган. Буюк ўзбек ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўтли Ойбек бахши шахси ҳақида шундай ёзади: “Ривожланган ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар Ўрта Осиё халқлари ўз она тилида бой ва ранг-баранг фольклор асарлари-қўшиқлар, эртаклар дostonлар ижод қилишди.

Тўйларда, сайилларда, байрамлар ва янги манзилларга кўчишда халқ куйчилари-бахшиларнинг ёқимли овози, қўбиз ва дўмбираларнинг оҳанглари янграб турди. Бахшилар оддий меҳнаткашларнинг машаққатли меҳнатлари, қабила-уруғлар тарихи, эл баҳодирларининг буюк қаҳрамонликларини баланд руҳда куйлаб келишди.

Оғзаки халқ адабиётининг асосини қаҳрамонлик дostonлари ташкил этади. Халқ ижодиётининг буюк ёдгорлиги бўлган дostonлар ўз халқининг буюк қаҳрамонлари амалга оширган мислсиз жасоратларини монументал образлар орқали ифодалаб беради. Дoston қаҳрамонлари халқнинг ҳақиқат ва адолат ҳақидаги ғояларини ташувчи олийжаноб инсонлардир. Халқ ижодиётининг ушбу хазинаси минг йиллар давомида пайдо бўлган халқ донишмандлигининг буюк бойлигидир”¹⁰.

Ўзбек халқи орасида дoston куйловчиларни “бахши” деб аташ билан бирга бу атаманинг турли вариантлари учрайди. Республиканинг турли ҳудудларида бу ном “шонр”, “жиров”, “оқин”, “санновчи”, “охун”, “соқи”, “жирчи”, “созчи” каби атамалар негизида ҳам “бахши” маъноси англашилади. Бундан ташқари, энг машҳур бахшилар халқ орасида ҳурмат юзасидан “чечан”, “жуйрук”, “булбул” каби номлар билан ҳам аталган. Аммо сўнгги йилларда “бахши” атамаси асосий ном сифатида мустаҳкамланмоқда¹¹. Хоразмда бундай бахшиларни гўянда деб аташади.

Бахши атамасига турлича шарҳлар берилган. Алишер Навоий яшаган даврда ушбу атама котиб, мирзо маъноларида ишлатилган¹².

В.В.Бартольд бахши атамасини санскритча бхикшу сўзига алоқадорлигини таъкидлайди¹³.

Таниқли фольклоршунос Ҳодӣ Зариф эса мазкур атаманинг этимологиясига тўхталиб, уни мўтулча ва бурятча бахша, багша (устод, маърифатчи), санскритча бхикшу (қаландар, дарвеш) сўзларидан олинганлигини таъкидлайди.

¹⁰ Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. XIX том. –Т.: Фан, 1982. –Б.152 (310).

¹¹ Мирзаев Т. Эпос и сказитель, 22-23-бетлар.

¹² Алишер Навоий асарлари тилловинг исхoли лугати. –Т.: Фан, 1983. –Б.231.

¹³ Бартольд В.В. Сочинения. –М.: Наука, 1968. –С.501.

Олимнинг қайд қилишича, бахши атамаси ўзбекларда учта маънода ишлатилади:

1. Халқ достончиси, санъаткор.

2. Ибтидоий динга алоқадор шомонликка хос ёмон ва яхши рухларга таяниб афсунгарлик қилувчи шахс.

3. Мўғуллар даврида будда динидаги қаландарлар, котиблар, Бобурийлар давридаги айрим амалдорлар ҳам бахши деб юритилган¹⁴.

Ўзбек тилининг изохли луғатида ҳам ўша фикр такрорланади. Бошқа туркий халқларда ҳам бахши атамаси билан бирга унинг турли муқобиллари қўлланилади. Ўз навбатида уларнинг турлича вазифалар билан шугулланиши ҳақида маълумотлар учрайди. Бахши атамаси қозоқ ва қорақалпоқларда бақсы, қирғизларда бақшы, туркманларда бағшы шаклида талаффуз қилинса, ёқулларда ойуун, Олгой, хакас, туваларда қам, қалмықларда жангарчи, тунгусларда шаман, туркларда озан шаклида учрайди.

Озарбайжонларда ашуг сўзи биздаги бахши маъносида қўлланилади. Бироқ озарбайжон фольклоршуносларининг ёзишича, қадимда ашуг сўзи ўрнида варсаг сўзи ишлатилган. Бу атаманинг маънолари қуйидагича бўлган: а) соз соҳиб; б) чолғу устаси; в) актёр. Шу билан бирга бу атама билимдон, ижодкор маъноларига ҳам эга бўлган¹⁵. Варсаглар ашуглар аждодидир. Шу нарсани қайд қилиш керакки, Хоразм ўтуз лаҳжасида ашуг ва варсаг сўзлари айрим товуш ўзгаришлари билан сақланиб қолган. Ушбу воҳада тарқалган “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Маҳмуд” каби достонларнинг биринчи компоненти ашуг сўзи билан алоқадор бўлиб, қўшиқ куйловчи, бахши маъносига эга. “Ошиқ” сўзи билан “ашуг” сўзини фарқлаш, лозим биринчи атама арабча ишқ сўзидан олинган бўлса, кейинги атама бахши, куйловчи маъносига эга. Аммо ашуг сўзи товуш ўзгариши орқали “ошиқ” шаклига кўчган¹⁶. Энди варсаг атамасига келсак, Хоразм достонларида ушбу сўз кўп такрорланади: “Онда Гўрўглибек йипитларига қараб бир варсоқи айди”¹⁷.

Достонларда ишлатиладиган бу сўз ўз асл маъносидан анча узоклашган. Варсаг сўзи айтувчи, куйловчи шахсни аниқлганда, варсоқи сўзи афсона, сўз, гурунг маъносига кўчган. Бироқ, бу икки сўзнинг туб маъноси барибир бир-бирига мос келади. Демак, ашуг ва варсаг сўзлари ўтуз тили туркий халқлар ижодида бир вақтлари фаол

¹⁴ Зариф Х. Ўзбек энциклопедияси. Т. 2. –Т.: ЎзСЭ тахририяти. “Фан”. 1972. –Б.98-99.

¹⁵ Ҳасанов М. Азарбайжон ашуг эдобиёлими. Баскы. «Язычы». 1983. –Б.10 (240)

¹⁶ Рузминбоев С. Специфика типологии и поэтика хорезмских дастанов. АДД. Т.: 1990. –С.30. (46)

¹⁷ Ошиқнома, 4-китоб. –Урганч, “Хоразм”. 2009. –Б.309.

нишлатилган. Варсаг сўзлади, варсоки сўзлади бирикмаларидаги маъно ўзаро анча яқин келади.

Бахши атамасининг ўзбекча ва туркманча маънолари кўп жиҳатдан бир-бирига яқин келади.

Туркман фольклоршуносларининг ёзишларида, уларда бахшининг уч тури бор: а) термачи бахши (бағши). Бу тоифа вакиллари мумтоз ва замонавий шоирлар шеърларини мусиқа жўрлигида куйлашади; б) янама бахши (омонат, вақтинча). Бу хилдаги бахшилар мусиқа асбобисиз куйловчи шахслардир; в) дostonчи бахшилар. Бу тоифа бахшилар дoston ижроси билан шуғулланишади.

Туркман бахшиларининг уч тури ҳудудий фарқларга эга. Термачи ва Янама бахшилар Охал, Лебоб, Мари вилоятларида фаолит кўрсатсалар, дostonчи бахшилар асосан Тошовуз вилояти ва Мари вилоятининг бир қисмида фаоллик кўрсатишади¹⁸.

Туркманларнинг Тошовуз минтақасида яшовчи бахшиларининг репертуари ва мусикий куйлари Хоразм бахшилариникига жуда ўхшаш келади.

Бахши атамаси масаласида эронлик олимларнинг фикри бутунлай бошқача характер касб этади.

Техрон университетининг муаллими Вавак RHAZRAI фикрига кўра, бахши атамаси хитой тилидан олинган бўлиб, устоз деган маънони англатади. У Хитойча икки сўз бирикмасидан иборат. Биринчиси “Пак” (Ҳозирги Хитой тилида “по”). Иккинчи компонент “дзхи” (ҳозирги хитой тилида “ши”). Биринчи сўз “улкан” деган маънони бeрса, иккинчиси “жаноб”, “олим” деган маъноларга эга. Шундай қилиб, “пакдзхи” бирикмаси кейинчалик “Бахшхи” шаклини олган.

Казрай санскритча “бхикшу” сўзига ҳам тўхталади ва уни “тиланчи”. “диний раҳнамо” тарзида шарҳлайди ва бу атамага ишончсизлик билан қарайди¹⁹.

Умуман олганда бахши атамаси хусусида турли-туман фаразлар мавжуд. Айрим манбаларда бу сўз туркий тилга мансуб бўлган “бак” (боқ, қара) маъносига эга, деб қаралади²⁰. (масалан, шарқшунос олим Радлов ишларида).

¹⁸ Мухаммедов Р. Искусства бахши Туркменистана: История и современность. //Жаҳон цивилизациясида бахшчилик санъатининг ўрни (халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами) Термиз, 2019 Ташкент-2019. –Б.37-38.

¹⁹ KHAZRAI Babak. BAKHSHI. // Жаҳон цивилизациясида бахшчилик санъатининг ўрни. (Термиз, 2019 йил 5-10 апрель). Ташкент, 2019. –Б.38-39.

²⁰ Мердоя А. Аҳалли С. Туркмен классик адабиётининг сўзлуги. Алфавит, «Туркменистан», 1988. –Б.40 (510)

А.Н.Самойлович эса “бҳикшу” атамасини тўғри, деб ҳисоблаб, уни “тиланчи” эмас, балки “муаллим” тарзида шарҳлайди²¹. Ушбу фикр кўп жиҳатдан мантиққа мос келади.

Турклардаги Озан (Ўзон) сўзи ҳам бахши маъносиди қадимдан ишлатилиб келади. Бу сўз Алишер Навоий асарлари лугатида чолғу чалиб, ялла, ашула айтувчи ва ҳикоя қилувчи кишилар, бахшилар тарзида шарҳланган²². Бу сўз ўзбек халқи орасида, хусусан Хоразмда ҳам ишлатилади. Бахшиларнинг (Бола бахши) айтишларича бу сўз “ўзгир”, “илғор” маъноларини англатади.

Бинобарин, ўзбекларда, шу жумладан, Хоразм ўғузларида ҳам бахши шомон, ўзон сўзлари, деярлик барчага таниш. Эпик бахши образининг тарихан мифология, шомонлик билан боғланиши унинг исломдан аввалги эътиқодлар билан боғлиқлигини кўрсатади ва бу касбнинг патроними (патриархал – уруғчилик) билан алоқадор ҳодиса эканини кўрсатади. Бахшичилик санъатида азалдан табиий истеъдод асосий ўринни эгаллаб келган ва эпик аъёнalar доирасида устозлик – шогирдлик масаласига қатъий амал қилинган. Шуниси эътиборлики қадимданоқ эпик кўйчининг ижро этган ҳар бир асаридаги воқeалар бахши томонидан ҳам, эшитувчилар томонидан ҳам реал воқeа сифатида идрок этилган.

Бахши ва дoston сўзлари ҳаммаша биргаликда намоён бўлади. Аждодлар мероси сифатида асрдан-асрга кўчиб сақланиб келаётган эпосни хотирасида сақлаб келаётган бахши бундай олиб қараганда илюҳий хотира қувватига эга. Дostonлар эса инсон маънавиятини ёритишда тафаккур маънали бўлиб хизмат этади. Уларнинг ижрочиси бўлган бахшиларнинг айрим лугатларда мураббий, муаллим, тарбиячи етакчи, йўл бошчи тарзида шарҳланиши бежиз эмас²³.

Бахшиларга илюҳий шахс сифатида қарашнинг замирида ҳам уларнинг ҳофиза қуввати ётади. Айрим бахшилар репертуаридаги дostonлар силсиласи бунинг яққол исботлайди. Пўлкан шоир 76 та, Фозил шоир 60 та, Эргаш шоир 50 та, Мардонкул бахши 43 та, Бола бахши 20 та дostonни ёд билгани айти ҳақиқат²⁴. Агарда айрим дostonларнинг ҳажми 1000 саҳифадан иборат эканини ҳисобга олсак, ҳаммадан ҳам бахши чиқавермаслигига амин бўламиз. Афсуски ҳозирда бундай буюк бахшиларни топиш қийин.

²¹ Ўша маъба, 40-бет.

²² Алишер Навоий асарлари тилининг илюҳий лугати. III том. – Т.: Фан. 1984. – Б.605. (622)

²³ Древнетуркский словарь. – Ленинград, Наука, 1969. – С.82.

²⁴ Хайдаров А. Бахшилик ва дostonчилик тараккулининг долзарб масалалари. / Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни. – Б.60.

Баҳши ижрочиличининг қачон пайдо бўлганлигини, албатта дoston жанрининг шаклланиши билан боғлашга тўғри келади. Айрим манбаларда “X-XI асрларда дostonларни дўмбира жўрлғида айтиладиганлари юзага келган. Дostonнинг бундай намуналари Каспий ва Орол денгизлари бўйларидаги қадимги кўчманчи туркий қабилалар орасида вужудга келган. Эпик дostonларни яратувчи ва куйловчи бадихағўйлар кўпайиб борган сари устоз-шоғирдлик анъаналари вужудга кела бошлади”²⁵, деб ёзади тарихчи олим Т.Пардаев. Профессионал бахшичиликнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда масалага ёндошилса, ушбу фикрга қўшилиш мумкин. Бироқ, бахшичиликнинг қўшиқ шаклидаги турли кўринишлари юқорида таъкидлаганимиз каби ибтидоий жамият даврига бориб тақалади.

Қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Хоразмда санъатнинг шаклланиши ва тараққий этиши милоддан олдинги даврларга тўғри келади. С.П.Толстовнинг “Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб” китобида санъат тарихи учун муҳим бўлган қуйидаги сўзлар бор: “Тупроққалъадаги маросимлар зали деворларида ромбсимон катакларга машшоқларнинг расми ишланган. Шу расмлардан бири-арфа чолғу асбобини чалаётган аёлнинг сарғиш рангдаги нафис расми бутунича сақланиб қолган. Шу хонада сурнай ва кум соати шаклидаги қўш ногора тасвирланган нақш фрагменти ҳам топилди. “Арфачи аёл хонаси” остидан дўмбирага ўхшаш икки торли чолғу асбобининг пардасини ушлаб турган одамнинг қўли тасвирланган нақш фрагменти, яна бир хонадан эса ниқоб билан ўйнаётган аёл тасвири топилди. Буларга ўхшаш расмларни Рим давридаги Сурия-Миср ва қисман Қора денгизнинг Шимолидаги музофоти тасвирий санъатида, Ўрта денгиз воҳаси ҳамда Ҳиндистон, Эрон санъатида яратилган образларда учратиш мумкин. Шу тариқа бу расмларда икки бадний услуб, икки анъана бир-бири билан уйғунлашиб кетган, бироқ улар қадимги Хоразм санъати негизида ўзига хос ўзгаришларга учраган”²⁶.

Милоддан олдинги даврдаёқ шундай юксак маданиятга эришган халқ орасида иқтидорли бахшиларнинг етишиб чиқиши ҳам табиий ҳолдир. Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг яратилиши ва унинг “гоҳ”ларини коҳинлар томонидан куйланиши ҳам коҳинлик, шомонлик, бахшилик касб-корлар²⁷нинг пайдо

²⁵ Пардаев Т. Ўзбек дostonчилиқ мактабларининг теран илдизлари миллиянтийлик асоси. / Жаҳон цивилизациясида... –Б.117.

²⁶ Толстов С.П. Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб. –Т.: “Янги аср алоҳи”, 2014. –Б.214-215. (380)

²⁷ Бертелс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. –М.: Наука, 1988. –С.24. (558)

бўлишига замин ҳозирлаган. Зардуштийлик дини ҳукмрон бўлган даврларда ҳар бир Рустада (қишлоқ, маҳалла) оташпоҳлар бўлиб, унда коҳинлар “Авесто” китобини тарғиб қилишган. Шу сабабдан бўлса керак Хоразм достонларида “Авесто” ва “Шоҳнома”га алоқадор мифология ҳамisha ўзини намoён қилиб туради. Е.Э.Бертельс берган маълумотларга қараганда XI асрнинг I ярмида Унсурий деган форсий ўй шоир яшаб, лирик шеърлар ёзиш билан бирга учта достон ҳам яратган. У Беруний билан бир даврда яшаб ижод қилган. Унинг “Вомиқ ва Узро”, “Хинг бут-у сурхбут (Оқ санам ва қизил санам), “Шодбахру Айнул ҳаёт” каби достонларини Беруний араб тилига таржима қилган. Ушбу достонлар орасидаги “Вомиқ ва Узро” асари ҳозиргача етиб келган. Демак, X асрлардаёқ турли асотирлар негзида достонлар ижод қилиш, уларни таржима, тарғиб қилиш фаол ривожланган. Ўша даврда ижод қилинган кўплаб достонлар сюжети турли ўзгаришлар билан ҳозиргача келиб етган. Албатта уларни ўқийдиган, ижро қиладиган талантли шахсларнинг бўлганлиги ҳам табиийдир.

Беруний давридаги ушбу воқеалар замирига разм солинса, Хоразм достонлари профессионал ёзувчилар томонидан халқ орасидаги миф ва афсоналар асосида ёзилиб, кейин оғзаки ижрога кўчиб, қорилиқ ҳолда фаолият кўрсатган. Оғзаки ижродаги достонлар эса яна ёзувга олиниб китобат қилинган. Ушбу анъана токи XX асргача давом этган. Бу масалага ишимизнинг кейинги фаслларида махсус тўхталамиз. Шунга қайд қилиш зарурки, Беруний давридаги бахши-ижрочилар ҳақида бизгача бирорта маълумот етиб келмаган.

Хоразм воҳасида энг қадимги бахши, ўз навбатида бахшилар пири Ошиқ Ойдин ҳақида анча ишонарли маълумотлар сақланиб қолган.

Шарқ халқларида қадимданок ҳар бир касб-ҳунарнинг устози-пири сифатида бирор шахснинг улуғланиши анъанаси мавжуд.

Хоразмда кўл ва дарёларда қайиқ ва кема ҳайдовчилар ўзларининг пири сифатида Нуҳ пайғамбарни тан оладилар. Темирчилар иш бошлаганда Довуд пайғамбарни ёдга солишади.

Хоразм бахшилари эса ўзларининг маънавий устози сифатида Ошиқ Ойдинни эъзозлашади. Бу табаррук шахс туркман бахшиларининг ҳам пири ҳисобланади²⁸.

Тўра Мирзаевнинг ёзишича, Самарқанд достончилиги доирасида бахшилар пири сифатида мулла Ғоийб тан олинади. Ушбу шахс

²⁸ Карриев Б.А. Эпические сказания о Кереке у тюркоязычных народов. -М.: Восточная литература, 1968. -С. 134.

ҳақида шу номдаги дoston ҳам бор²⁹. Шунинг таъкидлаш керакки, бир пайтлари “Ошиқ Ойдин” номли дoston ҳам бўлган³⁰.

Қорақалпоқ ва қозоқларда Сўтпасли Сипира Жиров, Озарбайжонларда Кўрқут ота каби шахслар ҳам бахши, жировлар пири сифатида улуғланадилар.

Ошиқ Ойдин пирининг номи “Хирмондали”, “Ошиқ Нажаб”, “Ошиқ Албанд” каби Хоразм дostonларида кўпилаб учрайди. Айниқса “Ошиқ Нажаб” дostonида унинг фаолият доирасига катта эътибор қаратилган. Нажаб Ошиқ Ойдин пирига хизмат қилиб, унинг дуторини совға сифатида олишга муваффақ бўлади. “Хирмондали” дostonида саз ва сўз борасида ҳеч бир кимса енга олмаган Хирмондалини Ошиқ Ойдин айтишувда енгиб чиқади.

“Ошиқ Албанд” дostonида Ошиқ Ойдин пири эпик қаҳрамон тақдирининг энг қалтис дамларида Албандга дуч келиб, унга йўл-йўриқ кўрсатади, далда бағишлайди:

Танисангиз нафас этган пиригман,
Ошиқларнинг мақсадини билурман,
Санго дуо этган Ойдин пиригман,
Кўп йиғлама, севар ёрни кўрарсан³¹,
деб кўздан гойиб бўлади.

Дostonларда ошиқ-бахшилар, пири бўлган ушбу шахс ҳақида кўпилаб ривоятлар тўқилган. Айтишларича унинг қабрида тунаган бахшиларга пири шароб тутар экан, агарда уни шогирд ичса, улут созанда, ошиқ-бахши бўлиб етишар экан. “Ошиқ Махмуд” дostonининг ЎЗР ФА ТАФИ фольклор бўлимининг қўлёзмалар фондида 1431-рақамли инвентарда сақланаётган қўлёзмасида Махмуджон ва Нигорхонлар сувга чўкиб ҳаётдан кўз юмганларида Ошиқ Ойдин пири уларни “Жон, тана гир” куйини чалиб тириктиради.

Ушбу ишда Хоразм бахши, созандаларининг тилидан тушмайдиган бу шахснинг ўзи ким, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Айрим манбаларда Ошиқ Ойдин пирининг Кўҳна Урганчнинг жануби ғарбида жойлашган Вос қалъасининг Диёрбакр деган жойида ва Бағдод шахридаги зиёратгоҳлардан бирида қабрлари борлиги қайд қилинади.

Туркман ёзувчиси Нури Олтиевнинг маълумот беришича, ўтган асрнинг 90-йилларида Ошиқ Ойдин пири зиёратгоҳининг шайхи

²⁹ Мирзаев Т. Эпос и сказитель. -Т.: Фан, 2008. -С. 66.

³⁰ Жирмуцкий В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -М.: ГИХЛ, 1947. -С.294.

³¹ Ошиқнома, II китоб, Урганч, «Хоразм», 2006. 187-бет.

бўлмиш Хўжа отада “Авариф Шариф ас-Салом Ҳад” номли китоб бўлиб, унда улуг пирнинг ҳаётига оида қимматли маълумотлар сақланган.

Ошиқ Ойдин пир дастлабки халифа Абу Бакр Сиддиқ (632-634) билан алоқадор силсилага бориб боғланади. Бу силсила ўзига хос ғоявий оқим бўлиб, сўфийлик силсиласи деб юритилган. Бу оқимга Абу Али Ибн Сино, Абул Ҳасан Ҳарақоний, Абу Сайид Махнаий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Мансур Халлож, Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадонийлар ҳам кирганлар. Ошиқ Ойдин пир мақбарасининг шайхиди сақланадиган “Тазкират ул Ҳусайн” номли китобда бу ҳақда аниқ маълумотлар битилган. Унда таъкидланишича, “Ҳазрати шайх Абду Қодир Гилонийнинг (1077-1166) суҳбатларидан бахраманд бўлиб, машҳур бўлганларнинг охири шайх Шаҳобиддин турур. Шайх Чингизхон фитнасининг кейин Абдул Қодир Касирийга мурид бўлдилар. Ошугиддин ҳар киши машғули мушкул бўлса, бируборга арз қилиб рақс ишғол қилур эрди. Шайхнинг вафоти ҳижрий йилнинг 632-сида воқе бўлди. Мудқат муборақлари шаҳри Бўстоннинг Диёрбакр ҳадида ҳамда Бағдодда икки жойда ҳам зиёратгоҳлари бор турур”

Е. Э. Бертельснинг “Сўфизм ва сўфийлик адабиёти” китобида ушбу давр билан алоқадор муҳим маълумотлар учрайди. Жумладан, ўша китобда ас-Суҳравардий деган муаллифнинг “Аворифул-маориф” деган иши ҳақида сўз юритиб, унинг адабиёт ва санъат ривожига қўшган катта улуши хусусида айтиб ўтади. Унинг Гилонийнинг шогирди эканини таъкидлаб, 1255 (мелодий) йилда вафот этганини қайд қилади³².

Ушбу шахснинг Ошиқ Ойдин пир эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки биз юқорида таъкидлаб ўтган “Тазкират ул Ҳусайн” асарида Ошугиддиннинг ватани шарифлари Суҳраварддир дейилган. Яна ўша китобда айтилишича шайх ҳазратларининг “Авориф шариф ас Салоҳий Ҳад” деган асари ҳам бўлиб, у Маккада чоп этилган.

“Ошиқ Нажаб” достонида Ошиқ Ойдиннинг шаҳри Бўстонда яшаганлиги, 360 сўфиси борлиги, 115 ёшда эканлиги айтиб ўтилган. “Хирмондали”да ҳам шунга яқин маълумотлар берилган. Унинг Чингизхон босқинидан кейин 16 йил яшаганлиги ҳақида маълумот берувчи манбалар ҳам мажжуд.

Сўнгги маълумотларга қараганда ҳақиқатан ҳам Ошиқ Ойдин пирнинг шажараси Эроннинг Суҳравард шаҳри билан узвий

³² Бертельс Е.Э. Сўфизм и сўфийская литература. - М.: Наука, 1965, -С. 485.

боғланади. Улар уч қариндош Нажиб Сухравардий (1097-1168), Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Яҳё Сухравардий (1115-1191) Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий, (1144-1234) бўлиб, Нажиб Сухравардий уларга устозлик қилган³³.

Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий биз сўз юритаётган Ошиқ Ойдин пирнинг худди ўзидир. Унинг диний арбоблигига ишора сифатида Ошугиддин лақаби юзага келган ва халқ тилида Ошиқ Ойдин шаклига кирган. У Сухравардийлик тариқатига асос солган. Умар Сухравардий 35 ёшида Бағдодда “шайхлар шайхи” даражасига кўтаришган. У Ироқ мамлакатининг элчиси сифатида Ироқ, Хоразм, Эрон, Салжуқия орасидаги урушларни тўхтатган. Ўз навбатида Ироқнинг Хоразмдаги элчиси бўлган. Унинг Хоразмга элчи бўлиб келиши воқеалари Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти» китобида ҳам ҳикоя қилинади. Ан-Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг обрў-эътибори юксалиб, улугвор ишларга қўл уриб бошлайди ва Бағдодга юриш мақсадини амалга ошириши маълум бўлиб қолади. Унинг бу мақсадидан қайтариш учун энг обрўли, шайхлар шайхи номини олган Шихобиддин ас-Сухравардий Хоразмга элчи қилиб юборилади. Бироқ Хоразмшоҳ шайхни менсимай кутиб олади. Ҳатто анча навбат кутиб ҳузурига кирганда унга ўтиришга рухсат бермайди. Ниҳоят шайх унга пайғамбар ҳадисларидан сўзламоқчи эканини айтади. Хоразмшоҳ бунга рози бўлиб, пастга тушиб тиз чўкиб ўтириб, шайхни тинглайди. Шайх ҳадис орқали уни уруш қилиш мақсадидан қайтишга ундайди. Бироқ бу ҳаракатлар бекор кетади. Ниҳоят у Бағдодга юриш қилади. Аммо кўшини табиат инжиқликлари туфайли парокандалikka учрайди. Бундан таъсирланган Хоразмшоҳ ас- Сухравардийнинг сўзига амал қилмаганидан пушаймон этиб, шайхни қайтадан Хоразмга элчи сифатида келишга таклиф этади³⁴. Сал ўтмай Чингиз босқини юз беради. Шайх Шихобиддин Сухравардийнинг Хоразмшоҳ томонидан яхши кутиб олинмаганлиги, Шайхнинг башорати тўғри чиқиб, Хоразмшоҳнинг хор-зорликда ҳалок бўлиши Ошиқ Ойдиннинг халқ орасидаги обрўси ошиб пир даражасига кўтарилишга сабаб бўлганлиги эҳтимолга жуда яқин. Умар Сухравардийнинг ўғли Шайх Зайниддин (Зайниддин бобо) ҳам диний ва жамоат арбоби бўлган.

³³ Ўзбек миллий энциклопедияси, 8-том. -Т.: “Ўзбек миллий энциклопедияси”, 2004, 184-185- бетлар.

³⁴ Ан-Насавий Шихобиддин Муҳаммад Султон Жалолиддин Мангуберди тафсилоти. -Т.: “Ўзбекистон”, 2006, 30-40-бетлар.



Отаҳон баҳши иҷро пайтида



*Карим баҳши Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраев ва
Озодбек Назарбековлар давраида.*



Етмишбой бахши ижро жараёнида.



Бола бахши – Курбонназар Абдуллаев.



Карим бахши устози Қаландар Норматов билан.



Боли бахшининг шогирдига оқ фотиҳаси.



Достон ижросини ёзиб олиш жараёни.

С.Р.Рўзимбоев,

*Турсун бахши (ўртада), Ҳайитвой буломончи (ўнгда),
1981 йил.*



*Бола бахши (чанда), Солой
ака (ўртада, доирачи),
Отамурад буломончи
(ўнгда).*



*Турсун бахши,
С.Р.Рўзимбоев ва Отаназар
Мадрахимов.*

Ўша соҳа бўйича у Тошкентга ҳам келган. Умар Суҳравардий асос солган суҳравардийлик тасаввуф тариқати деб аталувчи бу оқим икки дарё оралиғида зоҳидлик мактаби негизида таркиб топган бўлиб, унинг аъзолари ҳунаرمандлар ва ўқимипли зиёлилар ҳисобига кенгайиб борган. Суҳравардийлар суннийлик ақоидчилари бўлиб мўътадил сўфийлик қарашларини тарғиб қилганлар. Улар дунёвий илм билан илоҳий илмнинг узвий боғланишини тан олишган. Умар Суҳравардий ўзининг 63 бобдан иборат “Авориф ул маориф” асарида “дунёвий илм-гўёки сут, илоҳий илм эса-унинг қаймоғидир” деб ёзади. Унинг асарлари араб, форс, немис ва инглиз тилларида нашр этилган. Алишер Навоий ўз асарларида шайхни эъзозлаб тилга олади. Шайх Саъдий Умар Суҳравардийни ўзининг устози деб билган. Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол ҳам Суҳравардийлик тариқатига мансуб бўлган.

Ошиқ Ойдин пир туғилиб ўсган жой дostonларда шаҳри Бўстон, шаҳри Бастом тарзида учраса-да, халқ орасида у Вос номи билан машҳур. Бир вақтлари унинг ёнидан Амударёнинг Тунидарё деган ирмоғи оқиб ўтган. Унинг ҳудудида Диёрбакр, Шоҳсанам, Ақча келин, Ширвон, Шемох каби кўплаб қалъаларнинг харобалари жойлашган. Ушбу топонимик номларнинг барчаси “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, Гўрўғли” дostonларида тез-тез кўзга ташланади. Албатта дostonлардаги бу маълумотлар Умар Суҳравардийнинг Ошиқ Ойдин номи билан машҳур бўлганидан кейинги тафсилотлардир.

Ошиқ Ойдин пирнинг мусиқага оид рисоалари ҳам бўлган. Бироқ улар ҳозиргача топилмаган. Унинг тарихий шахс бўлганлиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Ўз навбатида шунини айтиш лозимки, улуг пир ҳақида тўқилган айрим ривоятлар унинг қиёфасини афсонавий шахс сифатида намоён қилади. Бундай ҳолатлар Қўрқут ота, Сипира жирова каби шахслар ҳаёти ҳақидаги маълумотларда ҳам учраб қолади. Масалан, қорақалпоқ “Едиге”сида Сипира жиронинг қароматли шахс эканлигига асосий ургу берилиб, 360 ёшга кирганлиги баён этилади.

Қўрқут отанинг ўлмаслиги ҳақидаги ривоятлар ҳам шу тизимга киради. Ошиқ Ойдин пирнинг 115-120 ёшга кирганлиги ҳақидаги ривоятларда келтирилган маълумотлар эса унчалик ишончсизлик туғдирмайди. Чунки у ҳақиқатан ҳам 90 ёш умр кўрган.

Хоразмда саз илми ҳақида сўз кетганда Қамбар бобо тилга олинади. “Қамбарнинг дутори” “Али Қамбар” каби иборалар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Бу киши ҳам машҳур мусиқа устаси бўлиб,

тарихий шахс сифатида фаолият кўрсатган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мабодо эътибор берилса, Ошиқ Ойдин пир бахшиларнинг Қамбар, бобо эса созандаларнинг пири сифатида машҳурлик касб этади. Ўтган асрнинг 90-йилларида Ошиқ Ойдин пир қабри жойлашган Вос қалъасида Ошиқ-бахшилар мусобақаси ўтказиш анъанага айланган эди. 1991 йилда бу ерда бахшиларнинг халқаро беллашув кўриги бўлиб ўтган. Бу анжуманда Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон республикаларидан келган кўплаб бахшилар улут пир қабрини зиёрат қилдилар. Айниқса Хоразм, Тошовуз ва Қорақалпоқ бахшилари бу тадбирда фаол иштирок этишди³⁵.

Мазкур анжуманда Бола бахши Қурбонназар Абдуллаев охириги марта ўз фарзандлари Норбек, Матёқуб ва Етмишбойлар билан қатнашиб, “Хирмондали” достонини куйлаб беради. Ўша йили бахши 92 ёшда эди.

Восда ўтказиладиган ушбу анъана 1995 йилгача давом этиб келди. Хулоса қилиб айтганда Ошиқ Ойдин пир тарихий шахс бўлиб, тасаввуф тариқатининг асосчиларидан бири сифатида танилган. Шу билан бирга буюк жамоат арбоби бўлган, ўз навбатида санъаткорлик илминини ўзлаштирган соз ва сўз соҳиб даражасига кўтарилган. Унинг юксак халқларварлиги, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлидаги саяҳат-ҳаракатлари, қирғинбарот урушларни тўхтатиш йўлидаги мардона курашлари халқ онгида муҳрланиб қолган. Натижада асрлар ўтиши билан унинг шахси ҳақида турли ривоятлар ва достон тўқилган. Шу тариқа туркий халқлар орасида Сипира жиров, Қўрқут ота, мулла Ғойиб, Олланазар Олчинбек каби Ошиқ Ойдин пирга монанд бахши, жировлар ҳам достон ижрочиларининг пири, ҳомийси сифатида улуғланиб келинган.

Ушбу шахсларнинг қароматлилиги, буюклиги ҳомийлиги ҳақидаги ривоятларнинг тўқилишида шомонлик анъаналарининг роли ҳам каттадир.

Ошиқ Ойдин пирдан кейинги бахшилар ҳомийси Қўрқуд отадир. Бу шахс ҳақида жуда кўп туркийшунос олимлар тадқиқот олиб боришган. Унинг образи билан алоқадор миф ва афсоналарни таҳлил қилишган. Ушбу миф ва афсоналарнинг аксарияти умумтуркий характерга эга. А.А.Диваев, Ч.Ч.Валихоновлар қирғиз-қозоқ чўллари халқларидан ёзиб олиган кўплаб асотирлар Қўрқут ота образининг турли қирраларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

³⁵ Ошиқ Ойдин-94, Дашковуз, 1994,3-бет.

“Китоби дадам Қўрқут” эпосининг барча шохобчаларида фаол ҳаракат қиладиган асосий образ Қўрқут отадир. Бу образ ҳақида турли олимлар турли фикрлар билдиришган.

В.В. Бартольднинг кўрсатишича, у баҳодир эмас, балки уруғ оқсоқолидир. Унда халқ донолиги мужассамлашган³⁶.

Қўрқут ота бапоратчи баҳши ва афсонавий шахс³⁷. Ўз навбатида у сеҳргар, шомондир³⁸. Бинобарин, Қўрқут ота китобнинг бош қаҳрамони эмас. Лекин унинг фикрлари, қиёфаси, жами ҳодисалар ва қаҳрамонлар тақдирида тутган ўрнига кўра бутун асарни бирлаштириб турувчи қаҳрамон ролини ўйнайди³⁹.

Қўрқут отанинг исми “Китоби дадам Қўрқут”нинг араб алифбосидаги кўлёмасида Қўрқуд тарзида ёзилган. Бу ҳолат котиблар хатоси ёки англашилмовчиликдан эмас. Х.Г. Кўрўғлининг кўрсатишича, “Китоби дадам Қўрқуд” ёзувидаги учта сўз абжад ҳисобиغا мослаштирилган. Бу сўзлар абжадга солинса 887 рақами ҳосил бўлади. Уни мелодийга айлантирилса, 1482 йил келиб чиқади. Агарда “Қўрқуд” сўзидаги “Т” ҳарфи “Д” га айлантирилмаса, ҳисоб чиқмайди. Чунки абжад ҳисобида Т-400, Д-4 рақамини англатади. Шунга кўра ушбу ҳарфлар йил ҳисобини келтириб чиқариши учун китобни тайёрлаган шахс томонидан атайлаб ўзгартирилган. Бинобарин, ушбу рақамлар китобнинг ёзувга кўчирилган йили бўлиб чиқади⁴⁰.

Қўрқуд ота ҳақида дастлаб фикр юритган шахс Абул Ғозий Баҳодирхондир. Буюк тарихчи олим “Шажаран тарокима” асарида Қўрқуд отани 14 жойда тилга олади.

Унинг кўрсатишича, Қорахўжа ўғли Қўрқуд Инал Йави хоннинг вазири бўлиб, 295 йил умр кечирган, учта хон даврида вазирлик қилган, ғаройиб ишларни амалга оширган. Бутун ўғуз эли унга бўйсунган, бирор фарзанд тутилса, албатта у келиб исм қўйган⁴¹.

Албатта Абул Ғозийнинг берган маълумотларида афсонавий, муболағали ўринлар ҳам кўп учрайди. Шундай бўлишига қарамаздан унинг Қўрқуд ота ҳақидаги қайдлари муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, тарихчи олим ва давлат арбоби бўлган Абул Ғозий яшаган даврда “Китоби дадам Қўрқуд” эпоси Хоразмда

³⁶ Бартольд В.В. Қўрқуд соч. т. V-М: 1968. С.41.

³⁷ Бартольд В.В. Қўрқуд соч. т. V-М: 1968. С.41.

³⁸ Корголы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. –М.: Наука, 1983. С.61.

³⁹ Назаров Б. “Қўрқут ота китоби” тақиди. // “Ешлик”, 1988, №5. 40-бет.

⁴⁰ Корголы Х.Г. Новые данные о героическом эпосе огузов. // УТА, 1986, №4. 41-бет.

⁴¹ Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Ғазы хана хивинского. –М., –Л.: Изд. Ам, 1958.

машҳур бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, Абул Ғозий ўз асарида Қўрқуд отанинг Салор Қозон ҳақидаги қўшиқларидан намуналар келтиради.

Т. Мирзаевнинг ёзишича, Салор Қозон туркумини ташкил этувчи қахрамонлик қўшиқлари Шарқий Туркистондан келган туркий қабилаларга тегишли бўлиб, XI асрда салжуқийлар даврида бу туркум Кичик Осиё ва Кавказга ўтиб, “Китоби дадам Қўрқут” таркибидан жой олди⁴².

Бинобарин, Салор Қозон ҳақидаги қахрамонлик қўшиқлари бир вақтлари Хоразмда машҳур бўлган. Қўшиқларнинг Кавказ, хусусан Озарбайжонга ўтишида бу қадимий ўлка кўприк бўлиб хизмат қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Аслида “Китоби дадам Қўрқуд”нинг китобий нусхаси Абул Ғозий даврида Хоразмдаги қиссахонолар ва халфалар репертуарида мавжуд бўлган. Унинг таркибидagi айрим қўшиқлар алоҳида ҳолда куйланган ҳам. Кейинчалик воҳада “Гўрўғли” туркуми дostonларининг оғзаки вариантлари кенг даражада тарқалган. “Гўрўғли” туркумининг устуворлик қила бошлаши билан Қўрқуд ота тўғрисидаги дoston унутилиб кетган: XIX аср бошларига келиб, “Китоби дадам Қўрқуд” эпосининг ёзма нусхаларга кўчирилиши анъаналари асосида “Гўрўғли” туркуми дostonлари ҳам ёзувга олина бошлаган.

Қўрқуд ота ҳақида жиддий тадқиқотлар олиб борган Х.Г.Кўрўғли ўзининг “Шаман, полководец, озан” (эволюция образа деде – Коркута) мақоласида Қўрқуд ота шахсида шомонлик, ўзонлик (бахши) хусусиятлари мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди, ўз навбатида унинг саркарда (полководец) бўлганлигига шубҳа билдиради³⁶.

Қозоқ-қирғиз асотириларида Қўрқуд ота шомон образи сифатида талқин қилинади. Этнограф Ч.Ч.Валихонов Қўрқуд отанинг ўлимдан қочиши мотивини шомонлик билан боғлайди. Қирғиз шомонларидаги ушбу ривоятда Қўрқуд ота биринчи шомон сифатида эътироф этилади.

Ўрта Осиёдаги ёзма ёдгорлик-“Дўст Султон тарихи” китобида эса Қўрқуд ота бахшилар пири сифатида тасвирланади. Қозоқ бахшилари

⁴² Мирзаев Т. Қахрамонлик эпосининг юзга келиши // Ўзбек фольклорининг эник жанрлари. -Т.: Фан, 1981, 43-бет.

³⁶ Короглы Х.Г. Шаман, полководец, озан (эволюция образа деде –Коркута). // Советская тюркология. – Баку, 1972, №2. –С.48-62.

шу сабабдан дostonни бошлаш олдидан ундан ёрдам сўрашади, илтижо қилишади.

Қадимги даврга оид афсоналарда Қўрқуд ота шомон тарзида тасвирланса, Ислоом дини таъсирида яратилган сўнгги афсоналарда у авлиё даражасига кўтаришган. А.Диваев бу ҳақда Қозонли ҳудудидаги Хорхут топоними билан алоқадор афсона борлигини тасдиқлайди. Унинг ёзишича, Хорхутнинг қабри 1880 йилгача сақланган, кейин уни Сирдарё ювиб кетган³⁷.

Абулғозий Баҳодирхон Қўрқуд отани донишманд вазир сифатида тасвирласа, Рашидиддин асарларида бахши, Ўзон тарзида берилади. Ўзон атамаси туркманларда ҳам учрайди. Махтумқулининг бир шеърида шундай мисралар бор:

Давлат эла галар бўлса,

Бошдан бурун ўзон галар.

Давлат элдан гетар бўлса,

Мулла билан тўзон галар³⁸.

Ўзон атамаси илгари Хоразмда ҳам ишлатилган.

Қўрқуд отанинг лашкарбоши тарзида берилиши Абулғозийда ҳам бор бўлиб, бу маълумот икки шахснинг исмини аралаштириш натижасида келиб чиққан. Бундан ташқари ўғузларда шу номдаги уруғ ҳам учрайди³⁹.

Бу икки шахс ҳақидаги фикр К.А.Иностранев ишларида ҳам учрайди. Қолаверса, лашкарбошининг исми Қўрқуд тарзида ёзилишини А.Н.Кононов ҳам биринчилардан бўлиб, аниқлаган эди. Х.Г.Короглининг тахминича, монголларда хон котиби бахши деб юритилган, улар ўз навбатида ҳукмдор маслаҳатчиси ҳам бўлган. Абулғозийнинг Қўрқуд отанинг вазир-маслаҳатчи сифатида қайд қилиши ана шу анъанадан келиб чиққан бўлса керак. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш зарурки, Қўрқуд отанинг тарихий асарлардаги образларидан афсона ва ривоятлардаги образи ўзаро фарқ қилади. Фольклор асарларида Қўрқуд-шомон, афсунгар, табиб, унинг мусулмонликка алоқаси расмийлик тарихида қайд қилинади ҳолос.

Тарихий асарларда эса бу шахс мусулмон динининг муқаддас кишиларидан бири сифатида таъкидланади.

Х.Г.Короглининг мазкур мақоласида Қўрқуд ота фаолиятига доир масалалар кенг доирада таҳлил этилади. Юқорида келтирилган барча

³⁷ Диваев А. Несколько слов о могиле Хорхут-ата-ЗВО РАО. Т.Х.СПб. 1896. –С.193-194.

³⁸ Маътамули. Ашгабат, «Туркменистан», 1977. –Б.234. (678)

³⁹ Короглы Х.Г. Қўрсатилган мақола, 52-бет.

тафсилотлар Кўрқуд ота образининг тўлақонли қиёфасини гавдалантира олади.

Мақола охирида “Китоби дадам Кўрқуд”нинг ғарб ўтузларида тарқалган ёдгорлиги хусусида сўз юритилади.

Бу нусхада Кўрқуд кўп жиҳатлари билан шомон қиёфасига эга. У жасур аскар эмас, балки ўзон бўлиб, ўтуз элнининг беклари жасоратини қўшиқ қилиб қуйлайди. Асарнинг илк саҳифаларидаёқ у ўқувчи кўз олдида донишманд оқсоқол тарзида намоён бўлади. Шу сабабли унинг тилидан кўплаб афоризмлар келтирилади. Мақолада “Китоби дадам Кўрқуд”нинг 12 шохобчасидаги фаолиятига тўхтаб ўтилади. Пировардида тегишли хулосаларга келади. Кўрқуд ота образи айрим тарихчилар (Абулғозий, Рашидидин) томонидан диний раҳнамо тарзида тасвирланса-да, ўзининг ўтузларга хос ибтидоий диний тасаввурга асосланган қиёфасини тўла йўқотмаган.

Айрим Шарқ манбаларида (битта Ғарб манбасида) Кўрқуд ўтузларнинг оқсоқол –лашкарбошиси сифатида тасвирланади. Бироқ, бу версия “Китоби дадам Кўрқуд”да ўз ифодасини топмаган.

Шарқ манбаларидаги эпик анъаналарга мувофиқ Кўрқудга 295 ёш белгиланган ва у Муҳаммад пайғамбарнинг замондоши тарзида тасвирланган. Аммо “Китоби дадам Кўрқуд”да унинг ёши хусусида бирор аниқ маълумот берилмаган.

Барча афсона ва ривоятларда Кўрқуд-шомон, ўзон, давлат арбоби, ҳукмдор маслаҳатчиси, барча ўтуз элнининг донишманд устози сифатидаги эволюцион образ тарзида гавдалантирилади. Унинг бахши сифатидаги фаолияти ҳеч қачон йўқолмаган. Ўз навбатида унинг тарихий прототипини излашга ҳам асос йўқ.

Бахшичилик санъатининг сўнгги тараққиёти. Эпос халқ ижодиётида энг мураккаб жанр ҳисобланади. Шу сабабли уни фақат профессионал ижрочилигина қуйлай олади. Бинобарин, дostonлар ўз ижроси билан тирикдир. Уларни халққа етказиш бахшилар зиммасига тушади.

Эпосни қуйлаш, бахшилар ижроси ҳақида ёзма манбалар жуда кам. Эпосшунос Тўра Мирзасевнинг таъкидлашича, ўзбек дostonчилигининг илдизлари жуда қадимга бориб тақалса-да, унинг муайян сифат ўзгаришига учраши XIX –XX асрга келиб, янги ўзбек эпосига асос солинди. Унинг ижодкорлари Йўлдош булбул, Жуманбулбул, Эргаш шоир, Фозил шоир, Пўлкан, Ислоҳ шоирлардир¹.

¹ Мирзасев Т. Эпос и сказитель. –С.41-43.

Хоразм бахшичилик санъати илдишлари ҳам жуда қадимийлик касб этади. Айрим тадқиқотларда бу анъананинг миллуддан аввалги 6-5 асрларда пайдо бўлганлиги қайд қилинади². Бу даврларда асосан “Авесто”нинг “Яшт” китобидаги Худолар ва қаҳрамонларга бағишланган алқовлар, дostonлар куйланган. X-XI асрларга келиб Хоразмшоҳлар саройида машшюклар, созанда ва гўяндaлар жуда кўп бўлган³.

“Хоразм пойтахти Кўҳна Урганч шаҳридаги маъмур ва обод замонларда Чингизхон ҳарб қилмасдан бурун бу шаҳарда сокин бўлгон одамларнинг аксарияти Мушиқийни ўзларинa бир ҳунар ва касб иттиҳос қилгонлар. Мунинг орқасида ўз оилаларининг ўнгишиқларини таъмин этгандурлар. Ҳатто маскур асарларнинг муболага билан кўрсатганларига қараганда ёлғиз Кўҳна Урганч шаҳринда дутор созинa эшак (ҳаррак) йўниб сотиб ўнгишиқларини шул ҳунарлари бирла ўтқарадургон кишиларнинг миқдори бир мингга етишди”⁴.

Ушбу сатрлар ривоятга ўхшаб кетса-да, унинг замирида катта ҳақиқат ётади. Санъат ривожланган жойда адабиёт, шу жумладан дostonчилик ҳам тараққий этади. Албатта Хоразм санъати Чингиз босқинидан сўнг тушкунлиқка юз тутди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврига келиб, саройда мақомчилар, машшюкларни тўплаш анъанаси давом этди. Саройда Ниёзжон хўжа, Маҳдумжон қози, Муҳаммаджон Сандиқчи деган мақом усталари етишиб чиқди⁵. Ўша даврдан бошлаб хон саройида бахши сақлаш анъанаси яна давом этди.

1819 йилда Хивага рус зобити Н.Н.Муравъев ташриф буюради. Хон саройидаги бахшилар ижроси билан танишади. У бахшилар шахси ҳақида конкрет маълумот бермаса-да, уларнинг ижроси ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни билдирган. Жумладан у бахшилар ҳақида шундай ёзади: “Куйловчилар овозлари, тана ҳаракатлари билан ўзларидан олдин ўтган авлодларнинг эпчилиқларини, кўркмаслиқларини ғайрат ҳамда жасоратларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар... уларнинг кўшиқлари айрим ҳолларда тун бўйи давом этади. улар баланд ва хириллаган овоз билан куйлашади”⁶.

² Матёкубов Б. Хоразм дoston ижрочилигининг тархат сифофлари. –Урганч, “Хоразм”, 1999. –Б.8. (52)

³ Рўзимбоев С. Халқ иқодиининг ноёб дурдоналари. // “Ошиқнома”, 6-китоб, –Урганч, “Хоразм”, 2013. –Б.4. (3-12)

⁴ Мулла Бекжон Раҳмон ўғли. Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мушиқа тарихчиси. –Т.: “Ёзувчи”, 1998. –Б.7. (48)

⁵ Мулла Бекжон Раҳмон ўғли. Муҳаммад Юсуф Девонзода. Кўрсатишган асар. 7-8-бетлар.

⁶ Муравъев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820. –М.: 1822. 122-бет.

Н.Н.Муравьевнинг берган маълумотига қараганда у тинглаган бахшиларнинг жиров эканлиги сезилиб туради. Чунки ўша даврда хонлиқни Қўнғирот сулоласига мансуб ўзбеклар бопқарган ва улар жиров-бахшиларни ўзбеклар тоифасидан танлаб саройга келтиришган. Улар ўша даврларда жиров ва бахши санъатини биргаликда қўшиб давом эттиришган, қўбизда ҳам, дуторда ҳам дoston қўшиқларини ижро этишган. Муравьев жиров ижросини тинглаган бўлса керакки, бахшиларнинг “баланд ва хириллаган овозда” куйлаганликларини айтиб ўтади.

Н.Н.Муравьев хон саройида бўлиб, мақомчилар, турли хонандаларни ҳам тинглаган. Шу сабабли ўз асарида хиваликларнинг мусиқани жуда севишларини ва қадрлашларини, хонандалар қўшиқ матнларига алоҳида эътибор билан қараб, уларни энг талантили шоирлар ижодидан танлаб олишларини ёзиб қолдирган⁷. Айниқса дoston куйлаган бахшилар унда яхши таассурот қолдирган. Шу сабабли ижрочиларнинг мусиқа асбоблари хусусида ҳам айрим маълумотларни келтирган: “Уларнинг мусиқа асбоби икки торли балалайкадан иборат бўлиб, ярим ой шаклидаги қутига ўхшаб кетади. Уни нохун ёки қаламча билан чалишади. Улардаги яна бир чолғу асбоби тўрт торли, ниҳоятда ёқимсиз товуш чиқарадиган асбоб бўлиб, пастдан чиққан ўқини ерга тираб, скрипкага ўхшаб чалинади”. Рус миссионерининг тасвирига қараганда биринчи чолғу асбобоб танбур, иккинчиси эса қўбиздир. Демак, ўша пайтларда хон саройида қўбиз чалиб дoston куйлайдиган бахшилар бир эмас, бир неча бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон I даврида дostonчиликнинг фаоллигини Муравьевнинг яна бир ёзуvidан билиш мумкин. У Хивага келишда мамлакатнинг ғарбидаги “Шоҳсанам қалъаси”га дуч келади ва маҳаллий аҳолидан ушбу жой ҳақидаги афсонани ёзиб олади. Унинг ёзиб олган тафсилотлари “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг сюжетига мос келади. Унда Ғарибнинг етти йил дарбадар кезиши, онасининг кўр бўлиб қолиши, Шоҳсанамнинг тўйи устига келиши, ўз севилисининг висолига етиши каби воқеалар тасвирланган бўлиб, ҳозирги сюжетдан бир мунча фарқ қилади. Албатта давр ўтиши, ижтимоий тузум ўзгариши билан дoston воқеалари ҳам ўзгариши мумкин. Энг асосийси, дoston бор жойда бахши ҳам бўлади. Демак, ўша даврда мазкур дoston талантили бахшилар томонидан ижро қилиб юрилган. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг Хоразмда

⁷ Муравьев Н. Кўрсатилган асар. – Б.131.

машҳур бўлганлигини Муравъёвнинг ушбу эсдаликлари яни бир бор исботлайди.

Хоразм бахшилари ҳақида айрим қайдлар Ҳ.Вамбери асарларида ҳам кўзга ташланади. Бироқ, шарқшунос олим бирорта конкрет бахши ҳақида маълумот бермасдан, улар ҳақида юзаки тарзда сўз юритади. Масалан, У шундай ёзади: "...мазкур хрестоматияда асосан бахшилар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган, ёки таржима қилган шимолий турк халқларининг барчасига таниш, улар севган, уларнинг тили, фикри ва ўйларини акс эттирувчи материаллар бор... Улар ўзбек халқи ва уларнинг хонликлари билан қўшни яшовчи қирғизлар орасида кенг тарқалган ва ҳамма жойда дутор ёки қўбиз жўрлигида бир хил куйланади⁸.

Ҳ.Вамбери хрестоматия китобига ёзган ушбу сўзбошисидаги фикрлари илмий жамоатчилик учун ниҳоятда қимматли бўлиши билан бирга олимнинг айрим фикрларини тузатиб ўтишга тўғри келади. Чунончи, ушбу сўзбошида олим бахшилар ҳақида сўз юритиб, "бахшилар томонидан айтилувчи, уларнинг ўзлари яратган ёки таржима қилган... материаллар" деган иборани ишлатдики, бу фикр унинг ўзбек бахшилари ҳақида тўла тасаввурга бориб етмаганини кўрсатади. Негаки, энг аввало, бахшилар халқ ижодиётига мансуб бўлган терма ва дostonларни ижро қилишади. Уларнинг репертуаридаги асарлар асосан устоздан шогирдга ўтади. Улар дostonни қардош халқлар бахшилари репертуаридан олганда ҳам Ҳ.Вамбери айтгандай "таржима қилиб" эмас, балки ижодий қайта ишлаш орқали ўзлаштирадилар.

Шунингдек, унинг ўзбеклар орасида тарқалган дostonлар қўшни қирғиз ва бошқа халқлар орасида бир хил куйланади деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, дутор жўрлигида дoston куйлаш билан қўбуз жўрлигидаги ижро бир-биридан кескин фарқланади. Демак, Ҳ.Вамбери Хоразм дoston ижрочилари ҳақида сўз юритса-да, мазкур анъана ҳақида тўла илмий тавсиф бера олмаган. Бироқ, унинг Кўнғиротлик Мулла Исҳоқ билан қўлёзма дostonлар тўплаши, "Бахши китоблари" ҳақида маълумот бериши, қўлаб дostonларни Ғарб китобхонларига таржима орқали етказгани муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳерман Вамбери Хивага келган даврда хонлик бўҳрон гирдобиди қолган, маданий-маърифий ишлар ривожини сустлашган эди.

Муҳаммад Раҳимхон I даврида тараққиёт сари юзланган санъат ва адабиёт Муҳаммад Аминхон даврига келиб янада ривожланиш

⁸ Вамбери Ҳ. Чигатой тили дарслиги. —Лейпциг: 1867. —Б.43.

босқичига кўтарилди. Бахшичилик, қиссахонлик фаоллашди. Мақом санъати эса гуллаб-яшнади. Уста Худойберган этикчи, ундан Пахлавонниёз Мирзобоши Комиллар Шашмақом нағмаларини тўла ўзлаштириб олишди. Бу мақом усталарининг обрўси шу қадар ёйиладикки, ҳатто Қўқон хони Муҳаммад Умархон сарой созандаларига мақом ўргатиш учун Хивадан Худойберган этикчини ўз саройига чақиртириб олади. Кейинги ҳукмдор Мадалихон эса, Худойберган устознинг маслаҳати билан унинг шоғирдлари Солиҳбек ва Мўминбекларни ҳам Қўқонга олдиради ва бу санъаткорлар ўша жойда муқим бўлиб қолишади⁹.

Бинобарин, Муҳаммад Аминхон давридаги маданий ҳаётнинг юксалиши бахшичилик санъатига ҳам ижобий таъсир ўтказганлиги табиийдир. Аммо Муҳаммад Аминхоннинг фожеали ўлиmidан сўнг хонликда юксалаётган маданий-маърифий ҳаёт тушқунликка юз тута бошлади. Кейинги Хива хонлиги тахтига ўтирган Абдуллахон ва Қутлимуродхонларнинг ҳар иккаласи 6 ойдан тахтда ўтириб фожеали тарзда ҳалок бўлишди.

1855 йилда тахтга ўтирган Саййид Муҳаммадхон даврида маданий ҳаёт яна изга туша бошлади. Хоннинг ўзи ҳам мусиқага иштиёқ қўйган бўлиб, дутор, гижжак каби созларни усталик билан чалиш қобилиятига эга эди. Шу сабабли саройга яна санъаткорларни, хос бахшиларни йиға бошлади. Бироқ, адабиёт, санъат илгариги авжда давом этиши қийин эди. Бу даврда китобхонлик негизда қиссахонлик муайян даражада ривожланди.

Худди шу даврда воҳага Ҳерман Вамбери ташриф буюрган эди. Уни Саййид Муҳаммадхон яхши кутиб олиб, хонлик ҳудудида бемалол юришига рухсат берди.

Ҳ.Вамбери юқорида қайд қилганимиз мулла Исҳоқ билан хонлик ҳудудида юриб, дostonлар йиға бошлайдилар. Улар Амударё орқали Қўнғирот шаҳрига йўл олишди. Қўнғирот яқинига келганда зиёлилар билан суҳбатлашиб, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonининг насрий баёнини ёзиб олишди. Мулла Исҳоқнинг қуйидаги шеърий парчалари уларнинг бахши ва қиссахонлар билан учрашиб катта материаллар тўплаганликларини исботлайди.

Насиб тортиб бизлар бу эла келдик,
Элу халқнинг иззат-хурматин кўрдик,
Қисса, дoston йиғнаб уйга жўнадик,
Бизларни сийлади Мўйтан элинда.

⁹ Хоразм мусиқий тарихчаси, 43-бет.

Сафарда йўлдошим бул Рашид ҳожи,
Анинг Кўнгиротда битди муҳтожи,
Пайтонга юк бўлди китоблар ,важи,
Қисса, дoston совға қилганлар хўш энди¹⁰.

Ушбу тўртликлардаги “қисса-дoston” сўзларига разм солинса ўша даврда китобат қилинган қисса-дostonларнинг ниҳоятда қўпчилигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. Ҳ.Вамберининг “Чигатой тили дарслиги” асари таркибига кирган фольклор намуналари айниқса қимматлидир. Унинг “Хрестоматия” қисмига биринчи марта “Юсуф Аҳмад”, “Ойсанам –Шоҳсанам”, “Хурлиқо-Ҳамро”, “Ошиқ Ойдин”, “Хирмондали” каби Хоразм дostonлари киритилган. Мазкур асарга киритилган “Бахши китоби” бизга ўша даврдаги дoston-ижрочилари ҳақида муайян даражада маълумотлар бера олади. Бу ҳақда Вамберининг ўзи шундай ёзади: “У ўзига хос шеърлар тўплами бўлиб, ўргатувчи шогирд-бахшиларнинг ёнида олиб юриладиган кичик китобчадир. Бу тўпландаги шеърларнинг мазмунини аудиторияга, эл-улус дидига, савиясига қараб ўзгартишга учраб туради. Лозим пайтда бахшилар унга ўзгартишлар киритиб қўйлашади. Менинг қўлимдаги нусха энг оммавий, ҳаммага тушунарли шеърлардан ташкил топган. Уларни мен ўзбеклар ва туркманлар орасида қўп тингладим. Бироқ, бу шеърлар услуб жиҳатдан содда бўлса-да, уларни қўпчилик киши билмайди. Шу сабабли улар ашула ёки декламация тарзида айтилиши нуқтаи назаридан Ғарбий Осиё халқларига нотанишдир. Ижро оҳангига қараганда уларнинг эронийлар ижодидан олинганлик эҳтимоли бор. Аммо, ҳозирда Эронда қўйланадиган қўшиқларга уларнинг алоқаси йўқ”¹¹.

Ҳ.Вамберининг “Бахши китоби”га берган ушбу тавсифи ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқдир. Чунки, Хоразм бахшиларида кейинги даврларда ҳам дoston ва қўшиқ матнларидан иборат махсус қўлёзмалар бўлган.

Муҳаммад Раҳимхон –Феруз даврига келиб, дoston матнларини ўзгартирмасдан ижро қилиш ҳақида фармойиш берилган. Ҳатто бир кунини Ферузхон Суяв бахшига “Гўрўгли” дostonини қўйлашни буюрган ва ўзи дostonнинг китоб қилинган шаклига қараб ўтирган. Суяв бахши бирорта сўзда ҳам янглишмай “имтиҳон”-дан муваффақиятли ўтган¹².

¹⁰ Рўзиев С. Мулла Ишқоқ. –Урганч. “Университет”, 2005. –Б.58. (24)

¹¹ Чигатой тили дарслиги. –Б.33-34.

¹² Аъямбетов Қ. Халқ донишманди. –Носик. “Қарақалпоқстан”, 1988. –Б.132. (491)

Ҳ.Вамберининг “Бахши китоби”даги “декламация” шаклидаги ижро ҳақида маълумот бериб, бу усул Хоразмга Эрондан ўтган, деган фарази ҳам қизиқиш туғдиради. Бу ерда Ҳ.Вамбери ижрочиларнинг қироат (речитатив) оҳангида ўқилган шеърларни назарда тутган.

Венгер олими “декламация” тарзидаги ижрони қиссахонлар орқали тинглаган бўлса керак. Чунки илгариги даврларда шеърый асарлар тўла равишда қироат билан қўшиқ оҳангида ижро этилган. Бунинг асосий сабабларидан бири “Ибтидоий даврнинг вокал мусиқаси ритм ва речитативдан иборат бўлган. Куй эса анча кейинроқ пайдо бўлган”¹³. Маълумки бахшичилик санъатида анъанавийлик барқарор сақланиб келган. Шу сабабли қироатхонлик XX аср бошларигача ўз кучини йўқотмаган. Қироатхонлик халфалар ижросида ҳалигача давом этиб келмоқда.

Хуллас Вамберининг нигоҳи тушган “Бахши китоби” фақат Хоразм бахши, халфа ва қиссахонларигагина хос бўлган алоҳида бир анъанадир.

Ҳ.Вамбери “Бахши китоби”даги бир қанча шеърларни “Хрестоматия”сига киритган. Унда “Санобар” достонидан олинган 5 бандлик шеърый парча бор. Бу тўртликлар достоннинг бизгача етиб келган қўлёзма вариантыдаги муқобилга солиштирганда жузъий ўзгаришларгина кўзга ташланади. Чунки ёзма нусхалар орқали етиб келган достон матнлари барқарор сақланиш хусусиятига эга. Фақат уларни қайта кўчирган котиб ёки хаттотлар матнга айрим ўзгаришлар киритганини кузатиш мумкин.

“Бахши китоби”да “Ойсанам-Шоҳсанам”, “Ошиқ Ойдин”, “Ҳуришиқо –Ҳамро”, “Темим саҳоба”, “Қўрўғли”, “Хирмондали”, “Заркум шоҳ”, “Юсуф- Аҳмад” ва бошқа қатор достонлардан парчалар берилган.

“Бахши китоби”да аниқ бахшилар шахси ҳақида бирор маълумот учрамаса ҳам, достонларнинг турли-туман нусхалари ҳақида сўз юритилиши ўша давр достон ижрочиларининг репертуари хусусида аниқ тасаввур бера олади. Ҳерман Вамбери Хивадан жўнаб кетгандан кейин бир йил ўтгач, Саййид Муҳаммадхон оламдан ўтиб, Хива хонлиги тахтига унинг ўғли Муҳаммад Раҳимхон Феруз ўтирди.

Феруз даврида Хива хонлигида адабиёт ва санъатнинг ривожланиши янги босқичга кўтарилди.

Янги хон шоир, бастакор ва созандалик хислатларига эга бўлган истеъдодли шахс эди. Унинг даврида Комил Хоразмий томонидан “Танбур чизиги” деб аталмиш мусиқа ёзуви-нота ҳам кашф этилди.

¹³ Кослен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Б.180.

“Хоразм мусикий тарихчаси” муаллифлари ўз асарларида Феруз давридаги таниқли бахшилар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишган. Уларнинг ёзишларича, “Достончилар иккига айриладур. Бири бахши, яна бири эса жирчилардур. Бахшилар буламон, дутор, гиржак илан соз этарлар. Жирчилар эса, ёлғиз қовуз биландур”.

Китобча муаллифлари тубандаги бахши ва жировлар ҳақида баъзи маълумотларни келтирганлар.

Ризо бахши. Мазкур бахши гурланлик бўлиб, Ферузхоннинг хос бахшиси ва жирчиси бўлган. Ризо бахши хоннинг уйқуга кетиши олдидан унга қизиқли ривоятлар, ҳикоятлар сўзлаб берган, лапарлар ижро қилган. Унинг “Бежилов” деган лақаби бўлган. Чунки, уни хоннинг яқин бахшиси бўлгани учун “бежилов” –жиловсиз, эркин лақаби билан аташган.

“Хоразм мусикий тарихчаси”да унинг репертуаридаги лапаридан учта банд келтирилган. Уларни биз бахши биографиясини беришда келтириб ўтаемиз.

Суяв бахши. Суяв аслида туркманларнинг човдур уруғидан бўлиб, ўзбек, туркман ва қорақалпоқ тилларида бемалол достон куйлай олган. У аини пайтда шоир, бастакор ва достон ижрочиси бўлган.

“Хоразм мусикий тарихчаси”да басталаган “илғор”, “илғор сарпардаси”, “Кўр қиз”, “Эшвой”, “Шо кўчди, “Мухаммас”, “Шоҳсанам” каби куйлар қайд қилинган. Мухаммад Раҳимхон II даврида Эрнафас бахши, Аваз бола, Нурилла бахши (лақаби тандир) каби машҳур достон ижрочилари ҳам яшаб ўтган. Аммо уларнинг биографияси “Мусикий тарихча”да берилмаган.

Мухаммад Раҳимхон II даврида бахшичилик анъаналари юксак чўққига чиққан. Машҳур бахши Қурбонназар Абдуллаев –Бола бахши ҳам ўша даврнинг маҳсули. У ўн ёшлариданоқ достон куйлашни бошлаган. Кексаларнинг ривоят қилишларича, Бола бахши ўз қишлоғидаги боғида “Ғариб ошиқ”ни куйлаб турганида дутори дастасига булбул келиб қўнади. Аслида булбул унинг мусиқаси ва овозига мафтун бўлиб, дарахтдан пастга тушади. Қурбонназар эса ёш бола бўлганидан масаланинг моҳиятига тушунмасдан, куйлашни тўхтатиб, булбулни ушламоқчи бўлади. Булбул эса қочади, ёш бахши дуторни ташлаб уни қува кетади. Ўша пайтда даврада достон тинглаб ўтирган қишлоқ оқсоқоли бу воқеага қараб:

- Қурбонназар барибир бола-да, бўлмаса қушни қувиб кетармиди, дейди. Шундан кейин Қурбонназарни Бола бахши деб аташ расм бўлган экан.

Шуниси қизикки бахши дуторига куш қўниши билан алоқадор ривоят Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулбул ҳақида ҳам тўқилган:

“Жуманбулбул машраб табиатли киши бўлган. Эски одат бўйича, дostonчи чодир ичида айтса, хотин –қизлар ташқарида ўтириб эшитган. Саримсоқ бахши (1872-1938) ўспиринлик чоғларида шўхлик қилиб, Жуманбулбул яхши айтсин деб, чодир ичида дoston айтаётган Жуманбулбулни ташқарида ўтириб ҳар замон аёлчасига туртиб қўйса, шоир қайнаб, чилладаги нордай бўлиб кетар экан... Ана энди Жуманбулбулнинг дostonини эшитнинг эди! Ғазалай додлаб, чарх уриб келиб дўмбирасига қўнар эди.

Эргаш шоир отасининг болаликдан қўшиқ айтганини таъкидлайди:

Ўн ёшда айтган йингига кириб.

Одамлар орасида Эргаш шоирнинг бу сўзини тасдиқлайдиган ривоят юради. Жуман бола экан, ўйнаб қолади. Боқиб юрган қўйлари элнинг экинига тушиб кетади. Шунинг учун чўпон бола қўрқиб қочиб қолади. Шу ривоятнинг бошқа бир вариантда айтилишича, ўғай она зулмидан бешиб, уйдан чиқиб кетади. Хуллас, у юриб-юриб, очикиб-толиқиб, бир жойда якка тутнинг тагида ухлаб қолади. Ўнгидами-тушидами, бир наст сарғалдоқ деган куш пайдо бўлиб, Жуманнинг бошида айланиб –ўргилиб, сайрайверади, сайрайверади... Сарғалдоқ бирдан сариқ тўнли, оппоқ соқолли одамга айланади. Болага: “Манглайингга берайми, танглайингга?...”-дейди. Бола бояқши оч эмасми, танглайингга, дегани таом бўлса керак деб, танглайимга беринг, дейди. “Бўлмаса, юм кўзингни, оч оғзингни...” Бола кўзини юмиб, оғзини очади. Оқсоқол унинг оғзига нафасини уфлайди. Ўша заҳоти Жуман оғзидан кўпик сочиб, маст бўлиб дoston айта бошлайди¹⁴.

Бахшилар истеъдодининг ғойибдан келиши, уларнинг илоҳий хусусиятларига бағишланган бундай ривоятларнинг тўқилиши бежиз эмас. Ушбу касбнинг қадимий илдизлари шомонликка бориб тақалади. Шомонларнинг илоҳий қудрати ҳозиргача ўз акс садосини йўқотган эмас.

Муҳаммад Раҳимхон II даври ва ундан кейинги пайтларда яшаб ижод қилган бахшилар ҳақида тўла маълумотни Бола бахши ҳикоя қилиб берган.

Бундан ташқари 1873 йилда Хива хонлиги руслар томонидан истило қилингач, Хивага рус шарқшуносларининг сафарга келиши учун қулай шароит юзага келади. Қолаверса, уларни хонликдаги

¹⁴ Қўшмоқов М. Чечаклида сўзга сувдайган оқиб. –Т.: “Адибёт ва санъат”, 1978. Б.93-94. (168)

маданий ҳаёт қизиқтириб қолади. Чунки рус истилоси даврида А.Л.Кунь бошчилигида келган бир гуруҳ шарқшуносларнинг хон кутубхонасидаги энг нодир китобларни олиб кетишлари бошқа кўпгина шарқшунос олимларни қизиқтириб қолган эди. Ўша шарқшунос олимлардан биттаси А.Н.Самойловичдир. У 1908 йилда Хоразмга келиб, воҳада тарқалган “Тўрўғли” ва “ошиқ” достонлари, уларнинг ижрочилари ҳақида энг муҳим маълумотларни тўплади. У Хоразмда бўлган пайтида достончиликнинг энг фаол маркази бўлган Пўрсига боради. (Туркменистоннинг ҳозирги Бўлдимсоз тумани маркази) «Мен Пўрсиди бутун хонликда энг машҳур бўлган 58 яшар човдур (уруғ номи) Суяв бахшининг айтганларини тингладим»¹⁵, деб ёзади у.

А.Н.Самойлович Хивада бўлганида бахшилар ижросини бевосита тинлагани ҳақида қуйидагича маълумот беради «Хивалик бахшининг ўзи дутор чалиб, китобий достонни ижро этаётганида икки созанда буламон чалишиб, унга жўр бўлиб туришади»¹⁶. Демак, А.Н. Самойлович бу масалага Ҳ.Вамберига ўхшаб юзаки муносабатда бўлмаган. Шарқшунос олимнинг пўрсилик Суяв бахшидан олган маълумотларига қараганда Пўрси достончилиги мактабига ўша пайтда Суяв бахши бошчилиги қилиб, атрофига кўплаб ўзбек, туркман ва қорақалпоқ бахшиларини жамлаган ва туркман, ўзбек ҳамда қорақалпоқ тилларида достон куйлаган. Суяв бахши ўз устози ўзбек бахшиси Ғарибниёз ва ундан олдин ўтган ўзбек бахшилари Эшвой, Оташ, Нуржон, Ниёзмат бахшилар ҳақида маълумот беради. Суявнинг ўзи 1850 йилда Пўрсининг Сеитназар гўммачи овулида туғилган. Юқорида номи келтирилган бахшилар XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилишган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Абдурахим, Мусо, Отаниёз, Отажон, Ризо бахшилар Суяв билан бир даврда фаолият кўрсатишган. Таникли фольклоршунос Қалли Айимбетовнинг ёзишича Қўнғирот, Пўрси, Хўжайли атрофларида бу бахшилардан кейин Одилбой, Ўринбой, Оллаёр, Қутим бахшиларнинг достон куйлаганликлари ҳақида маълумотлар бор.

Асримизнинг бошларида Хўжёз (қипчоқ), Аҳмад, Кўчқор (Манғит), Хўжёз гармончи (Шаббоз), Кўшакўр (Тўртқўл), Эшниёз (Қўнғирот), Жуманазар (Янгиариқ), Хўжик бахшилар машҳур

¹⁵ Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханство в 1908 году.

¹⁶ Известие русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, лингвистическом и этнографическом отношении. СПб., 1909, №9, 21-22-бетлар

¹⁶ Ўша маъба, 25-27-бетлар

бўлганлар. Афсуски, ушбу бахшиларнинг ҳаётига оид батафсил маълумотлар сақланиб қолмаган.

Айрим бахшилар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар эса уларнинг замондошлари эсдаликлари орқали етиб келган. Масалан, Мадраҳим Ёқубов Шерозий XIX аср охири XX аср бошларида яшаган куйидаги бахшиларнинг аянчли тақдири тўғрисида хотиралар қолдирган:

Эрниёз бахши. Қўшқўпирнинг Ўзбекёп қишлоғида яшаган. Хоннинг қариндоши Саидабдулланинг тўйига бормагани учун бурнидан ип ўтказилиб қўшқ айттирилган.

Жумёз бахши. Ҳазораспда яшаган. Зиёфатга кечикиб келгани учун Саидмурод божимоннинг ўғли ҳовузга итариб юборган. Ўпкаси шамоллаб ўлган¹⁶.

Биз куйида ҳаётини фаолияти ҳақида айрим ҳужжатлар сақланиб қолган бахшилар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Ғарибниёз. Тарих саҳифаларига назар ташласак, Хоразм воҳасида яшаб келган турли миллатлар дўстлигига оид кўпгина фактларга дуч келиш мумкин. Бу нарса халқ эпик ижодиётининг вакиллари бўлган бахшиларнинг устозлик - шогирдлик анъаналарида айниқса яққол кўзга ташланади. XVIII-XIX асрлар туркий халқлар дostonчилигининг энг гуллаган даври бўлиб, ўша давларда Хоразм воҳасида жуда кўп талантили бахшилар яшаб ижод қилган. Улардан қирқдан кўпроғининг номи маълум бўлса-да, фаолияти ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. XIX аср ўрталарида яшаган шоир-бахши Ғарибниёз ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шоир тақдири ҳақида сўзлашдан олдин унинг шогирди-туркман бахшиси Суяв (суянгч, таянгч, елкадош) ҳақида оз бўлса-да, тўхталишга тўғри келади. Академик А.Н.Самойловни ўз асарларида Пўрсида Тошқовуз вилоятининг ҳозирги Бўлдимсоз туманида яшаган Суяв бахши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унинг туркман, ўзбек, қорақалпоқ тилларида дoston куйлаганини таъкидлаб, бахшининг 58 ёшда эканлигини айтиб ўтади. Олимнинг Хоразм воҳасига 1908 йилда келганлигини ҳисобга олсак, бахшининг таваллуди 1850 йил бўлиб чиқади. Суяв бахшининг репертуаридаги кўплаб дoston ва термалар туркман, ўзбек, қорақалпоқ бахшилари ижодида ҳозиргача яшаб келмоқда. 1985 йилда вафот этган гурланлик Сакрак бахши (Жумабой Худайбергенов), мангитлик Турсун бахши Пўрси дostonчилиқ мактабининг сўнгги вакиллари бўлишган. Суяв бахши репертуарида «Эшвой» қўшиғи алоҳида ўрин тутган. Мазкур қўшиқ

¹⁶ Аваз С. Мадраҳимов О. Мадраҳим Шерозий. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа бирлашмаси, 1991. –Б.31. (182)

XVIII асрда Пўрси атрофларида яшаган ўзбек бахшиси Эшвойга бағишланган бўлиб, унда бахшнинг олийжаноб хислатлари таъриф этилади.

Эшвой бормаи ҳеч ким тўйин кўрмади,
Юзин кўрмаи қизлар вакил бермади.
Фиску фужур, ҳаром ишга юрмади,
Шу қилигин эллар суйди Эшвойнинг.

Шу пайтгача бу кўшиқ Суяв бахши ижодига нисбатан берилар эди. Бироқ халқ оасида юрган бу кўшиқнинг турли вариантларини киёсласак, масаланинг бошқа бир муҳим томони ҳам ойдинлашгандек бўлади:

Эшвой Оташ, Нуржон билан соз этди,
Беш кунлик умрини сарафроз этди.
Ўлгандан сўнг васфин Ғарибниёз айтди,
Соз-сўз билан умри ўтди Эшвойнинг.

Шеърнинг мазкур банди унинг Ғарибниёзга тегишли эканлигини тўла тасдиқлайди. Демак, «Эшвой» кўшигини ижод қилган ва унга куй басталаган киши Суявнинг устози Ғарибниёз бўлиб чиқади. Қорақалпоқ фольклоршуноси профессор Қ.Айимбетов 1968 йилда Нукусда босилган «Халқ донолиги» китобида Суяв бахшидан бурун ва у билан бир даврда Эшвой, Оташ, Ғарибниёз каби таниқли бахшилар яшаб, ижод қилганликларини кўрсатиб ўтади. XVIII асрда яшаган Эшвой бахши ва унинг шогирди Ғарибниёз тўғрисида кўпгина маълумотлар мавжуд. Шоирнинг «Эшвой», «Кўзларим» деган кўшиқлари 1963 йилда Ашқободда нашр этилган «Маржон доналар», 1965 йилда Нукусда босилган «Қорақалпоқ халқ кўшиқлари» китобларига киритилган.

Кузатишларга қараганда истеъдодли бахши Ғарибниёз ўз устозига бағишлаб «Эшвой» шеърини яратган ва унга махсус куй басталаган. Бу куй баъзан дoston кўшиқлари билан айтилиб ҳозиргача яшаб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назира Юсупова репертуаридаги «Эшвой» кўшиғи бунинг ёрқин мисолидир. Ўз навбатида бу куй туркман ва қорақалпоқ бахшилари ва хонандалари репертуарида ҳам мавжуд. Суяв бахши бу кўшиқни устозининг мероси сифатида маҳорат билан куйлаб, бизгача яшаб келишида кўприк бўлиб хизмат этган. «Кўзларим» шеъри мазмунига қараганда шоир умрининг охирида кўр бўлиб қолган. Бунинг ўз шеърида изтироб билан баён қилади:

Икки кам элликка борганда азиз ёшим менинг,

Бунча дардга дуч келибдур бу гариб бошим менинг.
Сармалаб-излаб топиб, оғу бўлар ошим менинг,
Етти жаҳонни кўргали йўқ эрур йўлдошим менинг,
Қайғу ғам-ғусса билан йўйган наҳорим кўзларим.

Кўзи ожизлиги сабабли шоир халқ орасида баъзан Матнийез Қори номи билан ҳам тилга олинади.

Мангитлик Хударган бахши, тўрткўллик Абдулла бахшилар билан бўлган суҳбатда Ғарибниёзнинг «Ўтгандир» номли шеъри борлиги ҳам маълум бўлди. Бу шеър хивалик Шукур Қори репертуарида айрим ўзгаришлар билан сақланиб қолган. Шоирнинг юқорида тилга олинган «Эшвой», «Кўзларим» каби шеърларининг ўзбекча вариантлари туркман ва қорақалпоқча матнлардан ҳажман кўпилиги, айниқса «Кўзларим» шеъри арузга кўпроқ мос келиши ва бошқа айрим хусусиятлари билан ажралиб туради. Албатта халқ орасида унинг бошқа шеърлари ҳам сақланиб қолган бўлиши мумкин. Буни келажакдаги изланишлар тасдиқласа ажаб эмас. Бироқ ҳозирча қўлимизда бўлган икки-уч шеър ҳам Ғарибниёзнинг истисодли шоир, бахши бўлганлигидан дарак беради.

Шоирнинг қайси миллатга мансуб эканлигини аниқлаш учун уриниб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Негаки, у ўзбек бахшисига шогирд, туркман бахшисига устоз бўлган. Воҳадаги барча халқларга уч тилда дoston куйлаб, баб-баравар хизмат қилган. Бу эса қадимий дўстлигимизнинг яна бир қудратли тимсолидир. Шоирнинг ўзбек тилидаги адабий меросини излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш фойдадан холи эмас.

Эшвой бахши. XIX асрнинг истисодли дostonчиси Эшвой бахши 1839 йили Хоразм вилояти Шовот туманидаги Доричи қишлоғида тутилган. 15-16 ёшларида дoston йўллари бўйича куйларни ўрганиб, кўшиқ айта бошлаган. Илгари яшаб ўтган бахшиларнинг айтишича у шоир, бастакор, хонанда бўлган. Эшвой бахши машҳур созанда бўлганки, халқ унинг фаолияти ҳақида кўнлаб кўшиқлар тўкиган:

Эшвой бахши овозали,
Қибла ёнда дарбозали,
Паловлари кўп мазали
Куйла Эшвой, тилларингдан.

Қарияларнинг эслашига қараганда, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) Эшвой бахшини тўйга таклиф қилган. Бахши отланиб, қўлда дотори билан йўлда бораётганида, Қўшкўпирнинг

Тақир қишлоғига етганида, бир камбағалнинг тўйи устидан чиқиб, ўша ерда тугилиб қолади. Натижада Эшвой бахши хон ғазабига учрайди. Ғазабланган хон бахшини Қалта минорадан ташлаб ўлдиришга ҳукм қилади. Бунни эшитган Хива халқи бахшнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун минора тагига тўшак сомон, ғоли-палосларни тўшайдилар.

У ғоли-палос устига йиқилиб, омон қолади. Бу воқеани эшитган хон Эшвой бахшини ҳузурига чақиртириб, «Менинг ўзим ҳам сенинг ўлимнинг истамаган эдим», - деб уни қўйиб юборади. Бу ҳақда бизга етиб келган тўртликлардан бири:

Эшвой деган доричининг боласи,
Бахшидан айлансин Хива қалъаси
Тагига тўшалди ғоли-палоси,
Тингла, Эшвой жонларинга бандиман.

Бахшнинг қабри Кўҳна Урганҷда жойлашган. Унинг ўғли Ўринбой бахши сифатида танилиб, кўпгина дostonларни қўйлаб келган.

Маълумки Хоразм dostonларининг мусиқа қисми алоҳида-алоҳида мустақил қўйлардан иборат. Бола бахшнинг маълумот беришча улар 72 қўйни ташкил этган. Шулардан бир қисмини Эшвой бахши яратган: Эшвой I, Эшвой II, Туркман Эшвойи, Урганжий, Курд Эшвойи, Фарғона Эшвойи ва бошқалар.

Шовот туманида “Эшвой чўли” деган яланглик бор. Айтишларича, бахши ўша чўлни кесиб ўтишда қўшиқ қўйлар экан. Ёш бахшилар ўша чўлда тунаб қолишса, тушида устоз бахшнинг овози эшитилармиш. Бу ҳодиса уларга Эшвой бахшнинг фотиҳа бериши деб ҳисобланар экан.

Эшвой бахшнинг «Гўрўғли» туркумидаги 16 dostonни ёддан билганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек у «Ошиқ» туркуми dostonларидан ҳам кўпчилигини билган. Эшвой бахши ижоди ва ҳаётини ўрганиш, уни халқимизга етказиш фольклоршунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Тил ва тафаккурнинг тараққиёти инсон маънавиятининг шаклланиши ва тобора ривожланишига йўл очиб берган. Ибтидоий динларнинг пайдо бўлиши маънавият ва маърифатнинг илк нуқталари бўлиб, ибодат қўшиқ қўйлаш ва маросимларни бошлаб берган. Уларни билimli, иқтидорли коҳинлар амалга оширган. Диний тасаввур негизида турли мифология шаклланиб, афсона ва ривоятлар пайдо бўла бошлади.

Бизга маълум бўлган “Авесто” шаклланиб унинг гоҳлари мутахассис коҳинлар томонидан ижро этилган. Улар эзгу гоҳларни ишонтириш усули билан оммага етказишган. Коҳинлар шомонларнинг дастлабки кўринишларидир.

Коҳин ва шомонлар қадимданоқ илоҳий шахслар сифатида тасаввур қилинган. Уларга кўп ҳолларда ақл-идрок, талант тушида ато этилган. Хоразмда тарқалган парихон-тўрхонлар ҳам шомонларнинг бир кўринишидир. Шомонлик эса бахшичилик санъатининг шаклланишида дастлабки босқичлардан ҳисобланади. Соз ва сўз устаси бўлган бахшиларда дастлаб, табиблик, афсунгарлик касблари ҳам синтезлашган.

Ҳатто Эргаш Жуманбулбул ўгли ҳам “қўшночлик” вазифасини бажарган. Алишер Навоий яшаган даврда бахши атамаси котиб, мирзо маъноларида ҳам қўлланган. Бу атаманинг Республиканинг турли ҳудудларида “шоир”, “жиров”, “окин”, “санновчи”, “охун”, “соқи”, “созчи” тарзида қўлланилиши ҳам унинг синкретик маънога эгалиги билан изоҳланади.

Бахши атамасининг келиб чиқишида турли фикрлар мавжуд бўлиб, В.В.Бартольд уни санскритча “бхикшу” сўзидан келиб чиққанлигини таъкидлайди. А.Н.Самойлович ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлайди ва бу сўз негизида “муаллим” маъноси мавжудлигини тасдиқлайди.

Хоразмда ҳам шомон, ўзон, бахши сўзлари ишлатилиб келган ва ҳозирда бахши атамаси кенг оммалашган. Бахшичилик шахсининг илоҳийлаштирилиши уларнинг юксак хотираси ва соз, сўз соҳиби эканлиги билан алоқадордир. Ушбу касб эгаларининг дўмбира жўрлигида дoston куйлашлари X-XI асрлар билан алоқадор деган фикрлар мавжуд. Бизнингча, бу ҳодиса анча қадимий бўлиши ҳам мумкин. Қадимги хоразм қалъаларидаги “Арфачи аёл хонаси”даги расмлар бунга асос бўлиши мумкин.

Хоразмда дастлабки бахши ва бахшилар пири ҳисобланган тарихий шахс (1115-1191) Ошиқ Ойдин (Ошутиддин Умар Сухравардий) бўлиб, у ҳозирда ҳам бахшиларнинг ҳомийси ҳисобланади. Унинг шахси ҳам илоҳийлаштирилган. Тарихий манбаларга кўра Ошиқ Ойдин соз ва сўз устаси ва айни пайтда давлат арбоби бўлган. Мусиқа тўғрисида рисола ҳам битган. Унинг хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида яшаганини ҳисобга олсак, ўша даврларда бахшичилик санъатининг ривожланган даври бўлганлигини англаб олиш мумкин бўлади. Ошиқ Ойдин пирдан

кейин туркий оламда донг таратган ўзон, шомон, бахши Қўрқут отадир.

Ўрта Осиёда битилган “Дўст Султон тарихи”да Қўрқут ота бахшилар пири сифатида тилга олинади. Абулғозий Баҳодирхон уни донишманд вазир деб берса, Рашидиддин асарларида бахши, ўзон сифатида тасвирланади. “Китоби дадам Қўрқут”да у донишманд оқсоқол тарзида намоён бўлади. Бу шахс ҳақида турли афсона ва ривоятлар тарқалган. Уларда Қўрқут ота шомон, ўзон, давлат арбоби, вазир, донишманд сифатида кўзга ташланади. Унинг бахши қиёфасидаги образи ҳамisha ёрқин кўринади. Аммо унинг тарихий прототибини излашга асос топилмаган.

“Қўрқут ота китоби” яратилган даврда Чингиз босқини оқибатида Хоразмда бахшичилик санъати таназзул босқичини бошдан кечираётган эди. Айрим маълумотларга қараганда мазкур китоб ҳам Ўрта Осиёда яратилиб кейин Кавказга кўчган.

Хоразмда бахшичилик санъати XIX асрга келиб яна ривожланиш босқичига қадам қўйди. Хон саройда мақомчилар, машшоқ ва бахшилар сақлаш анъаналарини давом эттирди.

1919 йилда Хивага келган Н.Муравьев хон саройида бахшиларни тинглагани ҳақида ёзиб қолдирган. Унинг ёзишига қараганда хон қароргоҳида жировлар бўлганлиги сезилади. Чунки рус зобитининг ёзишича, бахши қўбиз чалган. У ўз ёзишмаларида “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonи ҳақида айниқса муҳим маълумотларни қайд қилиб ўтган.

Муҳаммад Аминхон даврида санъат янада ривожланиш босқичига қадам қўйди.

1855 йилда тахтга ўтирган Саййид Муҳаммадхон даврида санъатга қизиқиш янада кучайди, хоннинг ўзи ҳам моҳир ғижжакчи бўлган. Ўша даврда Хивага келган Ҳерман Вамберининг “Чигатой тили дарслиги” китобида ушбу давр дostonчилиги хусусида қимматли маълумотлар берилган. Қўнғиротлик Мулла Исҳоқ унга “Бир пайтон” қисса дoston тўплаб берганини ёзиб қолдирган. Мулланинг ўзи ҳам шоир-бахши-қиссахон бўлган. Муҳаммад Раҳимхон —Феруз даврида бахшичилик санъати гуллаб-яшнади. Унинг саройида хос бахшилар фаолият кўрсатди. Шулардан бири Ризо бахши (бежилов) ҳисобланади. Унинг ҳукмронлик йилларида Суяв бахши, Эрнафас бахши, Аваз бола, Нурулла тандир, Жуманазар бахшилар фаолият кўрсатган. Машҳур Қурбонназар Абдуллаев-Бола бахши ҳам ўша даврнинг маҳсулидир.

1908 йилда Хивага келган А.Н.Самойловичнинг тадқиқотларида Хоразм бахшилариининг китобий достонлар куйлаганликларини, дутор, буламон чалганликларини ҳикоя қилади.

Бинобарин XIX аср ва XX аср бошлари Хоразм бахшичилиқ санъатининг энг гуллаган давридир.


“АВАЗХОН” ДОСТОНИ

Авазхон достони “Гўрўғли” достон туркумидаги қисмлардан бири. Авазхон достонида сўз матидан ташқари ўн етти мусиқий номалар бор. Ҳар бир мусиқий нома ўзига хос оҳанга, усулга, ритмик йўналишига ва ладига эга. Номаларнинг лад тузилишини аниқ билган ҳолда ижро этиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун қуйидаги жадвалда номалар ёзилган ладлар ҳақида тушунча берилган. Халқ мусиқа ладлари номи, уларнинг тузилиши диатоник лад асосида кўрсатиб берилган.

Авазхон достонидаги номалар ўз тоналликларига эга. Масалан: “Қирқ минг илғор” номаси- Фа диез миксолидий ладида ёзилган, “Гуландом” номаси эса Си дорий ладида баён этилган.

АВАЗХОН ДОСТОНИДА ИШЛАТИЛГАН КУЙ НОҒМАЛАРИНИНГ ЛАД ТУЗУЛИШИ.

Халқ мусиқа ладлари номлари, тузилиши, уларнинг табиий мажор ва табиий минорга нисбатан ўзгарган поғоналари келтирилган жадвал.



“Қирқ минг илғор” – Фа диез миксолидий (7-поғона пасайтирилган мажор)

“Найларман II” – Ми миксолидий (7-поғона пасайтирилган мажор)

“Найларман III” – Ми дорий (6- поғона кўтарилган минор) ва Ми миксолидий

(7-поғона пасайтирилган мажор) лади элементлари бор.

- “Така нолиш” – Фа диез золий (табий минор), Фа диез дорий (6-поғона кўтарилган минор)
- “Ширвоний ИИ” – Фа диез дорий (6-поғона кўтарилган минор)
- Ширвоний И – До диез золий (табий минор), до диез дорий (6-поғона кўтарилган минор)
- “Така нолиш II” - Ля диез гипофригий (2-5 поғоналари пасайтирилган минор)
- “Шо кўчди” - Си миксолидий (7-поғона пасайтирилган мажор)
- “Мухаммаси бахши Г” – До диез золий (табий минор)
- “Илғор Г” - Фа диез золий (табий минор), Фа диез дорий (6-поғона кўтарилган минор)
- “Гуландом” - Си дорий (6-поғона кўтарилган минор)
- “Раҳм айла” - Фа диез дорий (6-поғона кўтарилган минор)

Қирқ минг илғор




Найларман II




Найларман III



Така нолиш




Ширвоний II




Така нолиш II



Шо кўчди



Мухаммаси бахши I




Илғор I



Гуландом



Раҳм айла



Авазхон достони тарихлари шундан иборат:

Гўрўғли султонни Авазхон деган қизил билак, пўлат юрак ботир
бир ўғли бор ади. Хон Аваз кунлардан бир кун Гўрўғлидан рухсат
сўрайди-ки, қани оға Гўрўғли, қилич, Ғийротинингни, тўрт сардорингни
барсанг, ман Гуржистон вилоятини бориб Хункаршоҳни доҳил атиб
бахтимни сийнаб гўрсам ничик гўрасан, деб айтиб дургон сўзи:


*Қул хўжадан рухсат тилар ор ўлмас,
Бегим сандан рухсатингни тиларман.
Ғуч йиғита ёхти жаҳон тор ўлмас,
Қиличингни Ғиротингни тиларман.*

ТИЛАРМАН

(Қирқ минг илғор)

M.M. = 100





Қул хўжадан рухсат тилар ор ўлмас,
Бегим сандан рухсатингни тиларман.
Ғўч йигита ёхти жаҳон тор ўлмас,
Қиличингни, Ғиротингни тиларман.

Бўлар ўғил тўққизинда бош бўлар,
Ношуд ўғил қирқ ёшинда ёш бўлар,
Қаллалар касилар, гавда лош бўлар,
Шаҳид ўлмак муродимни тиларман.

Бегим, рухсат баргил қассоб ўғлига,
Қилич урсам Хунхоршоҳнинг бўйинига,
Бошим қўйсам улугларнинг йўлига,
Аваз айтув муродимни тиларман.

даб, Аваз сўзини тамом қилганидан кейин, Гўрўғли султон қайтарув беради-ки хон Аваз сан бир нодон йигитсан, ҳар зотни дийварасан, вўр-бўрда манинг қаддим букилса ничик гўрасан дейди. Аммо Гўрўғли оға, айтганини баравар, на бўлса бахт иқболимнан гўравараман дейди. Жавоб барсанг ҳам гетаман, жавоб бармасанг ҳам гетаман дейди.

Гўрўғли султон ўйлаб гўради-ки, бир гўч йигит кўнгли паришон бўлиб, йўла гетса бунинг йўли ҳам бўлмас дейди. Айтган зотларни бариб юборин на бўлса кейининдан дуриб гўрин даб, Гўрўғли қилич Ғийротини, тўрт сардорини, қирқ йигитини бариб Авазни йўлга солиб юборди.

Гўрўғли йигитларининг сардорларидан бирининг отини Сафар кўса дер эдилар¹ У Гўрўғли билан кўп жойларда бирга бўлиб, отиш, чопиш, жанг ҳийлалари, ғаним билан юзма-юз келгандаги жанг сирларини анча яхши билар эди. У Авазнинг қаддан ортиқ шошиб ва жўшиб боришини унча хушламай, Авазга қистанмаслик ҳақида берган маслаҳатини Аваз қабул қилмай, орқарокда судралиб келмоқда эди. Аваз билан йигитларини Хунхоршоҳ қоровуллари ўраб олганда у, ҳалқадан тапқарида қолиб кутулиб қолди. Қоровуллар Аваз билан йигитларини отларидан тушириб тўплаб турганларида Ғирот уларга бош бермай қўлларидан чиқиб Сафар яшириниб ётган жойга борди. Шунда Сафар кўса тезда Ғиротни миниб, бошини Чандибел томонга бурди. Ғиротга икки қамчи урди. Ғирот Чандибелга қараб шамолдай учди. Бунинг кўрган Хунхоршоҳ лашкарлари тезда ўз отларига сувора бўлиб, Сафар кўсани изидан

¹ Бизни дostonларда Сафар маҳрим ҳам дейиладди.

қулаб ўққа тутдилар. Бу ўқлардан бир қанчаси узоқ ўтмай Сафар макрамга дохил этиб ўтди. У етти еридан ярадор бўлиб отдан оғиб тушди. Шунда Ғирот жонивор Сафар маҳрамни ташлаб кета билмай, унинг теваранини чаррос уриб айлана берди. Сафар кўса чандон уриниб кўрди, аммо кўтарилиб Ғиротни устига ўзини олишга қуввати етмади. Шунда жонидан умидини узиб, кўнгли бузилиб, Ғиротга қараб бир сўз деди;

Ғирот, кетар бўлсанг Чандибелларга,

Гурўзлига мендан салом дегайсан.

Кўзда ёшим оқиб, манғзар селларга,

Энди Сафар маҳрам ўлди дегайсан,

ДЕГАЙСАН

(Қирқ минг илғор)





2





де - гай - сан.



Хон-лар А-ваз Ёш-тик ат-ди (сй)
Эо - лим ў - ки си - там эт-ля



шаъ - ни - на шаъ - ни - на (сй) Не сав - до - лар
жо - ни - ма (сй) жо - ни - ма.



тут - ди ма - ни бо - ти - ма (сй) бо - ти - ма.



Данг ду - ши - ма ман - дин сав - лом де - гай - сан (ай) де - гай - сан (ай)



де - гай - сан.



Бош-лаб ва - вал А - ваз - хон - ни (сй) тут - ди - лар (эй) тут - ди лар,
Кў - лин бог - лаб ор - қа - си - на (сй) чат - ди - лар (эй) чат - ди - лар

3



Си - там ай - лаб - (ай) ю - рақ бағ - рим (ай) тил - ди - лар (ай) тил - ди - лар,



Ғўч йи - ги - тинг (ай) жа - фо кўр - ди де - гай - сан (ай) де - гай - сан (ай)



де - гай - сан.



Са-фар мах-рам ай-тар эн-ди ў-лар-ман (эй) ў-лар-ман,
Фигон че-киб бу чўл-лар-да (ей) ко-лар-ман (эй) ко-лар-ман.



Ё-ру дўс-тим гўр-мин ар-мон э-тар-ман (ай) э-тар-ман,



Кўнг-лин-да кўп (ай) ар-мон кол-ди де-гай-сан (ай) де-гай-сан (ай)



де - гай - сан.



Узоқ қолди манинг манзил маконим,
Ҳажр ўтина ёнди бу ширин жоним.
Арзимни эшитса Гўрўглихоним,
Дийдор қиёматга қолди дегайсан.

Аваз ўғлон ёшлиқ этди шаънима,
Золим ўқи ситам этди жонима,
На савдолар тушди манинг бошим,
Данг-душима мандан салом дегайсан,

Бошлаб аввал Авазхонни тутдилар
Қўлин боғлаб орқасина чатдилар,

Ситам айлаб юрак-бағрим тилдилар,
Ғўч йигитнинг жафо кўрди дегайсан.
Сафар маҳрам айтди; энди ўларман,
Фигон тортиб бу чўлларда қоларман,
Ёру дўстим кўрмай армон этарман,
Қўнглингда кўп армон қолди дегайсан.

Бу сўздан сўнг Ғирот Чандибелга қараб елдай учиб, бадар кетди. Кўп замон йўл юриб, Гўрўғлининг қалъасига кириб, Гўрўғлининг дарвозаси оғзида туриб бир оҳ тортиб кишнади. Унинг товуши паризод билан Гўрўғлининг қулоғига даҳшатдай кириб, паризод билан Гўрўғли югуришиб дарвозанинг олдида чиқдилар.

Гўрўғлини кўргач, Ғиротнинг кўзи ёшга тўлиб чаррос уриб Гўрўғлининг теварагини айлана бошлади. Бунни кўрган Гўрўғли йигитлари ва Авазхон банди бўлиб қўлга тушганини аниқ билди. Гўрўғлининг ўн икки минг уйли такали туркмени, йигирма тўрт минг уйли айладили² бор эди. Гўрўғли шуларга жар солдириб: “Қирқ кунлик озигингни тутиб, Гуржистон вилоятига сафарга тайёрланинглар!”,— деб хабар қилди. Ўн икки минг уйли такали туркман кўп бир оғизбирликли³ эл эдилар. Ана шулар уйда неча эркак бўлса, қирқ кунлик озиқ-овқатини ҳозирлаб Гўрўғлининг теварагига жам бўлди.

Гўрўғли султон бир ёққа кетмоқчи бўлганида паризодга бир оғиз кенгаш айлар эди. Паризод дунёда бўлаётган ва бўлажак ишни тирноғига қараб билар эди. Бу сафар ҳам Гўрўғли Юнус парининг олдида кириб сафарга отланганини хабар этиб кенгаш сўради, Анда паризод айтди:

— Эй Гўрўғли, сени бу қўшин тортиб боришинг Хунхоршоҳга етса, у ҳам санга қарши тайёрланиб, шайи шаймон⁴ тортиб қўйса, бу сафаринг катта ташвиш ва ҳалакчиликка айланиб кетар. Шунинг учун шу сафарга тўпланган эл орасидан “Сан дур⁵, ман ураман” деган ботир йигитлардан қирқтасини сайлаб олсанг, уларга қаландар кийимни кийгазиб девона суратида қилиб Хунхоршоҳ шахрина кириб иш кўрсанг, эҳтимол бирор натижа чиқарарсан, бўлмаса қийин бўлар,— деди.

Гўрўғли султон паризоднинг сўзини қабул қилиб шу йигитлан оломон ичиндан йигит сайлаб олмоқчи бўлиб, уруш билан йўлни таъриф айлаб бир сўз айтди:

² Айлади — бахшнинг айтишича, туркман уруғларидан бирининг номи.

³ Оғизбирликли — аҳил.


⁴ Шайи шаймон — ҳозирлик кўриб, катта тайёрлик кўриб.

⁵ Дур — тўхта.

Сафарим бор Гуржистона,
 Бизнинг билан кетган юрсин.
 Номард кирмас бул майдона,
 Мардга бошин қўшган юрсин.

ЮРСИН (Найларман П)

М.М.Ж. - 76





йн-гит - ми ка - во - - - - - ти от - дур (ай)

от - ни сак - ла мок дав - лат - лур (ай)

кас-кыр кн-лич (ха) ё - нар ўт-дур (ай) ох ё-рай

о - - Ыт-га ў-зин(ай) у-ран юр-син

(ай) Ка - рым - сан (ей)


The first staff of music is in G major (one sharp) and 2/4 time. It begins with a treble clef and a key signature of one sharp (F#). The melody consists of the following notes: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (beamed eighth notes), F#4 (quarter), E4 (quarter), D4 (half). After a double bar line, there are two endings. Ending 1 starts with a first ending bracket over B4 (quarter), A4 (quarter), G4 (quarter), F#4 (quarter), E4 (quarter), D4 (half). Ending 2 starts with a second ending bracket over B4 (quarter), A4 (quarter), G4 (quarter), F#4 (quarter), E4 (quarter), D4 (half), followed by a repeat sign and a final G4 (quarter).



Иш-гит бул - са (я) а - сия зот - дан ку - нар ўр - ган -



са ус - тод - дан ха - ха - - (хай)



Душ - ман - ни ағ - - - ла - риб от - дан (хай)



май - дон ич - ра у - ран юр - син (ай) Карим сан (ай)



Душ - ман - ла - ра гал - таг - там дур у - руш - йи ги -



Сафарим бор Гуржистона,
Бизнинг билан кетган юрсин.
Номард кирмас бул майдона,
Мардга бошин қўшган юрсин.

Гўч йигит бўлса ҳой билан,
Ҳам ўқ билан, ҳам ей билан,
Урушганда душман билан.
Йиқилиб чанчан⁶ юрсин.

Йигитнинг қаноти отдир
Отни сақламоқ давлатдир
Қескир қилич ёнар ўтдир
Ўтга ўзин ургон юрсин.

Йигит бўлса асл зотдан,
Хунар ўрганса устоддан.

⁶ Чанчан — сарғиш.

Душманни ағдариб отдан,
Майдон ичра урғон юрсин.

Номардларга келган гамди(р)
Уруш йигитга байрамди(р)
Гүрүтгибек дамба-дамди(р)
Молдан, бошдан кечган юрсин!

Бу йиғилган халойиқнинг ичида ботир йигитлардан кўп эди. Улар Гүрүтлининг бу сўзини эпитиб, унинг атрофига ажралиб чиқдилар. Уларнинг ҳаммалари ҳам бир-биридан тадбиркор йигитлар эдилар. Буларни кўрган Гүрүтлининг вақти хуш бўлиб, улардан қирқисини сайлади, шу қирқига от, яроғ шайлаб бериб, қаландар кийимларини кийгизиб, қўлларига сўта⁷ бериб, девона⁸ суратинда қилиб, кетишга тайёрлагач, паризодига қараб бир сўз айтди:

Боқчаси олтиндан кўшкни айвонлим,
Қамар юзли навжувоним, хўш энди,
Хазинаси тўла, лутфи эҳсонлим,
Шакар сўзли меҳрибоним, хўш энди.

Мая бундан кетарман ҳой билан войда,
Сан мани йўқотиб йиғла саройда,
Омон бўлсак келармиз яна уч ойда,
Қарқараси⁹ зарафшонлим хўш энди.

Ўлди деб эшитсанг, пари ёд айла,
Дуо қилиб арвоҳимни шод айла.
Субҳи шом оллоғга муножат айла,
Хуш қилиқли гулистоним, хўш энди.

Жудолик дардиннан бағрим эзилди,
Умидим риштаси жондин узилди,
Биза бундай ҳақдин буйруқ ёзилди,
Хуш қилиқли ёри жоним, хўш энди.

Олтин тугма, тилло, кумуш камарлим,
Дол бўйинли, оқ юзлари самантим,
Қўш жиғи бошинда бўйни гавҳарлим,
Гүрүтли айтир баҳри коним, хўш энди.

⁷ Сўта — қаландарларнинг ёнига осяб турадиган чўначоқ, қора кийим.

⁸ Девона — Хоразм шевасида гадей.

⁹ Қарқара — хотин-қизлар тақаддиган зеби тийнат.

Бу сўзни эшитгач, паризод Гўрўгли билан ораларига тушаётган жудоликдан ранжиб айтди:

— Эй, Гўрўгли султон, санинг изингда “оға” дейишга ининг, “ота” дейишга зурёдинг йўқ. Қирқ йиғитинг билан ботир ўғлинг Аваз йўқ. Сенинг дўстдан кўп душманинг. Бу шаҳарни кимга топшириб кетасан?— деди.

Гўрўгли бу сўзни эшитгач, зурёдсизлиги қор қилиб, кўнгли паришон, дили вайрон бўлиб, бошини тубан солиб нима қилиши ва дейишини билмай қолди.

Паризод Гўрўглининг хафа бўлганини кўргач, ўзига- ўзи; “Мен нима қилиб кўйдим?! Бир сўз билан Гўрўглини ранжитдим. Бир гўч йиғит кўнгли паришон бўлиб ик¹⁰ йўлга кетса, унинг йўли ҳам бўлмас. Шунинг учун ҳам жудолик ҳасратини ёдимга олиб, айтганимни баён этай, унинг кўнглини овлаб, кўнгил берай”,— деб яна бир сўз айтди:

*Жудолик ҳасрати ёдимга тушиди,
Сансиз энди жаҳонни найлайин,
Бу майдонга кирар вақтинг етишиди,
Жасад ичра хаста жонни найлайин.*

НАЙЛАЙИН

(Найларман III)

М.М. I. = 76



¹⁰ Ик — хавфли, узоқ.



Жу-до- лик хас - ра-ти ё-дмн-га(ей) туш-дн (ей)



сан - сиз ўт - ган ум - ри жон - ни (я)



най- ла - йин (ай) (ох) най - ла - йин



Гуржис-то - на ге-тарвакчинг (о) е-тишди (е)



жа-сад ич - ра хас-тажон-ни (я) най- ла - йини (о)



най - ла - йин жа-сад ич - ра хас - тажон-ни




(я) най - ла - йин (ай) най - ла - йин



Сансиз қо- рои - ги-дур ёх-ти (яй) жа-хо-ним



Рисунок 1





Сансиз қоронгудир ёқти жаҳоним,
Фироқингда ёнар танимда жоним,
Тириклигим сансиз — руҳи равоним,
Сансиз ўтган умр — жонни найлайин.

Сансиз мунда ҳаргиз қиё боқманам,
Қирмиз елак кийиб ҳайдар¹¹ тақманам,
Жиғоларим¹² санчиб уйдан чиқманам,
То жу давлат хону монни найлайин.
Олиб келдинг қала Сангар юртидан,
Ўлар бўлдим жудалиқнинг дардидан,
Кечадирман молу дунё бариннан,
Олтин-қумуш баҳри конни найлайин.

Ога Юнус, ишим оҳу зор бўлсин,

¹¹ Ҳайдар — хотин-қизлар тақдирга эб-эиёнат, қоқил

¹² Жиғоларим — бош кийимга тақдиринг безак.

Рақиблар йўқолсин, дўстинг бор бўлсин.
 Нерда бўлсанг Шоҳимардон ёр бўлсин
 Сан бўлмасанг бу маконни найлайин.



Паризод бу сўзни айтиб тамом қалғач, вақти хуш жавоб берди.
 Гўрўғли йигитларини жамлаб, от устига миндириб, урушга тайёрлаб
 уларни кўнглини кўтариш учун бир сўз айтди:

*Чандибелдан Гуржистонга кўч бўлса,
 Алимга олимман баҳрибозимни¹³,
 Ғўч йигитдан гуччоқ дураб, ғўч бўлса,
 Аҳли жаҳон кўрсин майдон дузумни.*

КЎЧ БЎЛСА



(Така нолиши)

М.М. I = 68



Чан-ди бел-дан Гур-жис-то-на кўч бўл-са (ей) кўч бўл-са
 Кў-лим-га о-лим-ман ба-ри бо-зим-ни (ей) бо-зим-ни

¹³ Баҳрибоз — баҳринбоз — оғ қуши.





Кис ка гал - са от ни бе - ли би-қи - ни (я) би-қи - ни (я)



Ғазаб эт - са ча-кар (эй) Нарнинг ю-ки - ни (ей) ю - ки - ни (ей)


Al tempo



Ғўч йи-гит (эй) ку-тар са-ваш ку-ни-ни (эй) ку-ни - ни



Бирол-ло - ға мая топ - шир-дим ў-зим - ни (ё) ў - зим - ни



ad libitum (усулниз)



(ой) 4. Жо - ним қур - бон ғўч йи - гит - ни гу - ли - на
беш, ўн но - мард тенг - мас мард-нинг би - ри - на



(ой) 5. Ғўр-ўғ - ли ай - тар Чая - ди бел - да ма - ко - ним
ға - ним-нинг йў - ли - да кў - яр - ман жо - ним



Al tempo



Чандибелдан Гуржистонга кўч бўлса,
Алимга олирман баҳрибозимни¹⁴,
Гўч йигитдан гуччоқ дураб, гўч бўлса,
Аҳли жаҳон кўрсин майдон дузумни.

Манинг бирлигимга¹⁵ инонмаганлар,
Душман кўплигина қувонмасинлар,
Ўн минглаб, юз минглаб душман келсинлар,
Саваширман дўндирманам юзимни.

Қисқа келса отнинг бели, биқини,
Ғазаб этсанг чакар нарининг юкини,
Бир гўч йигит кўзлар саваш кунини,
Шу оллога така қилдим ўзимни.

Гўрўгли айтар, Чандибелда маконим,
Ғанимнинг йўлинда қўярман жоним,
Ажал бир неча кун берса омоним,
Олиб Чандибелга келсам Авазни.

¹⁴ Баҳрибоз — баҳринбоз — ов қуши.

¹⁵ Бирлигим — мардливим, ягоналивим мийносиди.

Гүрүгли сўзини тамом этгач, йигитларга бош бўлиб, отланиб йўлга равона бўлди. Бир неча маконларни тай қилиб¹⁶, узоқ йўл юриб Хунхоршоҳнинг чегарасига етди. Ундан ҳам ўтиб, бир чўли майдонни ўрталаб бораверди. Шунда Гүрүглининг кўзи узоқда пайдо бўлган бир чанглов — тўполонга тушди. “Бу нима чанглов экан, ман бундан бир хабар тутай”,— деб Ғиротни суриб олдиндан чиқди, қараса, қирқиси дуторли созанда, бахши, иккиси ясовул эди. Гүрүгли буларнинг қирқисини созанда, иккисини ясовул эканини англагач, ясовуллардан сўради:

— Эй жўралар, бу созандаларни не ерга олиб бораётирсизлар?— деди.

Ясовуллар айтди;

— Сан буларни билмоқчи бўлсанг, чор доғли Чандибелда Гүрүгли деган бир ботир бор экан, унинг Авазхон исмили мард ўгли ҳам бор экан. Шу хон Аваз қирқ йигит билан Хунхоршоҳ деган подшога асир тушди. Шу сабабдан подшоҳнинг катта тўйи бор. Бу созандаларни шу тўйга олиб борурмиз,— деди.

Шунда Гүрүгли айтди:

— Эй жўралар, кўп яхши ишга борар экансизлар. Йўлларингиз бўлсин! Агар бировларингиз дуторингизни берсангизлар, манинг ҳам озма-оз созандачилигим бор эди. Бир неча калима сўз айтиб, соз чалиб берсам қандай бўлар экан? Созимизга сўзимиз, сўзимизга созимиз қўшилса мани ҳам ўзларингизга йўлдош этиб шул тўйга олиб борсангизлар бўлмасми?— деди.

Созандалар айтдилар:

— Эй, жанда кийган қаландар! Сани алипта тўмпай¹⁷ ўрнашмайди, кўлинг худди куракка ўхшаб турибди. Кўлингта бу дуторни берсак ё торини узасан, ё пардасини бежой этасан,— деб Гүрүглини мазах қилиб, кулишиб ўтавердилар.

— Ажабо! Бу зангарлар отимдан, тўнмидан Гүрүгли эканимни англамади,— деб Ғиротни суриб уларни олдида чикиб, тўхтатиб, ўзини танитиб икки калима сўз айтди:

*Қаландарни деманг кезган саҳроий,
Турли ёкут сарробидир қаландар,
Аслим сўрсанг ўзим саллох баччаси,
Золимларни саллохидир, қаландар.*

¹⁶ Тай қилиб — босиб ўтиб, юриб

¹⁷ Тўмпай — туkning ошиги — бекувсан маъносиди.

ҚАЛАНДАР (Ширвоний II)

M.M. J = 86



Қа-лан-дар-ни де-манг гал-ған са-ро-йи (я) са-ро-йи
Ас-лим сұр-санг ұ-зым сал-лох бач-ча-си-(ей) бач-ча-си




эй гал ай са-ро-йи дур-ри ё-кут са-ро-фи-дур Қа-лан-дар (эй)
эй гал ай бач-ча-си зо-лим-лар-нинг сал-ло-хи-дур Қа-лан-дар (эй)




Қа-лан-дар зо-лим-лар-нинг сал-ло-хи-дур Қа-лан-дар (эй) Қа-лан-дар
Қа-лан-дар



(ой) О-тим дў-ним и-ло-хий-дан гал-ған-да





Ма-ни сўр-санг Гур-жис-то - ня гал-ми- шам (эй) гал-ми- шам эй во-ей
Ла-ка-бим-ни ман Қа-лан-дар кўй ми-шам (эй) кўй-ми-шам эй во-ей



гал-ми-шам А-ва-зим-ни зо-лим ла-ра бер ми-шам (эй) бер-ми-шам
кўй-ми-шам Да-ни-ма-санг Гўр-ўг - ли-дур Қа-лан-дар (эй) қа-лан-дар



До-ни-ма-санг Гўр-ўг-ли-дур қа-лан-дар эй



қа-лан-дар О-мон а-до-ймиг-ман эй

Қаландарни деманг кезган сахройи,
Турли ёқут сарробидир қаландар,
Аслим сўрсанг ўзим салюх баччаси,
Золиmlарни саллохидир, қаландар.

Отим, тўним илоҳидан келганди,
Орқамизга пирим панжа урганди
Ҳазрат Али нафас ўғлим деганди,
Танимасанг шер, арслонди(р), қаландар.

Тўққизимда талаб қилдим майдонни,
Ўн ёшимдан гарқ айладим Райҳонни,
Энди сан ҳам ўқи бутун имонни,
Йўқса сани омон қўймас, қаландар.

Мени билсанг, Гуржистонга келмишам,
Авазимни зolimларга бермишам.
Лақамимни¹⁸ ман қаландар қўймишам,
Танимасанг Гўрўглидир, қаландар.

Созанда ва ясовулар Гўрўглининг номини эшитиш билан ҳар қайсиси ҳар томонга қараб, “Турган тутулар, қочган қутулар”, — деб қоча бошладилар. Гўрўгли ясовуларнинг кейинидан етиб, иккисини бир ҳамлада бошини танидан жудо қилди. Сўнг Ғиротни суриб созандаларни кейиндан етди. Уларга қараб:

— Эй жўралар, энди сизлар тўхтанглар, сизларга дегмайман. Ҳаммамиз биз ултагар¹⁹ эканмиз, — деди. Анда созандалар:

— Эҳ, оға, сен бизларни ҳам ясовулар кейиндан борса келмасга юборадиганга ўхшайсан, — деди.

Гўрўгли диловор, хушфеъл йигит эди.

Уларга қараб айтди;

— Қўрқманглар, сизларни иситмаларингизни бойлаб қайтиб тутмайдиган этиб кетаман - деди...

Сўнг тўрт йўлнинг бандаргоҳига бориб, у ерда кечани фароғатда ўтказдилар. Эрталаб ўрнидан туриб тўрт йўлнинг қайси бирисига боришни билмай, гаранг бўлиб турган эди, олдинда бир оқсоқол бува ҳозир бўлди. Бобони кўриб ундан йўл сўради. Шунда бобо Гўрўглига ўзини танитиб бир сўз деди;

Болам, айланма бу ерда,

Авазхонни кўриб келдим.

Қирқ йигитинг ёвуз қунда,



Ғариб ҳолин сўриб келдим.

¹⁸ Лақамим — лақабини.

¹⁹ Ултагар — ухфат, кесбдош.


ГҶРИБ ГАЛДИМ (Ширвоний I)

М.М.А = 110





Пир-лар А-ваз(эй)хон ус-тин-да (эй) дур-гон-ла-рин(эй) гў-риб гал-дим
Душ-ман-лар-да (ей)таш-на кол-миш(эй) ко-са суз-лар(эй) ба-риб гал-дим




гў-риб гал-дим
ба-риб гал-дим




(Хой)




Қирқин-ги-тинг(эй) бў-либ ҳай-рон(эй) ба-риб би-ён(эй) кў-зи-яр-ён(эй)




А-ваз-нинг(эй) бан-ди-зин-дон(эй) бўл-ган-ла-рин(эй) гў-риб гал-дим



гў-риб гал-дим





уй-дим бун-да (ей) Қирқчил-тан-ни (эй) о-ра-син-да (эй) Ил-ёс пи-ринг (эй)



Болам, айланма²⁰ бу ерда,
Авазхонни кўриб келдим.
Қирқ йигитинг ёвуз кунда,
Ғариб ҳолин сўриб келдим.

Қирқ йигитинг банди бўлмиш,
Авазхонинг асир бўлмиш,
Ғанимларда ташна қолмиш,
Коса сувлар бериб келдим.

Авазхонинг бўлиб ҳайрон,
Бағри бирён, кўзи гирён,
Қирқ йигитинг банди зиндон,
Бўлганларин кўриб келдим...

Мўйсафид сўзини тамомлаб тўрт йўлнинг бирисини кўрсатиб,
“Мана шу йўлдан борсанг Гуржистоннинг орқа дарвозасидан дохил
бўласан”, — деб кўздан ғойиб бўлди.

Гўрўғли йигитлари билан бирга отланиб чанг ичина қоришиб, от
чопишиб, Гуржистон шаҳрининг орқа дарвозасидан кириб борди.

²⁰ Айланма — кечикма, тўхталма.

Эндиги сўзни дарвозабонлардан сўранг. Улар йўл қарашиб турган эдилар. Гўрўгли одамлари билан от чопишиб боришларини дарвозабонлар кўриб, қувонишиб севинишиб “Баракалло, ана холос, роса тўйни вақтинда етиб келди”,— деб сувориларнинг олдига югуришиб чиқдилар. Шунда Гўрўгли султон йигитлари билан қалъанинг дарвозасига яқин келиб қолгач, дарвозабонлар син солиб қарасалар, қаландар кийимидаги бу йигитлар ботир

зотиға манғзаб кўриндилар. Дарвозабонлар ичинда улли шивирди²¹ пайдо бўлди.

— Эй, булар созанда эмас, бошқа одамлар-ку,— деб саросимаға туша бошладилар. Анда дарвозабонлардан бири,

— Буларнинг ким эканларини ўзларидан сўраб билиш керак, ундан сўнг қалъаға киритмоқ лозим,— деди. Сўнг улардан бири қаландарларға яқинроқ келиб:

— Эй, жўралар, сизлар қаердан келаётирсизлар?— деди. Анда Гўрўгли жавоб берди,

— Сан бизлар билан танишмоқчи бўлсанг бизлар усмонидан бўламиз,— деди.

Шунда дарвозабонлар;

— Ундай бўлса узоқ ердан чиққан экансизлар, йўлда икки ясовул билан қирқ созандани кўрдингизми?— деди.

Гўрўгли айтди;

— Ўзини кўрмадик, лекин улардан хабар олмоқчи бўлсанг уларнинг жони шу вақтларда жаҳаннам бозорида исванд²² донаси сотиб юрган бўлса ажаб эмас.

Анда дарвозабонлар;

— Эй, жўра, санинг бу сўзинг дўст гапими, душман гапими?— деди.

Гўрўгли дарвозабонларнинг бошқа сўзига жавоб бермасдан босиб, янчиб қалъадан ичона²³ кириб кетаверди.

Эндиги сўзни Хунхоршоҳ подшоҳдан эшитинг; Гўрўглини босиб кирганини кўрган дарвозабонлар тездан подшоҳға бориб таъзим этиб айтдилар;

— Юртингизға қирқ отли келиб босиб, янчиб қалъаға кириб кетди, мабодо бир гап бўлса “мандан бўлди, сандан бўлди” деган гап бўлмасин. Шунда подшоҳнинг ичина улли ғиммилди²⁴ кириб кетаверди.

²¹ Улли шивирди — безовталик, пичир-пичир.

²² Исванд — исхрик.

²³ Ичона — ичкарига.

²⁴ Ғиммилди — безовталик.

Подшоҳ ёнидаги одамларини чақириб;

— Эй, йигитлар! Шаҳар ичига чиқиб қаерда танилмаган, кўрилмаган одамлар учраса олдимга олиб келинг, у одам аввал бизга қимлигини билдириб, сўнг шаҳар айланса майли,— деди.

Подшоҳ одамлари шаҳарга чиқиб, тўрт томонга югуриб қидириб юрган эдилар, шу пайтда Гўрўгли ҳам шаҳарни кезиб қайта туриб, бир бандаргоҳда отлари билан турган эди. Подшоҳ одамлари шу ерда уни учратиб, ўраб олиб, йигитлари билан подшоҳ олдига олиб кирди. Подшоҳ узоқдан қараб кўрса, бир тўда жанда кийиб, сўта кўтарган қаландарлар. Уларни меҳмон сезиб, подшоҳ бир четдан ўрин бериб сўз сўрамоққа бошлади:

— Қани, меҳмон йигитлар, сизлар қаердан чиқиб, қаерга борасизлар? Сизлар ким бўласизлар ва не мақсадда юрибсизлар?

Шунда Гўрўгли кўп жойлардан мисол келтириб жавоб бера бошлади:

— Тақсир, сизни чақиртириб олганлигингиз бизлар учун катта бир қулайлик бўлди. Чунки бизлар айём хизматингизга келиб қолган бўлар эдик. Дарвозабонларингиз бизларга нобонлик ва кўпол муомала қилиб, дарвозада бизни кўп вақт бекор ушлаб илқитди²⁵. Шундан сўнг бизлар уларга зўрлик қилиб шаҳрингизга кирдик. Энди аслимизни сўрасангиз, аслимиз усмонли хўжа, касби қоримиз — қаландарлик. Йўл урина²⁶ яқинроқ шаҳарларга кириб, ризқимизни чўтлаб бораётган бир девона йигитлармиз,— деди.

Подшоҳ Гўрўглидан бул сўзни эшитиб; “Ундай бўлса сизлар бир аслзода одамлар экансиз. Сизларни бундай одамлар эканлигини дарвозабонлар билмаган, агар билсалар ўзлари олиб келиб бу ерга ўтқазиб кетган бўлар эди. Бизда “танчмасни сийламас” деган қадимдан қолган бир сўз бор. Шунинг учун уларнинг сўзини алаштирманг”²⁷,— деди.

“Аслимиз аслзода”, “ниятимиз ҳазрати каъба” деган сўзни эшитган подшоҳ ниҳоятда хушвақт бўлиб, очилишиб “чой олиб кел, чилим олиб кел” билан бўлаверди. Сўнг Гўрўглига қараб:

— Эй, меҳмон йигитлар! Сизлар билан сўзлашадиган яна бир сўзимиз бор экан,— деди.— Биз Усмонли деган жойни узоқ юрт деб биламиз. Унинг Чандибел вилоятига яқинлиги борми?— деди.

Анда Гўрўгли айтди:

²⁵ Илқитди — кечиктирди.

²⁶ Йўл урина — йўл-йўлаккай.

²⁷ Алаштирмак — айбга санмак.

— У қадар узоқ эмас, юқорили-туманли²⁸ тутошиғли элатлар. Уларнинг ўртасида бошқа юрт йўқ,— деди.

Анда подшоҳ айтди:

— Шул Чандибел вилоятида Гўрўғли деган бир ботир бор эмиш. Шу турган йигитларнинг ичинда уни кўрган ёки билган киши борми?— деди.

Гўрўғли айтди:

— Таксир, шу сиз айтган Гўрўғлини йигитлар билмайдилар, лекин ман яхши биламан. Чунки, ман Гўрўғли билан мактабда бирга ўқишган тенг-туш жўраман. У билан от чопишиб, кураш тушиб ўсганман.

Подшоҳ бу сўзни эшитиб, ранги ўчиб, туси қочиб кетаверди. Яна ҳам тусини ўчириб:

— Эй, меҳмон йигит!— Унинг ёнидаги Авазхон деган ўғлини ҳам танирмисан?— деди.

Гўрўғли подшоҳнинг рангидан англаб, гапни чалкаштириб:

— Йўқ таксир, ман унинг Авазхон деган ўғлидан беҳабарман,— деди.

Шунда подшоҳ ғазабга миниб:

— Сан у билан ҳаммактаб, ҳам элат бўлиб бирга ўсган бўлсанг, унинг ўғли борлигини нечук билмайсан?!— деди.

Гўрўғли жавоб берди:

— Таксир, ҳали ман гапимни тутатмадим. Биз Гўрўғли билан тенг-туш жўра бўлиб, бир қанча вақтлар бирга бўлгандан сўнг икковларимизнинг орамизда шахсиятчилик пайдо бўлиб, биз Гўрўғлидан ажралиб чиқиб кетганмиз. Кейинги вақтда Гўрўғлининг қўшинида қизил билак, ботир юрак Авазхон деган бир ўғил дурапти деб эл-элатдан отини эшитаман,— деди.

Меҳмонни “Гўрўғли билан адоватим” бор деган сўзини эшитгач, подшоҳнинг кўнгли очилиб, Гўрўғли билан яқинлашиб сўзлашмак билан бўлаверди, Яна меҳмонларга юзланиб:

— Эй, меҳмон йигитлар, эртага бизнинг катта тўйимиз бор шу тўйда бирга бўлиб, насибаларингизни олиб кетсангиз қандай бўлар экан?!— деди.

Гўрўғли бу сўзни эшитиб, ўрнидан туриб подшоҳга қулиқ этди ва деди:

— Эй, таксир олам, биз бундай тўйни ҳали ҳеч ерда кўрганимиз йўқ эди. Сизнинг баҳонангизда агар уни кўриш насиб этса, жуда хурсанд бўлар эдик.

²⁸ Юқорили-туманли—боши-оёғи, нари-бериси.

Анда подшоҳ айтди;

— Ахир, тўйингиз нима деб ҳам сўрамайсиз. Ҳозир мен қандай тўй эканини сўзлаб бераман,— деди. Гўрўғли уни қандай тўй эканини билса ҳам билмаганга ўхшаб:

Қани, эшитайлик, у қандай тўй?— деди

Анда подшо айтди:

— Сен билган Гўрўғлининг ботир ўғли Аваз бошлиқ қирқ йигити бизга банди бўлган. Эртага биз унинг ана шу севиқли ўғлининг бошини дорга чекиб, элга тўй берамиз,— деди. Сан Авазни кўрмадим, билмадим дединг. Мани изимга туш, кўрмаган бўлсанг уни санга бир кўрсатайин у қандай ботир экан,— деди.

Гўрўғли подшодан бу сўзни эшитиб, сакраб еридан турди. Подшоҳ ўз маҳрамларининг яқинларидан олиб, Гўрўғлини эргаштириб тўйхонага борди. Қалъанинг ўртасида тўй бўлиб турган катта тўйхонага кириб бордилар- Қараса, чор тарафдан халқ йиғилган, ўрта ерга бейиқ²⁹ дор тикилган. Гўрўғлининг ботир ўғли Аваз дор тегинда, занжир остида боғланиб қўйилибди. Гўрўғли борганидан беҳабар, бир кўзи тоғда, бир кўзи чор тарафда қафасдаги булбулдек зорланиб, зейнланиб Гўрўғлини ёд қилиб бир сўз айтиб турибди:

*Гофилликда тушди савдо бошим,
Олло, манинг хавандорим³⁰ келмади,
Шоҳ амр этиб буюрибдир ўлимга,
Оға-иним, дўсти ёрим келмади.*

²⁹ Бейиқ- баланд, "буюк" сўзининг бузилгани.

³⁰ Хавандорим – меҳрибоним, хабар олгувачим.

ГАЛМАДИ (Така нолиш II)

М.М. ♩ = 100



Го-фил - лик-да (ей) туш-ди (ей) сав-до (бу - ей) бо-ши - ма,



Ол-ло, ма-нинг ха-ван - до-рим (вай - я - на - ей) кел-ма - ди,



Шоҳ а-мр э-тиб бу-ю-риб-дир (вой я - на ей) ў-лим - га,



О - га - и - ним, дўс-ти ё-рим (эй) (вой - я - на ей) кел-ма - ди,



Бу хо - лим-ни (ей) Гўр-ўт - ли бек (вой я - на ей) кўр-ма - ди,



Ма-нинг у - чун (эй) ши-рин жо-нин (эй) (вой я - на - ей) бер-ма - ди,



Қирк йи - ги-тим бош-лаб тиг-га (вой я - на ей) ур - ма - ди,



Гүр-үт - ли-бек ма-нинг о - гам (эй) (вой-я - на ей) кел-ма - ди,



Той-мас бе-гим (эй) бал-ли Рус-там (вой я - на ей) бул-ма - ди,



Да-ли мех-тар (эй) Ҳам-дам ва-зир (эй) (вой я - на ей) кел-ма - ди,



Са-фар о - гам ман-дан ха-бар (вой я - на ей) ол - ма - ди,



Дув ти - лаш-ган тўрт ай - ё-рим (эй) (вой-я - на ей) кел-ма - ди,



о - Жал-лод - лар-нинг та-но - би-дир (вой я - на ей) ус-тим - да,

Зо-лим ма-ни ўл-дир - мак-ти (ей) (вой я - на ей) кас-тин - да.

Бе - чо - ра бў - либ-ман дор-нинг (вой я - на ей) ос-тин - да,

Йўл бош - ла-ган тўрт сар - до-рим (эй) (вой-я - на ей) кал-ма - ди,

Жал-лод - лар жам бў-либ о - сар - лар (эй) до - ра,

Бу дор-нинг ос - тин-да (во-хй) бўл-дим (ай) бе - чо - ра



Ғофилликда тушди савдо бошида,
Олло, манинг хавандорим³¹ келмади,
Шоҳ амр этиб бужорибдир ўлимга,
Оға-иним, дўсти ёрим келмади.

Бу ҳолимни Гўрўглибек кўрмади,
Манинг учун ширин жонин бермади,
Қирқ йигитим бошлаб тигта урмади,
Гўрўглибек, манинг оғам келмади.

Таймас бегим балли Рустам бўлмади,
Дали Меҳтар, Ҳамдам вазир келмади,
Сафар оғам мандая хабар олмади,
Дув³² тилашган тўрт айёрим келмади.

Жаллодларнинг танобидир устимда,
Золим мани ўлдирмакни қастинда.
Бечора бўлибман дорнинг остинда,
Йўл бошлаган тўрт сардорим келмади.

Жаллодлар жам бўлиб осарлар дора,
Бу дорнинг остинда бўлдим бечора,
Хон Аваз ҳам ёлваради бир бора,
Гўрўглибек, манинг оғам келмади.

Шунда подшоҳ Гўрўғлига ишора қилиб айтди:

³¹ *Хавандорим* — меҳрибоним, хабар олгувчим.

³² *Дув* — ошад.

Ана шу мунгайиб ашула айтиб “отдан тушса ҳам узангидан тушмай” дор тегинда турган йигит Гўрўглининг ўгли Аваз бўлади, кўрмаган бўлсанг, кўриб ол,— деди. Анда Гўрўгли:

—Кўриб турибман, одамнинг кўзи қийиб ўлдирғидай йигит эмас экан. Сиз бир катта подшоҳ экансиз-у, бу бир ёш ботир экан. Бундай ботирлардан сизнинг ёнингизда беши-ўни кўплик этадими, тақсир, ё Аваз ўлган билан ер тўядими? Албатта Аваз ўлган билан ер тўймас, қайтиб онаси Авазни тугмас,— деди.

Анда подшоҳ айтди:

— Эй, қаландар, сенинг бу сўзларинг манинг ҳам фикримда бор эди. Аваз асир тушиб келганда шул сўзингни Авазга тушунтириб: “Эй, Аваз, сан бир ёш ботир экансан, тегинга от, эгингга яроғ берсак, ёнингга лашкар қўшсак бизга хизмат этармисан?—деганда бизга: “Отингга тош, тупроқ, эй золим! Ўлсам ҳам санга ва санга ўхшаганларга хизмат қилмасман!—деди. Шунинг учун ҳам бунга ана шундай жазони лойиқ кўрдим,— деди.

Анда Гўрўгли айтди:


— Тақсир, рухсат этсангиз сизни мақсад ва “марҳаматингиз”ни тушунтириб Авазнинг ёнига бориб бир-икки оғиз сўзлашсам бўлмасми?— деди.

Подшоҳ розилик берди. Гўрўгли Авазнинг ёнига бориб, унинг атрофини парвонадек, айлана берди. Аваз Гўрўглини таний билмади. Шунда Гўрўгли Авазга кўнгил бериб, икки оғиз сўз айтди:


*Ғариб булбул, бекас булбул,
Сан анда йиғла, ман бунда.
Ғариблиққа тушган булбул,
Сан анда йиғла, ман бунда.*

(Шо кӱчди)

The first system of the musical score for 'The Rose Tree' consists of two staves. The top staff is in treble clef with a key signature of two sharps (F# and C#) and a 3/8 time signature. It contains a melody of eighth and sixteenth notes. The bottom staff is in bass clef and contains a bass line with eighth and sixteenth notes. The system concludes with a double bar line.



185



Рав-шанай-турхонА - ва-зим сўл-дир ма бог-чада гу-лим гулю-зинг-га туш-ди



ғўз-зим санон-да йиғ-ламан бун-да санон-да йиғ-ламан бун-да(ей)



Ғариб булбул, бекас булбул,
Сан анда йиғла, ман бунда.
Ғариблиққа тушган булбул,
Сан анда йиғла, ман бунда.

Ҳар кимдан кўрган койишинг,
Оқизма кўзингдан ёшинг,
Хаста кўнгилли сирдошим,
Сан анда йиғла, ман бунда.

Ғариб булбул бахти қаро,
Сан анда йиғла, ман мунда,
Сани остирмасман дорға,
Сан анда йиғла, ман мунда.

Равшан айтар, хон Авазим,
Сан юракда қувноқ созим,
Гул юзингга тундди кўзим,

Сан анда йигла, ман бунда.

Гўрўгли сўзини тамом қилгач, Авазхон тарс³³ қараб йигламоқ билан бўлаверди.

Анда Гўрўгли; “Аваз мани на ўзимдан, на гапи сўзимдан танимади. Энди йигитларимни олиб келиб бунинг назаридан ўтайин, шояд бирини танимаса, бирини танигай,— деб йигитларини олиб келиб майдон ичра кириб, Авазнинг чор тарафини қуршаб олиб тураверди. Аваз қайси томонга қараса Гўрўглининг йигитларини кўрди. Шунда кўз ёшини сийириб³⁴ деш-теварагига йитги-йитги³⁵ қарамоқ билан бўлаверди. Сал вақт ўтмасдан Аваз булардан сўз сўрай бошлади:

— Эй йигитлар! Сизлар бу шаҳарнинг одамига ўхшамайсизлар, қайдан бўласизлар?— деди.

Анда Гўрўгли Авазнинг ёнига яқин бориб:

— Сан бизлар билан танишмоқчи бўлсанг —бизлар Усмонлидан келганмиз, Усмонли Чандибелнинг анприёғи бўлади,— деди.

Аваз бу-сўзни эшитиб Гўрўглига йитги-йитги, тез-тез қарай бошлаб, Чандибелнинг аҳволлари, йигитларининг аҳволларидан сўрай бошлади.

— Эй оға, сан Усмонлидан бўлсанг у Чандибелдан унча узоқ эмас. Чандибелда манинг Гўрўгли исмли отам бор эди. Сизларнинг бирдан-бирингиз уни билмасмисиз?

Анда Гўрўгли айтди;

— Бу йигитлар Гўрўглини танимасалар керак, аммо ман яхши танийман ва биладан. Манинг бишишимнинг сабаби у билан мактабда бирга ўқишган, бир такага бош қўйишган, кураш тушиб от чопишган тенг-туш жўраман,— деди.

Анда Аваз: “Бу сўзинга ишонмасман, чунки ман банди зиндон бўлганим учун ҳар кун неча одам мани турли гаплар билан мазах қилиб ўйнаб кетади. Сан ҳам шулардан бири бўлсанг керак”,— деди. “Шунинг учун ман санга тўрт оғиз савол қиламан, агар шунга жавоб бера билсанг, сани ким эканлигингни ўзим билиб оламан”,— деди.

Гўрўгли; “Нани сўрасанг сўра, ман санга жавоб берайин”,— деб қулоқ солиб турди.

Аваз;

— Сан Гўрўгли билан жўра бўлсанг, ҳозир Гўрўгли нима ишларга машғул, буни айтиб бер: Қўхна йигитлардан ёнинда кимлар бор,

³³ Тарс — тескари.

³⁴ Сийириб — артиб.

³⁵ Йитги — тикилиб.

кимлар йўқ, бунга жавоб бер. Гўрўглининг ўзи шу кун қай ерда юрибди, бунга жавоб бер.

Гўрўгли Аваздан бу сўзни эшитиб, хаёлга кетди:

— Агар бу саволларга жавоб берсам Аваз мени таниб олиб, сиримни подшоҳга ошкор қилиб, меҳнатларимни зоега чиқарар. Шунинг учун ман гапни бошқа томонга айлантириб юборайин. Аваз яна бир оз вақт мени танимай тургани маъқул,— деди ва Авазга қараб:

—Эй хон ўғил, сан Гўрўглидан хабар тутмоқчи бўлсанг Гўрўглининг қирқ йигити ёнида, ботир ўғли Авазхон ёнида, олган ерини олиб, на бир катта подшоҳларга чоповул солиб, шароб ичиб ҳаз³⁶ дарёсига ғарқ бўлиб юрибди,— деб гап берди.

Анда Аваз айтди:

— Сенинг гапларинг ёлғон ва мени ўйнаётирсан демаганми эдим. Сен Гўрўгли билан жўра бўлмоқ тугул³⁷ унинг билан бозорга ҳам йўлдош бўлмагансан. Гўрўгли дейсан, Аваз дейсан-у, нега мени танимайсан? Сан айтган Гўрўглининг ботир ўғли Аваз ман бўламан,— деди ва Гўрўглига қараб икки калима сўз айтди;

*Сад ҳазор армон билан, айланди нозик қўлларим.
Борсангиз мандан салом, Гўрўглига қаландарим.
Сўзламакдин лол бўлибдир, шаҳди шакар тилларим,
Борсангиз мандан салом, Гўрўглига қаландарим.*



³⁶ Ҳаз — маза, хайф қилиб.

³⁷ Тугул — нари турсин, татарча „тугул“ эмас мияносиди.

ҚАЛАНДАР ИМ

(Мухаммаси бахши I)

M.M. ♩ = 96



Сад ха-зор ар-мон би-лан бой-лан-ди но - зик қўл-ла рим



бор-санг-гиз Гўр-ўғ-ли-ға мандин са-лом Ка-лан-да-рим сўз-ла-мок -



дин пол бў-либ - дур шах-ди шак - кар тил-ла-рим бор-санг-гиз Гўр-ўғ-ли-ға



мандин са-лом Ка-лан-да-рим бор-санг-гиз Гўр-ўғ-ли-ға




ман - дин са-лом Ка - лан-да-рим



Юрт-у-чуи ур-дим ки-лич бўл-димги-риф - то - ри би-ло



Хөч му-сил - мон бүл-ма-гай душ-ман кў-лин - да муб-та - ло



Бор-санг-гиз ай-та бо-ринг ман-дин я-ча бўл син-ри-зо


бор-санг-гиз



Гўр - ўг - ли - га ман - дин са - лом Қа - лан - ди - рым




бор-санг-гиз Гўр - ўг - ли - га ман-дин са-лом Қа - лан-ди-рым



Бир ха-зон бо-ди би-лан ул гул-шанин сўл - ди дей-гўр



Бир Хун-хор хук-ми би-лан так-ди-ри шул бўл-ди дей-гўр



Дўс-ту ёр - лар сў-ра-са ким хон А-ваз ўл-ди дей гўр бор-сангиз Гўр-ўг-ли-га

ман - дин са-лом Қа - лан-да-рим бор-сангиз

Гўр - ўг - ли - га ман - дин са - лом Қа - лан - да - рим

Минигу-лим - дан бир гу-лим о - чил-майўт - дим во-да-риг

бог а - ро бир сар-ан со - я сол-майўт - дим во-да-риг

Гул ё-рим - нинг ой жа-мо - лин кўр-май ўт - дим во - да - риг

бор-сангиз Гўр-ўг-ли-га ман-дин-са-лом Қа-лан-да-рим



борсангиз Гўр-ўғ-ли-ға ман-дин са-лом Ка-лан-да-рим

Сад ҳазор армон билан бойланди нозик қўлларим.
Борсангиз мандан салом Гўрўғлига қаландарим.
Сўзламакдин лол бўлибдир шахди шакар тилларим,
Борсангиз мандан салом Гўрўғлига қаландарим.

Юрт учун урдим қилич бўлдим гирифтори бало,
Ҳеч бир киши бўлмасин душман элига мубтало.
Борсангиз айта боринг мандин яна бўлсин ризо,
Борсангиз мандан салом Гўрўғлига қаландарим.

Минг гулимдан бир гулим очилмайин ўтдим водариг,
Боғ аро бир сарви соя солмай ўтдим водариг.
Гул ёримни ман жамолин кўрмай ўтдим водариг,
Борсангиз гул ёрима мандан салом қаландарим.

Ҳеч киши мандек балойи доғи ҳижрон бўлмасин,
Зор йиғлаб термилибон ёри анда қолмасин.
Борсангиз айта боринг ёримни ётга бермасин,
Борсангиз мандан салом Гўрўғлига қаландарим.

Бу ҳазон боди билан ул гулшанни сўлди дегин,
Бир хунхор ҳукми билан тақдири шул бўлди дегин.
Дўсти ёрлар сўраса, ким Хон Аваз ўлди дегин,
Борсангиз мандан салом дўсти ёрима қаландарим.

Аваз сўзини тамомлаб кўнгли бузилиб, эл-юрти, Гўрўғли қиблагҳо, паризод онаси ёдина тушиб, айролик ўти аланга олиб, юзини четга буриб ҳўнграб йиғлай бошлади.

Буни кўрган Гўрўғлининг шундай қаҳри келдики, унинг баданидаги ҳар бир тук бигиздек тикланиб тўнини тепиб чиқди ва

Авазга яна бир-икки оғиз сўз айтиб тасалли бериш ва ўзини қисман танитиб, уни тинчитишга қарор бериб, яна икки калима сўз айтди:

Ғўч йигит бошига иш тушар,
Йигламағил хонлар Аваз,
Сардорларни ақли чошар,
Йигламағил, боллар³⁸ Аваз.

ХОҲЛАР АВАЗ (Илғор I)

М.М. ♩ = 140



Ғўч йи-гит бо - ши-ға иш ту-шар Йиг-ла-ма-гил хон-лар А - ваз



Сар-дор-лар-ни ак - ли чо-шар йиг - ла - ма-ғил бол-лар А - ваз



йиг-ла - ма -ғил бол-лар А - ваз



Кен-га-шол - ма -динг ая - вал-да

³⁸ Боллар - асслар

хон-лар А-ваз

(хой)

Мангал-диммай - дон и - чин - нан куш-лар у - чир - мам ус - тинг-нан

Манбу зо-лим - лар қас - дин - да лош ай - лар-ман хон-лар А - ваз

Бусирҳам-ма - дан пинҳон-ди йиг-ла-ма ё - ринго - мон-ди Аввал-ти о -



Ғўч йигит бошига иш тушар,
Йигламагил хонлар Аваз,
Сардорларни ақли чошар,
Йигламагил, боллар³⁹ Аваз.

Кенгаш олмадинг аввалда,
Сухбат сурмаслар чўлларда,
Бир ғўч йигит мунграйганда,
Хўстор⁴⁰ керак хонлар Аваз.

Мая келдим майдон ичиндан,
Қалхат учирмам устингдан,
Мая бу золимлар жисмидан,
Лош айларман хонлар Аваз.

Бу сир ҳаммадан пинхонди(р)
Йиглама, ёринг омонди(р),
Аввалги отим Равшанди(р),
Танидингми хонлар Аваз?

Гўрўглининг сўзларини диққат-эътибор билан тинглаб турган Аваз сўз тамом бўлгач, Хунхор подшоҳининг хузурига яқинлашиб қахқаҳа уриб кулиб юборди. Анда подшоҳ айтди:

— Эй Аваз, сани ўлим олдида бундай қахқаҳа уриб кулишингнинг сабаби нимада? Ахир, шу кунгача на кулиб, на ўйнамаган эдинг, Мабодо менинг қаҳрим кор этиб, ё усмонлининг сўзи таъсир этиб

³⁹ Боллар - асаллар

⁴⁰ Хўстор - тамхўр.

манга қулук (хизмат) этишга майл этган бўлсанг, қонинг ноҳақ тўкилмасдан бурун очикроқ айт, қатлини тўхтатиб, эл-юртни ҳақиқий тўйга таклиф этайлик,— деди.

Анда Аваз яна қаҳрга миниб айтди:

— Эй зангар золим! Сан ҳали мани тушунмабсан-да, ман санга бошда “Отингга тош, тупроқ” деганим ёдингдан чиқдимми? Мен ўлсам ҳам сендай золим ва қонхўрларга хизмат этмай ўламан!

Анда подшоҳ Гўрўғлига;

— Эй қаландар! Сен кўришинг билан Авазни ҳимоячисига айланган эдинг. Энди унинг сўзларини ўз қулоқинг билан эшитиб, бизнинг қатлимиз ўринли эканига ишонгандирсан,— деди.

Гўрўғли айтди;

— Орий эшитмоқдаман.

Подшоҳ айтди:

— Эшитган бўлсанг Авазга ўлим жазоси айнаи муддаодир, бунинг учун кўп куйиб-пишма. “Гўрўғлини биладан, бирга соз айтишиб, кураш тушиб юрар эдик”,— деган эдинг. Яхписи унинг чаладиган созларидан бир давр соз қилиб, сўзларидан айтиб бер. Ўғли Аваз эшитиб отасини кўргандай бўлиб ўлсин,— деди.

Шунда Гўрўғлига бу гап маъқул тушиб, подшоҳга қараб бир сўз айтди:

Тонгла сабо ўрта майдон кирманам,

Қайси яхши, қайси ёмон билмасман.

Майдон ичра қизил қонлар тўкманам,

Қайси дўстинг, қайси душман билмасман.

БИЛМАСМАН

(Гуландом)

М.М. ♩ = 140



Тонг-ла са-бо ўр-та май-дон гир-ма-нам Қай-си ях-ши,
Май-дон ич-ра ки-зил қон-лар тўх-ма-нам Қай-си дўс-тинг,



қай-си ё - мон бил-мас-ман
қай-си душ-ман



Наъ-ра тор-тиб май-дон ич-ра гир-ган-да
Ға-заб би-лан қас-қир ки-лич кес-ган-да

Гўч йи-тиг-лар майдон ич-ра дур ган - да, Хо-нинг на-дир, бе-гим на-дир

бил-мас-ман

Тонг-ла са-бо ўр-та майдон ги - ри - лур Ав-вал бош-лаб са-ни кал-ланг

у - зи - лур Сев-ти-ли-бек - ларинг шўр-да ки - ри - лур Хо-нинг на-дир,

бе-гинг на-дир бил-мас-ман

Рав-шанай-тар ет-ти вақ-тинг сан зо - лым



Тонгла сабо ўрта майдон кирманам,
 Қайси яхши, қайси ёмон билмасман.
 Майдон ичра қизил қонлар тўкманам,
 Қайси дўстинг, қайси душман билмасман.

Наъра тортиб майдон ичра кирганда,
 Ғазаб билан кескир қилич чалганда⁴¹
 Ғўч йигитлар майдон ичра турганда,
 Хонинг надир, бегинг надир билмасман.

Тонгла сабо ўрта майдон кирилар,
 Ғўч йигитлар майдон ичра тўпилар⁴²,
 Чор тарафдин бедов отлар сурилар,
 Тўранг надир, бегинг надир билмасман.

Равшан айтар етти вақтинг—сан золим,
 Вайрон бўлиб қолар тахтинг—золим.

⁴¹ Чалганда — кесганда.

⁴² Тўпилар — китилар, тишлар.

Авазхонга налар дединг—сан золим,

Гапинг надир, сўзинг надир билмасман.

Подшоҳ созни диққат билан тинглаган бўлса ҳам сўзнинг маъносига ета билмас эди. Гўрўғлининг турк тилида айтган сўзлари унга сира ҳам тушуниксиз бўлди. Шунинг учун “Гўрўғли менинг илтимосим билан ажойиб сўз билан газал ўқиди”,— деб фаҳмлаб, сўз тамом бўлгач, Гўрўғлига қараб “Баракалло, қаландар, бизни жуда хурсанд қилдинг”,— деб бениҳоя шод бўлди ва Гўрўғлига юзланиб:

— Эй қаландар, сандан яна бир талабимиз бор,— деди.

Гўрўғли айтди;

— Талабингизни сўранг,— деди.

Анда Хунхоршоҳ:

— Биздан давлат кетмайдиган ишимиз орқасига қайтмайдиган ҳамла қилган еримиздан олиб, олдирмай қайтадиган, кўнглимиз нимани истаса битадиган қилиб, семиз бир фотиҳа беринг, ундан сўнг сизни қўшингизни қаландархонага жойлаймиз, ёғ еб, ялангоч ета берасиз,— деди.

Гўрўғли деди:

— Таксир, сиз билан бизнинг орамизда, тушунишимизда анча фарқ борга ўхшаб турибди. Шунинг учун биз сизга фотиҳа берсак, фотиҳани тескари бўлиб чиқмоғи ёки сиз у фотиҳани ҳам қўшиқ маъносига тушунмагандай тушуна олмай орамизда хафачилик туғилиб қолмасин, деб қўрқаман,— деди.

Анда подшоҳ айтди;

— Сиз нима десангиз деяверинг, фақат биз омин деяверамиз, аммо фотиҳангизга биз айтган талабларни қўшиб айтсангиз бас,— деди.

Шунда Гўрўғли “ажаб бўлди” деб қўлини терс ёнини кўтарди:

“Ўлингга⁴³ умр, тиригинга қиргин”,— деди. Хунхоршоҳ ва амалдорлари қўл кўтариб “омин” дедилар.

Яна: “Бизларга йўл озиқ, санга ич оғрик”,— деди. Подшоҳ ва амалдорлар аввалгидан ҳам баландроқ товуш билан “омин” дедилар.

Яна: “Бизларга давлат, санга кулфат” деди. Ҳаммалари “омин” дейишди. Гўрўғли яна шунга ўхшаш бир қанча сўзларни айтиб қўлини юзига олиб борган эди, подшоҳ, амалдорлар ва шу ерда тўпланганлар ҳам “омин” деб юзларига фотиҳа тортдилар.

Сўнг подшоҳ хизматкорларига қараб:

— Булар аслзода одамлар эканлар, буларга бош-оёқ сарупо келтиринглар,— деди. Саруполар тездан олиб келинди. Уларга

⁴³ Ўлингга — ўлигига.

кийгизилгач, яна подшоҳ буюрди: “Буларни қаландархонага олиб бориб, хизматларини бажо келтиринглар”, — деди.

“Қаландарлар” қаландархонага олиб борилиб, чандон хизматлар билан меҳмон этилдилар.

Сўнг Гўрўғли йигитларига айтди:

— Еб-ичиб тинч ёта бермак гўч йигитга муносиб эмас. Шунинг учун сизлар ҳозирча фароғатда бўлиб бир оз дам олиб туринглар, мен чиқиб уёқ-буёқни бир борлаштириб⁴⁴ келай, — деди. Йигитлар “ажаб бўлғой” дедилар. Гўрўғли Ғиротни миниб чиқиб кетди. Паст кўча, рост кўчаларни қидириб, бир боғнинг тегига етди. Қараса, боғнинг ичида бир неча қиз-жувонлар томоша қилиб, сайр этиб, кайфу сафо суриб юрибдилар. Бир қиз буларга қўшилмай четга чиқиб қон йиглаб ўтирибди. Гўрўғли буни кўриб қизга қараб таажужуб билан бир сўз айтади, қиз жавоб беради:

Гўрўғли: Парилар ичинда сансан беқарор.

Паризодим, нечун кийдинг қорани,

Ўзга пари сандек эмас беқарор,

Паризодим, нечун кийдинг қорани?

Қиз жавоб бариб:

Қиз: Бугун манга охир замон бўлибди,

Унинг учун ман киймишам қорани,

Аваз келиб бунда банди бўлибди,

Анинг учун ман киймишам қорани.

⁴⁴ Борлаштириб — сурштириб.

ҚАРОНИ

(Қирқ минг илғор)

М.М. = 110



Гүругли:





Қиз:



Бу-гун ман-га о-хир за-мон(эй) бў-либ-ди(ей) бў-либ-ди



Шунинг у-чун ман гий-ми-шам қа-ро-ни(ей) қа-ро-ни.




А-ваз га-либ бун-да бан-ди бў-либ-дур(ай) дў-либ-дур(ай) бў-либ-дур,



А-нинг у-чун ман гий-ми-шам



қа-ро-ни (ей) қа-ро-ни (ей) қа-ро-ни



Гўрўгли:



Ас-линг қим-дир бизга ба-ён ай-ла-гил(ай) ай-ла-гил



Киз:






Гүрүгли:



Киз:






Ғаним-лар-дан ма-чинг-ках- рим - ни ол-са (ай) ол - са (ай) ол - са,



А-нинг у-чун мангй-ми-шам ка-ро-ни (ей) ка-ро-ни (ей) ка-ро-ни



Гүрүгли:



Хижрон гу-ни тў-либ ви-сол эт-ган - ли (ей) эт - ган - ди,




Са-бо зо-лим - лар-ни ку-ни тў-лган - ди (ей) тў-лган ди,



Ғае - ма-гил Гүр-ўг - ли бек кел-ган-ди (ей) кел-ган-ди (ей) кел-ган ди,



Па-ри - зо-дим не-чунгй-динг ка-ро-ни (ай) ка-ро-ни (ай) ка-ро - ни



Киз:



Бир-марднинг ки - зи-миз о - ди - миз Гул-жон (ай) Гул - жон,



Гўрўгли:

Аслинг кимдир, бизга баён айлагил,
Пинҳон сиринг бугун аён айлагил,
Бизни қардошлиққа гумон айлагил,
Паризодим, нечун кийдинг қорани?

Қиз:

Ман начорам, ҳеч иш келмас қўлимдан,
Қон йиғларман Зайнаб жоду алиндан,
Банди бўлиб тушдим Чандибелиндан,
Анинг учун ман киймишам қорани.

Гўрўгли:

Баён этгил, манга, кимдир авлодинг,
Кимнинг зурёдисан, ким бўлур одинг,
Аваз учун кўп чиқади фарёдинг,
Паризодим, нечун кийдинг қорани?

Қиз:

Манинг бир оғам бор, муродим берса,
Гўрўғлибек оғам бу жойга келса,
Ғанимлардан манинг қаҳримни олса,
Анинг учун ман киймишам, қорани.

Гўрўғли:

Ҳижрон куни тўлиб висол этганда,
Сабо зотимларни куни тўлганди,
Ғам емагил, Гўрўғли оғанг келганди,
Паризодим, нечун кийдинг қорани?

Қиз:

Бир марднинг қизимиз, одимиз Гулжон,
Тонгла⁴⁵ ўлар қирқ йигит ва Авазхон
Чандибелдан келмади Гўрўғли султон,
Анинг учун ман киймишам қорани.

Сўнг Гўрўғли яна такрор айтди:

— Эй санам қиз, сенинг Аваз учун бунча оҳу фиғон кўтариб
йиғлашингнинг боиси нимада? Санга Гўрўғли ва Авазининг қанча
яқинлиги бор?— деди.

Анда қиз жавоб бериб:

— Эй оға, мандан сўрасанг Чандибелда икки опа-сингил бир мард
кишининг қизи эдик. Азон билан ўриндан туриб ҳовлига чиқсам,
супанинг устида икки дона қизил олма турибди. Бирини ман,
иккинчисини опам олиб искадик. Шу замоти⁴⁶ ман ўзимни ана шу
чорбоғ ичинда кўрдим. Опам нима бўлганини билмайман.

Гўрўғли қизга кўнгил бериб, хавотир олма, ҳаммаси яхши бўлиб
кетар,— деб сир бермай ўтиб кетаверди. Шу боришда унинг йўли
подшоҳ зиндонхонасининг олдида тушди. Кўрса, Гўрўғлининг қирқ
йигити бўйнида занжир, оёғинда кишан, зиндоннинг панжарасидан
кўчага қараб ўлтиришган экан. Буларни кўрган Гўрўғли: “Мени
йигитлар танирмикан”,—деб зиндон олдида отини бирпас тўхтатди.
Ўлим кутиб эс-ҳушини йўқотган йигитлар Гўрўғлини таний
билмадилар. Гўрўғли ўзича:

⁴⁵ Тонгла - эрталаб.

⁴⁶ Шу замоти — шу ондаёқ.

“Мен буларга ўзимни танитсам ўзларини уриб, кўзларини чиқарарлар, унда менинг бажаришим керак бўлган ишларга зарарлари тегар деб”, — отига камчи уриб ўтиб кетаверди.

Гўрўгли қаландархонага бориб, дамнини олиб, эрта турди. Чойчилимдан ёзливишиб бўлгунча гунорта⁴⁷ бўлди. Гўрўгли йигитларига маслаҳат бериб, йигитларини урушга тайёрлаб, отларни зартанг-забартанг⁴⁸ эгарлаб тўйхонага бордилар, Хунхоршоҳ бугунги тўйга ўн икки подшоҳни таклиф этган эди. Подшоҳлар, уларнинг амалдор ва сипоҳийлари ва тўйхонага йиғилган халқ шунча кўп эдики, улар тўйхонани етти қуршаб ўраб олган эдилар. Гўрўгли йигитлари билан марака-майдон ичига отдан тушмай кириб келаверди, Йигитларни бир четда қолдириб, ўзи майдон ичра Ғиротни ўйнатиб айланиб чиқди. Тўйга келган подшоҳлар билан юқорида ўтириб томоша қилаётган Хунхоршоҳ Гўрўглига кўзи тушиб:

— Эй қаландар, келдингми? — деди.

Гўрўгли:

— Тақсир, орий, келдик, — деди.

Яна Хунхоршоҳ: “Нега айланиб⁴⁹ қолдинг? Саннинг изингдан одам юборажак бўлиб ўтирган эдик”, — деди.

Гўрўгли:

— Қеча узоқ ўтириб ухлаб қолибмиз, энди хизматингизга етиб келдик, — деди.

Подшоҳ айтди:

— Йиғилган оломонни кўрдингми? — деди.

Гўрўгли:

— Орий, кўрдим, — деди.

Яна подшоҳ айтди:

— Эй қаландар, сан бизга яқинлигингни билдирмоқчи бўлсанг, шу майдонга тўпланган одамларни бир оз орқага сурсанг, сўнг Авазни дорга остириб, тинчитиброқ тўй бошласақ, — деди.

Гўрўгли айтди:

— Тақсир, хизматингизга тайёрман, — деб подшоҳнинг ёнидан нарироқ кетиб марака майдонини кўзлаб сар солиб⁵⁰ кўрди. Майдон ўртасида Хунхоршоҳнинг бир бўлак ботир йигитлари такаббурлик қилиб, халққа орқасини каратиб, ҳеч кимга гап бермай, таралла-ҳаралла қилиб, бемазагарчилик қилиб ўтирибдилар. Шунда Гўрўгли ёнидаги сўтани бўйнидан чиқариб, тасмасини ҳам узунроқ тутиб

⁴⁷ Гунорта — чошгоҳ.

⁴⁸ Зартанг-забартанг — маҳкам, мустаҳкам.

⁴⁹ Айланиб — кечкисиб.

⁵⁰ Сар солиб — бўлжилиб, чамалиб.

Ғиротни бошини тортиброк йигитлар устига борди ва жиловини бўш қўйиб, ўйинга солиш ҳақида кичкина ишора қилди. Шунда Ғирот шундай ўйин бошладики, оғзини очиб Гўрўгли бошлаган ердаги одамларни тишлаб, икки ёнига қараб отиб ташлаб бораверди.

Ғиротни тейиннан қочиб чиққан йигитларни Гўрўгли ҳам сўта билан уриб қўндириб-қўндириб бораверди. Гўрўгли от чопиб подшоҳларнинг олдига келди. Анда подшоҳ айтди:

— Ҳой, қаландар! Сан нима иш қилаётирсан,— деганда, — Гўрўгли айтди:

— Таксир, майдонни бўшатиб, сайпаттириб⁵¹ ташладик. Майдонга қаранг-чи, ўртада ҳеч одам борми?!

Анда Хунхоришох айтди:

— Ундай бўлса, майдон ўртасига, Аваз осиладиган дор атрофига ўн тахтни ўрнаттиргин. Бизлар шу ерга чиқиб ўз ҳузуримизда Авазни дорга тортиб халққа томоша бериб, сўнг эл-элатни ўйли-ўйини қўйиб юборамиз,— деди.

Шу вақтда Гўрўгли йигитларининг ёнига от чоптириб бориб, уларни урушга тайёрлаб бир сўз айтди:

Эй ёронлар, аввал бошдан,

Туқилинг, жаллод устина.


Ер юзи бўёлсин қонга,

Ман ўзим Хунхор устина.

⁵¹ Сайпаттириб—кейинга тислатиб, кенгайтириб.

УСТИНА (Шо кўчди)

М.М. ♩ ≈ 100



Эй ё - рон - лар ав - вал бош - дан, дў - ки - линг жал - лод ус - ти - на



Ер ю - зи бў - ял - син ко - на, ман ў - зим Хун - хор ус - ти - на.



ман ў - зим Хун - хор ус - ти - на (ай)



Кел - ти - ди - лар кў - лин боғ - лаб, ю - ра - тим - ни ў - та доғ - лаб. Хон А ва - зим ду - рар




ёнг - лаб, ёш дў - жар гул - гуно - зи - на. ёш дў - жар гул - гуно - зи - на (ай)



Бул кал-ча- ни уч бур-жи бор, уч-си-н-да учгур-жи бор, зо-лим-лар-нинг на гу




чи бор.(ай) дў-жи-линг зо-лим ус-ти-на. дў-жи-линг зо-лим ус-ти-на(ай)




(Хо) - Бу кал-ча-лар-да ёт-ган-лар, то-за туп-рок-ка бот-ган-лар,



А ваз-ни до-ра тут-кан-лар, дў-ки-линг жал-лод ус-ти-на.



дў-ки-линг жал-лод ус-ти-на(ай)





Эй ёронлар, аввал бошдан,
Тўкилинг, жаллод устина.
Ер юзи бўёлсин қонга,
Ман ўзим Хунхор устина.

Келтирдилар қўлин бойлаб,
Юрагимни ўтга доғлаб,
Хон Авазим турар йиғлаб,
Ёш тўкар гулгун юзина.

Бул қалъанинг уч бурчи бор,
Учисинда уч киши бор,
Золимларнинг на кучи бор,
Тўкилинг, золим устина.

Бу қалъаларда ётганлар,
Тоза тупроққа ботганлар,
Авазни дири⁵² тутқонлар,
Тўкилинг, жаллод устина...

Гўрўтли айтар пирим Али,
Ёд этали бириборни,
Икки оввора бир жаллодни
Босинг дорнинг остина.

Сўзини тамом қилгач, подшоҳга қараб:

⁵² Дири — тирик.

— Тақсир, келаверинг, бизлар тахтни ўрнатиб тайёр бўлдик,— деди.

Хунхоршоҳ ўн икки подшоҳни эргаштириб марака-майдонни ичига кириб, тахтларга чиқиб ўтириб “Жаллод!”— деб чақирди.

Жаллод югуриб келиб: “Бизлар тайёرمىз!”— деди.

Шунда подшоҳ ҳукм қилиб:

— Авазни дорга тортинглар, халққа томоша беринглар!— деди.

Шунда йигирма жаллод Авазнинг устина эндилад⁵³. Уни занжирдан ёздириб олиб, кийимларини ечинтириб (белигача) қўлини маҳкам боғлаб, бўйнига танобни⁵⁴ солиб, дорнинг арқонини маслиқдан⁵⁵ ошириб ташлай бошладилар.

Шунда Гўрўғли Авазни кўриб, отдан тушиб, ўзини тўхтата билмай подшоҳ ёнига яқинроқ келди. Гўрўғлини кўриб йигитлари отдан тушиб, улар ҳам дор тўрига яқинроқ келавердилар.

— Ҳой қаландар, Гўрўғлининг номасиннан бир нома айтиб бер,— деди. Гўрўғли айтди:

— Эй зангар, сан ҳеч номадан ва қондан тўймас экансан. Мана, санга нома,— деб қиличини суғуриб подшоҳнинг гарданига урди. Ҳаддан ташқари ғазабланиб кўзи қонга тўлиб кетган Гўрўғли шу боришда ўн икки подшоҳнинг ҳам калласини олиб ташлади. Унинг қирқ йигити жаллодларнинг устига бориб, йигирма жаллодни икки обора, бирдан дорнинг остида қурбон қилиб ташладилар.

Гўрўғли Авазнинг ёнига бориб, қўлиларини ёздириб, бўйнидан дор танобини олиб ўзини танитиб, подшоҳнинг тўйхонасида уруш бошлади. Подшоҳнинг бир қанча одамларининг калласини кесиб ташлади. Бунни кўрган халқ бақина⁵⁶ бошлади. Кейин қирқ йигитни банддан чиқариб олиб келиб бу йигитларга қўшиб Авазга кўнгил бериб бир шеър айтди:

*Эй ёронлар, аввал бошдин,
Давлат керакдир йигитга,
Йиқилганда суянмакка
Хўстор керакдир йигитга.*

⁵³ Эндилар — ёпирилдилар.



⁵⁴ Таноб—сиртмоқ.


⁵⁵ Маслиқ — дорнинг икки устунини бирлаштириб турувчи қўндаланг қўйилган ёғоч.


⁵⁶ Бақина — итоат қилиш, тобе бўлиш.

ЙИГИТГА (Илғор I)

М.М. ♩ = 140







Гўрўгли-ни о-ти бўл-са, Гўчйигитнинг зо-ти бўл-са, Кўлингнингхув



ва-ти бўл-са, Е - би га - рак - дур йи - ги - та.



Эй ёронлар, аввал бошдин,
Давлат керакдир йигитга,
Йиқилганда суянмакка
Хўстор керакдир йигитга.

Отдир йигитнинг йўлдоши,
Ўғилдир давлатнинг боши,
Киз деган ҳам кўнгил хуши,
Зурёд керакдир йигитга,

Сочбоғи қирмиз сачоқли,
Манглайи даво ғажакли,
Узун бўйли, кенг кучоқли,
Жонон керакдир йигитга,

Гўрўглининг оти бўлса,
Гўч йигитнинг зоти бўлса,
Кўлинг қуввати бўлса,
Ёби керакдир йигитга.
Гўрўгли Авазга айтди:

— Қани ўғлим, энди нима дейсан- Сани учун Хунхоршоҳнинг
каласини олдим, подшоҳларини ўлдирдим, халқини бақинтирдим.
Энди на армонинг бор, айт,— деди.

Шунда Аваз айтди:

— Хунхоршоҳнинг икки қизи бор, бирига Дилором, иккинчисига Сарвижон деб от берадилар. Шуларни қўлга олиб Чандибелга қайтсак яхши бўлар эди,—деди.

Анда Гўрўғли Хунхоршоҳнинг ҳарамига ўзидан одам қўйиб қизларнинг боғини қидириб кетди.

Боғни топкач, уч юз олтмиш канизи билан Дилором ва Сарвижонни олдина солиб подшоҳнинг баргоҳина етиб келди. Сўнг Хунхоршоҳнинг юртина ўзидан одам тайинлаб, йигитларини тайёрлаб йўл ҳозирлигини кўриб, Хунхоршоҳнинг хазинадапиналарини йиғиб, Чандибелга йўлга чиқди. Шу юришда йўл юриб, бир тоғнинг тепасига етишдилар. Гўрўғли йигитларини чойчилимга ўтиртириб, қўлина қиличини олиб бир қудуқнинг бўйида борди. Қулоқ солиб қараса, қудуқдан овоз чиқиб, шу сўзлар эшитилиб турмоқда:

*Келмагай эрдим бу жаҳонга,
Икки девнинг дод алинган,
Йиглаб қўзим тўлди қонга,
Икки девнинг дод алинган,*

(Раҳм айла)


M.M.J = 140



Ик-кн дев-ншт




Ик-ки дев-нинг дод а-лин-нан



Фа - ләк дас - тин - ман гул - ма - дин,
Ях - ши җ - мон - ни бил - ма - дин.



Ик - ки дев-нинг





Келмагай эрдим бу жаҳонга,
Икки девнинг дод алиннан,
Йиглаб кўзим тўлди қонга,
Икки девнинг дод алиннан,

Фалак дастидан кулмадим,
Яхши, ёмонни билмадим,
Дунёда ишрат кўрмадим,
Икки девнинг дод алиннан.

Яхти жаҳон манга зиндон,
Бахти қора—отим Бўстон,
Ер юзинда Гўрўгли султон,
Икки девнинг дод алиннан.

Бу сўзларни эшиткач, Гўрўгли айтди:

— Эй, қудуқ ичра ётган бандайи худо, сан кимсан ва унда не иш билан машғулдирсан?— деди. Қудуқдан овоз чиқди.

— Сани ўзинг ким бўласан?

Анда Гўрўгли айтди:

— Ман Гўрўгли бўлурман,

Қудуқдан яна овоз чиқди:

— Эй Гўрўгли, ман санга кўп замонлардан бери мушток эрурман, Бу қудуқда икки дев бор. Мани шулардан халос этиб олиб кетишингга интизорман, — деди.

Анда Гўрўгли айтди:

— Эй Бўстонжон, ман бу девларни қандай қилиб ўлдириб, сени улардан халос қиламан?— деди.

Қиз айтди:

— Қудуқнинг оғзига тўрни қурсанг, сан қудуқнинг ичига тушсанг, сандан кейин бир оқ қаптар келиб ўзини тўрга уради.

йигитларинг уни тутиб чалиб⁵⁷ ташласа, оқ девни ўлдирган бўласан. Сўнг кейиннан бир қора каптар келиб уради, ани ҳам тутиб чалиб ташласа, қора дев ўлдирилган бўлади. Ҳар икки девнинг жони шу каптарлар ичига жойлаштирилгандир,— деди.

Анда Гўрўғли йигитларидан энг забардаст бирини чакириб, қиладиган ишларини таълим бериб ўзини қудуққа олди: йигит қудуқ оғзини тўр билан қоллади. Қудуқни ичига тушиб қараса, унинг ичида катта тоғ бўлиб, унинг остида икки дев ётибди. Ҳар қайсисининг эни ўн газ, узун йигирма газдан кам эмас. Кирпиклари куррани⁵⁸ қуйруғидек⁵⁹. Шу вақтда бир оқ каптар келиб тўрға урди. Қудуқ оғзидаги йигит каптарни тутиб чалиб ташлаб хабар берди. Гўрўғли оқ девни оёқ томонинан бориб, қиличини ўнг оёғига санчди. Дев сесканиб, қимирлаб “паншпалар ёмон чақадиган бўлибди”,— деб гўнғирлади. Сўнг Гўрўғли девнинг калласини қилич уриб узиб туширди.

Андин сўнг узоқ ўтмай тўрға яна бир қора каптар ҳам. келиб урди. Турган йигит уни ҳам тутиб олиб бошини узди. Сўнг Гўрўғлига хабар берди. Гўрўғли қора девни ҳам калласини шу заҳоти танидан жудо қилди.

Қизни қўлтигидан қўтариб, қудуқдан чиқариб ҳол-аҳвол сўради. Қиз Гўрўғлига ҳолини баён айлаб икки оғиз сўз айтди:

Қулоқ солиб арзим эшит, султоним,
Фалак мани бўйла хору зор этди,
Уч йил бўлди бу чоҳ бўлди маконим,
Мундоғ балоларга дучакор этди,

Фалак мани етирмади мурода,
Кунба-кундан дардим бўлди зиёда,
Ота-онам кўрмай қолди фарёда,
Кўрмак учун мани интизор этди.

Билмам на савдони солди бошим,
Раҳм айламай кўздан оққан ёшима,
Қариндошим эндинг манинг дошима,
Кўрмак учун мани интизор этди.

Бўстон айтар, билмам, надир гуноҳим,

⁵⁷ Чалиб — калласини кесиб.

⁵⁸ Куррани — ҳўтидон.

⁵⁹ Қуйруғи — думи.

Сандан ўзга йўқдир манинг паноҳим,

Гўрўгли билан гаплашиб турган қизни кўрган йигитлар югуриб келиб уларнинг теварагини ўраб олдилар. Булар орасида Хунхоршоҳ қизининг боғидан озод этиб олинган Гулжон ҳам бор эди. Яқин келиб қараса Гўрўгли билан гаплашиб турган қиз ўзининг опаси Бўстон экан. Опа-сингил бир-бирларини таниб, кўзларидан ёшлари селдек оқиб ўзларини бир-бирларининг кучоғига отдилар. Бир-бирларининг бошларидан ўтган саргузаштларни йиғлай-йиғлай айтишди.

Сўнг Гўрўгли хурсанд бўлиб, йигитларини чой, чилим, таомдан пуроб⁶⁰ этиб, эртасига Чандибелга қараб йўл олди. Қўп замон йўл юриб Гўрўгли бораверди. У юриб турсин. Сўзни Чандибелда қолган Гўрўглининг паризодидан эшитинг.

Паризод ётган ерида бир воқеа кўриб, Гўрўгли Авазнинг йигитларини хазина-дапиналар билан соғ-омон олиб келаётган эканлиги аён бўлди. Шунда ўрнидан туриб канизларини чақириб кўрган воқеасини баён этиб бир сўз деди:

*Ойдиннинг кечаси саҳар чоғида,
Кўзимга бир моҳи тобон кўринди.
Бизга рухсат бўлди фурсат чоғида,
Кўзимга бир турфа султон кўринди.*

⁶⁰ Пуроб— сероб маъносиди

ГҮРИНДИ (Гуландом)

M.M. ♩ = 140



Ой - дин - нинг ке - че - си са - хар чо - гин - да,
Биз - га рух - сат бул - ди фур - сат чо - гин - да



Гүз - зи - ма бир мо - хи то - бон гү-рин-ди.
Гүз - зи - ма бир тур - фа сул - тон



Гүч йн-гит бо - шм - да дав-лат то - жи бор,
Ка - то - ри - да сак-сон як - ки на - ри бор,



Ен-ла-ри-да бо-тир А-ваз ўт-ли бор, Гўз-зи-ма-бир




гур-фа сул-тон гў-рин-ди.




Ту-шим-да Га-либ-ди Гўр-ўг-ли сул-тон, Та-гин-да Ғи-ро-ти зг-ин-да қал-хон,



Ен-ла-ри-да бо-тир ўт-ли А-ваз хон, Гўз-зи-ма-бир мо-ди то-бон гў-рин-ди.



О-га Ю-нус ай-тар, Гул-рух Па-ри-зод



Қан-ча кун қай-гу-дан биз бўл-дик о-зод



Ойдининг кечаси саҳар чоғида,
 Кўзимга бир моҳи тобон кўринди.
 Бизга рухсат бўлди фурсат чоғида,
 Кўзимга бир турфа султон кўринди.

Гўч йигит бошида давлат тожи бор,
 Қаторида саксон икки нори бор,
 Ёнларида ботир Аваз ўгли бор.
 Кўзимга бир турфа султон кўринди.

Тушимда келибди Гўрўғли султон,
 Тегида Фироти, эғнида қалқон,
 Ёнларинда ботир ўғли Авазхон,
 Кўзимга бир моҳи тобон кўринди.

Оға Юнус айтар, Гулруҳ паризод,
 Анча кун қайғудан биз бўлдик озод,
 Малика Шириндир, Авазхон Фарҳод
 Ошиқларга беш кун даврон кўринди.

Эндиги сўзни Гўрўғлидан эшитинг: Гўрўғли бир қанча одамлар, мол-
 дунё, ўлжа, паризодлар билан Чандибел вилоятига бориб кирди.
 Олиб борган молу дунёларини йигитлари ва бева-бечораларга
 бўлиштириб бериб, уч кеча-кундуз тўй-томоша қилиб, муроди
 мақсадина етди. Жумла инсонлар ҳам муроди мақсадина етсин!

M.M. ♩ = 120



Достон мусиқасини нотага олувчи: Умидбек Болтаев.

МУНДАРИЖА:

Хоразм дostonларининг ижрочилари	3
Ошиқ Ойдин пир	5
Эшвой бахши	10
Ғарибниёз	11
Ризо бахши	14
Суяв бахши	15
Мусо бахши Турумов	17
Жуманазар бахши	18
Қурбонбой бахши	18
Аҳмад бахши Матназаров	18
Худойберган бахши Ўтаганов	22
Йўлдош бахши Дўсимбетов	23
Абдулла бахши Бобожонов	24
Бола бахши	24
Матназар Жаббор ўғли	26
Ҳайитвой бахши	26
Жумабой Худойберганов-сакрак бахши	27
Қодир созчи Каримов	29
Абди бахши Отагалдиев	29
Турсун бахши	30
Аҳмад бахши Янгибоев	32
Маҳмуд Юсупов	32
Отахон бахши Матяқубов	34
Рўзимбек Муродов	34
Норбек Абдуллаев	35
Қаландар Норматов	37
Матёқуб Абдуллаев	37
Етмишбой бахши	38
Карим бахши Отамуродов	38
Саиджон бахши Бобоев	39
Рўзимбой бахши Одамбоев	41
Хоразм бахшилари ижросида ёзиб олинган дostonлардан намуналар	43
Ошиқ Ғариб ва Шохсанам	43
Ҳуршиқо ва Ҳамро	68
Қирқ минглар	93
Бахшичилик санъатининг қадимий илдизлари	109

Бахши ижрочилигининг юзага келишидаги	
дастлабки омиллар.....	109
“Авазхон” достони.....	142
Авазхон достонида ишлатилган куй-	
нағмаларининг лад тузулиши	142

*С.Рўзимбоев, Н.Сабинова,
“Хоразм бахшичилиги анъаналар”, илмий-услубий нашр.*

Мухаррир: *Исмомил ОЛЛАБЕРГАНОВ.*
Мусаввир: *Қ.Ўрозметова.*
Саҳифаловчи: *Қ.ОТАЖОНОВ.*
Техник муҳаррир: *Н.ЭРГАШЕВА.*
Рассом: *Зулфия КАРИМОВА.*

*Гувоҳнома: 841526. Тасдиқнома: 8518. Босишга рухсат қилинди: 20.12.2020
йил. Бичими: 84x108 1/16. “Times new roman” гарнитураси. Ҳажми: 10
босма тобоқ. Адади: 100 нусха. Буюртма: № 14. Баҳоси: шартномага
мувофиқ. Оригинал макет “Zamon-poligraf” ОК босмахонасида тайёрланди
ва чоп қилинди.*

Наширёт манзили:

*Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.
Telefonlar: +999 99 540 41 04,
93 090 41 04.*

Босмахона манзили:

*Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
“Бободехқон” маҳалласи, Б.Тиллаев кўчаси, 45-уй*